



ҮЛМАСОВ А.

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ

Үқув құлланма

“IQTISODIYOT”

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
“ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ”
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРҚАЗИ



CEDR

**А. ЎЛМАСОВ, д. АХМЕДОВ,
Б. ХОНТУРАЕВ**

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ

Ўқув қўлланма

**«IQTISODIYOT»
Тошкент – 2020**

УЎК: 37.015.6(075)

КБК: 65я721

А.Ўлмасов, Д.Ахмедов, Б.Хонтураев. «Иқтисодий билим асослари»: Ўкув қўлланма – Т.: “IQTISODIYOT”, 2020. – 216 б.

Иқтисодий билим асослари. Ўкув қўлланма Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий тадқиқот маркази кенгашида мухокама килинган ва чоп этишга тавсия килинган. Ўкув қўлланма ОТ-Ф1-022-раками “Иқтисодиётни баркарор ривожланишини таъминловчи ички имкониятларни аниқлаш ва заҳираларни сафарбар килишнинг илмий-методик асослари” мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳасини “Фан ва таълим интеграция”си доирасида ишлаб чикилган.

Китобда ҳозирги иқтисодиётга хос бўлган конунларнинг мазмун-моҳияти, уларни ифодаловчи иқтисодий ҳодисалар баён этилган. Конунларнинг объективлиги, уларнинг таҷдига биноан иқтисодий амалларга бориш зарурлиги, конунлардан келиб чикадиган қоидаларга, айниқса, муқобил ташлов қоидасига алоҳида эътибор қаратилган. Иқтисодий-илмий тушунчалар лугавий ва мазмун жиҳатидан кўрсатилган, улар микро, макро ва мега иқтисодий даражада ёритилган. Қўлланмада иқтисодиётнинг тартибли бўлиши, уни таъминлашада базор механизми ва давлатнинг роли очиб берилган, иқтисодиётнинг ижтимоий йўналиши, уни таъминлаш усуллари кўрсатилган. Китоб иқтисодий саводхонликни оммавий даражада оширишга қаратилган.

В книге описываются сущность законов, присущих современной экономике, экономические явления, их характеризующие. Особое внимание уделяется объективности законов, необходимости идти в хозяйственную практику по своему вкусу, правилам, вытекающим из законов, особенно правилу альтернативного выбора. Экономико-научные понятия обозначаются с точки зрения лексики и содержания, освещаются на микро, макро и мега экономическом уровне. В пособии раскрываются закономерности развития экономики, рыночный механизм и роль государства в ее обеспечении, социальная направленность экономики, методы ее обеспечения. Книга направлена на повышение экономической грамотности населения на массовом уровне.

Муаллифлар:

А.Ўлмасов, Д.Ахмедов, Б.Хонтураев

Масъул муҳаррріп:

Д.К. Ахмедов – и.ф.д., профессор.

Тақризчилар:

А.С. Усманов – ТДИУ хузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази “Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва баркарор ривожланишининг илмий муаммолари” сектори мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

Б.Д. Ҳажиев – Тошкент давлат иқтисодиётуниверситети “Фундаментал иқтисодиёт” кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент.

ISBN 978-9943-6365-7-6

© «IQTISODIYOT» нашриёти, 2020.

© ТДИУ хузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” ИТМ, 2020.

МУНДАРИЖА

Кириш	5
I БОБ. ИҚТИСОДИЁТ	7
1.1. Иқтисодиёт нима ва у нимани ўрганади?	7
1.2. Кишиларнинг эхтиёжлари ва уларнинг юксалиш конуни	12
1.3. Иқтисодий хулк-атвор	21
1.4. Иқтисодий тизимнинг турлари ва зарурлиги	27
II БОБ. ТОВАР-ПУЛ ВА МУЛКЧИЛИК МУНОСОБАТЛАРИ	31
2.1. Товар тушунчаси	31
2.2. Пулнинг келиб чиқиши, моҳияти ва вазифалари	32
2.3. Инфляция ва унинг сабаблари	43
2.4. Мулк тушунчаси, шакллари ва турлари	48
III БОБ. БОЗОР. ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ ҚОНУNLARI	60
3.1. Бозор ва унинг турлари	60
3.2. Талаб ва таклиф назарияси. Бозор мувозанати	62
3.3. Нарх ва унинг функциялари	71
3.4. Истеъмолчининг хулк-атвори	76
IV БОБ. БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК	80
4.1. Бизнес ва унинг турлари	80
4.2. Фирмалар ва унинг турлари	82
4.3. Тадбиркорлик риски.	85
4.4. Бизнеснинг ахлоқий қоидалари	86
V БОБ. БИЗНЕСНИ БОШҚАРИШ ТАРТИБИ	87
5.1. Бошқарувнинг моҳияти ва усуллари	87
5.2. Бошқарув қарорлари	89
5.3. Бошқаришда маркетинг хизматининг роли	90
5.4. Нарх белгилаш	93
VI БОБ. РАҚОБАТ ҚОНУНИ	97
6.1. Ракобат ва унинг усуллари	97
6.2. Муқаммал ракобат	99
6.3. Номуқаммал ракобат	101
VII БОБ. МИЛЛИЙ ИҚДИСОДИЁТНИНГ ЎСИШИ. ЦИКЛЛИ РИВОЖЛАНИШ ҚОНУНИ	104
7.1. Миллий иқтисодиёт тушунчаси	104
7.2. Миллий иқтисодиётнинг ўсиши	105
7.3. Иқтисодий ўсиш ва унинг турлари	108
7.4. Циклли иқтисодий ўсиш қонуни. Цикл турлари	123
7.5. Иқтисодий бекарорлик ва хавсизлик	125



7.6.	Яширин иқтисодиёт	127
VIII БОБ	МОЛИЯ. КРЕДИТ ВА КРЕДИТЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ	130
8.1.	Молия тушунчаси, функциялари ва турлари	130
8.2.	Молия бозори	137
8.3.	Кредит тушунчаси, тамойиллари ва турлари	140
8.4.	Банклар	149
8.5.	Исломий молиялар ва банк тизими	154
IX БОБ	ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ	161
9.1.	Иқтисодий барқарорлик	161
9.2.	Фискал ва монетар сиёсат	162
9.3.	Фискал сиёсат: солиқлар ва солиққа тортиш	167
X БОБ	БАНДЛИК ВА ИШСИЗЛИК	171
10.1.	Мехнат ресурсларининг бандлиги	171
10.2.	Мехнат бозори	173
10.3.	Иш билан бандликнинг инновацион шакуллари	175
10.4.	Ишсизлик ва унинг турлари	178
XI БОБ	ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР	183
11.1.	Миллий иқтисодиётнинг гурухланиши	183
11.2.	Халқаро савдо: таққосий афзалик конуни (Мутлок ва нисбий устунлик)	184
11.3.	Экспорт ва импорт	189
11.4.	Интеграция ва глобализация	191
XII БОБ	ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ФАРОВОНЛИК	194
12.1.	Инклиузив ўсиш тушунчаси ва унинг зарурлиги	194
12.2.	Аҳолининг турмуш даражаси	195
12.3.	Аҳоли пул даромадлари	203
	Хулоса	207
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	212

КИРИШ

Бутун инсоният тарихида иқтисодиётта қизиқиш, унинг қандай соҳа эканлигини тушуниб етишга катта эътибор қаратилган. Жамият ҳаётида ҳақиқатдан ҳам «иктисод» сўзи кўпдан-кўп учрайди, айрим ҳолларда эса аввал иктисод, кейин сиёsat тушунчаси ишлатилиди. Кишилар яшашлари жараёнида ҳамиша иқтисодий фаолият билан машғул бўладилар. Табиат инъомларига ўзлари яратган меҳнат воситалари билан таъсир этиб, ўз рисқ-насибаларини яратадилар. Жамият тараққиёти билан уларнинг иқтисодий фаолиятлари ҳам такомиллашиб боради. Чунки янги-янги техника, технология, малақа ва кўникмалар пайдо бўлади, ишлаб чиқариш кучлари тараққиёти шу боис юқори погоналарга кўтарила боради, фаолият турлари орта боради.

Инсоннинг иқтисодий саъй-ҳаракатлари негизида ҳамиша муайян қонун қоидалар ётади. Бу қонун қоидаларга амал қилиш иқтисодиётнинг ривожланишига кўмаклашади, яъни улардан тўғри фойдаланилса ижобий ва аксинча, нотўғри фойдаланилганда эса салбий натижа бериши мумкин. Кишилик жамияти узоқ ривожланиши босқичини ўз ичига олади. Бу давр мобайнида кишилар иқтисодий ҳодисаларни, уларни умумлаштириб, турли фикр ва мулоҳазаларни илмий қарашларни олга сурғанлар. Буларнинг натижасида иқтисодиёт илми юзага қелган. Бу борада Куръони Карим, Ҳадиси Шарифда, аждодларимиз бўлмиш буюк алломалар асарларида иқтисодиёт қонун-қоидаларига, тартибларига, хўжалик юритиши усулларига оид фикр ва мулоҳазалар баён этилган. Шу билан барга, гарбий Европада яшаб ўтган мутафаккирлар иқтисодий илмларни ривожлантиришга, фан сифатида юзага келишига катта ҳисса күшгандар. Киши ҳаётида иқтисодиёт муҳим ўрин эгаллар экан, XX асрга келиб иқтисодиёт илмiga қизиқиш, унга эътибор гоятда кучайди.

Чунки бу даврга келиб жамиятда кўпгина муаммолар пайдо бўла бошлидики, уларни бартараф этиш, тежамли ва ўйлаб олиб бориладиган иқтисодий, фаолиятта боғликлиги аён бўлди. Масалан, ресурслар чекланганилиги, уларнинг тақчиллиги, экологик муаммолар, демографик холат, мамлакатлар ичидаги ва ўргасидаги нотинчлик ва ҳоқазолар бунга мисол бўла олади. Олимларнинг ёзишича, иқтисодий илмнинг қоидаларини бир сахифа когозга сифдириш мумкин, аммо шунга қарамай уни жуда кам киши тушунади. Демак, иқтисодни билиш учун уни кунт билан ўрганиш керак. Таъкидлаганимиздай

кишиларга ҳамма замонларда иқтисодий билимлар зарур бўлган, чунки иқтисод уй-рўзгордан, уй хўжалигидан бошланади ва ҳамма уни билиши зарур хисобланади. Ҳаммага маълумки, кишилар бугунги кун билан эмас, балки келажак умиди билан ҳам яшайдилар. Бундан келиб чиқиб, иқтисодиёт илми эса шу кун ҳадисларини тушунтириш билан чекланмайди, балки келажакни ҳам англашга кўмак беради. Ҳусусан, янги аср бўсағасида иқтисодий билимлар катта аҳамият касб этади, чунки янги давр иқтисодиётда ҳам улкан янгиликларни воқеъ қилиши кутилмоқда. Шу талаблар асосида иқтисодиёт, унинг конун-қоидаларини тушунадиган, уни ҳётга тадбиқ эта оладиган кадрлар тайёрлашини талаб қиласи.

Иқтисодиётнинг ривожланиши қонунларини, унинг тамойилларини, қоидаларини жамият аъзолари қанчалик чуқур эгалласалар, жамият бўйича шунчалик хатарга (касадга учраш, ишсизлик, даромадсиз қолиш ва хоказолар) кам йўлиқиши, йўлиқкан тақдирда ҳам ундан кам талофат билан чиқиш мумкин бўлади. Иқтисодий ривожланишнинг мазмуни, омиллари, ўлчамлари ва муаммоларини ўрганиш доимо иқтисодий фанлар ҳамда давлат сиёсатининг асосий вазифаларидан бўлиб келган.


Ана шу каби муҳим масалаларни самарали ҳал қилиш кўп жиҳатдан кишиларнинг иқтисодий ривожланишнинг ўзига ҳос ҳусусиятлари ва сир-асрорлари, уларнинг талаб ва ҳусусиятлари, қонун-қоидалари, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг мақсад ва моҳиятини чуқурроқ билишларига боғлиқдир. “Иқтисодий” фанларни ўқитишдан мақсад – инсонларни иқтисодий ривожланиш жараёнларида юзага келадиган асосий муаммолар ва уларнинг эчимлари билан танишириш ҳамда уларга иқтисодий қонунларни ўргатишдан иборатдир.

Ушбу китоб орқали ўқувчи миллий иқтисодиёт нималигини, унинг цикли ўсишини, иқтисодий хавфсизлик қандай таъминланишини, иқтисодиётда молия ва кредит қандай ўрин тутишини, иқтисодиётнинг тартибланишида бозор механизми ва давлат қандай иштирок этишини билиб олади. Китобда ҳозирги иқтисодиёт қандай тартибга солиниши очиб берилади. Китобда ҳалқаро иқтисодий алоқалар, уларнга хос интеграция ва глобализация каби жараёнлар ҳам ўрин олган. Унинг сўнгтида китобхон иқтисодиётнинг ижтимоийлиги ва турмуш фаровонлиги ҳакида тушунча олади. Китоб ўтказилган таҳлилдан келиб чиқадиган хуносалар билан таниширади. Мазкур китоб китобхонларнинг кенг қатламига мўлжалланган.

I БОБ. ИҚТИСОДИЁТ

1. Иқтисодиёт нима ва у нимани ўрганади?

Кўпчилик инсонлар иқтисодиёт категориясини эшитганларида, кўз олдиларига пул келади. Хўш, бу қандай даражада тўғри? Иқтисодиётда пул билан боғлиқ жуда кўп нарсалар бор. Жумладан, одамлар қанча пул тўлашлари керак, улар қанча сарф қиласдилар, турли буюмларни сотиб олиш учун қанча ҳаражат қиласдилар, фирма қанча пул топади ва иқтисодиётда жами қанча пул бор каби кўплаб саволларга дуч келамиз. Бироқ ҳаётимиз пул билан боғлиқ бўлган кўплаб соҳалардан иборатлигига қарамасдан, иқтисодиёт фақат пулни ўрганишдан кўра бошқа биз пайқамаган нарсаларга эътиборини қаратади.



Жеймс Стеуартнинг (1770) биринчи «сиёсий иқтисод» китобида шундай дейди: “Иқтисодиёт, умуман олганда, ошланинг барча эҳтиёжларини қондириши санъати, барча аҳоли учун муайян ҳаётий таъминотни таъминлашга, ҳар қандай хавфли вазиятни бартараф этишига интилади, жамиятнинг ҳоҳши-истакларини амалга ошириши учун зарур бўлган ҳар қандай нарсаларни таъминлайди ва табиийки, улар ўртасида ўзаро муносабатлар ва ўзаро боғлиқларни яратиш учун фуқароларни ши билан таъминлайди, бир-бирларининг ўзаро ҳоҳши-истакларини рўёбга чиқаради”¹ган ижтимоий фандир”¹.

“Иқтисодиёт сўзи юонча оикономос сўзидан келиб чиқсан бўлиб, «Уй хўжаликни бошқарадиган киши» деган маънони англатади. Дастреб, бу манзара ўзига хос туюлиши мумкин. Аммо, аслида, уй хўжаликлар ва иқтисодиётда жуда кўп умумийлик мавжуддир”.

Иқтисодиёт ҳар куни қабул қилинган қарорларимизни ўрганади. Уйда кўп қарорлар қабул қилинади. Ким кечки овқатни тайёрлайди? Кирларни ким ювади? Кечки овқатда ким кўпроқ ширинлик ейди? Телевизор кўрсатувларини томоша қилишни ким танлайди? Мухтасар қилиб айтганда, уй хўжалиги ҳар бир оила аъзосининг қобилиятини,

¹ Stewart James (1770). *An Inquiry into the Principles of Political Economy* p1.

ҳаракатини ва истакларини инобатта олган ҳолда, чекланган ресурсларини турли аъзоларга ажратиши керак.

Бир оила каби жамиятда ҳам кўп қарорлар қабул қилинади. Жамиятда кимлар озиқ-овқат етиштиради, кимлар кийим-кечакни таъминлайди, ва кимлар компьютер дастурларини ишлаб чиқаради. Ким балиқни истеъмол қилади, ким картошка истеъмол қилади, машинани ким бошқаради ва автобусда ким юриши ҳақида қарор қабул қилиш керак.

Жамият ресурсларини бошқариш муҳимдир, чунки ресурслар жуда ҳам кам. Чекланганик жамиятнинг чекланган ресурсларга эга эканлигини англатади, шунинг учун одамлар хоҳлаган барча товарлар ва хизматларни ишлаб чиқара олмайди. Уй хўжалигининг ҳар бир аъзоси хоҳлаган нарсасини ололмагани каби, жамиятдаги ҳар бир инсон ҳам ўзининг юксак яшаш даражасига эриша олмайди.

Шунинг учун, **Иқтисодиёт** – жамиятнинг чекланган ресурсларини қандай бошқаришини ўрганади. Иқтисодиёт одамларнинг қандай қарор қабул қилишини, қанча ишлашларини, нима сотиб олишини, қанчалик улар тежашини ва уларнинг маблагларини қандай қилиб сарф қилишларини ва одамлар ўзаро қандай муносабатда бўлишини ўрганади.

Иқтисодиёт - жамиятнинг ҳамма аъзолари учун фаровон ҳаёт яратиш усул ва воситаларини ўрганадиган ва амалда кўллайдиган соҳа. Иқтисоднинг ягона мақсади - жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун яхши турмуш тарзини яратиш. Ана шу асосий мақсаддан бошқа иккиласмчи мақсадлар келиб чиқади: иқтисодий ривожланишни таъминлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, барчани иш билан таъминлаш ва ҳоказо.

Иқтисодиёт ањанавий тарзда иккита асосий тармокқа бўлинади: макроиқтисодиёт ва микроиқтисодиёт, «макро» катта маънога эга, «микро» кичик маънога эга.

Микроиқтисодиёт (юнонча префиксдан «микро» маъносини англатувчи «кичкина») иқтисоднинг бир бўлими бўлиб, у одамлар ва фирмаларнинг чекланган ресурсларни тақсимлаш ва ушбу шахслар ва фирмалар ўргасидаги ўзаро боғлиқлик тўғрисида қарор қабул қилишдаги хатти-ҳаракатини ўрганади. Микроиқтисодиётнинг мақсади - товарлар ва хизматлар ўргасидаги нисбий нархларни белгилайдиган бозор механизмларини таҳлил қилиш ва алтернатив мақсадлар орасида чекланган ресурсларни тақсимлашни ўрганиш.

Микроиқтисодиёт қуйи даражада иқтисодий қарорлар қандай ва нима учун қабул қилинишини тушунтиради. Масалан, у истеъмолчилар товарни ҳарид қилиш ҳақида қарорни қандай қабул қилиши, уларнинг танловига нархлар ҳамда истеъмолчиларнинг даромадларининг ўзгариши қандай таъсири қилишини, фирмалар ишчилар сонини қандай режалаштиришини, ишчилар ўзлари қаерда ва қанча маблағ сарфлашларини қандай ҳал қилишларини тушунтириб беради.

Микроиқтисодиёт алоҳида одамлар, корхоналар ва бир бутун олганда жамиятнинг танловига таъсири қилувчи сабаб-оқибат алоқаларини тадқиқ қиласди. У чекланганлик, танлов ва муқобил қиймат тушунчалари, шунингдек, ишлаб чиқариш ва истеъмол билан иш кўради. Микро-иқтисодий таҳлил иқтисодий тизимнинг айрим ўзига хос специфик қисмлари (компонент)ларини яқин масофадан кўриш учун зарур. Микроиқтисодиёт «ўрмонни эмас дараҳтларни» ўрганади.

Макроиқтисодиёт (юнонча префиксдан «макро» маъносини англатувчи «катта») иқтисодиётнинг ишлаши, тузилиши, хулк-автори ва умуман иқтисодиётнинг қарор қабул қилиш билан шуғулланадиган иқтисод бўлимидир. Бунга миллий, минтақавий ва глобал иқтисодиёт киради. Макроиқтисодиёт иқтисодиётнинг қандай тезлиқда ривожланаётгани, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми қандайлиги, даромадлар йигиндиси қандайлиги, бандликнинг умумий дараражаси, ҳаражатларнинг умумий ҳажми, нархларнинг умумий дараражаси қандайлиги ва бошқа масалаларни ўрганади. Қисқа қилиб айтганда, макроиқтисодиёт энди «дараҳтларни эмас, ўрмонни» ўрганди.

Шундай қилиб, иқтисодиётта таъриф бериш қийин, лекин аксарият одамлар у билан тўқнаш келишганда, уни дарров таниб оладилар. Умуман олганда, иқтисодиёт – бу жамиятларнинг дунёда мавжудлигини таъминлаш усулларини ўрганишdir. Агар янада аниқроқ айтадиган бўлсак, иқтисодиёт – инсонлар эҳтиёжини кондириш мақсадида ишлаб чиқарип учун чекланган ресурслардан фойдаланиш йўлларини ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни тақсимлашни тадқиқ этувчи илм ҳисобланади.

Одамлар қандай қарор қабул қиласдилар?

Иқтисодиётда қандайдир сир йўқ. Ўзбекистон, Америка Кўшма Штатлари ёки бутун дунё иқтисодиёти ҳақида гапирадиган бўлсак,

иктисод - ҳаётлари ҳақида қайғураётган бир-бирлари билан ишлайдиган одамлар гурухи. Иктиносидиётнинг хулқ-автори иктиносидни ташкил этувчи шахсларнинг хатти-ҳаракатларини акс эттиради, биз иктиносидни ўрганишни шахсий қарор қабул қилиш билан бошлаймиз.

Одамлар “алтернатив”² га дуч келадилар.

Эҳтимол сиз эшигтан бўлишингиз мумкин: «Текин нарсанинг ўзи йўқ».

Бу сўзда жуда кўп ҳақиқат бор. Биз истаган нарсаларни олиш учун биз одатда, биз истаган бошқа нарсадан воз кечишимиш керак. Қарор қабул қилиш бошқа мақсадга қарши курашини талаб қиласди. Келинг, талабанинг энг қимматбаҳо манбанинг - унинг вақтини қандай ажратиш кераклиги ҳақида қарор қабул қилиши керак бўлган талабини кўриб чиқайлик. У иктиносидни ўрганиш учун барча вақтини сарфлай олиши мумкин, ёки шу вақтни психологияни ўрганишга ёки уни икки соҳа ўртасида ҳам ажратиши мумкин. Ҳар бир соат учун у бир мавзуни ўргангандан ва ҳар бир соат учун у ўқишини танлагандан, у соатлаб, велосипедда юришдан, телевизор томоша қилишдан ёки қўшимча пул топиш учун иш билан шуғуланишдан воз кечишга тўғри келади.

Ёки ота-оналарни оилавий даромадни қандай сарфлаш ҳақида қарор қабул қилишига эътиборингизни каратинг. Улар ўзларининг (дейлик, 2 млн сўм) пулларига озиқ-овқат, кийим-кечак, болаларининг коллежда таълим олиши учун пул йиғишлари ёки четга саёҳат учун чипта сотиб олишлари мумкин. Лекин бир вақтнинг ўзида ҳамма нарса ололмайдилар. Улар озиқ-овқатга пул сарфлашни танлаганларида, кийим-кечакларни сотиб олишдан воз кечишлари ёки болаларининг коллежда таълим олиш учун цул йиғишлари учун четга саёҳат қилишдан воз кечиш керак бўлади.

Инсоният эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган барча товар ва хизматларини ишлаб чиқаришнинг имкони йўқ. Чунки иктиносидий ресурслар чекланган.

Шу боис нафақат алоҳида шахс, балки корхоналар ва фирмалар, давлат ва жамият миқиёсида ҳам чекланганлик муаоммосига дуч келинади.

Танлов –
чекланган
ресурслардан
фойдаланиш
имкониятлари
орасидан бирини
танлаш

²1 бир-бирига зид икки йўл, имкониятлардан ҳар бири; 2 шулардан бирини - ё унисини, ё бунисини танлаш зарурияти;

**Муқобил
имкониятлар –
бирини танлаганда
қолғанларидан вос
кечиладиган
имкониятлар**

Хар қандай фирма ҳам ўз фаолиятини кенгайтириш пайида бўлиб, кўпроқ сифатли маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга интилади. Давлат таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларига ва атроф мухит муҳофазасига имкони борича кўпроқ маблағ ажратишни хоҳлади.

**Танловнинг
муқобил
қиймати –
танлов
натижасида
воз кечилган
имкониятлар
иҷидан энг
катта нафлиси**

Лекин афсуски, имкониятлар тўғрироғи, ишлаб чиқариш ресурслари чекланган. Чекланганлик муаммоси бор эканки, мавжуд имкониятлардан бирини танлашга, яъни чекланган ресурсни нимага сарфлаш ҳакида бир қарорга келишга тўғри келади. Танлов деб чекланган ресурслардан фойдаланиш имкониятлари орасида бирини танлашга айтилади.

Банқдан қарз олмоқчи бўлган фирма олдида бу пулларга янги дастгоҳлар сотиб олиб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ёки эски дастгоҳ ва биноларни таъмирдан чиқариб, ишчиларни меҳнат шароитларини яхшилаш муаммоси туради. Давлатдан 10 гектар ер олган фермер хўжалиги олдида эса, баҳорда ерга қайси экинларни экиш муаммоси қўндаланг туради. Шаҳар ҳокимлиги ўз ихтиёридаги маълум микдордаги маблағни йўлшарни таъмирлаш ёки янги мактаб куришга сарфлаш ҳакида бош котиради. Давлат миккиёсида эса соғлиқни сақлаш соҳасига кўпроқ пул ажратиш керакми ёки нефтни қайта ишлаш заводини куриш керакми, деган муаммога дуч келинади.

Муқобил қиймат (“Opportunity Cost”) деб, инсон бир нарсанни қилиш имкони бўла туриб, бошқа нарсанни танлагани сабабли қўйиб юборилган фурсат қийматига айтилади. Бошқача қилиб айтганда, **Муқобил қиймат** бу муқобил танловни истеммол қиласаслик натижасидан келиб чиқкан «харажатдир».

Масалан, бир жойда текинга лаваш тарқатишяпти деб тасаввур килайлик. Шу лавашни олиш учун бир соат навбат кутишингиз керак. У ерда навбатга туришингиз билан, шу вақтда яна бошқа бирор нарсанни қилиш имкониятидан воз кечдингиз. Демак, текинга лаваш ейишнинг имконият баҳоси, унинг ўрнига қила оладиган нарсалардан иборат. Шу бир соат кутишнинг ўрнига ишлашингиз, компьютер ўйнашингиз, китоб ўқишишингиз, керак бўлса, ухлаб дам олишишингиз ҳам мумкин эди. Шунинг учун, ўша текин лаваш, аслида “текин” эмас, чунки уни олиш учун сиз бошқа нарсалардан воз кечдингиз.

Агар сиз бир соат умрингизни 1000 сүм (икки кило шакар оғанда) тежаш учун сарф қылсангиз, соатига 1000 сүмға ишлашга розилигингиздан далолатдир. Айнан шу нарса, **муқобил харажатдир**. Демак, хар қандай масалада муқобил харажатларни ҳисобга олган ҳолда иш юритишимиз керак. Акс ҳолда, ўз манфатларимизга қарши харакатланган бўламиз. Сиз айтишингиз мумкин, бу тушунарли-ку, ҳамма онги бор одам бундай хато қилмайди-ку деб. Лекин, адашасиз. Сиз ҳам, мен ҳам, барча инсонлар каби жуда кўп масалаларда муқобил харажатларни унтиб иш юритамиз. Баъзида муқобил харажатларни инобатга олмаслик оқибатлари аянчлик.



Юқорида келтирилган мисолларда бир неча имкониятлардан биттасини танлашга қолганларидан эса воз кечишга тўгри келади. Танлов натижасида воз кечилган имкониятлар ичидан энг катта наф келтирувчи имкониятга танловнинг муқобил қиймати деб аталади.

1.2. Кишиларнинг эҳтиёжлари ва уларнинг юксалиш қонуни

Иқтисодиёт ҳар доим кишилар эҳтиёжини қондиришга хизмат қилган, шу боис у билан азалдан машғул бўлишган. Кишилар яшави учун уларнинг тириклик воситаларини яратиш зарур бўлган ва бунинг учун иқтисодий ресурсларни топиб ишга солишган.


Кишиларнинг яшави ва инсон сифатида камол топиши учун нимаики зарур бўлса, шу уларнинг эҳтиёжини ташкил этади.

Фаровонлик ҳар бир эҳтиёжни қондириш учун “неъматларнинг” мавжуд бўлишини англатади. Табиийки, эҳтиёжлар реестрини ишлаб чиқиш ва уни мавжуд неъматлар билан таққослаш мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу ерда “неъмат” сўзи маҳсус аҳамият касб этади. Бу ерда неъмат деганда оддий жисмлар ёки хизматлар эмас, балки севги, нуфуз ва шу каби мавхум, ижтимоий ёки психологик омиллар ҳам тушунилади.

Файласуфлар қадим замонлардан ҳозиргача шахснинг фаоллиги ва уни кўзғатувчи манбаларни белгилашга уринганлар. Инсоннинг хулқатворини тушунтирадиган кўплаб назариялар яратилди. Кейинги йилларда, айниқса, инсоннинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб, унинг хулқ-атворини тушунтириб берадиган назариялар кўпроқ ривож

топди. Бундай назарияларнинг энг машхур муаллифлари А.Маслоу, Э.Кат, Д.Мак-Клеманд, Ф.Гернбург, Г.Мюррей ва бошқалар саналади.

Шу назариянинг машхур вакилларидан бири **Г.Мюррей (1893-1988) инсон эҳтиёжлари реестрини** куйидагича тасвирлайди.



Мюррей индивиднинг эҳтиёжларини куйидаги тўрт мезонга кўра таснифловчи анча тартибланган реестрини келтиради: келиб чиқиши физиологик ёки физиологик бўлмаган **бирламчи** ва **иккиласмачи** эҳтиёжлар; обекти индивидни ўзига тортиши ёки уни ўзидан итарувчи **ижсобий** ва **салбий** эҳтиёжлар; эҳтиёжнинг ҳақиқий ёки хаёлдаги хулқ-атворни белгилашига кўра **яққол** ва **латент** эҳтиёжлар; индивиднинг ретроспектив жараёнлари билан боғлиқлигига кўра **англанган** ёки **англанмаган** эҳтиёжлар. Мюррей ўз реестрида шу мезонлар асосида эҳтиёжларнинг 37 хилини келтиради.

Мюррейнинг фикрича, эҳтиёжлар барча кишиларда бир хил, бироқ у ёки бу эҳтиёжлар турли кишилар учун шахсий ва муҳит омилларининг таъсирига кўра турлича намоён бўлиши мумкин. Эҳтиёжлар ички ва ташқи стимуллар томонидан вужудга келиши ва турли пайтларда **кучли** ёки **кучсиз** бўлиши мумкин. Эҳтиёжлар уч хил ҳолатда бўлади: [1] рефрактор ҳолат, бунда эҳтиёжнинг уйғонишига ҳеч қандай стимул таъсир қилмайди; [2] ишонтиручи ҳолат, бунда эҳтиёж пассив бўлсада, бироқ уни қўзгатиш мумкин; [3] фаол ҳолат, бунда организмнинг хулқ-атворини шу эҳтиёж белгилайди.

Шу назариянинг яна бир машхур вакилларидан бири **А.Маслоу (1908-1970)** эҳтиёжлар ва уни қондириш йўлларини куйидагича тасвирлайди (1.1-жадвал). Ана шу эҳтиёжларни қондириш жиҳатидан иерархик тарзда навбатма-навбат жойлаштиришига қонун сифатида қаралади. А.Маслоу инсон эҳтиёжларини пирамида шаклида ифодалаб, уларни қондириш зарурияти жиҳатидан кетма-кетлигини иерархик тарзда куйидагича белгилайди (2-расм).

Унинг фикрича, эҳтиёжлар, биринчи навбатда, физиологик эҳтиёжлар бўлиб, сўнгра хавфсизлик, химоя кабиларга эҳтиёж туғилади. А.Маслоу фикрича, муваффакиятга бўлган эҳтиёж ривожланаётган инсон фаолиятининг энг муҳим мотиви бўлса, икодга



ўз-ўзини намоён қилишга эҳтиёж, мотивациян иерархиянинг энг юкори даражасидир.

1.1-жадвал

Эҳтиёжлар ва уни қондириш йўллари³

Эҳтиёжлар	Қониқини йўллари
Ўз-ўзини намоён қилиш	Ўз салоҳиятни рӯёбга чиқариш, яъни билим, аҳборот олиш, ваколатлар доирасини кенгайтириш
Атрофдагилар ҳурматига эришиш, тан олиниш	Ўз касбидаги омилкорлик, мустақиллик, қарорлар қабул қилиш
Ижтимоий эҳтиёжлар	Руҳан яқин бўлган гурухга мансублик, атрофдагилар билан алоқада бўлиш
Хавфсизлик, ҳимояланганлик, эртаниги кунга ишонч	Баркарорликни сақлаб қолиш, физиологик эҳтиёжларни қондириш учун пул даромадларини топиш
Физиологик эҳтиёжлар	Озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жойга эга бўлиш ва бошқалар

А.Маслоу изланишлари асосида, ўзига хос, ноёб концепцияни таклиф этган бўлиб, унга кўра инсонлар – эҳтиёжлар, майллар ва қобилиятларнинг наслий психологик тизимиға эга сифатида жамият равнақи учун хизмат қиласидар.



1.1-расм. Инсон эҳтиёжларини пирамидаси⁴

³ Maslow A. H. Motivation and Personality. — New York: Harpaer & Row, 1954.

⁴ Maslow A. H. Motivation and Personality. — New York: Harpaer & Row, 1954.

Физиологик эҳтиёж. Унга ташналиқ, очлик, дам олиш, уй-жой ҳамда жинсий алоқага бўлган эҳтиёжлар киради; *хавфсизлик ва келажакка ишонч эҳтиёжи*. Бу маълум бир гурӯҳ психологиясиға хос бўлиб, ўз ичига инсонларнинг бир-бирини тушуниши, севги ва ўзаро ижтимоий муносабатларга киришимлилиги, боғлиқлиги, қўллаб-куватлаши каби эҳтиёжларни қамраб олади. Шунинг учун ҳам **Маслоу** бу эҳтиёжларни ўсиш эҳтиёжлари сирасиға киритади; *ижтимоий эҳтиёж*. Шахс томонидан ўзининг жамиятдаги мавқеини ҳис қилиниши эҳтиёжи; ҳурмат қилиши эҳтиёжи. Бунга ўзини ўзи ҳурмат қилиш ва тан олиш эҳтиёжлари кириб, бу ҳам ўсиш эҳтиёжига таалуқлидир; *юксалиши эҳтиёжи* (*ўзини кўрсатиш*) – бу энг юқори эҳтиёж поғонасиdir.

Унда аҳамиятга молик, қадрланиш ва ривожланиш шарт-шароитлари ҳамда инсоннинг шахс сифатида такомиллашуви назарга олинади. Муаллифнинг таъкидлашича, инсоннинг орзу ва эҳтиёжлари чексиздир. Ҳар инсон маълум маррага етиб келгач, дарҳол иккинчисини мўлжаллай бошлайди. Натижада, “мақсад – интилиш – етишиш” жараёни қайта-қайтадан тақрорланаверади. Барча юқори эҳтиёж кўрсатгичлари қатъий иерархик тузилишлар орқали амалга ошади. **Маслоунинг** фикрича, эҳтиёжнинг юқори поғонаси, унинг пастки поғонаси (физиологик, хавфсизлик ва химоя) қондирилгандагина юзага чиқади

Маслоунинг ўзи бу назарияни экспериментал томондан муваффақиятли дея олмаса-да, лекин кўпчиликнинг шахсий тажрибаларига мос келганлиги ҳамда уларга ҳаёт мазмунини англашга ёрдам берганлигини алоҳида равишда таъкидлайди.

Иқтисодий-ижтимоий эҳтиёжлар – бу тириклик воситалари, истеъмолига бўлган эҳтиёж. Бунинг ўзи икки хил бўлади: моддий ва номоддий.

Моддий эҳтиёж – бу озиқ-овқат, кийим-кечақ, турар жой, транспорт воситалари, ёқилғи, электроэнергия, турли коммунал хизматларга бўлган эҳтиёждир. Бу бирламчи эҳтиёж, чунки у тириклик учун энг зарур ҳисобланади. Энг аввал улар қондирилади, чунки яшаш учун кишиларнинг қорни тўқ, уст-боши бутун ва бошпанаси бўлиши шарт.

Моддий эҳтиёжлар орасида қонди-рилиши энг зарур бўлгани овқатланишдир, чунки бусиз тирик жон бўлмайди. Буни **Хўжа Насриддин аллақачон** англаган экан.



Номоддий эҳтиёж – бу турли хизматларга, яъни таълим, тиббиёт, спорт, дам олиш, саёхат, маданий ва бошқа ижтимоий хизматларга бўлган эҳтиёждир. Кишиларнинг эҳтиёjlари бир хил эмас. Улар кишиларнинг ёши, жинси, саломатлиги, касб-кори, дини, урф-одатлари, қаерда яшаши кабиларга қараб фарқланади. Масалан, аёлларнинг косметика эҳтиёjlари эркакларда бўлмайди, талабанинг дарсликка эҳтиёжи бўлса, қарияларнинг дори-дармонга эҳтиёжи бор.

Эҳтиёjlар жамиятда бир неча омилларга боғлик бўлади:

- 1) жамият иқтисодий тараққиётининг эришилган даражасига;
- 2) жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузумига;
- 3) ҳаёт кечиришнинг табиий-жўпрофий шароитларига;
- 4) тарихий, миллий анъаналар ва урф-одатларга;
- 5) аҳоли сонининг ошиши ва унинг таркибининг ўзгаришига;
- 6) минтақавий, ҳудудий, ҳалқаро, мамлакатлар, миллатлараро алоқаларнинг кенгайиши ҳам янги эҳтиёjlарни келтириб чиқаради ва уларнинг кенг тарқалишига сабаб бўлади;

Эҳтиёjlарнинг юксалиш қонуни мавжуддирки, унга биноан кишиларнинг эҳтиёжи тўхтовсиз ўсиб боради, уларнинг таркиби янгиланиб туради. Эски эҳтиёjlар ўrniga янгиси келади, сақланиб қолган эҳтиёjlар такомиллашиб, уларда сифатли ўзгаришлар юз беради. Азалий эҳтиёjlар йўқолиб кетмаса-да, улар мазмунан бойиб боради. Овқатланиш эҳтиёjига келсак, у ҳар доим бўлган, лекин ўзгариб борган. Сифаиз озиқ-овқатга эҳтиёж қисқариб, сифати юқори, яъни оқсил, мойга бой ва сервитамин овқатларга эҳтиёж ортиб боради.

Хозир экологик тоза ва саломатлик учун хавфсиз озиқ-овқатга эҳтиёж катта. Кийимга эҳтиёж ҳам қуҳна, лекин унинг юксалиши модаларнинг янгиланиши, кийим-кечакнинг иссиқ-совуқ, ёғин-сочиндан яхши сақлаши, қулайлиги, яхши ярашиши каби йўналишларда боради. Хозирги кийиниш эҳтиёжи бундан 100 йил аввалги эҳтиёждан жиддий факланади. Туар жой эҳтиёжининг юксалиши оддий, ноқулай, тор уй-жойдан кенг ва ҳамма коммунал қулайликлари бор, комфортли яъни фароғат билан яшашни таъминловчи уй-жойга ўтиш билан тавсифланади. Ижтимоий эҳтиёjlар ҳам бир ерда қолиб кетмайди. Агар ўтган аср бошларида Европада 8 йил ўқиш эҳтиёжи бўлса, ҳозир 18 йил ўқиш эҳтиёжи пайдо

бўлган. Тиббий хизматларга бўлган эҳтиёжини олсак, у традицион, яни анъанавий табиблар хизматига эҳтиёждан, замонавий фантехника ютуқларига асосланган тиббий хизмат эҳтиёжига ўтиш билан тавсифланади.

Ҳозирги тиббий соҳадаги энг янги эҳтиёж – бу қисқа вақтда даволаниши таъминловчи юксак технологик тиббий хизматга эҳтиёжнинг пайдо бўлишидир. Эҳтиёжлар ўз-ўзидан юксалмайди, буни ишлаб чиқариш юзага келтиради. Эҳтиёж ишлаб чиқаришни талаб қиласди, ишлаб чиқариш эса янги эҳтиёжларни яратади, чунки ўзи йўқ нарсага эҳтиёж бўлмайди. Агар ҳозир интернет бўлмаганда унга эҳтиёж бўлмас эди. Уни ишлаб чиқариш яратилганидан сўнг унинг хизматларига эҳтиёж пайдо бўлди. Эҳтиёжларнинг тўхтовсиз юксалиб бориши уларни қондириш учун кишилардан иқтисодиёт билан узлуксиз шуғулланишини талаб қиласди.



1.2-расм. Иқтисодий субъектлар ёки агентларга мисол

Иқтисодиёт – бу кишиларнинг моддий ва номоддий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаолиятдир. Бу фаолият кандай бўлмасин, барибир маълум моддий шарт-шароитни (ср, сув, энергия, асбоб-ускуна, бино-иншоот ва х.к.) ва иш-кучи (кишилар мөхнати)ни талаб қиласди. Барча моддий воситалар кимнингдир мол-мупки бўлади.

Воситалар кимниги бўлса, яратилган маҳсулот ва хизматлар ҳам шунихи хисобланади


Иқтисодий субъектлар ёки агентлар амалиётда юридик ва жисмоний шахслар деб аталади. Булар иқтисодий алоқалар нима (ер, сув, асбоб-ускуна, жиҳозлар, яратилган хизмат ва маҳсулотлар, пул ва ҳ.к.) хусусда борса, шу иқтисодий обьект бўлади. Иқтисодиёт субъектларининг ўз манфаати йўлидаги хатти-харакатлари, иқтисодий қонун-қоидалар ва талабларга биноан ва маълум тартиб доирасида юз беради. Иқтисодий фаолиятга ишлаб чиқариш, айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол киради. Агар ишлаб чиқариш иқтисодиётнинг бошланиши бўлса, истеъмол унинг якунланишидир.

Ишлаб чиқариш иқтисодиётнинг етакчи ва ҳал этувчи соҳасидир. Бу иқтисодиёт учун азалдан энг аҳамиятли бўлиб келган З та муаммони ҳал этишга қаратилади:

- 1. Нимани ишлаб чиқариш?**
- 2. Қандай қилиб ишлаб чиқариш?**
- 3. Ким учун ишлаб чиқариш?**

Бу муаммолар маҳсулот ва хизматларни узлуксиз, кўплаб ва хилма-ҳил ишлаб чиқариш орқали ҳал этилади. Бунга кишилар меҳнати орқали эришилади.

Меҳнат – кишиларнинг куч-кувват ва ақл-идрокни аниқ мақсад йўлида ва фойдали сарфлаши. Куч сарфлаб ҳеч кимга керак бўлмаган ишни бажариш (масалан, кераксиз тошни у ердан бу ерга ташлаш) меҳнат эмас. Меҳнатда яратувчилик бор. Меҳнат хилма-хил бўлади. Меҳнат тақсимоти қонуни бор, унга кўра бир меҳнат туридан бошқа меҳнат тури ажралиб чиқади, меҳнат турлари кўпайишига қараб янги касблар пайдо бўлади, эски касблар йўқ бўлиб кетади.



Адам Смит
(1723-1790)

XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг биринчи чорагида Буюк Британияда бошқа давлатларга нисбатан иқтисодий ғояларнинг ривожланиши учун нихоятда қулай шароитлар юзага келди, бу ғоялар А. Смит ва Д. Рикардо билимларида ўз аксини топди. Улар томонидан яратилган таълимот инглиз классик иқтисодиётининг асоси бўлди ва жаҳон иқтисодиёти фикрига катта таъсир курсатди.

Бу олимлар ўзларидан олдинги меркантилизм, илк классик мактаб ва физиократизм

гояларини мукаммал ўрганиб, шулар асосида янги иқтисодий мактабнинг шакланишини нихоясига етказдилар.

Адам Смит Шотландия файласуфи бўлиб, сиёсий иқтисодчи бўлган. У «Ахлоқий ҳиссиёт назарияси» (1759) ва «Миллатлар бойликларининг табиатта таъсири ва сабаблари» (1776) китоблари билан машхур.

А. Смит ўз китобида жамиятнинг иқтисодий ривожланишини ва унинг фаровонлигини оширишни марказий ўринга қўяди. Асарнинг бошида А. Смит бойликни чинакам яратувчи бу – “ҳар бир халқнинг – йиллик меҳнати” деб кўрсатиб ўтади. А. Смит бу фикрни ривожлантириб, меҳнат тақсимоти бойликни яратишда асосий омил ҳисобланади, деган хуносага келади. Чунки меҳнат тақсимоти асосида унинг унумдорлиги ошади.

Муалиф бу тезисни тўғноғич ишлаб чиқариш устахонаси мисоли ёрдамида асослаб беради. Устахонада ўн киши ишлайди. Улар ўртасида меҳнат тақсимланган: бири симни тортади, иккинчиси уни тўғрилайди, учинчиси кесади, тўртингчиси учини ўткирлайди. Бир кунда бу ўн киши 48000 тўғноғич, яъни ҳар бир киши 4800 донадан тўғноғич ишлаб чиқаради. Агар улар бир – бирларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ишлаганларида, уларнинг ҳеч қайсиси бир кунда 20 дан кўп тўғноғич тайёрлай олмаган бўлар эди. Демак, ихтисослашув туфайли меҳнат унумдорлиги 240 баравардан кўпроқ ошган.

А. Смитнинг фикри бўйича, меҳнат тақсимоти миллий маҳсулот яратиш жараёнида одамлар ўртасида ҳамкорликни амалга оширишнинг жуда куладай шакли ҳисобланади. Ихтисослашув туфайли меҳнат жараёнини амалга оширишда кишиларнинг чаққонлиги ортади; улар вактни тежайдилар, чунки доимо бир иш туридан бошқасига ўтишга ҳожат бўлмайди; улар ўз фаолиятларини такомиллаштириш, ихтиро қилиш учун катта имкониятларга эга бўладилар. А. Смит асарида меҳнат тақсимотининг салбий томонлари ҳам берилган (бир хил меҳнат, толикиш...) мануфактурадаги меҳнат тақсимоти ва эндиғина ривожланиб келаётган машина саноатининг салбий оқибатлари ҳам тан олинади. Смит товар дунёсида пулнинг стихияли равища, узоқ ривожланиш жараёни натижасида ажralишини курсатиб берди.

Меҳнат тақсимоти юз берганда бир меҳнат туридан иккинчиси, иккинчисидан учинчиси ажralиб чиқади ва шу жараён узлюксиз давом этаверади. Ҳар бир меҳнат тури мустақил вазифани бошқа меҳнат турлари билан боғланиб, ишлаб чиқариш да қатнашган ҳолда

бажаради. Мехнат тақсимоти меҳнат турларини кўпайтириб, уларни айрим кишиларга касб сифатида биркитиб қўяди. 21-аср бошларвда меҳнат тақсимоти туфайли дунёда 30 минг хил касб мавжуд бўлди. Мехнат тақсимоти меҳнат унумдорлигини оширади.

Жамият тараққиётида меҳнат тақсимоти З йўналишда боради:

❖ **Умумий меҳнат тақсимоти** — йирик меҳнат турларининг бир-биридан ажralиб, йирик соҳаларни ташкил этиши. Бунда меҳнатнинг моддий ва номоддий, аграр, индустрисал ва сервис соҳасидаги турлари пайдо бўлади;

❖ **Хусусий меҳнат тақсимоти** — йирик соҳалар ичидаги Меҳнат тақсимоти — муайян соҳадаги меҳнат ихтисослашади, меҳнат турлари кўпаяди. Аграр меҳнат дехқончилик, чорвачилик, боғдорчилик меҳнати турларига ажralади. Саноатдаги меҳнат ундирма ва ишлама, оғир ва енгил саноатдаги меҳнат турларига ажralади;

❖ **Қисман меҳнат тақсимоти** — корхона доирасида бўладиган меҳнат турларининг ихтисослашуви. Бунда меҳнат маҳсулот яратиш учун керак бўлган айрим қисмларни ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашган турларга ажralади.

Миллий иқтисодиётда худудлар ёки минтақалар бўйича меҳнат ихтисослашади. Халқаро меҳнат тақсимоти — меҳнатнинг мамлакатлар ўргасида маълум нисбатда ва иқтисодий нафни кўзлаган ҳолда тақсимланишидир. Бу меҳнат турининг бир-биридан ажralishi эмас, балки мавжуд меҳнат турларининг айрим мамлакатларга уларнинг устувор фаолияти сифатида биркитилишини юзага келтиради.

Халқаро меҳнат тақсимоти ишлаб чиқаришнинг байналмилад миқёсда ихтисослашувини билдиради, давлатлараро иқтисодий алоқаларни заруратга айлантиради, халқаро савдони юзага келтиради.

Демак, меҳнациз хеч бир иш битмайди, фақат меҳнат ишлаб чиқарища турли туман неъматларни яратадики, булар моддий ва номоддий неъматлардан иборат.

Моддий неъматлар – озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой, ёқилғи, асбоб-ускуналар бўлиб, уларнинг аниқ моддий шакли бор, уларни кўз билан кўриш, қўл билан ушлаш, тил билан татиб кўриш мумкин.

Номоддий неъматлар – турли хизматлар бўлиб, уларнинг шакли, ранги, мазаси, катта-кичиклигини фарқлаб · бўлмайди. Ўқитувчи, шифокор, артист, милиционер, суд, спортчи хизматини бунга мисол қилиб олиш мумкин. Агар маҳсулотлар олдин яратилиб, сўнг истеъмол

этиса, хизматлар яратилган чөгнинг ўзида истеъмол этилади, уларни жамғарib бўлмайди.

1.3. Иқтисодий хулқ-атвор

Ҳозирги кунда иқтисодиёт турли хил назарияларни, тушунчаларни, илмий мактабларни ва тадқиқот соҳаларини органик равишда бирлаштириб, атроф-муҳитдаги ўзгаришларни акс эттиришга ва тушунтириб беришга ва мавжуд вазиятни бошқариш учун етарли тавсияларни топишга ҳаракат қилимокда. Эмпирик тадқиқотлар классик парадигмага қарамасдан иқтисодий ва бошқарув жараёнларини тушунтирувчи янги назарияларнинг пайдо бўлишига олиб келмокда. Ушбу назариялардан бири *иқтисодий хулқ-атвор бўлиб*, турли фанларнинг жумладан: психология, социология ва иқтисодиёт доирасида тадқиқотлар олиб бориши натижасида пайдо бўлган янги назариядир.

Иқтисодиёт ҳамда психология фанларининг уйғунлашувидан пайдо бўлган иқтисодий психология предмети хўжалик муносабатларининг инсон хулқи ва билимларида намоён бўлишини ўрганади. Яъни у иқтисодий муносабатлар тизимида инсон ахлоқи натижалари ва жараёнларининг иқтисодий фаолият механизми, шахс тафаккурига алоқадор меъёrlар, иқтисодни юксалтиришдаги қабул қилинадиган карорлар, муаммолар ечимидаги ижтимоий фиқрнинг ўрни каби омилларни хўжаликни бошқариш тажрибасига таяниб ўрганади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, «**НОМО ECONOMICUS**» - «аклли зот» тушунчасини ўзида ифода этувчи жонзотнинг пайдо бўлганига тахминан қирқ минг йилдан ошибди. Бу даврда олимларнинг эътироф этишларича, ўн олти минг авлод алмашган эмиши. Дарвин таъбири билан айтганда, табиий танланиш жараённида ер юзида сақланиб қолган минглаб миллият ва элатларнинг кейинги даврдаги тараққиёти кўпроқ биологик омиллардан кўра, ижтимоий - социал омиллар таъсирида рўй бермокда. Шунинг учун ҳам бир индивид ёки шахснинг хулқ-атворини ўрганиш масаласи унинг бевосита ижтимоий муҳити ва унинг ижтимоий нормалари доирасида ўрганишни тақозо этади.

Ҳар қандай илм-фан шу билан бирга иқтисодиёт фани ҳам, биринчи навбатда инсонни ўрганади. Яъни, иқтисодиёт фаннининг ўрганиш обьекти бўлиб инсонларнинг хатти-ҳаракатлари ҳисобланади. Иқтисодиёт тарихига назар ташласак, иқтисод билан

психология ўртасида узвий болып келген, яъни иқтисодий ва психологияның қонунияттар асосланиб, инсоннинг қарор қабул қилиш жараёнига таъсир қилувчи психологик ва ижтимоий омилларни иқтисодчилар томонидан ўрганганликларини кўришимиз мумкин.

Бу олимлар меҳнати самарасида “иқтисодий одам қонцепцияси”ни шакиллантиришган. Концепциянинг алоҳида хусусиятларидан бири, бу “иқтисодий эгоизм”, яъни максимал даражадаги шахсий фойда олишга уриниш хисобланади. Иқтисодий одам – танлов эркинлигига эга ва ўз максади, қизиқишилари ва эҳтиёжларига асосланиб, имкониятга қараб оптималь ва рационал қарор чиқара оладиган бозор иқтисодиётининг ижодий субъектидир⁵.

“Иқтисодий одам” атамаси биринчи марта XIX асрнинг охирларида Жон Стюарт Милл (1770) тамонидан ўзининг «сиёсий иқтисод» асарида ишлатган. Унинг фикрича “сиёсий иқтисод инсоннинг бутун табиатига, ижтимоий ҳолатига ва инсоннинг жамиятдаги юриш-туришига қараб муносабат қилмайди. У фақат бойлийка эга бўлишни хоҳлайдиган ва бу максадга эришиш учун воситаларнинг қиёсий самарадорлигини баҳолашга қодир бўлган шахс сифатида қаралади”⁶.

Лионел Роббинснинг фикрига кўра, “иқтисодиёт – бу турли ҳил эҳтиёжларга эга ва чекланган ресурслар ўртасидаги муносабатлар нуқтаи назаридан инсонларнинг хулк-авторини ўрганадиган фандир”⁷.

“Иқтисодий одам микроиқтисодиёт даражасида намоён бўлиши Адам Смитнинг асарлари «Ахлоқий ҳиссият назарияси» (The Theory of Moral Sentiments), (1759) «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари» (The Wealth of Nations), (1776) да кузатишимиз мумкин. Унинг ғоялари нафакат иқтисодий қонуниятларда, балки инсон ички кечинмалари, хулк-автори, туйгуларнинг сабабларини билиш, ахлоқий жиҳатларини ўрганишга бағишлиланган психологик қонуниятларда ҳам ўз ифодасини топган”⁸.

⁵ Г.М.Гукасъян. Экономика от “А” до “Я”. Тематический справочник. – М., 2010. с248.

⁶ Mill, John Stuart. "On the Definition of Political Economy, and on the Method of Investigation Proper to It," London and Westminster Review, October 1836. Essays on Some Unsettled Questions of Political Economy, 2nd ed. London: Longmans, Green, Reader & Dyer, 1874, essay 5, paragraphs 38 and 48.

⁷ Robbins L. The Subject Matter of Economics. In: L. Robbins. An Essay on the Nature and Significance of Economic Science. Macmillan, 1935, ch.1, p.1–23. (Russ. ed.: Robbins L. Predmet ekonomicheskoi nauki. THESIS, 1993, Vol. 1, no.1. pp. 10-23).

⁸ Smith, Adam (1761). Theory of Moral Sentiments (2 ed). Strand & Edinburgh: A. Millar; A. Kincaid & J. Bell. Retrieved 26 May 2014.

Иқтисодий назариянинг классик ва неокласик мактаблари учун анъанавий бўлган инсон хуқул-автори ҳақидаги фикр "homo economicus" модели асосида яратилган бўлиб, унга кўра, инсон ҳар доим оқилона ҳаракат қилишига, ҳамма маълумотларни қамраб ола билиши ва мукаммал билим қобилиятига эга эканлигини, ва бу унга чекланган ресурслар шароитида максимал фойда олиш имконини беришини билдиради. Шу билан бирга, чекланганлик шароитида одамларга турли варианtlар тақдим этилганда, улар ўзларининг шахсий эҳтиёжларини максимал тамилайдиган вариантни танлашади. Яъни одамлар ўз имтиёzlари ва чекловларини ҳисобга олган ҳолда, улар учун мавжуд бўлган ҳар бир имкониятнинг сарф-харожатларини ва фойдасини самарали равишда сарфлаш орқали ва босхқа маънавий ва ахлоқий сабабларни ҳисобга олмаган ҳолда иқтисодий манфаатлардан келиб схиқиб оқилона қарорлар қабул қилишга қодир еканликлари таъкидланади.

Афсуски, “хулқ-автор иқтисодиёти одамларнинг оқилона эмаслиги ва яхши қарорлар чиқаришга қодир эмаслигини тушунтиради”⁹.

Инсон ҳаёти турли хил вазиятлар, ҳолатлар, шароитлар жараённида амалга ошар экан, ҳар бир лаҳзада, ҳар бир қадамда қарор қабул қилиш заруриятига дуч келинади. У иш фаолияти бўладими, якинлар, таниш-билишлар билан муносабатлар бўладими, ҳатто ўз-ўзимизни ҳолатимизга, ўз-ўзимизни тушунишга таалуқли жараёнлар бўладими, барчасида қарор қабул қилиш вазифаси кўндаланг бўлиб туради. Ва бизнинг фаолиятимизнинг, муносабатларимизнинг, кисқаси, бутун ҳаётимизнинг қандай ташкил эттирилиши ва натижалари аксарият ҳолларда қабул қилган қароримиз характеристига бевосита боғлиқ бўлиб қолади.

Нима учун бигта шахснинг ўзи турли хил вазиятларда, шароит-ларда айнан битта масала бўйича бир хил қарор қабул қиласайди? Ваҳоланки ўша қарорнинг олдинги ўхшаш шароитда тўғрилигини билган бўлса ҳам? Нега биз қарор қабул қилишда иккапланамиз? Нима учун бир тоифа одамлар учун тўғри деб ҳисобланган қарор бошқа тоифа одамлар томонидан тўғри баҳосини олмайди? Шароитларни, вазиятларни ҳисобга олган ҳолда қарор қабул қилиш ва оптимал натижага эришиш учун нима қилиш керак?

⁹Scott Huettel Professor of Psychology and Neuroscience. Economics: When Psychology and Economics Collide. The great courses Corporate Headquarters 4840 Westfields Boulevard, Suite 500 Chantilly, Virginia. 2014.

Маълумки, қарорларнинг стандарт варианtlари мавжуд эмас ва уларни алгоритмик тарзда қабул қилиб ҳам бўлмайди. Бу эса қарор қабул қилишда субъектив, психологик омилларнинг роли жуда юқорилигини кўрсатади. Тўғри, қарор қабул қилиш жараёнини енгиллаштирувчи тўплаган қоидалар, амаллар ва методлар мавжуд. Лекин ҳар биримиз ўз тажрибамидан биламизки, қарор қабул қилиш жараёнида формаллаштирилмаган, субъектив, хатто кўпинча интуитив омилларнинг роли жуда катта бўлади.

Шу нуқтаи назардан қараганда қарор қабул қилиш иқтисодий ва молиявий хулқ-автор назариясининг тадқиқот предмети бўлиб хисобланади. Шундай экан, қарор қабул қилиш функцияси жараёнини таҳлил этиш иккита асосий, бир-бираидан жуда фарқ қилувчи, лекин жуда ўзаро боғлиқ иккита соҳани – ташкилий ва психологик соҳани ўз ичига олади.

Таъкидлаш керакки, инсонлар, ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар ва инвесторлар қарорларни қабул қилиш муаммоси иқтисодий ва молиявий хулқ-автор тўғрисидаги таълимотни ривожланишида муҳим роль ўйнаган. Лекин узок йиллар давомида хулқ-авторнинг, шу жумладан қарор қабул қилишнинг рационаллиги нуқтаи назаридан ёндаша бориб, инсонлар, ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар ва инвесторлар турли хил вазиятларга тўлиқ таянган тўғри қарор қабул қилишга эришиши керак деган қатъий хуносага асосланиб келинган.



Herbert A. Simon
(1916-2001)

Чекланган рационаллик
бўйича нобел мўкофоти
соҳиби (1978 й.)

Лекин Г.Симоннинг «*bounded rationality*» (чекланган рационаллик) тадқиқот ишлари натижасида одамга хос бўлган психофизиологик чекланишларнинг мавжудлиги объектив шароитларни тўлиқ хисобга олиш ва натижада рационал хулқ-авторга ва қарор қабул қилишга эришиш мумкин эмаслиги исботланди.

Натижада “чекланган рационаллик” концепцияси ишлаб чиқилди ва бунда энг асосий ғоялардан бири – субъектив, психологик хусусиятлар – бу объектив, хулқ-авторни чекловчи омиллардан иборат деган ғояга таянилди.

Чекланган рационаллик – бу шахсларнинг қарор қабул қилиш жараёнида, уларнинг ақллари чекланганлиги, билимларнинг камлиги ва мавжуд бўлган вақтларнинг чекланиши билан ўлчанади. Қарор қабул қилувчилар ушбу мақбул таклифдан кўра

қониқарли ечим излашга ҳаракат қиласылар. А. Симон қарорларни қабул қилишнинг математик моделлаштириш учун мүкобил асос сифатида “Рационалликни оптимальлаштириш” ни таклиф қилди, чунки қарор қабул қилишни ахборот мавжуд бўлган тақдирда оптималь танлашни тўлиқ оқилона жараён деб ҳисоблади¹⁰.

Унинг фикрича, агар микродаражадаги хатти-ҳаракатларни кузатиш имкониятига эга бўлмаса эди, у ҳолда, макродаражадаги прогнозларни етарли даражада тўғри, деб қабул қиласа бўлар эди. Аммо, бугунги кунда микродаражадаги ўзгаришларни кузатиб турадиган тадқиқот усуллари бор. У қарор қабул қилиниши жараёнидаги хатти-ҳаракатлар ўзгаришини кузатишнинг бир қанча усуллари мавжудлигини таъкидлаган. Жумладан, лаборотория кузатувлари ва психологларнинг тадқиқотлари, иқтисодий субъектлар мутлақ ёки мукаммал рационаллик эмас, балки чекли рационаллик тамойилларига таянган ҳолда қарор қабул қилишини кўрсатмоқда. Фирмаларнинг бир хил муаммоларни ечишда турли ўзига хос чора-тадбирлардан фойдаланишлари анъанавий микроиктисодий назарияларнинг айrim шарт-шароитларини инкор қиласи. Эмпирик кузатишлар (буни case studies деб номлашган) буни исботламоқда. Шу сабабли у фирмаларнинг мукаммал рационаллик тамойилига асосланган классик назариясини фирмаларнинг алтернатив хатти-ҳаракатлари назариясига алмаштириш керак, деб ҳисоблади¹¹. Бу хатти-ҳаракат онгли етарлилик (қаноатланиш) тамойилига амал қилиш ва ўзига мос энг қулай вариантни қидириш билан тавсифланиши лозим. Вазият доим ўзгарганлиги боис, фирмалар бир муаммонинг ечими бўйича турли даврда турли қарорлар қабул қиласылар ва турлича ечим қидирадилар.

Иқтисодиётчилар жуда узоқ вақт давомида одамларнинг ўз хулқатворига кўра иррационал эканига доир фактни рад этиб келишган. Классик иқтисодий назарияда инсон - чексиз ҳисоблаш қобилиятига эга, бор ахборотни таҳлил килувчи ва доим энг яхши қарор қабул қилиши мумкин бўлган мавжудотdir.

Ричард Талер ва бошқа тадқиқотчилар одамлар аслида ҳисоблашни яхши билмаслиги, чекланган иродага эгалиги ва рационаллiği жуда чегараланган эканини таъкидлашади. Бунга қадар

¹⁰Gigerenzer, Gerd; Selten, Reinhard (2002). *Bounded Rationality: The Adaptive Toolbox*. MIT Press. ISBN 978-0-262-57164-7.

¹¹ Мировая экономическая мысль... Сквозь призму веков/коллектив авторов. Худокормов А.Г. и др. –Мысль, Москва, 2005, 5-том, 1-китоб, 346-бет.

мазкур вазиятни түгри моделлаштириш ҳали ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди, чунки инсон хулқ-авторини қандай қилиб моделлаштириш мумкинлиги бироз тушунарсиз эди. Р. Талер ва бошқа бир қатор олимлар бунга изох беришга муваффак бўлишди.

Р. Талер иқтисодиёт соҳасида шахсий қарорлар қабул қилишнинг таҳдилига психологик ва ҳиссий омилларни киритган холда, иқтисодиёт ва психология элементларини ўз ичига олувчи замонавий хулқ-автор иқтисодиётига катта ҳисса қўшди. Чекланган рационаллик, ижтимоий афзалликлар ва ўзини тута олмаслик оқибатларини ўрганиб чиққач, у бу инсоний ҳусусиятлари шахсий қарорлар, шунингдек, бозордаги вазиятга қандай таъсир қилишини кўрсатиб берди. Талернинг хизмати шундаки, хулқ-автор иқтисодиёти ҳали урф бўлмаган пайтларда, ҳали ҳеч ким буни жиддий қабул қилмаган вактлар у шу мавзудаги тадқиқотлар билан шуғулланган ва иқтисодий илм-фан ривожидан илгарилаб кетган. Талер бир киши икки иқтисодий агентта эга бўладиган моделни яратди: бири - режалаштиради, иккинчиси бажаради. Инсон абонемент сотиб олиш борасида қарор қабўл қилаётганда унинг келгусида клубга неча марта боришига боғлиқ режаси бўлади. Абонемент сотиб олингандан кейин эса у ерга бориш ё бормаслик қарорини жисмоний жиҳатдан бир инсон бўлишига қарамай, гўёки бошқа одам қабўл қиласи. Душанба куни эрталаб туриб залга бориш ё бормаслик ҳақида ўйловчи субъект, бир томондан, ўзини ухлашда давом этишга кўндиришга ҳаракат қиласи, бошқа томондан эса - «мен абонементга пул тўлаб кўйдим, ахир!» дей фикрлайди. «Режалаштирувчи» ва «бажарувчи» фирма эгаси ва унинг ёлланма менежери каби бир хил муносабатларда бўлади: биринчиси иккинчисига рағбат яратиши керак. Кейин афсусланадиган пул ҳаражати шундай рағбатга мисол бўла олади ва фитнес-клублар буни яхши билади (шунинг учун улар асосан бир марталик эмас, йиллик абонементларни сотишади).

Талер «*Mental Accounting*», (Ақслий бухгалтерия) деб номланувчи моделни ишлаб чиқди.

У одамлар ўзлари учун молиявий қарорларни қандай соддалаштиришини тушунтиради. Олим, шунингдек, йўқотишларга дуч келмасликни исташ, қандай қилиб инсон кўз ўнгидаги ёки бу буюмларнинг қадрини оширишини кўрсатиб берди.



Richard H. Thaler – 1945 й.
Иқтисодий хулқ-автор
бўйича нобел мукофоти
соҳиби (2017 й.)

Талер бу ҳодисага «мулк эфекти» деб ном берган. Бу соҳа тадқиқотчилари одатда бир қарашда, одамлар ўзларини иррационал тутган ҳолатларни олишади ва уларнинг нима учун ўзларини бундай тутаётганини изоҳловчи иқтисодий ёки психологик эфектни топишга харакат қилишиади. Бу ғоянинг маъноси шундан иборатки, одам ўз буюмларига қаттиқ боғланган ва уларнинг қийматини ошириб баҳолайди. Одамлар ўзлари эгалик қилмаган нарсаларни сотиб олиш учун камроқ ҳақ тўлашади, чунки улар ўзларига ўхшаш нарсалар учун тўловни қабул қилмоқдалар. «Бир нарсага эга бўлиш» уни янада қимматли киласди. Талернинг «Nudge: Choice architecture» (Нудже: Танлов архитектураси) номли китобида бизнинг рационаллик билан боғлиқ кўплаб муаммоларимиз жуда ёрқин мисоллар билан келтирилган.

1.4. Иқтисодий тизимнинг турлари ва зарурлиги

Иқтисодий муаммоларни ҳал қилувчи Нима, Қанча, ва Ким деган саволларига жавоб бериш орқали турли мамлакатларнинг иқтисодий тизимлари бир-бирларидан фарқ қиласидилар, шунинг учун уларни бир нечта гурухга ажратиш мумкин:


АНЬАНАВИЙ ИҚТИСОДИЁТ



Анъанавий иқтисодиёт – деярли ҳамма мамлакатлар босиб ўтган тарихий тизимдир. У ҳозирги даврда ҳам кўплаб иқтисодий жиҳатдан кам ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлиб, уларда урф-одатлар, удумларга, анъаналарга асосланган иқтисодий жараёнларга амал қиласди. Уларда натурал ёки майда товар хўжалиги хукмон бўлади. Бу ерда ишлаб чиқариш, айирбошлиш, даромадларни тақсимлаш вақти-вақти билан ўрнатиладиган урф-одатларга асосланади. Мерошўрлик ва сулола (табақа) шахсларнинг иқтисодий ролида хукмонлик қиласди, ижтимоий-иқтисодий турғунлик аниқ ифодаланади. Техника тараққиёти ва янгиликларни жорий қилиш кескин чекланган, чунки улар анъаналар билан зиддиятли ҳисобланади ва ижтимоий тузум барқарорлигига хавф туғдиради. Иқтисодий фаолиятга нисбатан диний ва маданий тартиблар бирламчи ҳисобланади. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки

иқтисод муаммосини ҳал қилишнинг бир хил ва умум тан олинган ечими мавжуд эмас. Хар хил маданият ва тарихий ўтмиш, хар хил урф одат ва анъаналар, қарама-қарши мафкуравий қарашларга эга бўлган турли жамиятлар аниқ иқтисодий муаммоларни ҳал қилиш учун турли хил тартиблардан фойдаланади.

МАЪМУРИЙ-БҮЙРУҚБОЗЛИК ИҚТИСОДИЁТИ



Бозор иқтисодиётига қарама-қарши тизим маъмурй-бүйруқбозлик иқтисодиёти ҳисобланади.

Бу тизим амалда барча моддий ресурсларга ижтимоий аникроғи давлат мулкчилигининг ҳукмронлиги ва маъмурй органлар томонидан иқтисодий қарорларнинг марказлашган тартибда қабул қилиниши билан характерланади. Фойдаланадиган ресурсларнинг ҳажми, маҳсулотнинг таркиби ва тақсимланиши, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш кабиларга тегишли барча муҳим қарорлар марказий бошқариш органлари томонидан қабул қилинади. Унинг асосий хусусиятлари шундаки, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик ҳуқуқи давлатта тегишилдири.

Иқтисодий тараққиётда муҳим босқич ҳисобланган тизим бозор иқтисодиёти тизимири.

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ

Бозор иқтисодиёти тизими асосан икки босқичга эгадир. Биринчиси эркин рақобатга асосланган **классик бозор иқтисодиёти** бўлиб, баъзи адабиётларда уни соф капитализм деб ҳам юритилади. Иккинчиси эса ҳозирги замон ривожланган бозор иқтисодиёти бўлиб, уни **аралаш иқтисодиёт** тизими деб ҳам юритилади. Эркин рақобатга асосланган **классик бозор иқтисодиёти** ресурсларга хусусий мулкчилик, иқтисодий фаолиятда ва тадбиркорликда



эркинлик, иқтисодий жараёнларни тартиблашда ва уйғулаштиришда бозор механизмидан фойдаланиш билан тавсифланади.

Бундай тизимда унинг ҳам бир қатнашчисининг хулқ-атвори шахсий манфаатига асосланади, ҳар бир иқтисодий бирлик, алоҳида қабул қилинган қарорлар асосида, ўзларининг даромадларини энг юқори даражада етказишга интилади.

Бозор тизими ёрдамида алоҳида қабул қилинган қарорлар уйғулаштирилади. Рақобат шароитида товарлар (хизматларнинг) ишлаб чиқарилиши, ресурсларнинг таклиф қилиниши шуни билдирадики, ҳар бир маҳсулот ва ресурсларнинг кўплаб мустақил ҳаракат қилувчи харидор ва сотувчилари мавжуд бўлади. Бу ерда иқтисодий жараёнларга давлатнинг аралашуви чекланган тавсифга эга бўлади. Шу сабабли давлатнинг роли, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва эркин бозорнинг амал қилиниши енгилаштирувчи ишончли хукукий тартиблар ўрнатишдан иборатdir.

Хозирги замон бозор иқтисодиёти. Хозирги даврда реал ҳаётда бозор иқтисодиёти соф бозор механизми ва режали иқтисодиёт унсурларини мужассамлаштиради. Мулкчиликнинг ҳар хил шакллари, тадбиркорликнинг турли йўналишлари мавжуд бўлади, унда режалаштириш, прогнозлаш, аҳолини социал ҳимоялаш кучаяди.



Масалан, АҚШ иқтисодиёти ҳозирги даврда олдинги эркин бозор иқтисодиётдан сезиларли фарқ қиласди. Бу фарқлар қуидагиларда кўринади. Биринчидан, мулкнинг бир қисми давлат қўлида бўлиб, у иқтисодиётда фаол рол ўйнайди. Бу иқтисодиётнинг барқарорлиги ва ўсиши учун шароит яратишда, бозор тизими етарли даражада ишлаб чиқармайдиган ёки умуман етказиб бермайдиган айрим товарлар ва хизматлар билан таъминлашда, даромадлар тақсимланишини ўзгартиришда ва шу кабиларда намоён бўлади. Иккинчидан, соф капитализмдан фарқ қилиб америка иқтисодиётига йирик корпорациялар ва кучли касаба уюшмалари шаклидаги кудратли иқтисодий ташкилотлар мавжуд.

Иқтисодий тизим хусусиятлари

Хусусиятлари	Бозор иқтисодиёти	Маъмурий-буйруқбозлик иқтисодиёти
Мулк	Хусусий секторга қарашли Фойда мотивлари мулкдорлар ва менежерлар учун рағбатлантирувчи рол ўйнайди	Давлат секторига қарашли Хукумат самарали ва даромадли бўлишига унчалик катта эътибор бермайди.
Рағбатлантириш	Нархлар талаб ва таклиф конунларидан келиб чиқиб таклланади.	Нархлар талаб ва таклиф конунларига бўйсингайди, уларни давлат белгилайди.
Нарх	Одамлар ўзларига нима фойдали бўлса, шуни килишади: фирма – ўз фойдасини максималлаштириши, ишчилар – ўз даромадларини кўпайтиришлари, истеъмолчи ўз хоҳишларини кондириши мумкин.	Ишлаб чиқарувчи фойда олиш учун ишламайди. Корхоналар халқ манфаатларига жавоб берувчи маҳсулотларни ишлаб чиқарадилар.
Фойда	Эркин бозор даромад ва бойликнинг тенгизлизигига олиб келиши мумкин.	Хукумат ресурсларнинг адолатли тақсимланишини таъминлаши мумкин.
Тенглик	Чекланган давлат аралашуви мавжуд.	Чекланмаган давлат аралашуви мавжуд.
Назорат	Тенгизлиг, бозор етишмовчилиги, монополия	Самарасизлиг, бюрократия, етишмовчилик, танлов камлиги
Муаммолари		

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, хусусий мулкчилик ва бозор тизимиға суюниш, ижтимоий мулкчилик ва марказдан режалаштириш ҳар доим ҳам бир вақтда мавжуд бўлмаслиги мумкин.

П БОБ. ТОВАР-ПУЛ ВА МУЛКЧИЛИК

МУНОСОБАТЛАРИ

2.1. Товар тушунчаси

Товар-пул муносабатларини тушунишда товарнинг мазмунини, унинг хусусиятларини билиш муҳим аҳамиятга эгадир. Товарга таъриф беришда ҳам иқтисодчилар томонидан турлича ёндошувлар мавжуд.

Бир катор олимларнинг фикрлари асосида таъкидлаш мумкинки, *товар - бу бирон-бир нафлийкка ва қийматга эга бўлган айирбошлиш учун яратилган меҳнат маҳсулидир*. Ёки, бошқача айтганда, товар - бирон-бир нафлийкка (истеъмол қийматга) ва алмашув қийматига эга бўлган, бозор учун ишлаб чиқариладиган маҳсулот ёки хизматлардир.

Демак, товарнинг икки хусусияти бор: биринчидан, у кишиларнинг қандайдир эҳтиёжини қондиради; иккинчидан, у ўзида ижтимоий меҳнат сарфларини мужассамлаштиради. Товар бошқа буюмга айирбошлана оладиган буюм бўлиб, у истеъмол қийматга ва алмашув қийматларига эга.

Буюмнинг истеъмол қиймати шундан иборатки, у кишилар учун фойдали, нафлийдир. У шахсий истеъмол буюми ёки ишлаб чиқариш воситалари сифатида кишиларнинг бирон-бир эҳтиёжини қондиради.

Ижтимоий зарурый нафлийк деб талаб миқдорига мос келадиган миқдордаги нафлийкка айтилади. Ҳар бир товар маълум бир нафлийкка эга, лекин бу нафлийк уни яратувчининг ўз эҳтиёжларини эмас, балки айирбошлиш орқали бошқа кишилар талабини қондиради, яъни товарнинг ижтимоий нафлиилиги ҳисобланади.

Товарнинг алмашунув қиймати – бу бирор турдаги нафлийкнинг бошқа турдаги нафлийкка айирбош қилинадиган миқдорий нисбатидир. Масалан, битта болта 20 кг донга айирбош қилинади. Айирбош қилинадиган товарларнинг бу миқдорий нисбатида уларнинг алмашув қиймати ифодаланади. Бунда товарлар қийматининг умумий асоси – уларга сарфланадиган ижтимоий-зарурый меҳнатдир. Товарнинг икки хил хусусиятга эга бўлишига сабаб товар ишлаб чиқарувчи меҳнати табиатининг икки томонламалигидадир.

А. Смит ўзининг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқотлар» (1776 й.) номли асарида товарнинг истеъмол



ва алмашув қийматини фарқлаб берган. У товар қийматининг ягона манбаи бўлиб моддий ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай соҳасида сарфланган меҳнат ҳисобланади, деган хуносага келган. Шу билан бирга, товар қийматининг миқдорини ҳар қандай меҳнат эмас, балки жамият учун зарур бўлган ўртача меҳнат белгилаб беришини кўрсатиб ўтган.

Д.Рикардо қийматнинг ягона мезони бўлиб товар ишлаб чиқаришга сарфланган ҳамда иш вақти сарфлари орқали аниқланувчи меҳнат ҳисобланишини исботлаб берган. У товарнинг истеъмол қиймати ва қиймати ўртасидаги фарқни аниқ кўрсатиб, ҳар қандай ишлаб чиқаришда товарнинг қиймати сарфланган меҳнат орқали аниқланишини таъкидлаган.

Нафлилик назариясига кўра, кишилар томонидан жуда хилмажил моддий ва маънавий неъматлар (хамда хизматлар) уларни ишлаб чиқаришга ижтимоий зарурий меҳнат сарфланганлиги учун эмас, балки ушбу неъматлар нафлийликка эга бўлиши сабабли қадрланади. Инсонлар томонидан маълум нафлийларга эҳтиёж сезилганлиги сабабли у ёки бу товарни ишлаб чиқаришга меҳнат сарфлари амалга оширилади.

2.2. Пулнинг келиб чиқиши, моҳияти ва вазифалари

Пул барча учун кизиқ мавзу бўлса керак. Иқтисодчилар пулни ва у билан боғлиқ бўлган барча жараёнларни яқиндан ўрганишади. Пул ўзи нима? “Пул – бу инсонлар тўлов сифатида қабул қилишга рози бўлган нарсадир”¹².

Иқтисодиётни жонли организм деб фараз килсанк пул унинг қонидир, чунки у организмнинг барча хужайраларини озиқлантириб туради. Пул ҳозирги иқтисодиётни таниюжони, чунки у пул билан тирик.

Пулдан фойдаланиш ғояси албатта жуда ажойиб! Аммо аксарият кишилар пулдан фойдаланиш фикри илк бор кимнинг миясига келганлигини ва биз пулни нега қадрлашимизни билишмайди. Минг йиллар илгари ҳали пул муомалага киритилмаган эди. Биз «эволюция» деганда асосан тирик мавжудотларнинг вақт ўтиши билан шакли ва хусусиятини ўзгаришини тушунамиз, лекин бу тушунча жонсиз нарсаларга ҳам тегишлидир.

Пул – бозор алоқаларининг ҳаммабон ва универсал иқтисодий воситасидир.

¹²Рахимов М. Суратли иқтисод. //Тамаддун. Тошкент. 2013-йил, 26 бет.



2.1-расм. Пул ва ташаккур билдириш

Пул ҳам ҳозирги шаклига келгунча кўп минг йил ўтган. Аввалига инсонлар «бартер» усулидан фойдаланган, яъни маҳсулотларни бирбирига умумий пул бирлигисиз, бошма-бош алмаштирганлар. Қадимги одамлар ҳайвон териси, турли чиганоқлар ва бошқа нарсаларни пул сифатида ишлатиб кўрганлар.



“Америка долларининг халқ орасидаги номларидан бири «БАКС» бўлиб, доллардан аввал Америкаликлар кейик терисини пул ўрнида ишлатганлар (Инглизча «буск»). Доллар мувомалага киргазилганидан кейин ҳам одамлар орасида бакс деган ном қолиб кетган”¹³.

Бирок бarterning энг катта камчилиги савдо қилаётган икки одамнинг товарларнинг қиймати тўғри келмаганидир. Шунинг учун кўп ўтмай умумий тўлов усулига талаб пойдо бўлган.

Кейинчалик бу нарсаларни бир парча темир сикиб чиқарди. Кўпинча бу парча темир олтин ёки кумушдан иборат бўларди. Кейинчалик тангалар маҳсус тозалиқдаги ва оғирлиқдаги металлардан

¹³Рахимов М. Суратли иқтисод. //Тамаддун. Тошкент. 2013-йил, 27 бет.

ясаладиган бўлди. Уларга муайян микдордаги товарларни олиш мумкин эди. Бир нечта танга, айтайлик бир сигирга, ёки 10 кг тамакига ёки бошка бирор маҳсулотга тенг ҳисобланарди.

Дастлабки метал пуллар эрамиздан олдинги ВИИ асрда Хитойда ва Ўрта ер денгизи давлатлари Лидия ва Эгинада пайдо бўлган. Дастлаб металл пуллар хар хил шаклда, кейинчалик эса ишлаб чиқариш ва фойдаланиш учун думалоқ шаклда зарб қилинган. Қулай бўлиши учун металла тангалар ҳажман кичик, вазни енгил қилиб чиқарилади. Инсоният тарихидаги энг оғир металл танга – XVIIIИ асрда чиқарилган шведларнинг 10 далер қийматли тўртбурчак мис тангаси бўлган. Унинг бир донаси 19 килограмм 710 грамм вазнга эга бўлиб, бурчакларига қирол муҳри босилганди.

Пулларнинг ёмбиларда бўлмаган янги сифатлари ҳисоб-китобларни амалга оширишда уларни шунчаки оддий қайта ҳисоблашга ва вақти келиб уларни тортиб қўришдан воз кечишга имконият яратди. Белгилар ва ёзувлар шундай сифат белгилари бўлиб, улар олдинига пул бирликларининг бир томонига, кейинчалик-иккала томонига ҳам босилган.

1816-йилдан 1900-йилгача мамлакатларнинг кўпчилиги олтин ёки олтин тангали стандартга ўтганлар, бу стандартда мамлакатнинг асосий пул бирлиги муомалада бўладиган олтин тангада зарб қилинган. Унинг номинали унинг таркибидаги олтин қийматига тенг бўлган. Кумуш ва мис тангалар эса майдага пул ролини ўйнарди. Олтин стандарт кўпчилик давлатларда биринчи жаҳон уришигача амал қилиниб турди. Биринчи жаҳон уруши бошланган вақтга келиб амалда барча мамлакатлар харбий стратегик захираларни шақиллантириш мақсадларида олтин ва кумуш тангаларни муомаладан олиб ташлашди.

Пул муомаласида уларнинг ўрнини таъминланмаган банкноталар майдага пуллар эгаллади. Илк қоғоз пул қадимги Хитойда пайдо бўлган, лекин ҳозирги қоғоз пуллардан фарқли тарзда, бу қоғозлар эгасида қанча олтин борлигини кўрсатувчи хужжат сифатида ишлатилган. Кўпинча одамлар ўз олтинларини заргар ёки ишончлироқ бирор одамга сақлашга берганлар. Ўша заргар бир парча қоғозга тилҳат ёзиб берган. Бозорда бу тилҳат билан тўлов амалга оширилгач, қоғозни олган одам ўша заргарга келиб олтинларни санаб олган.

Пулнинг бозор иқтисодиёти учун бекиёс аҳамияти унинг функцияларида намоён бўлади. Пул З та асосий функцияни бажаради:

1. Ҳисоб-китоб ва қадри-қийматни ўлчов функцияси. Иқтисодий фаолиятнинг 2 хил ўлчами бўлади. Бири моддий ўлчам бўлса, иккисинчи пул-қиймат ўлчами. Маҳсулот ва хизматлар тури миллионлаб бўлганидан уларни моддий жиҳатдан бир ўлчамга келтириб, уларни такқослаб бўлмайди. Бу вазифани факат пул

бажариши мумкин. Пулнинг ҳаммаболлиги шундаки, ундан фойдаланмайдиган иқтисодий субъект умуман бўлмайди. Пул универсал восита бўлганидан, у ҳар қандай иқтисодий фаолиятнинг ҳаражати ва натижасини аниқлайди. Хуллас, пул кадр-қиймат ўлчови вазифасини ўтайди. Қийматни ўлчаш дегани, кетган сарф-харажатларни, яратилган товар ва хизматлар миқдори ва сифатининг бозор нархида ифодаланишини билдиради. Нарх эса, товар ва хизматлар харид этилган чоғда тўланадиган пулдир. Демак, пул қийматни нарх ёрдамида ўлчайди.

2. Муомала воситаси функцияси. Пул бу функцияни бажарганда олди-сотдига хизмат киласди. Сотувчи товарини пулга алмаштиради, Т-П операцияси юзага келади. Харидор эса ўз пулини товарга айирбоштайди, бунда П-Т операцияси юзага келади. Пул универсал тўлов воситаси сифатида ҳамма ерда қабул қилинади, чунки пулга алмаштирилмайдиган товар умуман бўлмайди. Пулни товарга айирбошланиши бир лаҳзали иш эмас, бу тўхтовсиз давом этади. Шу сабабли пул кўлдан кўлга ўтиб доимо ҳаракатда бўлади.

Пул мўжизакор восита, айирбошлашда улкан кулайлик туғдиради, айирбошлаш сарф-харажатлари мислсиз даражада қискарган. Масалан, бартер чоғида бир маҳсулотга бошқа керакли маҳсулотни дарҳол топиб алмаштириш амримаҳол иш бўлади. Фараз қилайлик, агар дехқон сигирини мотоциклга алмаштирунча кўп овора бўлади, талай вақт сарфлайди. Пул бор жойда бундай узоқ оворагарчилик бўлмайди. Сигир дарҳол пулга сотилиб, пулга мотоцикл олинади. Пулнинг борлиги туфайли икки товар эгасининг иши бир зумда битади.

3. Жамғариш воситаси. Пул бу функцияни бажарганда бойлик тўплашга хизмат киласди. Бунда пулнинг ҳозирги кунги харид қобилияти келажакка кўчирилади, у тўпланиб боради ва бўлғусидаги харид ишига хизмат қиласди. Бойлик – бу жамланган барча активлардир. Моддий актив – бу жамғарилаш хусусиятига эга бўлган ва узоқ сақланадиган нарсалардир. Булар жумласига ер, еrostи бойликлари, ўрмонлар, завод, фабрикалар, фермер хўжаликлари, бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, олтин, кумуш, платина, жавохирлар ва бошқалар киради.

Пулнинг бу вазифаси муомаланинг турли кредит воситалари – *вексел, чек, банкнотларни* келтириб чикаради.



Вексел бу қарздорнинг ёзма мажбурияти ёки кредиторнинг қарздорга векселда ёзилган суммани муайян муддатдан кейин тўлаш тўғрисидаги буйруги. Векселнинг икки тури мавжуд-оддий ва ўтказма вексел.

Чек – бу омонатчининг тижорат ёки марказий банкка ёзиб берадиган ўтказма векселининг бир туридир. Чек жорий ҳисобварақ эгасининг банкка чекни тутиб турувчига муайян суммадаги пулларни тўлаш ёки бундай суммани бошқа жорий ҳисобвараққа ўтказиш ҳақидаги ёзма буйруғидир.

Чеклар биринчи марта 1683 йилда Англияда пайдо бўлган. Чекда ёзиб кўйилган буйруқ хукуқи ва унинг бажарилиши мажбурияти банк билан мижоз ўртасидаги чек шартномасига асосланади.

Банкнота – бу банкнинг қарз мажбурияти. Хозирги вақтда банкнота марказий банк томонидан векселларни қайта ҳисоблаш, турли кредит ташкилотлари ва давлатни кредитлаш йўли билан чиқарилади. Банкноталарнинг муомалага чиқарилишини одатда банклар турли хўжалик жараёнлари муносабати билан амалга оширилаётган кредит операцияларини бажаришда ўтказишиди.

Пулнинг ликвидлиги унинг муомала воситаси сифатида ҳамма нарсага тез ва ҳеч бир тўсиқсиз айирбошланишидир. Пулдан бошқа ликвидли активлар ҳам бор, лекин улар пулга тенгглаша олмайди. Масалан, пул ҳеч бир харажакиз хоҳлаган пайтда хоҳлаган нарсага айирбошланиши мумкин. Бино, жавоҳир ёки транспорт воситаси бошқа нарсага айирбошланиши учун у сотилиши керак, бу кўп вақт ва харажатни талаб қиласди.

Пул жамғариш воситаси бўлиши учун унинг қадри барқарор бўлиши керак. Пул қадрсизланганда, унга келажакда кам товар беришади. Шу сабабли қадрсизланётган пулнинг жамғарилиши бойликнинг қисман йўқотиб борилишини билдиради. Шундай шароитда пул ўрнига бошқа активларни жамғариш куляй бўлиб қолади масалан олтинни.

Пулнинг қадр-қиймати – бу пул бирлигининг харид қурбидир. Пулнинг қадр-қиймати унга бозорда нима берилиши билан белгиланади. Қадри баланд пуллар кучли пуллар ҳисобланади. Қадри паст пуллар ҳам иқтисодиётда ўз функциясини бажаради, бироқ иқтисодий оборот учун улар миқдори кўп бўлиши керак. Пул бирлигининг қадри қандай бўлишидан қатъи назар унинг барқарор



сақланиши аҳамиятлидир, Пулнинг қадри турли мамлакатларда фарқланади.

Шу сабабли, муайян товарни сотиб олиш учун ҳар хил миқдорда пул бериш керак. Пул бирлигининг қадри пулнинг умумий миқдорига тескари мутаносиблиқда бўлади. Ҳозирги даврда деярли ҳамма ерда пул бирлиги қадрининг пасайиши кузатилади, аммо кишилар пулни кўп топганидан, бу уларнинг турмуш даражасини пасайтирумайди, балки буни оширади. Пул қадрининг юқори ёки паст бўлиши муомала учун зарур пул миқдорини ўзгартиради, холос. Бироқ арzonчилик бўлганда пул қадри юқори бўлади, кимматчилик юз берса пул қадри камаяди.

Муайян мамлакатдаги пул қадрини унинг миқдори ўзгармаган тақдирда турли омиллар белгилайди. Энг аввал буни пулнинг моддий таъминланиши, яъни пул ортида турган товарларнинг миқдори ва сифати белгилайди. Товар ва хизматлар қанчалик кўп бўлса, шунчалик уларни пулга кўпроқ харид этилади. Демак, пул қадри ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлади. Қаерда ишлаб чиқариш кучли бўлса, шу ерда пул қадри барқарор бўлади. Бундан ташқари пул қадри мамлакатнинг олтин ва валюта захиралари билан ҳам таъминланади.

Биз пул деб ҳисоблайдиган, металл тангалар ёки серҳашам қоғозлар аслида шунчаки рамзлар холос. Бироқ мана шу рамзлар муайян бойликнинг вакиллариридир ёки далиллариридир. Пуллар уларни чиқарган давлат хазинасида мавжуд қимматбаҳо металлар миқдори билан тасдиқланади. Пул қадрини белгилашда сивилизацияга эришган бутун дунёда меъёр бўлиб олтин ва кумуш хизмат қиласди. Бу қимматли металлар анча ноёб ва ўз аҳамиятини йўқотмайди, бироқ уларнинг захираси бозор эҳтиёжларини қондиришга стади. Бошқача килиб айтганда, қоғоз пул ва тангалар пул сифатида давлат томонидан чиқарилар экан, улар ўз қадрларига эгалиги тан олинади, чунки улар давлат хазинасидаги олтин ва кумуш миқдори билан мустаҳкамланган.

1821 йилда Буюк Британия ўз пул тизимининг асоси сифатида монометализм (яъни фақат бир хил металлдан фойдаланиш) ни жорий қилди. Бу тизим хукуқий жиҳатдан 1867 йилда Париж конференциясида давлатлараро битим билан расмийлаштирилган. Миллий валюта курси олтинга қатъий боғлиқ бўлиб, валютанинг олтин таркиби орқали қатъий валюта курси бўйича бир-бiri билан ўзаро мувофиқлаштирилган. Уларнинг олтин паритети валюталарда расмий белгиланган олтин миқдоридан келиб чиқсан ҳолда аниқланиб, валюталар бевосита олтинга айирбошланар эди. Олтин тангалар чекловларсиз муомалада бўлган ва зарб қилинган, қоғоз пул олтин тангаларга эркин алмаштирилган, нархлар олтинда ҳисобланган. Биринчи жаҳон уруши даврида деярли барча мамлакатларда қоғоз

пулларга олтин алмаштириш тұхтатилди, мұомаладаги олтин тангалар мұомаладан чыкарылды.

Бу тизим давлатларга пул массасини назорат килишга йүл күймас эди, чунки пул массаси олтин қазиб олиш ҳажмига боғлиқ бўлган. 1914-йилга келиб олтин ер юзидағи барча валюталарнинг ўлчов бирлиги бўлиб қолди. Нархнинг стандарт мөйёрига эга бўлган мамлакатлар энди бемалол бир-бирлари билан савдо сотик қилишлари мумкин бўлиб қолди. Америка Кўшма Штатларининг доллари, Франциянинг франки, немис маркалари олтинда ифодаланган белгиланган қийматга эга эди.

1938 йилда Вашингтоннинг олтин захиралари 13 минг тоннани ташкил этган бўлса, 1945 йилда 17,7 минг тоннага, 1949 йилда эса 21,8 минг тоннага стиб, бутун дунёдаги олтин захираларининг 70 фоизини ташкил этганди. Конференция қатнашчилари халқаро тўловларда олтин ўрнига долларда ҳисоб-китоб қилишга қарор қилишди, яъни доллар олтинга тенглаштирилади. Шу билан бирга, доллардан бошқа хеч бир валюта олтинга алмасиши “қобилияти”га эга бўлмай қолди. Халқаро савдо алоқаларида олтин ўрнига АҚШ доллари ишлатила бошланди; 1 унсия олтин 35 \$ қийматида фиксирулаб қўйилди¹⁴.

Савдо муносабатларда айнан АҚШ доллари танланышига сабаб, ўша даврларда мамлакат бутун жаҳон олтин ҳажмининг деярли ярмига эгалик қиласр эди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Бреттон — Вудс валюта тизими шаклланди (Бреттон-Вудс битими) ва олтин девиз стандарт фақат марказий банклар учун сақлаб қолинди. Олтин жаҳон пули сифатида Ямайка шартномаси (1976) имзоланишига қадар мұомалада бўлган. 1933 йилга келиб аксарият мамлакатлар олтин стандартидан бироз чекинадилар. 1971 йилгача доллар ҳам олтин билан таъминланган. Совет Иттифоқи пули ҳам олтин билан таъминланган. Бироқ АҚШ ўз пулини олтин билан таъминламай қўйганидан кейин дунёнинг барча мамлакатлари бирин-кетин ўз пулларини олтин билан таъминлашдан воз кечганлар. Олтин халқаро савдода нихоятда муҳим аҳамият касб этади. Ҳукумат қўйма олтинларни сотиб олади ва сотади. Олтиннинг бир қисми халқаро қарзларни тўлаш учун сарфланади, қолган қисми эса сақланади. Сақланадиган олтинга давлатнинг **олтин захираси** дейилади.

Пул турлари – Дунёда нечта мамлакат бўлса, шунча миллий пуллар (валюталар) бор. Уларнинг номида ўхшашлик бўлса-да, улар



¹⁴ Лекция 3. Финансовая система США. Нозима Рахманкулова, СЕР, Uzbekistan

фарқланади. АҚШ, Канада, Австралия, Гонконг пуллари доллар номи билан юритилади, лекин булар ҳамма жиҳатидан фарқланади.

Миллий пул – бу муайян мамлакатда муомалада юрувчи ва танҳо тўлов воситаси, деб қабул қилинган пулдир. Миллий пуллар турлича бўлади. Улардан бири товар шаклидаги пулдир. Шундай товарлар борки, уларнинг ички қадр-киммати бўлади, масалан олтинни у қазиб ва эритиб олинади, катта харажат талаб қиласди, у саноатда ишлатилади, ундан заргарлик буюмлари, электроника учун бутловчи қисмлар тайёрланади. Гарчи ҳозир олтин танга пуллар ишлатилмасада, олтин юксак ликвидли товар пули бўлиши мумкин.

Иқтисодиётда шундай вазият ҳам бўладики, биронта товар пул вазифасини ўтайди, яъни унга бошқа товарлар олиш айрибошлиш мумкин бўлганидан, уни пул ўрнига қабул қиласдилар. Масалан, Россияда 1991–1994 йиллар сигаретлар пул вазифасини ўтаган, яъни чекмайдиганлар ҳам уни пул, деб қабул қилишган, чунки унга бошқа товар олиш мумкин бўлган. Ўша кезларда Навоий вилоятининг Томди туманидаги чорвадорлар хусусий машиналарда узоқ ерга бориб келиш учун кира ҳақига пул ўрнида бир бош қўй беришган. Чунки совет пули рубл пўчоқ пулга айланиб, обрўси қолмаган.

Ҳозирги иқтисодиётда товар шаклидаги пул кўлланилмайди. Қоғоз пуллар декретланган, яъни давлат томонидан пул, деб зълон қилинган махсус белгилари бор қоғозлардир. Қоғоз пуллар давлат томонидан муайян мамлакатдаги ягона тўлов воситаси сифатида киритилади ва бу ҳақда пулнинг ўзига ёзиб қўйилади. Қоғоз пуллар купюра шаклига эга, улар ҳар хил қимматли бўлиб чиқарилади, масалан, 200, 500, 1000 ва 5000 сўмлик купоралар шаклида чиқарилади. Миллий пуллар тангалар шаклида ҳам зарб этилади.

Пул ўз шакли жиҳатидан қоғоз, танга ва чақа пуллардан ташкил топса, муомала қилиш жиҳатидан **нақд ва нақд бўлмаган пулларга** ажратилади.

Нақд пуллар – бу аниқ моддий шаклдаги қоғоз ва танга пуллар бўлиб, улар кўлдан-кўлга ўтиб юради. Бу энг кўп тарқалган тўлов воситасидир. Бироқ олди-берди алоқаларига нақд бўлмаган пуллар ҳам хизмат қиласди. Бу пул аниқ моддий шаклга эга эмас, у тасаввурдаги пул, яъни унинг бор-йўқлигини қўл билан ушлаб ва кўз билан кўриб бўлмайди, балки хаёлан тасаввур этилади. Нақд бўлмаган пулнинг ҳам муомала қилиш харажати бор, лекин бу нақд пулнидан оз бўлади.

Нақд бўлмаган пуллар харид қурби нақд пулларнидан фарқланмайди у ҳам барча тўловларга қабул қилинади. Тўлов юз берганда пул бир ҳисоб варагдан бошқасига ўтказилади ёки чек ёзиб берилади, чек эса тўловга қабул қилинади. Масалан, фуқаронинг банкда 10 миллион минг сўм пули бўлса, 2 миллион минг сўмлик чек олиб, шу чекка магазиндан телевизор сотиб олиши мумкин, чунки чек

нақд пул ўрнига ўтади. Аҳоли пластик карточкалардан ҳам фойдаланади. Бирок уларнинг ўзини пул деб бўлмайди. Асл пул карточканинг ўзи эмас, балки борлиги унда қайд этилган, лекин банкдаги пул эгасининг хисобварағида ёзилган пулдир.

Пул қандай шаклда бўлишидан қатъи назар у актив (фаол) ва пассив (фаол бўлмаган) пулларга ажратилади. Актив пул бу амалда ҳаракатда бўлган, яъни иқтисодиётдаги олди-берди муносабатларида тўлов воситаси сифатида ишлаб турган пулдир. Пассив пул бу иқтисодий оборотда иштироқ этмай турган пулдир, у жамғарма, пул резервлари ва касса қолдиқларидан иборат пулдир. У одатда вақтингчалик эгаси томонидан ишлатилмай туради.

Пул массаси деган нарса ҳам бор. Пул массаси муайян мамлакатда, муайян пайтда мумомалада юрувчи барча пул турларининг миқдоридир.

Миллий пуллардан ташқари жаҳон пуллари ҳам бўлади, бу ҳалқаро миқёсда, яъни мамлакатлараро иқтисодий алоқаларга хизмат қилувчи пулдир. Илгарилари жаҳон пули вазифасини олтин қўймалари, яъни ёмбилиари ташкил этган. Ҳозир маҳсус чиқарилган жаҳон пули йўқ. Бу пул вазифасини қадри барқарор, яъни қаттиқ валюталар ташкил этади. Булар АҚШ доллари, Англия фунт стерлинги, Швецария франки, Япония иенаси, Европа Иттифоқининг евроси ва ниҳоят Хитой юани.

Пул белгилари – пулнинг кўриниш шакли, мумомалада қатнашадиган пулнинг турлари. Пулга хос умумий (12 та) белгилар: қиймат миқдорини кўрсатувчи рақамлар, давлат ғорби, индивидуал серия ва унинг сони, маҳсус расм, чизмалар, накшлар, қоғоз таркиби, ҳажми, эни ва бўйи, бошқа пуллардан фарқланадиган ва такрорланмайдиган белгилардан иборат.

Ўзбекистонда қоғоз белгилар ва майда тангалар шаклида чиқарилади. Пул белгилари номиналлари нақд ҳисоб-китобларни, тўловларни оқилона ташкил этишга имконият берадиган даражада белгиланади. Инфляция юз берадиган вазиятларда пул белгилари иирик номиналда чиқарилади.

Пул ислоҳатлари – миллий валютани мустахкамлиш, пул бирлигини барқарорлаштириш ва пул мумомаласини тартибга солиш максадида давлат томонидан мамлакат пул тизимини тўлиқ ёки қисман қайта ташкил этиш. Пул ислоҳати қоғоз пул белгиларининг ҳаммаси ёки бир қисми қадрсизланганда ва уларнинг ҳажми кўпайиб, янгиси қоғоз ёки метал билан алмаштириш лозим бўлганда, пулнинг олтин қиймати ёки валюта курси ўзгарганда, пул тизимиға ўзгартириш киритиш зарур бўлганда ўтказилади. Пул ислоҳати мамлакатдаги иқтисодий ҳолатга, пулнинг қадрсизланиш даражасига ва давлатнинг сиёсатига боғлиқ ҳолда турли усусларда: ортиқча қоғоз пулларни йўқ

қилиш йўли билан ҳажмини камайтириш (дефляция¹⁵); эски пул белгиларини зарур микдорда чиқариш (нуллификация); эски пул белгиларини йирикроқ янги пул белгиларига алмаштириш (деноминация); пул бирлиги ёки қоғоз пул бирлиги курсининг металл қиймати ва чет эл валютасига нисбатан курсини пасайтириш (девальвация); пул бирлигидаги метал қиймати ёки қоғоз пул курсини ташки давлатлар валютасига нисбатан ошириш (ревальвация); ва бошқа шаклларда амалга оширилади.

Пул-кредит сиёсати – хукуматнинг пул муомаласи ва кредит соҳасида олиб борадиган бош йўли ва мамлакат иқтисодиёти барқарорлигини ва унинг самарали фаолиятини таъминлашга, пул тизимини лозим даражада мустаҳкам саклаб туришга қаратилган чора-тадбирлари тушунилади. Пул-кредит сиёсати давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, одатда, уни Марказий банк амалга оширади. Пул-кредит сиёсати орқали муомаладаги ортиқча пул массаси қисқартирилади ёки кўпайтирилади, инфляцияни пасайтириш чора-тадбирлари кўрилади. Марказий банк Пул-кредит сиёсатини олиб борища пул бозорига тўғридан-тўғри – ўзининг бошқарув ваколатлари ёрдамида ва **пул эмиссияси**¹⁶ орқали таъсир ўтказиши мумкин.

Пул эмиссияси – бу пулнинг давлат томонидан Марказий банк орқали муомалага чиқарилишидир. Пул эмиссияси унга бўлган талабни қондиришга қаратилади. Эмиссиянинг ўсиши эса давлатнинг товар муомаласи талаби билан чамбарчас боғлиқдир. Бу тўғрисида аҳоли олдиндан хабардор қилинади. Мисол учун, жаҳон тажрибасида бир ой ёки бир ҳафта олдин. Пул босиб чиқаришда ўз-ўзидан эмиссиявий даромад олиш ҳам назарда тутилади. Хусусан, ўрта асрларда бу жараён тангаларнинг бузилиши билан ҳам боғлиқ бўлган. Чунки бундан катта даромад олинган. Кейинчалик қоғоз пуллар чиқарилишида ҳам катта даромад олина бошлаган, яъни қоғоз пуллар ўрнига номиналини ўзгартирмасдан шундай қийматли тангаларни зарб этиш ҳам катта даромад келтирган.

¹⁵ Дефляция (лот. -пуфламок) – керагидан ортиқча пулнинг маълум бир қисмини муомаладан чиқариш. Дефляция соликларни кўпайтириш, давлат қимматбаҳо қоғозларини очик бозорда сотиш, молия чиқимларини қисқартириш ва хокозалар орқали амалга оширилади. Ялпи талаб камайиши сабабли иқтисодиёда ўргача нарх савииси пасайишига олиб келувчи анъанадир, жамият меҳнат унумдорлиги ошиши хисобига товарлар қиймати пасайиши ёки бўлмаса муомаладаги пуллар микдорини камайиши юзага келади.

¹⁶ Эмиссия (лот. – чиқариш, нурланиш) – Марказий банклар томонидан муомалага пул ёки қимматли қоғозларни чиқариш.

Пулга талабни эса қуийдаги омиллар юзага келтиради:

1. Товар ва хизматларни харид этиш әхтиёжи, буни трансакцион, яъни олди-сотди битимлари юзага келтирадиган әхтиёж, деб юритилади. Бунда пулга талаб нархларга ва товарларг микдорига боғлиқдир.

2. Спекуляция қилиш әхтиёжи. Бу биржаларда товарлар ва молиявий активларни олиб-сотиш учун зарур бўлган пулга талаб чақиради.

3. Ҳар эҳтимолга қарши пулни қўлда сақлаб туриш зарурати. Масалан, арzon товар учраб қолганда, уни харид этиш учун пул керак бўлади.

4. Пулнинг айланниш тезлиги. Бу пулни қандай вактда қўлдан қўлга ўтиб туришини билдиради. Агар пул тез айланса, у кам талаб қилинади ва аксинча. Пул операциялари қанчалик тез бица, пул шунчалик кам талаб қилинади.

Пулга талабни ўзгаришига қараб пул таклифи ҳам юзага келади. Бозорга пулни марказий банклар таклиф этишади.

Пул-кредит сиёсати бевосита ва билвосита воситалар орқали амалга оширилади. Бевосита воситалар – молиявий институтлардаги молиявий активлар нархлари (фоиз ставкалари) ни ёки улар ҳажмини тўғридан-тўғри бошқариш орқали олиб борилади. Марказий банк томонидан тижорат банкларидағи кредитлар нархлари ва ҳажми назорат қилинади.

Билвосита воситалар – Марказий банк томонидан молиявий институтлар ресурсларига бозор меҳанизмлари (мажбурий заҳира талаблари, очик бозордаги операциялар, тижорат банкларини қайта молиялаш ва Марказий банкнинг ҳисоб ставкаси, тижорат банкларида депозитларни қабул қилиш ва б.) орқали иқтисодиётдаги пул массасига таъсир этилади.

Марказий банк фойдаланадиган воситаларнинг ҳар бири фоиз ставкаларининг ўсишига, кредитлаш ва қарз олиш ҳажмини камайтиришга, лозим бўлганда фоиз ставкаларини оширишга ёки, аксинча, туширишга ҳизмат қиласи. Очик бозордаги операциялар, мажбурий энг кам заҳираларнинг бўлиши, ҳисобга олиш сиёсати, валюта сиёсати пул-кредит сиёсатининг асосий таркибий қисмларини ташкил этади.

Пул муомаласи қонуни – Иқтисодиётда пул муомаласи деган нарса бор. Пул муомаласи – бу пулнинг қўлдан қўлга ўтиб, доимо айланма ҳаракатда бўлишидир. Пул банклардан чиқиб фирмалар, давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлари кассасига келиб тушади. Бу ердан пул ишловчилар ва нафақаҳўрлар қўлига ўтади. Улар товар ва хизматларни тирикчилик учун харид этгач, давлат ва нодавлат ташкилотлар ресурси ёки истеъмол товарни олгач, пул яна қайта банка

келади. Пул ҳаракатини узлуксиз тақрорланиб туриши пул обороти деб юритилади. Иқтисодиётдаги олди-берди алоқаларига хизмат килиш учун маълум миқдордаги пул талаб қилинади. Пул оз бўлса, у етишмай қолиб, ўзаро пул ҳисоб-китоблари қийинлашади. Пул кўп бўлса унинг қадри тушиб кетади, унга ишонч камайиб, пул топишга интилиш, яъни иқтисодий фаоллик ҳам кучсизланади. Шу сабабли, иқтисодиётда пул етарли бўлиши зарур. Иқтисодиётнинг пул билан накадар таъминланиши унинг монетизацияланиш даражаси, деб юритилади.

Пул муомаласи қонуни борки унга биноан муомаладаги пул миқдори сотиладиган товар ва хизматлар нархининг умумий суммасига тўғри мутаносиблиқда, пул ҳаракатининг тезлигига тескари мутаносиблиқда бўлади. Бу қонунга биноан сотиладиган товар ва хизматлар (К) қанчалик кўп бўлса ва улардан ҳар бирининг нархи (Р) қанчалик юқори бўлса пул шунчалик кўп талаб қилинади, бунинг акси бўлса пул кам керак бўлади. Бироқ, пулнинг миқдорига унинг айланиш тезлиги (В) ҳам таъсир этади. Шунга биноан, пул миқдори КxРга тўғри мутаносиб, В га эса тескари мутаносиблиқда бўлади. Агар муайян мамлакатда 10 млрд дона товар ва хизматлар яратилиб, улардан ҳар бирининг ўргача нархи 160 доллар бўлса ва пул олди-сотдига 8 марта хизмат қўлса, яъни оборот тезлиги 8 бўлса иқтисодиётга ҳаммаси бўлиб 200 млрд пул керак бўлади, чунки ҳосил бўлади. Агар мамлакатнинг иқтисодиёти кучли бўлиб, сифатли товарлар кўплаб яратилса, уларнинг олди-сотдиси учун пул кўпроқ керак бўлади, борди-ю иқтисодиёт заиф бўлиб, товарлар сифациз ва кам яратилса пул камроқ талаб қилинади. Шу сабабли йилига 10 трлн долларга тенг товар ва хизматлар яратган мамлакаттага пул кўп керак бўлади, аксинча 4,0 млрд долларлик товар ва хизматлар яратган мамлакатларга пул кам керак бўлади.

2.3. Инфляция ва унинг сабаблари.

Инфляция билан биз деярли ҳар ерда дуч келамиз. Айтайлик, йил бошида биз 1 млн. сўм ойлик маоши оламиз. Бунга мослашамиз ва бу бизга етарлидек. Йил охирига бориб эса маошимиз, ҳаридларимиз ўзгармагандек, лекин оиласвий бюджетимизда қандайдир етишмовчилик, танқисликни сезгандек бўламиз. Ёки бўлмаса ортиқча жамғармамизни режалаштирилмаган ҳаражатлар учун сарфлаб қўямиз. Оқибатда жами ҳаражатларни, ҳаридларни амалга ошириш учун кўпроқ ишлashingимиш ёки қўшимча даромад манбаини излашимизга мажбур бўламиз. Бу холат барча мамлакатларда, гарчи турли хил даражаларда бўлсада, содир бўлмоқда. Чунки биз инфляцион оламда яшаяпмиз.

Инфляция иқтисодий ҳодиса сифатида деярли азалдан мавжуддир. Кўпгина иқтисодчилар унинг вужудга келиши деярли шулнинг пайдо бўлиши даврига тўғри келади деб ҳисоблайдилар. «Инфляция» атамасининг бир қанча тушунчалари мавжуд. Иқтисодий назариядан йироқ оддий инсон учун инфляция – бу, аввало нархларнинг ўсишидир. Тарихга мурожаат этадиган бўлсақ, «инфляция» атамаси (*инфлатио* – лотинчадан «бўртиши, шишиши» маъноларини англамади), пулнинг қадрсизланиши – товар-пул мувозанатининг бузилиши натижасида муомалада хўжалик айланмаси эҳтиёжларидан ортиқ даражада қозоз пуллар микдорининг кўпайиб кетиши, пул массасининг товарлар массасидан устунлиги натижасида товар билан таъминланмаган пулларнинг пайдо бўлиши, иқтисодиётда вужудга келадиган муаммолар пул босиб чиқаришни кўпайтириш оркали ҳал қилинса ёки қозоз пуллар ҳажми ўзгармаган ҳолда товар ҳажми камайса, инфляция рўй беради. Инфляция – бу мамлакат ичида миллий валюта харид қобилиятининг пасайиши жараёни бўлиб, аввало нархларнинг умумий даражаси кўтарилишида ифодаланади.

Инфляция илк бор 1861-1865 йилларда Шимолий Америкада юз берган бўлиб, фуқаролик уруши даврида ишлатилган қозоз-пул муомаласининг кўпайиб кетганлиги жараёнини билдирган. XIX асрга келиб ушбу атама Англия ва Франция мамалакатларида ҳам ишлатила бошлади. XX асрдан бошлаб, Яъни Биринчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг ушбу атама иқтисодий адабиётларда кенг миқиёсда тарқала бошлаган.

Баъзида инфляцияни девальвация – бошқа миллий валюталар (асосан етакчи жаҳон валюталари) га нисбатан миллий валюта қийматининг пасайиши билан адаштирадилар. Инфляция ва девальвация бир-бирига фаол таъсири кўрсацада барибир, бошқа-бошқа ҳодисалардир.

Инфляция – бу мамлакат ичида миллий валюта харид қобилиятининг пасайиши жараёни бўлиб, аввало нархларнинг умумий даражаси кўтарилишида ифодаланади.

Девальвация – бошқа миллий валюталар (асосан етакчи жаҳон валюталари) га нисбатан миллий валюта қийматининг пасайиши.

Инфляция бу фақат пул билан боғлиқ ҳодиса эмас, балки иқтисодиёт юксалганда кисқарадиган, тушкунлик пайтида кучаядиган иқтисодий ҳолат маҳсулидир.

Инфляция юзага қелишининг асосий сабаби – реал иқтисодий ўсиш суръатларига нисбатан пул массаси ўсиш суръатининг ошиб кетишидир. Яъни мисол учун, ЯИМ бир йилда реал кўрсаткичда (нарх кўтарилишини ҳисобга олмагандан) 5 фоизга, пул массаси эса – 15%га ўтсан бўлса, ўргадаги фарқ ($10\% = 15\% - 5\%$) – бу орикча пул

массасининг ўсиши, у инфляциянинг асосий манбаи бўлади. Нега шундай бўлишини инфляция сабаблари изоҳлайди.

Булар қуидагича:

1. Давлат ўз харажатларини қоплаш учун пул эмиссиясига кўл уради, яъни муомалага қўшимча пул чиқаради, бу пул миқдорини кўпайтириб юборади. Пулнинг кўпайишига жавобан товар ва хизматлар кўпайиб улгурмайди. Бу ерда талаб инфляцияси келиб чиқади. Ортиқча пул товар билан таъминланмаганингидан аввал талаб, сўнгра нарх ошади. Нархларнинг ортиши пулнинг кўпайиши хисобидан бўлганда инфляцияда пул феномени (ходисаси) юзага келади. Эмиссия туфайли инфляция юз берганда инфляцион солик ундирилади, яъни давлат ўз харажатларини қўшимча пул чиқариши хисобидан қоплайди. Бунда давлатта кўзга кўринмайдиган солик олади. Агар одатдаги соликларни кишилар ҳар хил тўлашса, инфляцион соликни ҳамма пули борлар бир хил тўлайди. Уларни инфляциядан йўқотиш улар пулидан солик чегиришга ўхшаб кетади.

2. Ишлаб чиқаришнинг қисқариши. Бунда пул массаси ўзгармайди, лекин товарлар ҳажми қисқаради. Натижада, пулнинг товар билан таъминланиши камаяди, нарх ошади, пул эса кадрсизланади. Фараз қиласлик товарлар 100 млрд долларлик бўлса, ишлаб чиқариш қисқарганда улар 90 млрд долларга тушиб қолади, пул массаси эса ўзгармайди. Товарлар етишмагандан нархлар ошиб пул кадрсизланади.

3. Ресурслар камёблигидан уларга талаб ошиб, уларнинг нархи кўтарилади, бу ўз навбатида харажатларни, бинобарин нархни оширади. Пул массаси ўзгармаган тақдирда ҳам пулнинг қадри пасаяди, чунки харажатни ўсиши нархни оширади, бундай ҳол айниқса, импорт қилинадиган хомаше, материаллар ва ёқилги нархлари ошганда юз беради.

4. Валюта захираларининг кадрсизланиши. Валюта захиралари хисобидан импортни кўпайтириб, миллий пулнинг товар билан таъминланишини ошириш мумкин. Бироқ захира ролини бажарувчи валюталар қадрсизланса, уларга четдан олинадиган товарлар миқдори қисқаради, бунда импортнинг қадрсизланиши юз беради. Импортнинг қисқариши миллий пулнинг моддий таъминланишини пасайтиради, нархлар ўса бошлайди. Бунда инфляцияни импорт қилинган, яъни ташқаридан кириб келган инфляция, деб аташади, чунки захира валютани қадрсизланиши, инфляцияни бир мамлакатдан бошқа мамлакатга кўчиради.

Кўп ҳолатларда инфляциянинг юзага келишида давлатнинг иктисадий сиёсатида турлича конун лойиҳаларининг нотўғри қабул килиниши ва давлат бюджетини нотўғри шакллантириш каби омиллар сабаб бўлади. Аммо бор айни давлат сиёсатига ағдариш ҳам керак

эмас. Чунки, айтиш жоизки, инфляция кўп давлатлар дуч келаётган муаммо бўлиб, унинг илдизлари чукур томир отган бўлиши мумкин.

Кўпгина гарбий мамлакат иқтисодчилари томонидан инфляциянинг очик ва яширин (бостирма) турларига қисмларига ажратишида.

Очиқ инфляция эркин нархлар амал қилувчи бозорларда кузатилади. Нархларнинг нотекис ўсиши бозор механизмини бузади, лекин уни йўқотмайди. Иқтисодиёт бозор ўзгаришларига ўз акс таъсирини кўрсатаверади ва турли бозорлар мувозанат йўналишига ўзи мослашади.

Яширин инфляция шароитида вазият бошқача бўлиб, давлат нархлар ошишидан хавотирга тушиб, бунга қарши курашга киради, даромад ва нархлар устидан, уларни муайян даражада музлатган ҳолда ялпи маъмурй назорат ўрнатади. Яширин инфляция бозорнинг ўз-ўзини тартибга солиш механизмини издан чиқаради. Музлатилган нархлар ишлаб чиқариш харажатлари юқори бўлган соҳаларга капитал ётқизишидан манфаатдорликни йўққа чиқаради. Шу сабабли бу соҳадан капиталнинг қолдиқлари ҳам чиқиб кетишга ҳаракат қиласида ва товарлар тақчиллигига олиб келади. Бозор иқтисодиётида тақчиллик нархларнинг кўтарилишига сабаб бўлади.

Очиқ инфляциянинг қуйидаги шакллари мавжуд: талаб инфляцияси, харажатлар инфляцияси, тузилмавий инфляция ва бошқа инфляциянинг бу турлари бозорнинг ўзи томонидан яратилади. Бозор шароитида очик, мувозанатлашган инфляция юз беради, бунда нархлар паритета (нисбати) ўзгармайди, харажатлар ортишига қараб нархнинг ўсиши фирмаларнинг фойда олиб ишлашини таъминлайди.

Талаб инфляцияси – бу, талаб ва талаб томонидан таклиф мувозанатининг бузилишидир. Бошқача сўз билан айтганда, бу вазиятда давлат буюртмаларининг ортиши (масалан ҳарбий), ишлаб чиқариш соҳасида талабдан келиб чиқсан ҳолда иш вақти ҳамда маҳсулот ҳажмини имконият доирасида кўпайиши, шунингдек, аҳолининг ҳарид қилиш қобилиятининг ошиб бориши (ойлик маошларнинг кўтарилиши) дир. Бунинг натижасида муомаладаги пул месъеридан ортиқ даражада кўпайиб кетади.

Харажатлар инфляцияси - ишлаб чиқаришдаги харажатлар нархларининг ошиши натижасидир. Бўларга бозорга оид бўлмаган нархларнинг шаклланиши, мамлакатнинг иқтисодий ва молиявий соҳалардаги сиёсати, хом ашё нархларининг қимматлашиши ва ҳ.к.лар сабаб бўлиши мумкин.

Замонавий иқтисодий адабиётларда инфляциянинг ўсиш суръатларини ҳисобга олган ҳолда учта асосий турга ажратилади:

- мўътадил ёки судралувчи (йиллик ўсиш суръати 10%дан ошмаган);

- юқори суръат (йиллик ўсиш суръати 10%дан 200%гача);
- гиперинфляция (йилига 200%дан юқори).

Бошқа бир манбааларда эса юқорида қайд этилганларга қўшимча равишда яна нормал инфляция тушунчаси ҳам қўшилади (йиллик ўсиш суръати 2-3 %дан ошмаган). Гиперинфляция нархларнинг йилига 10 мартадан кўп ўсишини билдиради. Бу ўта хавфли инфляция хисобланиб, иқтисодиётни издан чиқариб танг аҳволга солиб қўяди. Пулга ишонч тамомила йўқолади, ҳамма пулдан тезроқ кутулишга интилади, чунки у кўз очиб юмгуңча қадрсизланади ва писта пўчоғига айланиб қолади.

Африкадаги Зимбабве мамлакатида инфляция 2009 йилга келиб 79,6 млрд фоизга етди. Зимбабведа марказий банк шу қадар кўп Зимбабве долларини босиб чиқарган-ки, пул босиб чиқариши учун керак бўлган сиёҳ тугаб қолган. Қарангки, пул босиб чиқаришида ишилтиладиган сиёҳни улар чет элдан Америка долларига сотиб олар экан, лекин хазинада бунинг учун етарли Америка доллари қолмаган экан. Бундай бетартиб ва узоқни кўрмаган пул сиёсати туфайли ишисизлик даражаси қисқа мuddат ичida 80 фоиздан ўтиб кетган. Саноат ва қишлоқ хўжалиги деярли тўла издан чиқа бошлаган, чунки нархларни кескин ортиши туфайли корхоналар ва тармоқлар ўртасида иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ўта мушкул бўлиб қолган. Чунки бирор парсани ишилаб чиқариши учун ҳар бир корхона бу маҳсулотнинг таннархи қанча бўлишини ва эртага бу маҳсулотларни бозорда қанчага сота олишини билиши керак. Нархлар бозорда муҳим аҳамиятга эга. Улар иқтисодиётдаги мавжуд ресурсларни қайси соҳага йўналтириши кераклигига ишора беради.

Лекин нархлар ҳар куни кескин ўйнайдиган бўлса, бу механизм ишдан чиқади. Натижада бутун иқтисод парчаланиб кетиши мумкин.

Зимбабведа нархлар шу даражада тез ўсдики ҳожистхона қоғозининг нархи 400 000 доллардан ортиб кетди. Бу ҳам бир парча ҳожистхона қоғозининг нархи холос. Бу нархларни албатта давлат раҳбарлари ва марказий банк ходимлари билиб туришар эди, Улар пул сиёсатини ўзгартириши ўрнига яна ҳам кўпроқ пул ишилаб чиқариб, давлат ишчи хизматчиларининг ойликларни кўтаршига киришидилар.

Оддий ўқитувчилар миллионерларга айланди. Лекин деярли ҳамма миллионер бўлган мамлакатда сал яхшироқ яшаши учун одам миллиардер бўлиши кераклигини ҳамма тушуна бошлиди.



Мамлакатда очлик ва қашшоқлик ҳукм суралади. Бази одамлар дала каламушиларини тутиб истемол қила бошладилар. Кўпчилик зимбабвеликлар бошқа мамлакатларга иш излаб кета бошлади. Албатта ўзининг барча эҳтиёжларини тўла қопладиган мамлакатнинг ўзи йўқ. Зимбабве ҳам бази маҳсултоларни четдан олиб келиши учун чет эл валютаси топиши керак эди. Кўпчилик давлатлар билан иқтисодий алоқаларнинг тўхтатилгани туфайли, давлат ўзгача йўл тутди. Зимбабве долларларини босиб чиқариб давлат хизматчиларини аэропорт, автобус ва темир йўл вокзалларига жўнатилди. У жойларда четдан келаётган барча хорижслик одамлардан ўз долларларини сотишини сўралган. Неча пул деса ҳам долларларни сотиб олаверган. Натижада мамлакатдаги инфляция янада авж олган¹⁷.

Антиинфляцион сиёсатни олиб борища икки йўналишдан: пул ислоҳотларини амалга ошириш ва инфляцион жараёнларни давлат томонидан тартибга солиб туришликдан фойдаланилади. Антитинфляцион чора-тадбирлар ранба-ранг бўлиб, улар ҳар бир мамлакатни ўз хусусиятларидан ҳамда ҳукуматнинг оқилона антиинфляцион сиёсат ишлаб чиқишига ҳамда уни амалга оширишга боғлиқдир.

2.4. Мулк тушунчаси, шакллари ва турлари

Ҳар биримиз биламизки, инсон яшар экан, ҳаёт кечириши учун турли неъматларни ишлаб чиқаради ва истеъмол қиласди. Бироқ бир неъматни истеъмол килиш, яъни ундан фойдаланиши учун бу неъмат ундан фойдаланмокчи бўлган кишининг ўзиники бўлиши керак.

Бировнинг нарсасидан эгасидан рухсасиз фойдаланиб бўлмайди. Демак, бирор неъматдан фойдаланиши учун аввало, бутунлай ёки вактингчалик ўзиники қилиб олиш керак. Ундан ташқари, одамлар ўртасида мана шу жараёнда тушунмовчиликлар, низолар чиқмаслиги учун маълум тартиб, қоидалар белгиланган бўлиши зарур. Одамлар ўртасида неъматларга ўзиники ёки ўзганики тарзда қаралиши мулк муносабатларида намоён бўлади. Ҳар қандай жамият мулкчиликдан бошланади. Мулкнинг эгаси бўлиш ёки бўлмасликка қараб шахснинг жамиятдаги мавқеи, социал мақоми юзага келади.

«Тарихий жиҳатдан моддий мулк уч хил йўл билан ташкил этилган. Биринчиси, ҳар бир нарса умумий тарзда



¹⁷ Hanke S., & Kwok, A. (2009) "On the Measurement of Zimbabwe's Hyperinflation", Cato Journal, 29 (2). Дата обращения 11 июля 2015.

ўзлаштирилиши ва хоҳлаган ҳар бир киши томонидан ўзаро ишонч ва одатлар асосида ишлатилиши мумкин. Бу аянавий иқтисодиётда учрайди ва у ҳали ҳам ривожланмаган қолоқ мамлакатларда мавжуд. Иккинчиси, мулкни жамоавий тарзда фойдаланиш керак, бу коммунистик тизимнинг моҳиятидир. Учинчиси, мулк хусусий ҳолда ўзлаштирилиши ва ҳар бир киши ўзлари таилаганидек фойдаланишлари мумкин бўлади. Бу капитализмнинг марказий тушунчасидир»¹⁸.

Мулкий муносабатларга асосланмаган иқтисодиёт бўлиши мумкин эмас. Мулкчилик мураккаб категория. Уни ўрганадиган ҳар бир ижтимоий фан, ўзи учун мулкчиликда тадқиқот предметини топади. Лекин иқтисодий назария билан ҳуқуқшунослик фанлари алоҳида эътибор қаратади, чунки юқорида таъкидлаганимиздек, у шахснинг мавқеини, социал мақомини, қолаверса жамиятдаги адолат даражасини белгилайди.

Мулкчилик иқтисодий маънода - кишилар ўртасида мулкни ўзлаштириш, хўжалик юритиш учун ишлатиш жараёнида юз берадиган реал муносабатларни ифодаласа, ҳуқуқий маънода - мулк юзасидан вужудга келадиган алоқалар, қонун ва ҳуқуқий хужжатларда, давлат томонидан белгиланган ва ҳар бир фуқаро учун мажбурий тартибда расмийлаштириладиган йўл-йўриқларда ифодаланади.

Мулкчилик муносабат бўлар экан, бу муносабатнинг **объекти** ва субъекти мавжуд. **Мулк муносабатларининг объекти** – ер, табиий ресурслар, ишлаб чиқариш воситалари, уй-рўзгор буюмлари, пул, кимматбаҳо қофозлар, ахборот, интеллектуал ғоялар, иш кучи ва ҳоказолардан иборат.

Кўпгина иқтисодчиларнинг фикрича, мулк муносабатларининг мавжуд бўлишига сабаб ана шу объектларнинг, умуман олганда, ресурсларнинг чекланганлигидир. Мулкчилик ҳуқуқлари назарияси асосчилари мулкчилик муносабатларини ресурсларнинг чекланганлиги, нисбатан камёблиги муаммосидан келтириб чиқарадилар: «Қандайdir камёблик, чекланганлик шарт-шароитисиз мулкчилик тўғрисида сўз юритиш маънога эга эмас»¹⁹.

«Мулкчилик, деб ёзган эди К. Менгер, эҳтиёжларга нисбатан миқдори кам бўлган неъматларнинг мавжудлиги шароитида вужудга келади». Шунинг учун мулкчилик муносабатлари «эҳтиёжлар ҳамда уларни қондириш имконияти доирасидаги неъматлар миқдори

¹⁸ The Economics book: big ideas simply explained, Niall Kishtainy, Consultant editor (p. 20). New York, first American edition, 2012

¹⁹ Toumanoff P.G. Theory of market failure – “Kuklos”, 1984, v.37, №4.

ўртасидаги номувофиқлик»²⁰ муаммосини ҳал эта оладиган ягона муносабат ҳисобланади.

Бундай номувофиқлик шунга олиб келадики, мулкчилик муносабатларининг марказий ҳолати бўлиб уларнинг рад этувчи тавсифи майдонга тушади. Мулкчилик муносабатлари – бу моддий ва номоддий ресурсларга эришишни рад этиш тизимидир. Ресурсларга эришишда рад этиш ҳолатининг мавжуд эмаслиги, Яъни уларга эришишнинг эркинлиги, бу ресурслар ҳеч кимники эмаслиги ёки барчага баравар тегишли эканлигини англатади.

Неъматлар мулкка айлангандан сўнг ўзлаштирилади. Мулкчиликнинг хуқукий ва иқтисодий мазмуни ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қиласди. Мулкчилик жамиятдаги хуқукий ҳамда иқтисодий муносабатларни бир бутун ҳолда ифодалайди. Шунинг учун ҳам мулкчилик бир вақтда ҳам иқтисодий категория, ҳам хуқукий категория ҳисобланади.

Мулк муносабатларининг субъекти: мулк объектини ўзлаштиришда қатнашувчилар, яъни шу муносабат иштирокчилариридир. Бўларга айрим кишилар, оила, социал гурух, ҳар хил жамоа ташкилотлари, қолаверса, давлат киради. Субъектларнинг алоҳидалашувига қараб ўзлаштириш индивидуал, оилавий, гурӯхий, худудий, умуммиллий тус олади. Мулк муносабатлари бир томондан, мулк субъектларининг мулк объектига муносабати тарзида намоён бўлса, иккинчи томондан, субъектлар ўртасидаги муносабат тарзида юз беради.

«Агар маълум ҳатти-ҳаракатларни содир этиши учун хуқуқларни сотиш ва сотиб олиши мумкин бўлганда эди, - деб ёзади Р. Коуз, - улар пировардида энг юқори баҳоловчи кишилар томонидан сотиб олинган бўлар эди. Бу жараёнда хуқуқлар шундай тарзда сотиб олинган, тақсимланган ва уйгуналаштирилган бўладики, улар асосида йўлга ку йилган фаолият энг юқори бозор қийматига эга бўлган даромад келтиради»²¹.

Мулкчилик иқтисодий хукмронлик билан чамбарчас боғланган. Ишлаб чиқаришни бошқариш мулкчиликнинг функцияси. Маълумки, ишлаб чиқаришни мулк эгаси бошқаради. Мулкчилик иқтисодий хукмронликнинг асосий (ягона бўлмасада) манбаидир. Мулкчиликнинг мазмунини ўзлаштириш ифодалайди. Ўзлаштиришнинг ўзи эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш яхлитлигидан иборат.

²⁰ Менгер К. Основания политической экономии. Австрийская школа политической экономии. М., 1992. С.79.

²¹ Коуз Р. Фирма, рынок и право. М., 1993. С.14.



Эгалик қилиш - мулқдорлик хукуқининг мулк эгаси қўлида сакланиб туришидир. Мулкни ишлатиш мулк эгасининг ўз қўлида ёки ўзга қўлида бўлишига қараб бойлик тўла ёки қисман ўзлаштирилади. Масалан, бино, эр кабилар ижарага, пул қарзга берилганда эгалик қилиш мулқдорнинг қўлида қолади. Бу мулкдан келган даромаднинг

бир қисми ижара ҳақи, фоиз шаклида ўзлаштирилади. Бошқа қисмини эса ижарачи ўзлаштиради. Бу мулк эгаси ҳохиши билан юз беради. Мулк эгаси мулкни тасарруф этишини маълум бир чегарада ундан фойдаланаётганга топшириши ҳам мумкин. **Фойдаланиш** - бу мулк бўлган ресурсларни ишлатиб, ундан натижка олиш, даромад топпиши ёки шахсий эҳтиёжни қондиришдир. Мулқдор мулкини ўзи ишлатганда эгалик қилиш ва фойдаланиш қўлида бўлади. Олинган натижани мулқдор танҳо ўзи ўзлаштиради. Эгалик қилиш билан фойдаланиш ажралганда мулк келтирган наф ҳам тақсимланган ҳолда ўзлаштирилади.

Тасарруф этиш деганда мулк бўлган бойликнинг тақдирини мустақил ҳал этиш, яъни мулкни сотиб юбориш, меросга қолдириш, асраб-авайлаб кўпайтириш ёки уни йўқотиб юборишдан иборат хатти-харакатларни тушунамиз.

Шундай қилиб, мулкчилик ягона бир бутунлик бўлиб, унинг элементлари эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишдан иборат. Улар ўртасида боғланиш қуйидагича: тасарруф қилиш фойдаланиш билан аниқланади. Фойдаланиш эса эгалик қилиш билан, эгалик қилиш эса мулк шакллари билан аниқланади. Фойдаланиш билан тасарруф этишнинг бирлиги эгалик қилишни ифодалайди. Мулкка дастлабки таъриф бешинчи асрда император Юстинианнинг «Рим хукуки» кодексида берилган бўлиб, унда мулкчилик, эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш хукуки тарзida кўрсатилган.

Ҳозирги замон иқтисодиёт назариясининг «Институционал йўналиш» намоёндалари, таниқли американлик иқтисодчилар, Чикаго университетининг фахрий профессори, Нобел мукофотининг лауреати Роналд Коуз ва Лос-Анжелес университетининг профессори Армен Алчианлар «Мулк хукуки» иқтисодий назариясига асос солишиди. Кейинчалиқ, бу назария бўйича тадқиқот ўтказиш ва ундан фойдаланишда И. Барцел, Г. Демец, Д. Норт, Р. Познер ва бошқалар фаол қатнашдилар.

Улар биз учун ўрганиб қолганимиз мулк тушунчаси ўрнига «Мулк хукуки» атамасини ишлатадилар. Уларнинг фикрига кўра, ресурс ўзича мулк бўлмайди, балки ресурслардан фойдаланиш бўйича мулк

хукуқигина уни мулкка айлантиради. Бунда «Хукуқ дастаси» түлиқ ёки унинг айрим элементи асосида юзага чиқади.

Тұла хукуқ дастаси қуидаги 11 элементдан ташқил топған:

1. Эгалик қилиш, яъни бойлик устидан назорат қилиш хукуқи.
2. Фойдаланиш хукуқи, яъни нарсаларнинг хоссаларидан фойдаланиш хукуқи.

3. Бошқариш хукуқи, яъни нарсалардан ким, қандай фойдаланишини таъминлаш масаласини ҳал этиш, ечиш хукуқи.

4. Даромад олиш хукуқи, яъни нарсалардан фойдаланишдан келгап натижаларга эга бўлиш хукуқи.

5. Тасарруф қилиш (суверенлик хукуқи), яъни нарсаларни бегоналаштириш, бошқача айтганда, сотиб юбориш, истеъмол қи-лиш, ўзлаштириш ёки йўқ қилиб юбориш хукуқи.

6. Хавфсизлик хукуқи, яъни бойликни экспроприация (тортиб олиш) қилишдан, ташки мухитдан етказиладиган зиёнлардан ҳимоя қилиш хукуқи.

7. Ўз бойлигини мерос қолдириш хукуқи.

8. Нарса соҳиби бўлишнинг муддацизлиги хукуқи.

9. Ташки мухитга зарап келтирадиган фойдаланиш усулларини тақиқлаш хукуқи.

10. Қарзини тўлаш жавобгарлиги хукуқи, яъни нарсадан қарзини тўлаш учун фойдаланиш имкониятларига эга бўлиш.

11. Бузилган хукуқни тиклашни таъминловчи тартиб ва институтларнинг мавжуд бўлишини таъминлаш хукуқи.

Шундай қилиб, мулк хукуқи деганда кишилар ўртасида неъматлар ва ундан фойдаланиш натижасида вужудга келадиган муносабатларнинг жамият томонидан қабул қилинган (давлат конунларн, анъаналар, урф-одатлар, маъмурий фармойишлар) қоидалари тушунилади.

«Мулкчилик хукуқлари – бу маълум ресурслардан фойдаланишини назорат этиши ҳамда бу борада вужудга келган ҳаражат ва фойдани тақсимлаш хукуқларидир. Айнан мулкчилик хукуқлари ёки, кишиларнинг фикрларича, тегишли ўйин қоидалари жамиятдаги талаб ва таклиф жараёнларининг айнан қай тарзда амалга ошишини белгилаб беради»²².

«Ҳар бир жисмоний ва юридик шахс ўз мол-мулки билан тинч-тотув яшашга ҳақлидир. Ҳеч ким ўз мол-мулкидан жамият манбаатларидан ташқари ва қонунлар ва ҳалқаро хукуқнинг умумий тамойишлар и шартларига мувофиқ маҳрум этилмайди»²³.

²² Хейне П. Экономический образ мышления. С.325.

²³ "Protocol I to the Convention on the Protection of Human Rights and Fundamental Freedoms". Council of Europe. Article 1

Ўзлаштириш учун доимо жамият томонидан белгиланган қоида тусини олган тартиблар бўлган. Институционализм назариясига биноан мулк муносабатлари ресурсларнинг чекланганлигидан келиб чиқади. Ресурслар чекланган, камёб бўлмаса, мулк ҳақида гапириш маъносиз. Ресурслардан фойдаланища бошқаларнинг тўсқинлик қилиши мулк ҳуқуқи орқали ифодаланади. Бундай мулк ҳуқуқини, уни кадрлайдиган, ундан кўпроқ фойда оладиганларга бериш имкониятларини яратиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки мулкни ўзи учун кераксиз хисоблаган ёки самарали фойдалана олмайдиган киши сотади. Натижада энди юқорида кўрсатилган мулк ҳуқуқи дастаси мулкни сотиб олган кишига таалукли бўлади. Мулкчиликнинг ҳуқуқий жиҳати иқтисодий томонига нисбатан бўйсундирувчи роль ўйнамайди. Бу шунда кўринадики, ишлаб чиқариш омилларига ҳуқуқий эгалик килмасдан, хеч ким ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошира олмайди. Ишлаб чиқариш ресурслари ва ишлаб чиқарилган маҳсулотдан фойдалана олмайди. Шунинг учун ҳам мулкчиликнинг ҳуқуқий нормалари иқтисодий муносабатларнинг аниқлаштирилган, реал кўриниши хисобланади. Мулк ҳуқуки ўзлаштириш жараёнида белгиланган тартиб-қоидаларга ҳар бир кишининг амал қилиши зарурлиги, аксинча, амал килмаса, уни бузганлик учун жазолашни ифодалайди. Улар биринчидан, ишлаб чиқариш омиллари ва яратилган маҳсулот муайян шахслар (жисмоний, юридик) га тегишли эканлигини, иккинчидан мулк эгаларининг қонун билан кўрикланадиган ваколатларини, учинчидан, мол-мулкни ҳимоя қилиш усулларини белгилаб беради.

Конституцияда мустаҳкамланган тамойиллардан бири – хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва давлат ҳимоясида эканлигидир. Жумладан, Асосий қонунимизнинг 53-моддасида қайд этилганидек, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Узбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқий устунлигини хисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат килиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлади.

Мазкур конституциявий норма асосида қабул қилинган қонунлар айни пайтга келиб чет эл инвестицияларини жалб этиш, тадбиркорлик субъектлари учун ортиқча маъмурий ва бошқа чекловларни бартараф килиш, уларнинг фаолиятига доир рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш орқали асоссиз ҳаражатларнинг олдини олиш, давлат бошқаруви ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига ноконуний аралашувини қатъий чеклашга доир ҳуқуқий асослар янада мустаҳкамлаша хизмат килмоқда. Бу мамлакатимизда тадбиркорлик ва меҳнат эркинлиги

мухофазасига оид конституциявий мөъёрлар амалда ўзининг тўла ифодасини топаётганидан яна бир далолатдир.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг хусусий мулк ҳукуки кафолатларини мустаҳкамлашга эътибор қаратилган. Унда, жумладан, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва хусусий мулк обьектларидан самарали фойдаланишини амалга ошириш механизмини такомиллаштириш, хусусан, жиноят куроли ёки маъмурий ҳукуқбузарлик предмети сифатида мулқдан фойдаланишда мулқдорнинг айби бўлмаган ҳолларда мулкни олиб қўйиш (вактингчалик олиб қўйишдан ташқари) ва мусодара қилишни тақиқлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш белгиланган.

Мулк типлари ва шакллари

Иқтисодий фаoliятда билимдонлик билан иш юритиш учун мулк турлари, шаклларини ажратса билиш керак. Юқорида кўриб ўтдики, мулк муносабатлари ўзлаштириш муносабатларини ифодалайди, ўзлаштириш эса, доимо жамият томонидан белгиланган тартиб асосида амалга ошади.

Ўзлаштиришнинг қандай тарзда юз беришига кўра мулк турлари бир-биридан қўйидаги асосий мезонларга кўра ажратилади:

- мулк субъекти кимлиги;
- ўзлаштириш принципи;
- ва мулк эгалари ҳохишига кўра, мулкни уларнинг ўртасида эркин бўлиниши мумкинми ёки йўклиги;
- мулк эгаларининг иқтисодий психологияси ҳарактерига кўра.

Дастлаб ўзлаштириш биргаликда юз бериб, умумий бўлинмайдиган мулк вужудга келган. У одатда **ижтимоий мулк** деб аталади. У Кишилик жамияти тарихида айрим иқтисодчилар фикрига кўра, тахминан 1 млн йил давомида ҳукм сурган. Умумий биргаликда ўзлаштириш - бу жамоага бирлашган барча кишилар томонидан ҳал килувчи ишлаб чиқариш ресурслари ва бошқа хаёт кечириш воситаларига биргаликда тенг эгалик қилишдир.

Биргаликда ўзлаштиришнинг давлат мулки шакли давлат келиб чиқиши билан боғлик. Давлатнинг ўз вазифаларини адо этиши учун давлат мулки бўлиши, яъни бойликни давлат томонидан ўзлаштириш зарур. Давлат мулкининг миқёси ва ундан фойдаланишнинг мақсади жамият тараққиётида обьектив заруратдан келиб чиқиб ўзгариб турган. Давлат мулки хусусий ва жамоа мулкидан ўсиб чиқсан.

Хозирги кўринишдаги давлат мулкини вужудга келтиришдаги дастлабки қадам Германия канцлери, тарихда «темир канцлер» номи билан қолган Отто фон Бисмарк номи билан боғлик. У 1873 йили темир йўл компанияларини инқизордан саклаб қолиш учун Пруссия

темир йўлларини давлат мулкига айлантирган. Тамаки маҳсулотига давлат монополиясини ўрнатган. Кўпгина хусусий мулк эгалари Бисмарк фаолиятини «тамаки социализми» га ўтиш деб баҳолашган.

ХХ асрнинг 50-60 йилларида бошланган фан-техника инқилюби туфайли ғарб мамлакатларида катта ўзгаришлар содир бўлди. Мехнат ва ишлаб чиқариш кооперацияси, интеграцияси натижасида давлатга қарашли йирик корхоналар ва тармоқлар вужудга келди. Давлатнинг иқтисодиётта таъсирии кучайди. Капитал кўп талаб қиласидан, қилинган ҳаражатлар тезда копланмайдиган, яхши фойда бермайдиган тармоқлар давлат ихтиёрига ўтди. Саноатда энергия манбалари, металлургия, ҳарбий-саноат комплекси, муҳим молия муассасалари, чунончи Марказий банк ва ишлаб чиқариш ҳамда социал инфраструктура давлат мулки ҳисобланди. Саноат капитализм ва молия капитали ҳукмронлигидан сўнг ғарбда социал-иктисодий ривожланишда янги давр қарор топди. Бунда хусусий мулк макроиктисодиёт микёсида давлат сектори томонидан «қисилди» (сурилади).

Давлат мулки қаторига атом, космик саноат, саноатнинг маълум турлари, йирик портлар, темир йўл, сув омборлари, каналлар, кўрикхоналар, тарихий маданият обидалари ва бошқалар киради. Кўччилик мамлакатларда ер хусусий мулк объектига киради. Ўзбекистонда мулк тўғрисидаги қонунга кўра ер, сув, қазилма бойликлар, ўсимлик ва хайвонот дунёси давлат мулки деб эълон қилинган. Давлат мулкига давлат ташкилотлари ва муассасаларининг мулки, давлат бюджетининг маблағлари, давлатга қарашли акциялар ҳам киради. Бундан ташқари, давлатнинг хорижда ҳам мулки мавжуд бўлади.

Бу мулк шаклларига мулкчилик ҳуқуки нуқтайи назаридан қарасақ, «ҳуқуқ дастаси» да кўрсатилган ҳуқуқлар барча кишилар учун тент. Умумий биргаликда ўзлаштириш давридан сўнг ижтимоий мулкка тамомила қарамақарши индивидуал хусусий ўзлаштириш кириб келади.

Хусусий ўзлаштириш одамларнинг мулкка бойлик орттириш манбаи сифатида қаршидан келиб чиқади. Хусусий ўзлаштиришга эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф қилиш ҳуқуқидан ташқари, бошқариш, даромад олиш, сотиш, ҳавфсизликни таъминлаш, мерос колдириш ва бошқа ҳуқуқлар ҳам киради. Бу ҳуқуқлар моҳияти жиҳатидан жамиятда қабул қилинган тартиб, қонун-қоидаларни ифодалайди.

Бу ўз навбатида инсон иқтисодий психологиясини ҳам шунга мувофиқ шакллантиради:

- индивидуал, эгоистик фикр юритиш асосий ўринга чиқади;
- жамият билан ҳар бир алоҳида шахснинг бегоналашуви;

- бошқаларнинг эҳтиёжини қондиришга ўз манфаатини кўзлаган ҳолда (киришилади), қатнашилади;
- хусусий мулк асосида бойлик орттириш кўзланади;
- жамиятда бойликни хусусий мулк асосида табақаланиш гояси устун бўлади;
- хусусий мулк муқаддас, даҳлсиз, инсоннинг табиатига мос тушадиган мулк тарзида тасаввур этилади;
- ўз мулкини иқтисодий реализация қилиш орқали мулк эгасининг шахсий манфаатдорлиги амалга ошади, таъминланади.

Хусусий ўзлаштириш икки турда бўлиб, бир-биридан катта фарқ қиласи. Биринчисида ишлаб чиқариш омилларининг эгаси ўзи меҳнат қиласи, иккинчисида эса ёлланган ишчилар. Мувофиқ равишда хусусий мулқнинг икки тури мавжуд бўлади:

- а) барча ишлаб чиқариш омилларининг ягона эгасига тегишли бўлган мулк ёки индивидуал хусусий мулк;
- б) ишлаб чиқаришнинг меҳнат омили билан бошқа омиллар эгаси алоҳидалашган хусусий мулк.

Хусусий мулқнинг биринчи турига дехқон, ҳунарманд ва бошқа шунга ўхшаш ўз меҳнат воситалари билан ўзи меҳнат қиласиганлар киради. Ишлаб чиқариш барча омилларининг эгаси сифатида яратилган барча маҳсулотни меҳнат омили эгасининг ўзи ўзлаштиради. Ҳар бир киши ўзи меҳнат қиласи экан, ўз мулкидан асррабавайлаб, самарали фойдаланишга ҳаракат қиласи. Мулқдан фойдаланиш натижасида фаровон яшаш учун чукур манфаатдорлик ётади. Шунинг учун ҳам хўжалик юритувчи ўз хўжалиги ва олаётган даромади барқарор бўлиши учун кучи ва маблагини аямай ҳаракат қиласи. Бир кишининг ўзида ҳам мулк эгаси, ҳам меҳнаткаш мужассамлашганда ишлаб чиқариш омилларидан энг самарали фойдаланилади. У эркин, бошқалар томонидан эзилмайди, эксплуатация қилинмайди. Бошқача айтганда, меҳнат омилига тегишли маҳсулот (даромад) бошқа омил эгаси томонидан ўзлаштириб олинмайди.

Унга «мулк хукуки» нуқтайи назаридан қаралса, «мулк хукуки дастаси» да кўрсатилган барча хукуқлар унинг якка ўзига тегишли.

Хусусий мулқнинг иккинчи турида меҳнат омилидан бошқа омиллар мулк эгасига тегишли бўлиб, ишлаб чиқариш натижаси ҳам унга қарашли бўлади. У нисбатан катта микдорда мулкка эгалик қилиб, йирик ишлаб чиқариш, яъни йирик хўжалик ташкил этиб, иқтисодий фаолият юритади. Бунда ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат омили билан бошқа омилларининг бирикиши икки усул билан амалга оширилади:

- 1) ноиқтисодий, яъни мажбурий меҳнат орқали;

2) иқтисодий йўл билан, яъни иқтисодий рағбатлантириш, ҳақ тўлаш йўли билан меҳнатга жалб қилиш оркали.

ХВ-ХИХ асрларда гарбий Европада янги социал-иқтисодий тизим: капитализмнинг дастлабки, тарихда «саноат капитализм» деб ном олган босқичи қарор топди. Бу босқичда хусусий капиталистик тадбиркорлик принциплари тўла намоён бўлади. Бош иқтисодий омил якка хусусий мулк эгаси бўлиб, у корхона эгаси сифатида ишлаб чиқаришни ўзи бошқаради. Шундай хўжалик фаолиятини А. Смит ва Д. Рикардо назарий жиҳатдан ёритиб беришган. Капитализм босқичига ўтилиши билан буюк тарихий жараён - инсониятнинг индустрисал ишлаб чиқаришга ўтиши бошланди. Бу техника ва ишлаб чиқаришни ташкил этишда катта сифат ва миқдор ўзгаришларига йўл очди. «Бүг асри» дан «Электр асри» га ўтилиши меҳнат кооперацияси масштабининг кенгайиши, капиталнинг тўпланиши ва марказлашувини кучайтирди.

Оқибатда микроиқтисодиёт тамомила янги кўринишга эга бўлди. Кўплаб йирик корхоналар ажralиб, ишлаб чиқаришда хукмон мавқени эгаллашга киришди. Бу йирик корхоналар миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида ўз маҳсулотини реализация қилиш учун ҳамма имкониятларини ишга солишга киришди. Йирик саноат капитали билан банк капитали кўшилиб молия капитали вужудга келди. Мулкчиликнинг янги типи: биргаликда кўшилган улушга қараб ўзлаштириладиган мулк келиб чиқди.

Мулкчилик янги типининг шаклланишига кўп жиҳатдан фантехника инқиlobи натижасида янги, катта капитал талаб қиладиган соҳаларнинг пайдо бўлиши сабаб бўлди. Бунда биринчидан, алоҳида капиталистларнинг капитали етмаслиги, иккинчидан, рақобатда мағлуб бўлиб, банкрот бўлиши туфайли мол-мулкдан ажralиб колиш хавфи мухим роль ўйнади. Мулкчиликнинг янги, учинчи типида - умумий ва хусусий ўзлаштириш биргаликда амалга ошади. Бундай аралаш ўзлаштиришга қуйидаги сабабларга кўра эришилади:

1.Бу мулк умумий мулкка барча қатнашчилар кўшган хисса асосида ташкил топади.

2.Биргалиқдаги хиссадорлик асосида ташкил топган бу мулқдан умумий мақсад ва ягона бошқарув асосида фойдаланилади. Одатда, ҳар бир хисса кўшган мулк эгасига умумлашган мулкни бошқаришда меъёрий имкониятлар берилади.

3.Хўжалик фаолиятини пировард натижаси ҳар бир кишининг кўшган хиссасига кўра тақсимланади.

Бу мулк типи ҳам одамларда маълум иқтисодий психология вужудга келишига таъсир кўрсатади:

- индивидуал-жамоачилик туйғуси;

- умумлашган мулк эгалари мулк ва ундан олинадиган даромад барқарорлигини таъминлашга ҳаракат қиладилар;
- хусусий иқтисодий манфаатдорлик жамоанинг умумий манфаати билан кўшилиб кетади;
- кишиларда ҳар бир кишининг даромади умумий даромадга, умумий муваффақиятга боғлиқлиги ҳақида тушунча пайдо бўлади.
- Ҳамкор (улуш асосида биргалиқда ташкил топган) мулк куйидаги аниқ шаклларда намоён бўлади:
 - акционерлик жамияти (корпоратив) мулки;
 - қатнашувчиларнинг пай мулкига асосланган кооператив мулк;
 - ширкатлар мулки;
 - йирик хўжалик бирлашмалари (ассоциация, иттифоқ ва бош-қа шунга ўхшашлар) мулки;
 - қўшма корхоналар (миллий ва хорижий капитал билан);
 - турли шаклдаги жамоалар мулки.

Агар мулкчиликнинг биринчи типида мулк умумий, бўлинмайдиган, ҳар бир кишининг индивидуал манфаати умумий манфаатта тўлалигича бўйсундирилган бўлса, учинчи типида аввалдан бош умумий мулк унинг катнашчилари хусусий мулкидан ташкил топган. Ҳар бири ўз улушидан манфаатдор. У иккинчи мулк типидан ҳам фарқ қиласи. Агар классик капитализмда ишлаб чиқариш воситаларига якка капиталистнинг ўзи эгалик қиласа, учинчи типда мулк эгаси аноним, яъни барча улуши борларнинг биргалиқдаги мулки бўлади.

Учинчи тип мулкнинг энг кенг тарқалган шакли акционерлик жамияти, яъни корпоратив мулқdir. Бу мулк эгалари биргалиқдаги мулқдаги ўз улушларини хоҳлаган пайтларида сотишлари мумкин. Шунинг учун мулк ҳажми ўзгармагани ҳолда мулк эгалари таркиби ўзгариб туриши мумкин. Ундан ташқари, индивидуал, якка капиталистик мулқда капитални мулк эгаларининг ўзи бошқарса, акционерлик жамияти фаолиятини маҳсус профессионал бошқарувчилар - менежерлар бошқаради. Улар маълум муддатга ҳар икки томоннинг хукуқ ва мажбуриятлари кўрсатилган шартнома (контракт) асосида ишлайдилар. Агар капитал эгасининг капитали ўз маблағини ишлаб чиқаришга кўйиш туфайли кўпайса, акционерлик капитали четдан гул маблагларини, айниқса банк маблагларини жалб килиш орқали кўпайтирилади.

Акционерлик шакли нихоятда мослашувчан. У турлича социал-иқтисодий мазмунга эга бўлиб, ундан алоҳида кишилар манфаати ёки социал гурухлар, ёки давлат манфаати йўлида фойдаланиш мумкин. Бу акциялар назорат пакети кимга тегишли бўлишига боғлиқ.

Назорат пакети кимнинг қўлида бўлишига қараб, акционерлик жамиятлари алоҳида қишилар, бошқа компаниялар, давлат ёки меҳнат жамоаси назоратидан ажратиш мумкин. Охирги пайтларда гарбдаги мамлакатларда нисбатан унча катта бўлмаган бутунлай меҳнат жамоаларига тегишли бўлган акционерлик жамиятлари микдори ўсиб боряпти. Масалан, АҚШда 10 мингдан ортиқ, шундай корхоналарда 10 млн дан ортиқ киши банд.

Учинчи тип мулкчилик шаклларини мулкчилик хукуки нуктайи назаридан қарасак, унинг ҳеч қайси шаклига «мулк хукуки» тўлиқ дастаси тегишли эмас.

Турли шаклларига мулк хукукининг турли комбинациялари тўғри келади. Реал ҳаётда мулкчиликнинг учала типига мувофиқ равишда вужудга келган аниқ мулк шаклларининг асосий қисми микроиктисодиёт миқёсида ташкил топган. Микроиктисодиётдаги туб ўзгаришлар натижасида, хусусий мулкнинг роли ва аҳамиятининг пасайиши содир бўлди. *Профессорлар П. Самуэлсон ва В. Нордохауслар* бу ҳақда шундай деганлар: «Капитализмнинг табиати ўзгарди: хусусий мулк илгаригига қараганда камроқ хусусий, эркин корхоналар эса камроқ эркин бўлиб қолди».

Натижада XX аср охиридан бошлаб мақромикёсда классик капитализм ўз хоссаларини йўқотди, у «соф капитализм» бўлмай қолди. Шундай қилиб, ҳозирги пайтда иқтисодиётда мулкчиликнинг уч: ижтимоий, хусусий, аралаш типи ва уларга хос турли шакллари мавжуд:

1. Давлат (умумий, бўлинмайдиган) мулки.

2. Хусусий мулк (индивидуал, хусусий капиталистик).

3. Ҳамкор (пай асосида ташкил топган умумий мулк, яъни биргаликда қўшилган улушга қараб ўзлаштириладиган) мулк.

Натижада турли укладлардан ташкил топган иқтисодиёт вужудга келди.

Уклад – бу хўжалик юритишининг социал-иктисодий шакли. Ижтимоий-иктисодий уклад мамлакатнинг иқтисодий секторида ишлаб чиқариш омилларига мулкчиликнинг бирон-бир шаклига мувофиқ суратда вужудга келган иқтисодий муносабатларни, хўжалик юритиш шаклини ифодалайди.

Кўп укладли иқтисодиёт турли мулк шакллари ва ҳар хил хўжалик турлари яхлитлигидан ташкил топган иқтисодиётдир.

III БОБ. БОЗОР. ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ ҚОНУНЛАРИ.

3.1. Бозор ва унинг турлари

Бозор иқтисодиёти бу нимани, қанча ва ким учун ишлаб чиқариш зарурлигини, бозордаги талаб ва таклифга қараб мүкобил танлов асосида ҳал этилишини билдиради. Кишилар бозор деганда савдо-сотиқ юритила-диган жойни тушуниб келишган. Бозорларни ўша жой номлари билан аташадилар. Аслида савдо-сотиқ бир ерга беркитилган нарса эмас, у, ҳатто, масофада ва виртуал юз беради. Бунинг мисоли интернет савдосидир, бу ерда савдо-сотиқ иштирокчилари бир-бири билан учрашмаган ҳолда электрон алоқалар ўрнатиб олди-сотди қиласидилар. Бозор алоқалари кенг қамровли, булар – магазин, дўкон, супермаркет, гипермаркет, савдо уйлари, салонлари, марказлари, биржалар (лот. “бурса” – хамён), ресторандар, кафелар ва, ниҳоят, дехқон ва маҳсус буюм бозорларида юз беради.



Илмий жиҳатдан қаралганда, бозор – бу сотувчи ва харидорларнинг товарларни пул воситасида олди-сотди қилиш борасида юзага келадиган ўзаро манфаатли иқтисодий алоқалардир. Бозор манфаатларни ўйғунлаштиради. Шунга кўра манфаатлар реал ва нореал тус олади. Реал манфаатда бу пул таъминланган даражада бўлса нореал манфаатда бу орзу-ҳавас даражасида қолишида намоён бўлади.

Бозорда сотувчи ва харидорлар бир-бирига дуч келади. Сотувчилар маълум турдаги товарларни бозорга чиқариб, уни маълум нархда харидорларга талиф этувчилар бўлади. Булар жумласига фирмалар, акционерлик жамиятлари, фермер хўжаликлари, дехқон хўжаликлари, якка тартибда ишловчилар, ёлланма ишчилар ва давлат идоралари киради. Айни пайтда, шуларнинг ўзи бозорда харидор вазифасини ҳам ўтайди. Улар бозорда бир нарсани соца, бошқасини сотиб оладилар. Фирма (лот. “firmus” – доимий) бозорда ўз товарини соца, бозордан ўзига керакли асбоб-ускуна, хомашё, ёқилғи ва турли материалларни сотиб олади. Ишчи ўз кучини бозорда сотгани ҳолда, тирикчилик учун керакли товарларни бозордан харид этади. Хўш, товарнинг ўзи нима?

Товар – бу бозорда пул воситасида айирбошланадиган, яъни олди-сотди қилинадиган маҳсулот ва хизматлардир.

Товарлар ишлаб чиқаришда яратиласы, сүнгра бозорга чиқариласы, у ердан сотиб олингач, истеъмолга келиб тушади. Товарлар дунёси гоят бой ва ранг-баранг бўлади. Ҳозир ер юзида 25 млн хил товарлар айирбошланади. Йирик гипермаркет харидорларга 20–25 минг хил товарларни таклиф этади. Товар сотилганда у пулга айирбошланади, у сотиб олинганда эса пул товарга айирбошланади. Пул бозор алоқаларига хизмат қилувчи ҳаммабоп иқтисодий восита. Шу сабабли бозор иқтисодиёти пулга асослангандир.

Бозордаги харидорлар – маълум микдордаги товарларни маълум нархда сотиб олиш иштиёқидаги ва бунинг учун пули бор бўлгандардан иборат.

Бозордаги товарни сотиб олиш учун пул керак, бунинг учун эса ниманидир сотиш керак, шу боис харидор сотувчи вазифасини ҳам ўтайди. Бозор ҳар икки томоннинг ҳожатини чиқаргани учун манфаатли бўлади, чунки сотувчи ўз товарини пуллашдан манфаат топса, харидор ўзига керакли товарни топиб, истеъмол этишдан манфаат кўради.

Бозордаги алоқалар икки йўсинда, яъни бевосита ва билвосита амалга ошади. **Бевосита** алоқа ўрнатилганда ишлаб чиқарувчи товарини истеъмолчига ўзи сотади, улар ўртасида ҳеч ким турмайди. Масалан, тикувчилик фирмаси ўзи тиккан кийимларни истеъмолчиларга ўзининг дўкони орқали сотади.

Билвосита алоқа ўрнатилганда, ишлаб чиқарувчилар ўз товарларини савдо фирмаларига беради, улар эса буни истеъмолчига сотади. Масалан, айтилган фирма ўзи ишлаб чиқарган кийим-кечакни савдо марказига ёки мол-буом бозоридаги кичик савдогарларга сотади. Бунда истеъмолчи товарни корхонадан эмас, балки мана шулардан олади. Бу ерда савдодаги воситачилик келиб чиқади. **Воситачилик** вазифаларини бозор инфратузилмаси (лот. “инфра” – кўйи ва “струства” – тузилиш) амалга оширади.

Бозор инфратузилмаси бозордаги иқтисодий алоқаларни амалга оширишига хизмат қилувчи фирмалар, ташкилотлар ва муассасалардир. Булар бозордаги сотувчи ва харидорларни бир-бирига боғлаб туради. Бозор инфратузилмасини биржалар, савдо уйлари, аукционлар, брокерлар ва диллерлар фирмалари ташкил этадики, буларнинг фаолияти бозорнинг ривожланишига хизмат қилади.

Бозорнинг катта ёки кичиклигини унинг кўлами белгилайди. **Бозор кўлами** – бу бозорда олди-сотди қилинган товар ва хизматларнинг ҳажсимиdir. Бу савдо-сотиқнинг пулга чақилган миқёси яъни товар муомиласи ҳисобланади. Бу товарнинг микдорига ва ҳар бир товарнинг нархига боғлиқ. Масалан, бозорда 1 млн товар бўлиб, унинг ҳар бири 1,5 минг сўмдан сотилди, бунда товар

айланмаси 1 млн X 1,5 минг = 1,5 млр сўм. Шу бозор кўлами бўлади. Бозор кўламининг катта-кичиклигини биринчидан, қанча товар ишлаб чиқариш зарурлигини, иккинчидан, бозорда қанча товар сотиб олиш мумкинлигини белгилайди.

Шуларга қараб бозорнинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин:

1. Товар ва хизматлар бозори. Бу икки қисмдан иборат:

а) истеъмол товарлари бозори. Бу харидорлар пулига қараб бойлар (элита), ўрта ҳоллар (омма) ва камбағаллар (арzon товарлар) бозорига ажралади;

б) ресурслар ёки ишлаб чиқариш воситалари бозори.

2. Мехнат бозори ёки иш кучи бозори. Бу ерда кишиларнинг меҳнати сотилади.

3. Молия бозори. Бу молиявий активлар, яъни қимматли қоғозлар (акция, облигация, сертификатлар, пул (кредит) ва валюта бозори).

4. Дефицитли (лот. “дефисит” – етишмовчилик) ва **дефицизиз**, яъни товарга тўйинган бозор.

5. Эркин (харидор ва сотувчилар кўп) ва монопол (лот. “монос” – харидор ва сотувчилар озчилик ёки танҳо) бозор.

6. Ички (маҳаллий, худудий ва миллий) ва ташки (давлатлараро ва ҳалқаро) бозор


Бу бозорлар ўз иштирокчиларининг сони, иктисодий куч – қудрати, бозордаги мавқеи, товарлар таркиби ва, ниҳоят, ўз кўлами билан ажралиб туради.

3.2. Талаб ва таклиф назарияси.

Бозордаги харидор товарга ўз талабини билдиrsa, бунга жавобан сотувчи ўз товарини унга таклиф этади. Харидор ва сотувчининг алоқаси талаб ва таклиф муносабати шаклига киради.

Талаб – бу харидорларнинг маълум нарх билан, маълум вақт давомида товарни сотиб олиш иштиёқини билдиради.

Талаб асосида эҳтиёж ётади. Аммо талаб бўлиши учун товарнинг харидорга зарурлиги, яъни наф келтира олиши кифоя қўлмайди, чунки товарни сотиб олиш учун харидорнинг қурби, яъни пули етиши шарт. Шундай экан, бозордаги туяга талаб хусусидаги мақол бежиз тўқилмаган экан: “Туя бир танга, қани ўша бир танга? Туя минг танга мана ўша минг танга”. Хуллас, эҳтиёж тўлаш учун етарли пул билан таъминлангандағина талабга айланади. Автомашинали бўлиш эҳтиёжи ҳаммада бор, лекин автомашинани олиш учун етарли пул айrim кишиларда, яъни пулдорларда бўлади. Эҳтиёж пул ва товар нархи орқали талабга айланади (3.1-расм):




3.1-расм. Талабнинг юзага келиши

Талабнинг турлари ғоят кўп. Масалан, якка талаб ва бозор талаби бор (3.2-расм).

Якка талаб – айрим харидорнинг ўзига хос маҳсус талаби бўлиб, ўзгалар талабини тақрорламайди.

Ҳар бир шахс ёки хонадоннинг ўзига хос талаби мавжуд, чунки талаб унинг диidi, таъби ва қўлидаги пули микдорига, нарх-навога боғлиқ бўлади. Шубҳасиз, ёш билан қарининг, мактаб ўқувчиси билан олимнинг, ишчи билан дехқоннинг, соғлом билан беморнинг, бой билан камбағалнинг талаби бир хил эмас. Кишилар индивидуал (лот. “индивидуум” – якка) талаби билан бозорга чиқади, бозорда эса харидорлар қўпчилик, шу сабабли якка талаб билан бирга уларнинг умумий талаби ёки бозор талаби ҳам бор.



3.2-расм. Талабнинг турлари

Кўпчилик харидорларнинг муайян товарни сотиб олишга бўлган талаби бозор талаби дейилади.

Бозор талаби йиғма талаб, унга барча харидорлар талаби таъсир этади, бу харидорлар сони ва товар нархига боғлиқ бўлади. Харидорлар қанчалик кўп бўлса ва нарх арzon бўлса, бозор талаби шунча ортади. Аммо бунинг чегараси ҳам бор, чунки талабнинг ортиши унинг қондирилиш даражасига боғлиқ бўлади. Талаб қондирилгач, нархнинг пасайиши бозор учун аҳамиятзиз бўлиб қолади. Бунинг сабаби товар нафлилигининг максималлашуви (фран. “максимал” – энг юқори даражага етиши) бўлади. Демак, талабга товарнинг харидор учун нақадар нафли бўлиши ҳам таъсир этади.

Нафлилик товарларнинг кераклигини билдирса, уларнинг нархи харид этиш имкониятини ифодалайди, чунки товарга пулнинг этиш ёки етмаслиги унинг нархига боғлиқ. Шу сабабли харидор товарнинг нафлилигини унинг нархи билан тақослайди.


Товарнинг қадр – қиймати деган нарса борки, бу ўзида товарнинг нақадар наф келтира олиши ва неча пул туришини мужассамлайди. Шунга қараб бозорда товар хариди юз беради.

Товар нархининг талабга таъсирини талаб қонуни ифода этади. Талаб қонуни-бозордаги талабнинг товарлар нархига нисбатан тескари мутаносибиликда ўзгаришини билдиради.

Талаб қонунига биноан бошқа шарт – шароит ўзгармаган ҳолда нарх ошса, талаб миқдори қисқаради, нарх пасайса, аксинча, талаб ортади. Демак талаб қонуни нарх ва талабнинг ўзаро боғлиқлигини билдиради. Нарх тушса илгари муайян товарни сотиб олишга қурби етмаганлар уни харид этиш имконига эга бўладилар, яъни энди бунга уларнинг пули этади. Айни вақтда шу товарни олдин олиб юрганлар ҳам энди уни кўпроқ харид эта оладилар.

Нархнинг ўзгариши бир товарга бўлган талабни бошқасига, яъни ўринбосар товарга кўчиради. Нархи ўзгармаган товар арzonлашган товарга нисбатан қиммат бўлади, шу сабабли харидор арzon товарни хуш кўриб, уни кўпроқ олади.

Нарх ошганда талаб қисқаради, харидорлар муайян товарни камроқ оладилар ёки уни олмай кўядилар. Нархи ошган товарга бўлган олдинги талаб нархи ошмаган товар томон бурилади. Масалан, писта ёғи қимматлашса, талаб соя ёғига ошади



3.3-расм. Талаб қонуни

Талаб қонунига кўра талаб билан нарх ўртасида миқдорий боғлиқлик бор, лекин бу мутлақ эмас, чунки талабга нархдан бошқа омиллар ҳам таъсир этади.

Реал иқтисодий ҳаётда баъзан бу қоидага зид бўлган, яъни айрим товар нархининг ўсиши билан унга бўлган талаб миқдорининг янада ортиши ҳолати ҳам учрайди. Бу ҳолат Гифтен самараси деб аталади.

Талаб қонуни амал қилган шароитда нархнинг ўзгариши талаб эластиклигини (юнон. “еластос” – мослашувчи) юзага келтиради.

Нархнинг ўзгаришига нисбатан талабнинг ўзгариш даражаси талабнинг эластиклиги дейилади. Агар нархга нисбатан талаб кучлироқ ўзгарса, эластилик кучсизроқ ўзгарса ноэластик талаб юзага келади.

Ноэластик талаб эркин бозор табиатига мос келмайди, товарларни кўплаб ва арzon ишлаб чиқаришга ундамайди. Бозорда шундай вазият ҳам бўладики, талаб нархга жавобан мутлақо ўзгармайди. Агар оила ҳар куни 2 дона буханка нон олса, бу унинг кундалик талаби, нархнинг ўзгариши бу талабни на оширади, на қисқартиради. Мабодо бу талаб ўзгарса, унинг сабаби нон нархининг ўзгариши эмас, балки оила даромадининг ўзгариши ёки бошқа озиқ-овқат товарлари нархининг ўзгариши бўлади. Энг зарур ва кундалик товарлар ҳам борки, уларга талаб ноэластик бўлади, булар энг муҳим озиқ-овқат, кийим-кечак ва рўзгорга керак майда-чуйда товарлардир.

Нарх ўзгартмаган тақдирда ҳам талаб ортиши ва қисқариши мумкин. Бу бошқа омиллар борлигидан дарак беради.



3.4-расм. Талабга таъсир этувчи омиллар

Булар орасида энг муҳими харидорнинг даромади бўлади, чунки бу харид қобилиятини белгилайди. Иктисодиётда шундай алоқадорлик тартиби борки, унга кўра нарх барқарор бўлганда кишиларнинг харид қобилияти улар дароматининг ўзгаришига тўғри мутаносиблиқда бўлади, яъни даромад қандай ўзгарса, харид қобилияти шунинг ортидан боради. Аммо бу даромаднинг қандай қисми харид фондини ҳосил этишига ҳам боғлиқ. Даромаднинг талабга таъсири даромад самараси деб юритилади. Даромад қисқарганда талабнинг камайиши

салбий самара хисобланади. Даромад ортган пайтда талабнинг ҳам ортиши ижобий самара бўлади. Даромад самарасини талабнинг даромадга қараб эластиклик коэффициенти кўрсатиб беради. Бу даромаднинг ўзгаришига қараб талаб накадар ўзгарганлигини билдиради.

Истеъмолчилар даромади ва улар томонидан сотиб олинадиган товарлар миқдори ўртасидаги боғлиқлик немис иқтисодчиси ва статисти Эрнст Энгель (1821-1896) томонидан чукур тадқиқ этилган. Шунга кўра, истеъмолчи даромади билан у томонидан сотиб олинishi мумкин бўлган товарлар миқдори ўртасидаги ўзаро боғлиқлик Энгель қонуни дейилади.

Ноэластик талаб бозор яхши ишламаслигини билдиради, чунки харидор тулига яраша товарларни топа олмаган бўлади. Ноэластик талабни эластик қилиб бозорни кенгайтириш учун унга харидорга маъқул товарларни кўпайтириб, талабни тўларок қондириш керак.

Даромадга боғлиқ эластиклик товарларнинг қандайлигига ҳам боғлиқ. Нуфузли товарлар борки, уларга талаб даромад миқдорига камдан кам боғлиқ бўлади. Масалан, хонадон даромади 10 минг доллар, 1 литр сут 3 доллар, уни хонадон ҳар куни олиб келган. Хонадон даромади 12 минг долларга етди ёки 8 минг бўлиб қолди. Барibir у 1 литр сутга талаб билдиради, чунки бундан ортиги унга керак эмас. Нуфузли товарлар борки, уларни истеъмол этгасликини иложи йўқ. Масалан, кўл телефони айтилган хонадон даромади 8 минг доллар бўлса, битта телефонга талаб билдиради, даромади 10 минг бўлса, у 3 телефон олади, чунки бу болаларга ҳам керак. Бу ерда эластиклик бор.

Даромад самараси тахлилидан хulosса килсак, **бозордан кўп пул топиш учун у ерга кўпроқ нуфузли товарларни олиб келиши керак бўлади.**

Талабга харидорлар сони ва улар нимани кутиши ҳам таъсир этади. Харидорлар кўпайса талаб ошади ва, аксинча. Харидорлар нархни ортишини кутишса, уларнинг талаби кўпаяди, нархнинг пасайиши кутилса, талаб вактинча кисқаради. Масалан, эрга ёзда мева қиммат бўлади, уни пишиқчилик палласида арzonлашувини кутиб ўз талабини кискартиришади.

Бозорда *ўринбосар товарлар* мавжуд бўлса, талаб уларнинг биридан бошқасига ўтади, лекин булар бир хил эҳтиёжни қондириши керак. Масалан, чанкоқбосди ичимликлар бозорида “Кока-кола”га талаб “Фанта”га, ундан эса “Спрайт”га ва, нихоят, квасга ўтиши мумкин. *Бир-бирини тўлдирувчи товарлар* борки, улардан бирининг оз-кўп бўлиши бошқасига талаб чақиради. Масалан, автомашина кўп бўлса, бу бензинга талабни оширади. Агар эски машиналар кўп бўлса, бу эҳтиёт қисмлар ва автохизматга бўлган талабни оширади. Талабга

одамларнинг диди, кайфияти ва нимани хуш кўриши ҳам таъсир этади. Харидорлар диди ҳар хил, шунга қараб улар бир хил ёки ўринбосар товарларга ҳар хил талаб билдиради.

Товарларни нақдига эмас, балки насияга (қарзга) сотиш ҳам борки, бунда пули йўклиар ёки пули озлар ҳам товарга талаб билдириб бозорни кенгайтиради.

Шундай товарлар ҳам борки, уларнинг дизайнни яхши, лекин ўзи пишиқ эмас. Улар тезда ишдан чиқиб, янгисига талаб чакиради. Таъмирлаб бўлмайдиган товарлар кўп бўлса, улар янги товарга талаб чакиради. Масалан, стержени алмаштириладиган ручка бўлса, факат стерженга талаб бўлади. Бордию стержен алмаштирилмайдиган бўлса, бутун ручкага янги талаб пайдо бўлади. Бундай товарларни бир маротабалик товарлар деб юритишиади.

Молбозори даллоли ва Насриддин Афанди



3.5-расм. Молбозори даллоли ва Насриддин Афанди

Талабга об-ҳаво ҳам таъсир этади. Қиши қаттиқ келса, иссик кийимга талаб ошади, агар у юмшоқ келса, айтилган талаб ошмайди.


Реклама (лот. “ресламо” – бакирмоқ) талаб чакирувчи энг кучли восита саналади. Сотувчилар рекламага пулни қанча кўп сарфласалар, шунчалик улар товарига қизиқиш кучайиб талаб ошади. Натижада товарларнинг сотилиши кўпайиб, рекламани самарали қиласади. Рекламага Афанди ҳам қаттиқ ишонган экан (3.5-расм).

Харидор талаби бозорда юз берадиган истеъмолчи танлови қоидасига биноан юз беради. Бу қоидага биноан *харидор* ўз

истеъмолини максимумлаштириши мақсадида ўзининг харид қурбига қараб нафлилиги энг юқори бўлган товарларни бозордан танлаб олади. Танлов муқобил кечади, бунда товарлар уларнинг қадр-қимматига қараб, яъни сифати ва нархини қиёслаган ҳолда, уларга афзаллик берилади.

Афзаллик айrim товарлар ва товарлар тўпламига берилади, шу сабабли уни харид этадилар. Танлов учун пулдан ташқари товарлар ҳам кўп бўлиши лозим. Дефицитли бозорда товарлар етишмаганидан танлов мутлақо бўлмайди ёки чекланади. Аксинча, дефицидиз бозорда танлов тўла амалга ошади, чунки бозор товарларга тўйинган бўлади. Бунга эришиш учун товарлар бозорга табора кўпроқ таклиф этилиши талаб қилинади.

Талаб бор ерда таклиф ҳам пайдо бўлади. *Товарлар таклифи муайян вақтда бозорга чиқарилган ва келтирилиши мумкин бўлган ҳамда маълум бир нарх қўйиб сотиладиган жами товарлар суммасидир.*



3.6-расм. Таклиф конуни

Таклиф барча ишлаб чиқарилган маҳсулотлар эмас, балки унинг сотишга мўлжалланган қисми яъни товар маҳсулотидир. Масалан, фермер хўжалигига 100 тонна буғдой етиштирилган бўлса, шундан 10 тоннаси хўжаликнинг ўзида ишлатиш учун қолдирилди, 2 тоннаси неснобуд бўлди, бозорга 88 тонна дон тушди, мана шу дон таклифни ташкил этади. Таклифнинг ҳажми товарларнинг миқдорига ва ҳар бир товар нархига боғлиқ. Бизнинг мисолимизда товар миқдори 88 тонна, агар ҳар тонна буғдой нархи 800 минг сўм бўлса, таклиф ҳажми ($88 \times 800000 = 70400000$) 70,4 млн сўм бўлади.

Товарларни таклиф этишдан оддин уларни ишлаб чиқариш керак, бунинг учун эса ресурслар сотиб олинади. Таклиф ҳам икки хил бўлади. Бири – якка таклиф бўлиб, бу айrim ишлаб чиқарувчиларнинг маълум бир товарни таклиф этишларида намоён бўлади. Йиккичиси – умумий ёки бозор таклифи бўлиб, барча ишлаб чиқарувчиларнинг муайян турдаги ёки ўхшаш товарларни таклиф этишларидир. Масалан, бозорга бир дехкон хўжалиги томонидан 0,5 тонна сут таклиф қилиниши бу якка таклиф, 500 та дехкон хўжалик томонидан 300 тонна

сүт таклиф этилиши жами бозор таклифи ҳисобланади. Таклиф ҳам талаб сингари тез-тез ўзгариб туради, бунга кўпгина омиллар таъсир этади, улар орасида энг муҳими товарлар нархининг ўзгаришидир. Нарх билан таклифнинг ўзаро боғлиқ бўлишини бозордаги таклиф қонуни изоҳлайди. *Таклиф қонуни таклифнинг миқдори нархга нисбатан тўғри мутаносиблиқда ўзгаришини билдиради.* Бу қонунга биноан нарх ошса, таклиф ҳам ортади, нарх пасайса у қисқаради.



3.7-расм. Таклифга таъсир этувчи омиллар

Таклиф қонунига биноан нархга жавобан таклиф миқдори тўғри мутаносиблиқда ўзгарар экан, буни таклиф эластиклигига кўриш мумкин. Нарх ўзгаришига нисбатан таклифнинг ўзгариш даражаси *таклиф эластиклиги* дейлади. Бозорда таклиф ҳар доим ҳам нархдан устун даражада ўсавермайди. Агар таклифнинг ўзгариши нархнинг ўзгариш даражасидан паст бўлса, таклиф ноэластик бўлади. Мисол учун, бозорда рисола шаклидаги китобнинг нархи 5000 сўм бўлганда, 10 минг дона рисола таклиф этилиб, жами таклиф миқдори 50 млн сўмни ташкил этади ($10000 \times 5000 = 50$ млн). Китоб нархи 7000 сўм бўлса, 40 фоизга ошган бўлади. Бунга жавобан нашриёт кўшимча равишда 1000 дона рисолани бозорга чиқаради, яъни жами таклиф 10 фоизга кўпаяди. Нархга қараб таклифнинг ўзгариши товарни ишилаб чиқариш нақадар фойда беришига қараб юз беради. Бироқ таклифни қисқартириш осон бўлгани ҳолда таклифни кўпайтириш қийин кечади, чунки ишилаб чиқаришга кўшимча ресурс ташлаш зарур, бу эса вақт талаб қиласди (3.7-расм).

Нарх ошишига жавобан таклиф бирдан күпаймайды. Бу күпайиши учун корхоналарда тайёр товарлар захираси, ишлатилмай бўш турган машина-ускуналар, хомашё ва бутловчи қисмлар тўплами мавжуд бўлиши зарур. Булар бўлмаганда таклифни кўпайтириш учун бозордан кўшимча ресурслар олиниб, улар ишлаб чиқаришга киритилиши лозим. Бу қанча тез бўлса, шунча таклифнинг талабга жавоби жадаллашади.

1. Ўринбосар товарларнинг мавжудлиги.

- Одатда муайян турдаги эҳтиёжни бир қатор товарлар билан қондириш имконияти мавжуд бўлади.

2. Вакт омили.

- Қарор қабул килиш учун вакт оралиги қанча узоқ бўлса, маҳсулотга талаб шунча эгилувчан бўлади.

3. Маҳсулотларнинг истеъмол ҳусусиятлари.

- Зеб-зийнат буюмларига талаб одатда эгилувчан, ҳаётй зарур буюмларга эса талаб нозигилувчан хисобланади.

4. Товар қинматининг истеъмолчи даромадидаги салмоғи.

- Истеъмолчи даромадида товар қиймати қанчалик катта ўринни эгалласа, унга талаб шунчалик юкори эгилувчан бўлади.

3.7-расм. Талаб эгилувчанлигини белгилаб берувчи омиллар


Бозор мувозанати

Бозор мувозанати деганда талаб ва таклифнинг тенглашган ҳолати тушунилади ва бунга нархнинг ўзгариши орқали эришилади. Бозорда сотувчи мўлжаллаган нарх таклиф нархидир. Унинг қархисида харидорнинг талаб нархи туради. Бироқ бозорда ҳар икки томонга маъқул нарх пайдо бўлади, бу нарх мувозанат нархи деб аталади. Мувозанат нархи талаб таклиф билан тенглашиб, бир-бирига мос тушган шароитда вужудга келади. Нарх арzonлашса, бозорда товар етишмасдан, такчиллик пайдо бўлади. Нархнинг қимматлашуви эса товарлар сотилмай, уларнинг бозори касод бўлишига олиб келади. Бунда керакли товарларни фақат пулдорлар олиб, кўпчилик эса ўз эҳтиёжини қондира олмай қолади. Бозорда ҳар икки томон манфаатига мос нарх меъёрий бўладики, бу мувозанатли нарх хисобланади. Мувозанатли нархлар бор жойда харидор пулига яраша керакли товарларни харид эта олади, ишлаб чиқарувчилар эса чиқарган товарини ўз вақтида сота олади. Демак, мувозанат нархлари оқилона ва адолатли нархлар ҳисобланади.

3.3. Нарх ва унинг функциялари

Бозор нархи бу муайян пайтда бозордаги талаб ва таклифга қараб шаклланган нархдир. Бу товар бирлигини харид этиш учун қанча пул тўлаш зарурлигини, яъни товар бозорда қанча туришини билдиради. Бозор нархи сотувчи ва харидорнинг келишуви асосида белгиланади. Сотувчи бозорга ўз нархини таклиф қиласди, харидорнинг ҳам ўзи мўлжаллаган нархи бор, сотувчи ўз нархини фойдани кўпроқ олиш учун белгилайди. Харидор нархи эса унинг кўлидаги пулга сифатлироқ ва кўпроқ товар олишга қаратилади.

Нарх бу товарлар ёки хизматларнинг бир бирлиги эвазига бошқа томонга бериладиган тўлов ёки товон микдоридир²⁴.



Жерар Дебрё (1921-2004), Француз миллиатига мансуб америкалик иқтисодчи. 1983 йилда “умумий мувозанат назариясини ва абстракт иқтисодиётда амалга ошадиган шароитларни ишлаб чиқиша кўшган ҳиссаси учун” Нобель мукофотини кўлга киритган. Бу олимнинг деярли ўттиз йиллик асосий фаолияти иқтисодий муаммо – эркин бозор иқтисодиётida нарх-наво мувозанати ва мазкур шароитда истемолчилар ва ишлаб чикарувчиларнинг хулиқатвори масалаларига бағишланган. Олим ўзининг тадқиқотларида иқтисодий мувозанат ва уни таъминлашда нарх, фоиз ва бошқа омиллар ролини мукаммал таҳдил этган.

Нархнинг иқтисодиёт учун аҳамиятини унинг функциялари белгилайди. Булар қўйидагича:

1. **Хисоб-китоб, ўлчов функцияси (Қиймат ва нафлийкни ўлчаш вазифаси).** Бунда килинган сарф-харажат, кўрилган фойда-зарар, бажарилган иш ҳажмининг ҳаммаси пул шаклида лекин маълум нархлар асосида хисоб-китоб қилинади. Натурал-моддий, қиймат-пул ўлчови бор. Натурал-моддий кўрсаткичларни тақкослаб ёки умумий кўрсаткичга келтириб бўлмайди. Масалан, 1 м² газлама, 1 жуфт оёқ кийим, 1 м³ газ, 1 кВт.-соат электр энергияси, 1 тонна пахта, 1 м² уйжой каби кўрсаткичларни жамлаб, умумий кўрсаткич олиб бўлмайди. Уларнинг умумий ўлчови пулда ифодаланган нарх бўлиши мумкин. Сарфланган ресурсларнинг микдори ва нархига қараб харажатлар, тайёр товарлар микдори ва нархига қараб даромад аниқланади. Хисоб-китоб учун жорий ва таққосий нархлар кўлланилади. Жорий нархлар амалдаги бозор нархлари, улар билан йил давомидаги ишлар

²⁴ Schindler, Robert M. (2012). Pricing Strategies: A Marketing Approach. Thousand Oaks, California: SAGE. pp. 1–3. ISBN 978-1-4129-6474-6.

хисобланади, масалан, маҳсулот миқдори, экспорт-импорт ҳажми хисобланади. Реал маҳсулот, реал даромад, реал иш ҳақи ва реал фойда кабилар таққосий нархда хисобланади. Бунда маълум йил (бу база йили) асос қилиб олинади ва иқтисодий сарф ва натижага шу йилдаги нарх билан ҳисобланади, чунки жорий нарх инфляция таъсирида бўлади. Шу боис, нарх инфляция таъсиридан холи этилганидагина, у реал иқтисодий натижани кўрсата олади. Жорий нархлар сарф ва натижани нақадар ошган ёки камайганилигини ифодаламайди. Нархнинг тез ошиб бориши ишлаб чиқариш ҳажмининг пулдаги ифодасини сунъий равишда ошириб юборади. Масалан, мамлакатда 5 млн тонна буғдой етиштирилди. 1 тонна буғдойнинг жорий нархи 120 доллар. Буғдойнинг жами нархи 600 млн доллар. Буғдой етиштириш 4,6 млн тоннага тушди, бирок нарх 1 тонна буғдой учун 140 доллар бўлди. Бунда жами буғдой нархи 644 млн долларни ташкил этади. Нархига биноан буғдой ҳажми кўп, яъни $644 > 600$, амалда олинган буғдой ҳажми оз, чунки $4,6 < 5,0$. Бунда жорий нарх иш натижасини хотүгри ифодалайди. Шунинг учун буғдойнинг шу йилги ҳосилини ўтган йилги нархда ҳисоблаш тўғри бўлади. Бунда бу йилги ҳосилнинг пулдаги таққосий қиймати 644 млн доллар эмас, балки 552 млн доллар ($4,6 * 120 = 552$ млн доллар) бўлади. Бу билан реал иқтисодий натижага баҳоланади.

2. Иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш функцияси. Нархнинг ўзгариб туриши (бу амалда шундай) ишлаб чиқариш ва истеъмолни рағбатлантиради. Нарх ошганда, агар харажатлар ўзгармай қолса фойда кўпаяди, бу ишлаб чиқарувчиларни товарни кўпайтиришга ундейди, чунки фойдани максимумлаштириш имкони пайдо бўлади. Масалан, товар нархи $P=10$ евро, товарни шу нарх билан сотиш 2 евро фойда келтиради. Агар нарх ошиб, $P=11$ евро бўлса, фойда кўпаяди. Чунки бунда $3 > 2$ бўлади. Бир товарни сотишдан тушган фойданинг ортиши, товарларни кўпроқ чиқариб, фойдани оширишга ундейди. Агар нарх пасайса, бу истеъмолни кўпайтиришни рағбатлантиради. Нарх ошса, истеъмолда тежаш рағбатлантирилади. Масалан, автобензин нархи 1 литр ҳисобида 2300 сўмдан 2000 сўмга тушди. Бунда автомобиль эгалари бензинни кўп олиб, машинада кўп юра бошлайдилар. Борди-ю бензин нархи 2300 сўмдан 2600 сўмга чиқса ва харидор даромади ўзгармай турса, бензин истеъмоли қисқаради. Чунки машинада камроқ юрилади.

3. Иқтисодияётни тартиблаш функцияси. Бу функция шундан иборатки, нархнинг ўзгариши сигнал бўлиб, керакли товарларни ишлаб чиқаришга ундейди. Нарх қандай товарларни қанча ишлаб чиқариш зарурлигини белгилаб беради. Нарх бамисоли барометр сингари бозор ҳолатини кўрсатиб туради. Шунга биноан фирмалар нимани ва қанча ишлаб чиқарилса, уни бозор маъқул кўришини

белгилайдилар, муайян товарнинг нархи ошиб боришга мойил бўлса, ресурсларни шунга юборадилар. Қайси бир товарнинг бозори касод бўлиб нархи туша бошласа, унинг ўрнига бошқа янги товар чиқарилади. Ресурслар эски товар ишлаб чиқаришдан олинниб, янги товарни ишлаб чиқаришга юборилади. Демак, нарх иқтисодиётни тартиблаб туради, яъни кераксиз товарлар ўрнига керакли, бинобарин, бозорбоп товарларни яратишни таъминлайди.

4. Рақобат воситаси функцияси. Нарх ғоят муҳим иқтисодий восита бўлганидан у рақобат курашида ҳам қўлланилади. Фирмалар бозорни эгаллаб олиб, ундан рақибларни сиқиб чиқариш учун нархни ўзгартирадилар. Улар нархни пасайтириш орқали харидорни ўз томонига оғдириб оладилар, уни ўзига ўргатиб олгач нархни ошира борадилар. Сотиш ҳажмини кўпайтириш учун фирмалар харидорларнинг сотиб олиш қобилиятига қараб бир хил товарга ҳар хил нарх белгилайдилар. Айтилган иқтисодий функциялар бозор нархларига хос бўлади. Бироқ айрим ҳолларда **нархлар ижтимоий ҳимоялаш функциясини** вақтгина бажаради. Бунда давлат томонидан атайлаб арzonлаштирилган нархлар ижтимоий муҳим товарларга (масалан, энг зарур дори-дармонга) белгиланади. Бу товарларнинг амалдаги ва хақиқий бозор нархи ўртасидаги фарқ давлат бюджети хисобидан қопланади. Бунда дотацияланган нархлар ижтимоий функцияни бажарган ҳолда иқтисодий рағбатлантириш функциясини бажармайди. Щу боис, дотацияланган нархлар қисқа вақтга белгиланади, улар ўз функциясини адо этиб бўлгач, улар тутатилиб бозор нархига ўтилади.

Нарх турлари ва уларнинг мазмуни

Иқтисодиётнинг турли соҳалари ва тармоқларида ишлаб чиқариш ва сотиш шароитларининг хилма-хиллиги ҳамда бозор муносабатларининг ривожланиши даражасидаги фарқлар нарх турларини фарқлаш заруратини туғдиради. Иқтисодиётда амал қилиб турган барча нарх турлари нарх тизимини ташкил қиласиди. Нархлар тизимида уларнинг айрим турларининг иқтисодий мазмунини кисқача қараб чиқамиз.

Улгуржи нарх – ишлаб чиқарувчилар томонидан катта микдордаги товарлар бир йўла кўтарасига сотилганда қўлланиладиган нарх. Улгуржи нарх ишлаб чиқарувчилар ва таъминлаш-сотиш ташкилотлари харажатларини қоплаши ҳамда уларнинг маълум микдорда фойда кўришини таъминлаши зарур. Улгуржи нарх товар биржалари ва савдо ўйларида ҳам қўлланилади.

Шартнома нарх – сотувчи ва харидорнинг розилиги билан белгиланадиган, улар томонидан тузилган шартномада кайд қилинган нарх. Шартнома нарх одатда шартнома битими амал қилиб турган

даврда ўзгармайди. Мазкур нарх ҳам миллий, ҳам халқаро бозорларда кўлланилади. У халқаро бозорда кўлланилганда товар (хизмат)ларнинг жаҳон нархларига яқин туради.

Чакана нарх – товарлар бевосита истеъмолчиларга сотиладиган нарх. Чакана нархга товарнинг улгуржи нархи, чакана савдо ташкилотларининг харажатлари ва уларнинг оладиган фойдаси киради. Чакана нарх товарларга бўлган талаб ва таклифни боғловчи ролини ўйнайди ҳамда уларнинг нисбатига караб юкори ёки паст бўлиши мумкин.

Давлатнинг нархларни тартибга солиш фаолияти **чегараланган** (лимитланган) ва дотацияланган нархларни вужудга келтиради.

Чегараланган нарх – давлат томонидан юкори ва қуий чегаралари белгиланиб, шу доирада ўзариши мумкин бўлган нарх. Бундай нарх ёрдамида давлат инфляцияни жиловлади, нарх даражасини назорат қиласди.

Дотацияланган нарх – давлат бюджети хисобидан маҳсус арzonлаштирилган нарх. Бундай нархдан кам даромадли оиласлар, бева-бечоралар, ишсиз ва ногиронларни ҳаётий зарур неъматлар билан энг кам даражада таъминлаб туришда фойдаланилади.

Демпинг нарх – бозорда ўз мавқенини мустаҳкамлаш ва ракибларини бозордан сиқиб чиқариш учун фирмалар томонидан фойдаланиладиган маҳсус нарх. У «бозорга кириб олиш нархи» деб ҳам аталади. Демпинг нархда расмий нархнинг бир қисмидан кечиб юборилади.

Нуфузли нарх – сотиш ҳажмини ўзгартирмасдан, юкори фойда олишга эришиш учун фирмалар томонидан фойдаланиладиган нарх. Бу нархни қўллаш учун бозорда рақобат чекланган бўлиб, монопол вазият мавжуд бўлиши зарур. Мазкур вазиятда талаб нархга боғлик бўлмайди, шу сабабли нархнинг кўтарилиши товар сотилишини кескин камайтирумайди. Бундан ташқари аҳолининг юкори даромад олувчи қатлами харид қиласидиган нуфузли товарлар ҳам мавжудки, улар нуфузли нархларда сотилади.

Ривожланган мамлакатларда юкори даромад олувчи аҳоли қатлами учун дала ҳовлига эга бўлиш, машхур курортларда дам олиш, сўнгги нушадаги кийимлар кийиш, янги моделдаги автомашинада юриш – мартабали ёки обруталаб истеъмол хисобланади. Мартабали истеъмол **нуфузли нархларни** юзага келтиради. Улар одатдаги нархлардан анча юкори бўлади.

Нуфузли нархларни қўллашда товарларни ишлаб чиқариш харажатлари ва рентабеллик даражаси, бозордаги талаб, унинг ўзариши ва бозордаги рақобатлашув шароити хисобга олинади.

Шунга қараб, маълум давргача ўзгармайдиган қатъий (стандарт) нарх ва ўзгарувчан нарх кўлланилади. Шундай товарлар борки, истеъмолчилик уларнинг нархи ўзгармаслигини афзал кўради. Масалан, коммунал хизмат, транспорт хизмати тарифлари шундай нархлар жумласига киради.

Эркин бозор нархи – бу талаб ва таклиф асосида вужудга келадиган бозор нархидир. Маданийлашган бозор шароитларини вужудга келтиришда эркин нарх жамият ва бозор муносабатлари барча субъектлари манфаатларини энг мақбул тарзда уйғулаштиришга имкон беради.

Нарх диапазони нархлар оралиғининг пулдаги ифодасидир. Нарх диапазони қуи, ўрта ва юқори нархларни ўз ичита олади. Нарх диапазони қанчалик кенг бўлса, товар муомаласи шунчалик тез юз беради, чунки талаб билан нарх ўзаро боғланади.

Бозор кўлами хисобга олинганда **худудий (минтақавий), миллий ва ҳалқаро нархлар** мавжуд бўлади. Худудий нарх факат маълум худудий бозорга хос бўлиб, у шу худуд доирасидаги омиллар таъсирида ҳосил бўлади. Миллий бозор нархи бир мамлакат доирасида амал қиливчи ва уларнинг хусусиятини акс эттирувчи нархидир. Миллий нарх мамлакат доирасидаги ижтимоий сарф-харажатларни, миллий бозордаги талаб ва таклифни, товар нафлиягини, унинг қанчалик қадрланишини хисобга олади. Жаҳон бозори нархи муйян товарни ишлаб чиқаришга сарфланган байналминал харажатларни, товарнинг жаҳон стандарти талабига мос келиш даражасини ва ҳалқаро бозордаги талаб ва таклиф нисбатини хисобга олади.

Нархнинг хилма-хил турлари мавжуд бўлсада, улар бир-бири билан ўзаро боғланган, чунки уларда жамиятдаги иқтисодий ресурсларнинг ишлатилиш самараси ўз ифодасини топади. Иқтисодиёт назариясида нарх нисбати деган тушунча бор, у нарх паритети деб ҳам юритилади. Иқтисодиёт ва ундаги жараёнлар бир-бирига боғлиқ бўлганидан нархлар бир-бирини юзага чиқаради. Масалан, руда нархи металл нархига, металл нархи машина нархига, машина нархи кийим нархи таркибига киради, чунки бу нархларнинг ҳар бири ўзидан кейинги маҳсулот харажатларини шакллантиради. Бозорга шундай ўзига хос товарлар чиқадики, улар кўпчилик соҳаларда ишлатиладиган энг муҳим иқтисодий ресурслар хисобланади. Булар металл, нефт, кўмир, газ, ёғоч, буғдой, пахта каби товарлар бўлиб, улар нархининг ўзгариши бутун нархлар нисбатини ўзгартиради.

3.4. Истеъмолчининг хулқ-атвори



XIX асрнинг охирида бир қанча америкалик психологияни танқид қилиб чиқди. У психологияда кузатиш методини олиб ташлашни таклиф килдилар. Улар инсондаги бўлаётган ўзгаришларни ҳаммаси онг орқали эмас, балки ташқи мухит таъсирида вужудга келади деб тушунтиридилар. Улар умуман онгни психологиядан олиб ташлашни таклиф килдилар²⁵.

Шундай қилиб классик бихевиоризмга асос солинди. Бихевиоризм – инглизча сўздан олинган бўлиб, одамлар ва ҳайвонларнинг хатти-харакатларини тушунишнинг тизимли ёндашувидир, яъни хулқ-атвор деган маънони билдиради²⁶. Бихевиоризм – психологик-педагогик концепция бўлиб, инсонга технократик тарбия бериш нуқтаи назаридан ёндашади. У инсон ҳакидаги фанлардаги эришилган ютукларга асосланиб, унинг манфаатлари, эҳтиёжлари, қобилияти, сайд-харакати ва танловига таъсир этувчи омилларни тадқиқ этади ва бунда замонавий методлардан фойдаланади.

Истеъмолчини ўрганиш тадқиқотларнинг динамик холда ривожланашётган соҳаси хисобланади. Истеъмолчини ўрганиши билишининг тизимли соҳаси сифатида 1950 йилларнинг охири ва 1960 йилларнинг бошида юзага келди. Бу давр кўпчилик малакатларда иқтисодий юксалиш даври хисобланаб бу мамлакатларда содир бўлган кенг қамровли (глобал) ўзгаришлар, стратегик маркетинг дастурларини ривожлантиришга, жумладан истеъмолчи хулқ-атворини ўрганишга эътибор беришни кучайтиришга сабаб бўлди. 1980 йилларга келиб истеъмол муаммоси жамиятшунослар, тарихчилар, антропологлар, социологлар, иқтисодчилар тамонидан тадқиқ қилина бошланди ва маркетинг тадқиқотларида янги йуналиш деб эътироф этила бошланди.

Истеъмолчи хулқ-атворини ўрганиш факат тижорат корхоналарига эмас, балки давлат миқёсида хам катта ахамиятга эгадир. Корхона раҳбарлари ўз ривожланиш стратегияларини ривожлантиришлари учун истеъмолчи хулқ-атворини билишлари зарурдир.

²⁵Watson, J. B. (1913). "Psychology as the Behaviorist Views it". *Psychological Review*. 20 (2): 158–177. doi:10.1037/h0074428.

²⁶Araiba, Sho (June 2019). "Current diversification of behaviorism". *Perspectives on Behavior Science*. doi:10.1007/s40614-019-00207-0.

Истеъмолчи хулқ-атвори - маҳсулотлар, хизматларни олиш, истеъмол қилиш ва улардан фойдаланишга бевосита йўналтирилган фаолият хисобланади. Бу фаолиятга маҳсулотлар, хизматларни олиш, истеъмол қилиш ва улардан фойдаланишдан олдин ва кейин юзага келувчи қарорларни қабул қилиш жараёнларини, шу жумладан истеъмолчининг хиссий, ақлий ва хулқ-атвор реакцияларини ўрганиш ҳам кириб кетади²⁷.

Истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракати қўйидагилар билан боғлиқ²⁸:

– **харид фаолияти:** товарлар ёки хизматларни сотиб олиш; истеъмолчилар қандай қилиб маҳсулот ва хизматларни олишлари, шунингдек, харид қилиш тўғрисида қарор қабул қилишига олиб келадиган барча тадбирлар, жумладан, маълумот қидириш, товарлар ва хизматларни баҳолаш ва тўлов усуслари, шу жумладан сотиб олиш тажрибаси;

– **фойдаланиш ёки истеъмол қилиш фаолияти:** ким, қаерда, қачон ва қандай истеъмол қилинганилиги ва ундан фойдаланиш тажрибаси, шу жумладан рамзий бирлашмалар ва товарларни оиласлар ёки истеъмол бўлинмаларига тақсимлаш усуслари;

– **қайта ишланиш фаолияти:** истеъмолчилар маҳсулот ва маҳсулотни қайта ишланиш усуслари билан боғлиқ; шунингдек, еБай ва иккиламчи бозорлар каби қайта сотиш фаолиятини ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Маркетологлар учун истеъмолчиларнинг хулқ-атворини ўрганиш асосий вазифа бўлиб, улар истеъмолчининг хулқ-атворини, кенг маънода, сотиб олиш тўғрисида қарорлар қандай қабул қилинишини, шунингдек маҳсулотлар ёки хизматлар қандай истеъмол қилинишини шу билан бирга уларнинг даромадлари ёки бюджетига қараб, нима сотиб олишни ўрганадилар²⁹.

Харид қилиш қарорларида ишлатиладиган рухий жараёнларга мурожаат қилиш учун кўпчилик маркетологлар сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш пайтида истеъмолчи томонидан ишлатиладиган когнитив ва таъсиричан жараёнларни акс эттирувчи “қора қути” тушунчасини кўллайдилар.

Қора қути ташқи ва ички огоҳлантиришларнинг ўзаро таъсирини (масалан, истеъмолчиларнинг хусусиятлари, вазиятлар, маркетинг

²⁷ Kardes, F., Cronley, M. and Cline, T., *Consumer Behavior*, Mason, OH, South-Western Cengage, 2011 p.7

²⁸ Kardes, F., Cronley, M. and Cline, T., *Consumer Behavior*, Mason, OH, South-Western Cengage, 2011 p.9; Sassatelli, R., *Consumer Culture: History, Theory and Politics*, Sage, 2007, p. 10

²⁹ Elizabeth A. Minton; Lynn R. Khale (2014). *Belief Systems, Religion, and Behavioral Economics*. New York: Business Expert Press LLC, ISBN 978-1-60649-704-3

тасири ва атроф-муҳит омиллари), шунингдек истеъмолчиларнинг муносабатларини акс эттиради³⁰.

Ҳозирда иқтисодиёт назариясига оид кўплаб дарслик ва ўкув кўлланмаларда бозор талабининг шаклланиши ва намоён бўлишини истеъмолчининг хулқ-автори орқали тушунтиришга ҳаракат қилинмоқда. Бунда олдиндан гарб адабиётларида мавжуд бўлиб келган турли назариялардан фойдаланиб, истеъмолчи ҳатти-ҳаракати назарияси алоҳида йўналиш сифатида баён этилмоқда. Истеъмолчининг бозордаги ҳатти-ҳаракати сўнгги кўшилган нафлийлик назарияси ҳамда истеъмолчи танлови назарияси орқали изоҳланади. Бу назария ёрдамида истеъмолчининг мағнаати нуктаи назаридан унинг афзал кўриши қоидалари баён этилади. Агар нафлийка истеъмолчи ўлчами билан қаралса, у истеъмолчининг бирон-бир неъматни истеъмол қилишидан олинадиган қониқишини англатади. Истеъмолчи томонидан ўзи учун турли товарларнинг нафлийлик даражасининг баҳоланиши истеъмолчининг афзал кўриши дейилади³¹.

Бозордаги харидор (истеъмолчи) ўзига қеракли товарни танлаб олади. Товарнинг қераклиги унинг нақадар нафли бўлишини билдиради.

Товарнинг нафлийлиги деганда уни истеъмол этишдан, харидор оладиган қониқиши тушунилади. Бу қониқиши ҳам индивидуал бўлади, чунки кишиларнинг таъби бир хил бўлмайди. Бир киши бир товарни хуш кўрса, бошқаси буни хуш кўрмайди, аксинча, бошқа товарни афзал деб топади. Товарни нафлийгини унинг бир қатор хоссалари, чунончи, дизайнни, модада бўлиши, истеъмол этишдаги кулаги, узоқ хизмат қилиши, экологик тозалиги, соғлиқ учун фойдалилиги ва бошқалар ташкил этади. Масалан, музлаткичнинг нафлийгини катта-кичиклиги, қанча жойни эгаллаши, шовқинсиз ишлаши, электроэнергия қанчалик сарфлаши, неча камерали бўлиши, қанча вақт таъмирсиз ишлай олиши, бўлғуси таъмир неча пул туриши, ёнғиндан хавфсиз бўлиши кабилар белгилайди.

Товарнинг нафлийлиги қанчалик юқори бўлса, шунчалик унинг истеъмолидан олинадиган қониқиши ҳам юқори бўлади, бинобарин, уни афзал кўришади. Айрим товарлардан қониқиши якка қониқишидир, аммо кўпчилик товарларни истеъмол этишда умумий қониқиши ҳам бор ва у бозор ҳолатига таъсир кўрсатади.

Умумий нафлийлик айрим гуруҳдаги товарларнинг, масалан, озиқ-овқат, кийим-кечак, туар жой, маданий-маиший хизматларнинг

³⁰ Sandhusen, R. L., Marketing, 2000. Cf. S. 218

³¹ Economics: principles, problems and policies. Stanley L. Brue, Campbell P. McConnell, seventeenth edition, McGraw-Hill/Irwin New York, 2008. 362 бет.

нафлилигидир. Нафлилик ҳар доим чегарали бўлади, яъни у аввал юқори бўлса, кейин пасаяди, шунга қараб талаб ҳам ўзгаради. Шу сабабли нафлилик маржинал, яъни ўз чегараси меъёрига эга.

Маржинал (фран. “марг” – фарқ, устунлик) нафлилик деб, қўшимча равишда харид этилган ва истеъмол қилинган товарлар келтириадиган нафлиикка айтилади.

Ҳар бир қўшимча товарнинг нафлилиги олдингисига нисбатан кам бўлади, чунки талабнинг тўйинишига қараб дастлаб юқори бўлган нафлилик аста-секин пасайиб боради. Шубҳасиз, бир жуфт оёқ кийим харид қилинганда харидор учун унинг нафлилиги foят юқори, аммо бешинчи жуфт оёқ кийим олинганда, унинг нафлилиги паст бўлиши турган гап, чунки харидор яланг оёқ эмас, энди унинг кундаклик ва охорлик учун киядиган пойафзали бор. Харидор учун қўшимча товар нафлилигининг пасайиб бориши талабга таъсир этмай қолмайди, албатта.

Бозор иқтисодиётида товар нафлилигининг пасайиб бориши қонуни бор, унга кўра ҳар бир харид қилинган кейинги товарларни истеъмол қилишдан олинган қониқиши пасайишига мойил бўлади, чунки истеъмол даражаси ошган сари ундан тўйиниш ҳосил бўлади.

Буни овқат истеъмоли мисолида кўрамиз. Масалан, оч хўранда гумма еганда, биринчи гуммадан 6 бирликка тенг қониқиши олса, иккинчисидан 5 бирликка, учинчисидан 3 бирликка, тўртгичисидан 1 бирликка тенг қониқиши олади, ниҳоят, бешинчисидан ҳеч қандай қониқиши олмайди ва уни емайди, чунки қорни тўйиб бўлади. Жами истеъмолдан (4 дона) кўрилган нафлилик 15 бирликка тенг ($6+5+3+1=15$), аммо у 6 дан 1 гача пасайиб боради, сўнгра нолга тенг бўлади. Келтирилган мисол асосида чизма ҳосил эцак, у қуйидаги кўринишида бўлади.

Нафлиикнинг пасайиш қонуни шуни кўрсатадики, товарлар кўпайиб, бозор тўйинган сари муайян товарларга талаб қисқаради. Шуни ҳисобга олиб, товар ишлаб чиқарувчи фирмалар нафлилиги пасайиб кетган товарлар ўрнига нафлилиги юқори, шу боис харидоргир, янги товарларни чиқариб туришлари талаб қилинади, шундагина уларнинг ишлари юришиб кетиши мумкин.

Шундай қилиб, харид қилиниш жараённида истемолчиларнинг хулк-автори кўплаб омиллар таъсири остида шаклланади. Бир томондан, истеъмолчининг хатти - ҳаракатлари муайян шароитларда юзага келади, яъни улар атроф-муҳит билан боғлиқ ҳолда, иккинчидан, сотиги олиш тўғрисидаги қарори ўзининг шахсий қадриялари, турмуш тарзи, ҳис-туйғулари ва билимларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади.

IV БОБ. БИЗНЕС ВА ТАДБИРКОРЛИК

4.1. Бизнес ва унинг турлари

Иқтисодиётнинг ривожланиши ва бозор ислоҳотларини амалга оширилишини таъминлаш мамлакатимизда кичик бизнесни ва тадбиркорликни ривожлантириш даражасига боғлиқ бўлиб, бу соҳаларни ривожлантириш ва иқтисодиётдаги ўрнини мустаҳкамлаш юрт аҳолиси учун ғоят муҳим аҳамият касб этади.



Барча масалаларни ечишда тадбиркорлик асосий ёндашув сифатида кўрилаётган жойда алоҳида шахсларнинг ҳам, бутун жамиятнинг ҳам тараққиёти сезиларли даражада тезлашади. Тадбиркорлик иқтисодий ривожланишни ҳаракатта келтирувчи омил бўлгани туфайли, дунёқарашга ҳам, бошқарув фаолиятига ҳам ишибилармонлик ёндашувини татбиқ этиш орқали алоҳида шахслар ҳам, бутун жамият ҳам фаровон ҳаёт сари ўз ҳаракатларини тезлаштиришлари мумкин.

Хўш, тадбиркор тушунчаси қандай мазмунга эга ва нимани англатади?

Бу тушунчаларни биринчи бўлиб ХВИИ аср охири ва ХВИИ аср бошларида инглиз иқтисодчиси Ричард Кантлон кўллаган. Унинг фикрича, **тадбиркор** – таваккалчилик шароитида фаолият кўрсатувчи кишиидир. Шу боисдан у ер ва меҳнат омилини иқтисодий фаровонликни белгилаб берувчи бойлик манбаи деб билган. Кейинчалик, ХВИИ асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида машхур француз иқтисодчиси Ж.Б.Сей (1767-1832) “Сиёсий иқтисод рисоласи” китобида (1803) тадбиркорлик фаолиятини ишлаб чиқаришнинг уч мумтоз омиллари – ер, капитал, меҳнатнинг яхлитлиги деб таърифлаган эди.

Тадбиркорлик ва бизнес тушунчалари ўзаро боғлиқ тушунчалар бўлиб, бир бирини тўлдиради. **“Бизнес”** тушунчаси халқаро миқёсда кенг кўлланилади ва **“тадбиркорлик”** тушунчасидан деярли фарқ

қилмайди. Қисқаси, бизнес даромад келтирадиган иқтисодий фаолият, фойда олиш ёки шахсий манфатни назарда тутувчи даромад олишга қаратылған ҳар қандай фаолиятдир³².

Тадбиркорлик соҳасида бизнес фойда берадиган иқтисодий фаолият бўлиб, ушбу фаолият билан шуғулланувчи шахслар бизнесмен сифатида мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашга, ялпи ички маҳсулотнинг кўпайишига, аҳоли фаравонлигининг ошишига хизмат қиласи. **Бизнесмен** (тадбиркорлик) сўзи биринчи маротаба Англия иқтисодиётида ХВИИИ асрда пайдо бўлиб, у “мулк эгаси” деган маънени билдирган.

Бизнесда **яратувчилик** бўлганда тадбиркорлик келиб чиқади. Масалан, ер, пул, уй ёки автомашина эгаси уни ўзи ишлатиб хизмат кўрсатганда ёки маҳсулот яратганда у **тадбиркор** бўлади. Агар бу мулк эгаси уни ижарага берса, ижарага олиб ишлатувчи, яъни товарлар ва хизматлар яратувчи тадбиркорлик қилган бўлади. Мулк эгаси эса ижара бизнеси билан шуғулланган бўлади, лекин тадбиркор эмас. Катта пулдорлар ҳам борки, улар пулидан келган фоиз ҳисобидан бойлик ортирадилар ёки пулинини (кўпинча валютани) қарзга бериб судхўрлик қиласидилар. Булар ҳам пултопар бизнесчилар (уларни рантье дейишади), лекин тадбиркорлар эмас.

Бизнес – энг аввал қонуний йўл билан, рухсат берилган иш билан шуғулланиб пул топишидир. Ўзининг характеристига қараб бизнес очик-ошкора қонунний ва яширин – гайриқонуний бўлади. Рухсат берилган бизнес ошкора олиб борилади. Очик бизнес – бу кишилар ҳаётини фаровон қиласидиган фаолиятдир. Яширин бизнес қонун йўли билан тақиқланган бизнесдир. Бунга мисол қилиб наркобизнесни ва қурол-яроғ бизнесини, одамлар савдосини олиш мумкин, булар кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг соглиғига путур етказади, уларни ёмон йўлга бошлайди. Бизнес турлари унинг натижасида қандай товар ва хизматлар яратилишига ва қайси соҳада юз беришига қараб фарқланиши қуйидаги чизмада кўрсатилган. (4.1. Расм)

³²Роберт Шер. Сильный средний бизнес: как справиться с семью основными препятствиями роста. // MightyMidsizedCompanies. How Leaders Overcome 7 Silent Growth Killers. - М.:Альпина Паблишер, 2016.- 248 с.

4.1-расм. Бизнес турлари

Пулли – коммерция фаолият турлари қанчалик күп бўлса, шунчалик бизнес турлари ҳам кўп бўлади, бизнес миқёси доимо кенгайиб боради.

4.2. Фирмалар ва унинг турлари



Тадбиркорлик аксарият ҳолларда, фирмалар доирасида боради. Фирма коммерция (лот. “соммерсиум” – тижорат) корхонаси, деган маънони билдиради. Корхоналар бирлашмаси ҳам фирма деб юритилади. Фирма деб саноат, транспорт, савдо-сотиқ ёки курилиш соҳасидаги корхона

ёки улар бирлашмаси ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигидаги корхона эса фермер хўжалиги ва агрофирма деб юритилади.

Фирма ишлаб чиқарувчилар жамоаси бўлиб, бу ерда фирма эгалари, фирманинг менежерлари (ингл. “менагер” – бошқарувчи) ва ёлланиб ишловчилар бирлашади. Уларни бирлаштирувчи куч – бу фирма жамоасининг фойда топишдан иборат гурухий манфаатининг умумийлигидир. Фирма – бу асосий товар ишлаб чиқарувчи ҳисобланади.

Мулкий жиҳатдан фирмалар 4 хил бўлади: хусусий, давлат, жамоа ва аралаш (хорижийлар иштирокидаги) фирмалар.

Корхонадаги мол-мулк фирма эгасига қарашли бўлади, лекин фирма соҳиби якка бир киши бўлиши шарт эмас, у бир неча соҳибларнинг шерикчилигидаги мулки бўлиши ҳам мумкин. Менежерлар мулкдор номидан фирмани бошқариш билан шуғулланадилар. Ёлланиб ишловчилар – булар ишчи ва хизматчилар бўлиб, улар ўз меҳнати билан маҳсулот яратадилар ёки хизмат кўрсатадилар.

Фирманинг 3 та асосий белгиси мавжуд:

1. Фирма меҳнат тақсимотида ўз ўрнига эга, яъни муайян вазифаларни бажаради.
2. У ихтисослашган, ҳамма иш билан эмас, балки ўзига биринтилган, айрим иш билан шуғулланади.

3. Фирма бир ёки бир неча турдаги маҳсулот чиқаради, муайян турда хизмат кўрсатади, бозорнинг маълум қисмида ўрин эгаллайди.

Ҳозирги кунда 25–30 млн хил маҳсулот ва хизматлар бўлиб, буларни, шубҳасиз, миллионлардан иборат фирмалар яратади.

Фирмалар ишлаб чиқаришнинг дастлабки бўгини, худди шу ерда талаб-эҳтиёжни қондирувчи, лекин ўзи учун эмас, бозорда сотиш учун маҳсулот ва хизматларни яратадилар.

Фирма иктиносидий мустақил бўлади, яъни нимани, қанча ва қандай ишлаб чиқаришни, уни кимга ва қанчадан сотишни, даромадни қандай ишлатишни ўзи ҳал қиласди. Ташқаридан туриб ҳеч ким унга тазиқ ўtkаза олмайди, у фақат бозор талабига бўйсунади.

Фирмалар мулкий, ташкилий-хукукий, фаолият кўлами ва фаолият доирасига қараб турланади. Мулк кимникилигига қараб хусусий, жамоа ҳамда давлат фирмалари ва аралаш фирмалар мавжуд.

Ташкилий-хукукий жиҳатдан фирмалар куйидаги турларга бўлинади:

1. Индивидуал, яъни якка фирма. Бу айрим шахсларга ёки оиласарга қарашли корхона. Хусусий фирма эгаси ягона соҳиб, топилган фойдани ўзи олади, яъни уни бошқалар билан баҳам кўрмайди, зарарни ҳам фақат ўзи кўтаради.

2. Ширкат фирмаси. Бу бир неча соҳиблар мулкини бирлаштириш ва тадбиркорликдан олинган фойдани баҳам кўришга асосланган шерикчилик фирмасидир.

Ширкат, биринчидан, кичик миқдордаги пулларни жамлаб тадбиркорликка етарли қилиб беради; иккинчидан, тадбиркорлик учун жавобгарликни кўпчилик заммасига юклайди; учинчидан, кўпчиликка, хатто пули озларга ҳам тадбиркорлик билан шуғулланишга имкон беради. Ширкат фирмалар ҳозир кенг тарқалган, улар икки хил бўлади:

a) Масъулияти чекланмаган фирма. Бу тадбиркорлик масъулияти шериклар ўртасида турлича тақсимланишига асосланган фирма. Мулк хиссадорлари тўла хукукли шериклар ва хукуки чекланган шерикларга бўлинади. Тўла хукукли шериклар фирманинг ҳам жавобгарлигини, ҳам фойда-зарарини баҳам кўрувчилардир. Улар фирма фойдасидан ўzlари кўйган пулига қараб улуш оладилар,

зарарни ҳам биргаликда қоплайдилар. Агар 5 киши шерик бўлсао, улардан 2 таси фирма зарарини тўлашга қодир бўлмаса, қолган 3 шерик улар зиммасидаги зарарни ҳам ўзиникига кўшиб кўтаради. Бу ерда “Кемага тушганинг жони бир” деган мақолга амал қилинади.

б) Масъулияти чекланган фирмаси. Унинг капитали шерикларнинг пай пули (хиссаси) ҳисобидан шакланади. Шундай фирмалар номига “лимитед” деган сўз кўшилади, бу инглизча “чекланган” деган маънени билдиради. Бундай фирманинг мажбурияти фақат дастлабки (низом) капитали билан таъминланади. Унинг тўлов мажбуриятидаги бундан ортиқча бўлган қарзни ҳеч қандай йўл билан ундириб бўлмайди. Масъулияти чекланган фирмаларнинг ҳозирда энг кенг тарқалган шакли аксиядорлик-хиссадорлик жамиятлари (АЖ) ёки корпоратциялардир (лот. “корпоратио” – бирлашма). Жамият капиталига қараб маҳсус қийматли қоғоз-акция чиқаради. Акцияни сотиб олганлар хиссадорларга айланадилар ва фойдадан ўз хиссаси, яъни акцияси миқдорига қараб дивиденд деган даромад оладилар. Хиссадорлик жамиятлари 2 хил бўлади:

1. Ёпиқ жамият, унинг акциялари маълум кишилар, масалан, фақат корхона ишчи ва хизматчиларга сотилади.

2. Очик жамият, унинг акциялари ҳамма хохловчиларга эркин сотилади. Акция эгаси корхонада ишлиши шарт эмас. Фирмалар бирлашмаси ҳам бўлади. Буларнинг энг кўп учрайдиган тури холдингdir (ингл. “холдинг” – ушлаб турмоқ). Холдингдаги бош корхонани она корхона деб атайдилар. Унинг атрофида бола корхоналар (қиз корхоналар) бирлашади. Холдингнинг мақсади корхоналар мустақиллиги сақланган ҳолда улар ишини мувофиқлаштириш бўлади. Йирик фирмаларнинг турли ерларда, ҳатто чет элда филиаллари – шохобчалари бўлади, лекин улар мустақил бўлмаганидан бош фирманинг бир қисми сифатида иш юритадилар. Кимга тегишли бўлишига қараб фирмалар миллий, хорижий, аралаш (миллий-хорижий), миллатлараро ёки халқаро бўлади. Халқаро фирмага мисол қилиб (Женерал моторз) «ГМ»корпорациясини олиш мумкин. Турли мамлакатлар капиталига таянган ва халқаро миқёсида иш юритувчи фирмалар *транс миллий корпорациялар* (ТМК) деб юритилади.

4.3. Тадбиркорлик риски.

Риск инглизча (risk) сўз бўлиб, таваккалчиллик деган маънони англатади. Рискка бозорнинг ҳамма иштирокчилари каби тадбиркорлар ҳам йўлиқади. Ҳўш, риск нима? Тадбиркорлик риски – бу тадбиркорнинг мўлжаллаган мақсадига эриша олмай қолиш хавфхатари. Риск иқтисодда бор нарса, лекин бир фирма риски катта бўлса, бошқасиникига кичик бўлади. Рискнинг сабаби бозорда **ноаниклик** бўлишидир. Фирмалар ғоят кўп, улар бир-биридан алоҳида, мустақил иш юритади, ўзаро рақобатлашади, бир фирма бошқаси нима иш килишини олдиндан билмайди, уларни ўзаро боғлаб турувчи восита фақат бозордир, улар нима қилганлигини бозорда маълум бўлади. Фирмалар яхши ишлаган бўлса, товарлари сотилади, фойдаси кўпаяди, ёмон ишлаган бўлса, бунинг акси юз беради. Фирма бозордан келган сигнал-ахборотга қараб ишлайди. Бу ахборот симметрик ва асимметрик бўлади.

Симметрик ахборот – бу ҳақиқий бўлиб, бозордаги реал ҳолатни билдиради.

Асимметрик ахборот бозордаги ҳолатни тўла ва реал акс эттирамайди.

Ахборот ҳақиқий бўлмай, вазиятни чала акс эттир ҳолда фирма унга биноан иш қилганида рискка дуч келади. Фирма рискнинг уч тури бор:

- Ишлаб чиқарии риски.** Бунда фирма ўзи кўзлаган микдордаги ва турдаги махсулотларни ишлаб чиқара олмайди.
- Тизкорат риски** бунда фирма ўз товарларини мўлжаллаган ҳажмда ва нархда сота олмай қолади.
- Молиявий риск.** Бунда фирма кутилган фойдага эриша олмайди ёки зарар кўради, акцияни яхши пуллай олмайди, солиқ ортиб кетади, давлатдан кутилган молиявий ёрдами камаяди ёки умуман тегмайди.

Бизнесчилар бир қисми рискка боришга тайёр туришади, хатар борлигини била туриб таваккалига иш бошлайди. Бопқалари рискка бефарқ қарайдилар. Яна бопқалари умуман рискни хуш кўрмай, уни четлаб ўтишга интиладилар.

Риск катта бўлганда унга бориш катта фойда келтириши мукин, лекин хатар ҳам кўп бўлади. Рискка борилмаганда кам фойда билан



Уильям Спенсер Викри
(1914-1996)
“Асимметрик ахборот ҳақиқага иқтисодиёт назарияси ривожига”
кушган хиссаси учун
Нобель мукофоти 1996
йилда берилган.

каноатланишга түғри келади, лекин хотиржамлик бўлади. Одатда йирик ва бақувват фирмалар рискка кўпроқ борадилар, кичик ва заиф фирмалар хонавайрон бўлмаслик учун риск қилмасликка мойил бўладилар. Аммо ҳеч ким рискдан кафолатланмайди, лекин унинг олдини олиш ёки камайтириш мумкин.

4.4. Бизнеснинг ахлоқий қоидалари

Бизнес кўпличилик билан бўладиган иш, шу сабаб бизнесда виждон, иймон, ор-номус каби хислатлар бўлиши талаб қилинади, чунки бизнесда олди-берди доимо бўлади, яъни бир товар олиниб, бошқаси сотилади, қарз олинади, қарз берилади, доимо ўртада пул юради. Расмий ва норасмий қоидаларга итоат қилингандагина бизнес маданий фаолият бўлиши мумкин, акс ҳолда у бир-бирини алдаш ва қаллобликка айланади. Бизнеснинг расмий қоидалари – бу қонун ҳужжатларида ва давлат йўриқномаларида белгиланган бизнес юритиш тартиби. Норасмий қоидалар-қонун йўли билан белгиланмаган, лекин азалдан одат тарзида сақланиб келган қоидалар. Булар жумласига лафз ва ҳалоллик қоидасини киритиш мумкин. Лафз деган нарса-бу сўзнинг устидан чиқиш, ваъдага вафо қилиш, бошқалар олдидаги ўз мажбуриятларини канда қилмай бажариш демакдир.

Бизнеснинг ахлоқий қоидаси фақат пулни ҳалол топиш эмас, балки уни ақл билан сарфлаш, саховат билан уни савобли ишларга юборишни ҳам билдиради.

В БОБ. БИЗНЕСНИ БОШҚАРИШ ТАРТИБИ

5.1. Бошқарувнинг моҳияти ва усууллари

Жаҳоннинг бир қатори, чунончи АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Европанинг иқтисодиёти ривожланган давлатлари муниципал ҳокимият органларида очиклик ва шаффоффликка асосланган, оптималь бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳамда “ақлли” бошқарув принципларини жорий этишга алоҳида аҳамият берилиб келинмоқда.



Менежмент (ингл. “Management” – бошқарув, бошқаришни ташкиллаштириш) фирмани бошқариш санъатидир.

Генри Фаёлнинг сўзларига кўра, “бошқарии бу башорат қилиши ва режалаштириши, ташкиллаштириши, буйруқ бериш, мувофиқлаштириши ва бошқарии демакдир”³³.

Гхислайн Десландес менежментни “натижаларга эришиши учун босим остида бўлган ва субектив, шахслараро, институционал ва экологик даражаларда ишлайдиган чеклаши, тақлид ва тасаввурнинг уч кучига эга бўлган заиф кучдир” деб таърифлайди³⁴.

Фирмада турли касб эгалари ишлайди, улар турли ишларни бажаради. Уларни бир-бирига мослаштирмай туриб товарларни ишлаб чиқариш ва ўз вактида бозорга чиқариб сотиш иложи бўлмайди. Фирманинг иши унинг ташқи алоқаларисиз битмайди. У ўзининг харидорлари, шериклари, ресурс етказиб берувчилари, банклар, солик идоралари кабилар билан алоқада бўлади, бу алоқаларни ҳам йўлга кўйиш зарур. Хуллас фирманинг ички ва ташқи алоқаларини ўрнатиб, уларга мунтазам тус бергани ҳолда фирма ишини тартиблаш менежмент ишини заруратга айлантиради.

Фаёлнинг сўзларига кўра, бошқарув бешта асосий функциялар орқали ишлайди: режалаштириш, ташкил этиш, мувофиқлаштириш, буйруқ бериш ва бошқариш.

Режалаштириш: келажакда нима бўлиши кераклигини ҳал қилиш ва ҳаракатлар режаларини тузиш (олдиндан қарор қабул қилиш);

³³ S Gulshan. Management Principles and Practices by Lallan Prasad and SS Gulshan. Excel Books India. pp. 6–. ISBN 978-93-5062-099-1.

³⁴ Deslandes G., (2014), “Management in Xenophon’s Philosophy : a Retrospective Analysis”, 38th Annual Research Conference, Philosophy of Management, 2014, July 14–16, Chicago

Ташкил этиш (ёки штатлар билан таъминлаш): инсоний ва ноинсоний ресурсларнинг жойига қўйилишини таъминлаш;

Мувофиқлаштириш: бир ташкилотнинг мақсадларига эришиш мумкин бўлган тузилмани яратиш;

Буйруқ бериш: вазиятда нима иш қилиш кераклигини аниқлаш ва одамларни бунга мажбур қилиш;

Назорат: режаларнинг бажарилишини текшириш.

Менежерлар маҳсус тайёргарлиги бор, бошқаришнинг сирасорлари ва қонун-қоидаларини билувчи малакали мутахассислар, яъни фирмага ёлланган бошқарувчилар ҳисобланади (булар директор, бошқарма раиси, бош менежер, бош инженер, бош механик, бош ҳисобчи, турли бўлимлар бошлиқларидир).

Менежерлар қуий, ўртача ва юқори тоифали бўлади. Юқори тоифадаги менежерлар-топменежерлар ёки элита менежерлари бўлиб, йирик корпорацияларни (масалан, “Тойота”, “Боинг”, “Дженерал моторс”, “Симонс”, “Мерседес”каби) ва уларнинг бўлинмаларини бошқарадилар.

Бизнесни бошқариш қўйидаги бўлимларни ўз ишига олади:

- молиявий менежмент;
- инсон ресурсларини бошқариш;
- ахборот технологияларини бошқариш (бошқарувнинг ахборот тизимлари учун жавобгар);
- маркетингни бошқариш;
- операцияларни бошқариш ва ишлаб чиқаришни бошқариш;
- стратегик бошқарув.

Менежментда ўз-ўзини бошқариш тамойилига амал қилинади, фирма ишига таълукли қарорларни унинг ўзи, ўз манфаатидан келиб чиқсан ҳолда кабул қиласи, унинг ишига ҳеч ким аралашишга ҳакли эмас.

Бошқаришда З та асосий усул қўлланилади:

1) *Иқтисодий усул*, бунда кишиларнинг шахсий ва гурӯҳий манфаатларини юзага чиқариш оркали уларнинг самарали ишлаши таъминланади. Шу мақсадда қўшимча иш ҳақи тўлаш, фойдадан мукофотлар бериш, бир йўла катта пул билан тақдирлаш кабилар қўлланилади. Бу ерда ҳар ким килган ишига яраша ҳақ олади, деган қоидага амал қилинади.

2) Ташкилий фармойши усули – бу менежерлар томонидан ишловчиларга фармойиш, буйрук, күрсатма ва топшириқ бериш воситасида бошқариштыр.

3) Ижтимоий-рухий усул – ўз номига кўра иккιёклама бўлади: биринчиси, қишиларнинг ижтимоий ҳолатини ҳисобга олиб бошқариш, иккинчиси, қишиларнинг рухиятини ҳисобга олиб бошқариш. Бу усул яхши ишловчиларга билим олиш, дам олиш, даволаниш, маросимларни ўтказиш учун пул бериш, уларга иш ўрни сақланишини, мартабаси ошишини кафолатлашни билдиради. Фирма ходимларига қимматбаҳо товар олиш учун ўз ҳисобидан фоизсиз кредит (карз) бериш, улар банқдан қарз олиши учун фирма кафил туриш каби имтиёзлар кўлланилади. Ишчи ва хизматчиларга эътибор бериш, улар меҳнатини эъзозлаш уларда фирмага нисбатан садоқат уйғотади, улар ўз фирмаларини иккинчи оила сифатида қадрлайдилар.

Бошқариша ходимларнинг феъл-атвори, одатлари ва рухияти ҳам эътиборга олинади. Жамоада соглом руҳий вазият яратиш чоралари қўрилади. Ходимларга топшириқ беришда уларнинг характери, иш қобилияти, иродаси, ҳиссиёти ва ҳатто кайфияти ҳисобга олинади. Шу сабабли бошқариш ишига руҳшунос мутахассислар ҳам жалб етилади. Улар кайфияти бузилганларга уни тиклаш имконини яратадилар, ёнмаён иш ўринларига феъл-атвори бир-бирига мос қеладиган қишиларни жойлаштирадилар, чунки руҳий ҳолат меҳнат унуми ва маҳсулот сифатига таъсир этади.

5.2. Бошқарув қарорлари.

Бошқарув қарори фирма мақсадига эришиш ва вазифаларини бажариш йўлида пайдо бўлган муаммоларни ечишга қаратилган саъй-харакатлар ва чора-тадбирлардир.

Бошқарув қарорлари иккى турга бўлиниади:

1. Стратегик қарорлар – бу узокни кўзлаган, фирманинг ривожланиш истиқболини белгиловчи қарорлар. Бундай қарорларни юқори тоифадаги менежерлар ва фирма эгалари (улар номидан, масалан, директорлар кенгashi) қабул қиласи. Бу қарорлар корхона келажаги учун жиддий бўлган масалалар, хусусан узоқ муддатли қарз олиш ёки олмаслик, фирмалар уюшмасига кириш ёки кирмаслик, бошқалар акцияларини олиш ёки олмаслик, янги корхоналарни сотиб олиш ёки олмаслик ва бошқа жиддий масалалар юзасидан бўлади.

2. Оператив ёки жорий қарорлар кундалик ўткинчи фаолиятига оид бўлади. Булар жумласига ишни моддий таъминлаш, товарларни бозорга етказиб бериш, нархни ўзгартириш, товар турларини янгилаш, шериклар билан шартнома тузиш, рақобатчилар ҳаракатига жавоб бериш, ходимларни ишга олиш ёки ишдан бўшатиш каби чоратадбирларни киритиш мумкин. Оператив қарорларни ўрта ва қуий тоифадаги менежерлар қабул қиласди.

Бошқарув қарорлари таъсирчан бўлиши учун улар бир қатор талабларга жавоб бериши керак бўлади: Фирма мақсадидан келиб чиқиш, қарорларни реал вазиятни ҳисобга олиш, илмий асосланиши, қарорларни амалга ошириш муддати ва воситаларини, уларнинг бажарилишини назорат қилиш усусларининг аниқлиги ва ҳ.к.

Бошқарув қарорлари керакли пул ресурслар билан таъминланади, уларнинг бажарилиши қаттиқ назорат қилинади. Бошқарув қарорлари ички ва ташки ахборотларга таяниб қабул қилинади. Ахборот бошқаришда қўл келиши учун у тўла, ҳаққоний, ҳар тарафлама бўлиши, мунтазам келиб туриши талаб қилинади. Ахборот қаердан келишига қараб ички ва ташки бўлади. Ички ахборот-корхона ва унинг турли бўғинларининг ишига оид маълумотлардир. Ташки ахборот-бозорнинг аҳволи, ундаги ўзгаришлар, шериклар ва мижозларнинг рақобатчилар хатти-ҳаракати ва давлат сиёсатига тегишли маълумотлардир. Бошқаришда ахборотни топиш, керак бўлса уни сотиб олиш, уни тўплаш, бошқалардан сир сақлаш, қайта ишлаб, тегишли хуносалар чиқариши зарур бўлади.

5.3. Бошқаришда маркетинг хизматининг роли.



Маркетинг бу нафақат фалсафа, фикрлаш тарзи ва иқтисодий тафаккур ёналиши, аммо айрим фирма, компания, тармоқ ва бутун иқтисодиёт бўйича амалиёт фаолияти ҳамдир. АҚШ ва бошқа хорижий давлатлар иқтисодий адабиётларида маркетинг таърифини кўп турлари мавжуддир.

Энг кенг тарқалган маркетинг таърифи, у Америка маркетинг ассоциацияси томонидан берилган бўлиб, унинг мазмуни қўйидагичадир, яъни «Маркетинг» шундай жараёндан иборатки, унинг ёрдамида уйланган ғоя режалаштирилади ва амалга оширилади,

нархлар ташкил этилади, ғоялар, товарлар ва хизмат кўрсатишлар ҳаракати ва сотишни, айрим шахслар ва ташкилотларни мақсадлари айирбошлаш ёрдамида қондирилади»³⁵.

Маркетингга олимлар турлича таъриф берганлар. И.К.Беляевский шундай деган: «Маркетинг - бу бозорни ўрганиши ва тартибга солиши, бошқарни тизимишдир»³⁶. Жан-Жак Ламбен эса маркетингга шундай таъриф беради: «Маркетинг ташкилотлар ва кишиларни хоҳии ва эҳтиёжини товарлар ва хизматларини эркин рақобатли айирбошлашини таъминлаши йўли орқали қондиришига ўналтирилган ижтимоий жараёндир»³⁷, «Маркетинг - бу бир вақтнинг ўзида бизнес фалсафаси ва фаолият жараёндир».

Маркетингнинг мақсади - янги мижозларни маҳсулот, товар ёки хизмат учун жалб қилиш, уларга юқори истеъмол сифатини таклиф қилиб, эски мижозларни сақлаб қолган ҳолда, уларнинг тинимсиз ўзгариб турувчи эҳтиёжларини қондиришдан иборат.

Маркетингнинг асосий вазифаси - ҳар бир бозорни эҳтиёжлари ва заруратларини аниқлаш, улар орасидан ўз компаниялари бошқа рақобатчилардан кўра юқори даражали хизмат кўрсата оладиганларини танлашдан иборат. Бу компанияга юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва шунинг натижасида истеъмолчиларнинг эҳтиёжларини қондириш билан компаниянинг умумий фойдасини оширишдир.

Маркетинг стратегияси – бренд ёки маҳсулот линияси бўйича корхонанинг мақсадларига эришиш ўналишини кўрсатиб берувчи билвосита ёки бевосита баёнот. Стратегия бозор сегментацияси, мақсадли бозорни аниқлаш, жойлашишни аниқлаш, маркетинг воситалари ва харажатлар каби ўзгарувчан омилларга оид қарор ва ўналишларни белгилаб беради. Маркетинг стратегияси одатда бизнес стратегиясининг муҳим қисми бўлиб, барча функцияларни бошқаради³⁸.

³⁵ Marketing definition approved in October 2007 by the American Marketing Association.

³⁶ И.К. Беляевский. Маркетинговое исследование, Учебное пособие Руководство по изучению дисциплины, Практикум по курсу Учебная программа, Москва 2004.

³⁷ Жан-жак Ламбен. Профессор Католического университета де Лова (Бельгия), СТРАТЕГИЧЕСКИЙ МАРКЕТИНГ Европейская перспектива, Перевод с французского, Санкт-Петербург "Наука", 1996

³⁸ www.marketingpower.com/live/mg-dictionary.php.

Маркетингнинг 5 та қоидаси борки, фирмалар уларга риоя этади:

- 1) Товарга харидор топа билиш зарур.
- 2) Харидор куттган янги товарларни яратиб, бозорга таклиф этиш зарур.
- 3) Бозордаги токчалардан (ўринлардан) бирини эгаллаб, у ерда ўз товарларини жойлаштириш керак.
- 4) Ўз товарига қизиқиш уйғотиш, харидорга холис хизмат қилиб, унинг кўнглини олиш талаб қилинади.
- 5) Маркетинг билан узлуксиз шуғулланиш, уни доимо такомиллаштириб бориш керак.

Фирма маркетинг иши билан шуғулланувчилар маркетологлар дейилади, уларнинг фаолияти фирманинг маркетинг хизматини ташкил этади, бу бозорни ипидан игнасигача ҳамма жиҳатларини билишни талаб қиласди.

Маркетинг фирманинг кўз-кулоги, унинг ёрдамида фирма бозордан ўзига жой топади, товарларни у ердаги харидорларга етказиб, уларнинг пулинин олади. Маркетинг бозор сигнали (ахборотни) ишлаб чиқаришга етказиб, янги товарлар яратишни, буларга талаб ҳосил этишини ҳам таъминлайди.

Бозор турли сегментлардан – кичик қисмлардан иборат. Фирма буларни ўрганиб, у ердан ўзига жой-сегмент топиши лозим.

Бозор сегменти – бу бозорнинг шундай қисмидирки, бу ёрдаги харидорлар, сотиладиган товарлар ва товар сотувчилар умумий белгиларга эга бўлади ва шунинг учун маҳсус гурухни ташкил этади.

Бозорни сегментларга ажратишдан мақсад фирма учун аниқ харидор топишидир. Сегмент танланганда у ердаги бозорнинг ҳажми, ишлаш учун шароит борлиги, бозордан келадиган ахборот (сигнал)ларнинг етарли бўлиши, бозорнинг сақланиб қолиши, у ердаги рақобатнинг ҳолати ва ниҳоят, фойда топиш назарда тутилади. Бозорни сегментлаштириш бир қатор белгиларга қараб олиб борилади. Булардан асосийлари харидорларнинг ёши, дини, жинси, оиласвий аҳволи, маълумоти ва касб-кори, уларнинг даромади, жамғарилган мол-мулки ва пулининг борлиги, каерда истиқомад қилиши, модани ҳис эта олиши, рекламани қабул қилиши, товарнинг нимасини (нархи, дизайни, маркаси ва тежами бўлишини) афзал кўришлари хисобланади. Булар талаб орқали бозор ҳажмига таъсир этади, буни билиш фирмага доимо керак.

Бозордан катта пул топиш учун бозорга харидор учун қадри-қиймати юқори товарлар таклиф этиш орқали товарларнинг хаётый циклини узайтириш керак бўлади. **Товарнинг хаётый цикли**-бу товарни яратиш лойиҳасини яратилишидан бошлаб товарнинг бозорга кириб келиши ва ундан чиқиб кетишига қадар бўлган вақтни ўз ичига олади. Товарнинг хаётыйлигини унинг сотилиб туришини белгилайди.

Хаётый цикл товар умрининг узоқлиги деса ҳам бўлади. Буни товарни сифати ва нархи белгилайди. Товарнинг сифатида бир қатор белгилар мужассам этилади: чунончи, у нима учун ишлатилса, шу талабга жавоб бериши, ишончли ва пишиқ бўлиши, экологик тозалиги, уни истеъмол этишнинг қулайлиги, унинг чиройли бўлиши. Маркетинг харидор фақат сифатли ва нархи маъқул товарни қабул киласи деган қоидадан келиб чиқади. Маркетинг хизмати товарлар умри қискариши мумкинлигини назарда тутади. Фирма товар сотилиши қискаришини сезибоқ товар умрини чўзишга киришади, бунга уни модернизациялаш (такомиллаштириш) орқали эришилади. Бироқ товар бозорда абдий яшамайди, унга талаб сўнади, ундан фойда кўрилмайди. Шу боис маркетинг хизмати янги товарларни яратиб, бозорга чиқариш чораларини белгилайди.

5.4. Нарх белгилаш.

Маркетинг комплексида нарх иккинчи элемент бўлиб, даромадни белгилайдиган асосий кўрсатгичdir. Нарх деганда маҳсулот, хизматлар учун ва уни сотиб олиш учун истеъмолчи сарф қиладиган пул миқдорини тушунамиз.

Макроиқтисодий назария бундан 150 йил илгари ҳам, товарни сотишга фақат нарх ёрдамида таъсир кўрсатиши мумкин деб уқтириб ўтган. Бу вазиятни юқори баҳолашнининг асосий сабаби шундан иборатки, Адам Смит ва Давид Рикардолар даврида фақат бир хил хомашё ва бир хил истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, истеъмолчилар диқатини товарнинг маркаси, ўрами ва рекламаси ёрдамида жалб қилиш имконияти деярлик мавжуд бўлмаган.

Иккинчидан, маҳсулот нархига асосий эътибор қаратилганлиги, пулни миқдор жиҳатидан осон ўлчаш мумкинлиги ва нархни сифатга нисбатан талаб ва таклифда осон қўллаш мумкинлиги билан тушунтирилади.

Нарх маркетинг комплексининг асосий элементларидан бири ҳисобланиб, корхонанинг маркетинг сиёсатини ишлаб чиқища кенг қўлланилади. Агар бу ерда товар сиёсатини, товарни сотиш ва

силжитиш фаолиятини режалаштириш, товар ҳаракати каналларининг янгисини топиш узок вақт талаб қиласа, нархни эса ташқи ва ички омилларнинг ўзгариши биланоқ тезда ўзгартириш мумкин бўлади.

Маркетингда нархнинг асосий роль ўйнашининг сабабларидан яна бири шундан иборатки, у корхонанинг иқтисодий кўрсаткичларига тўғридан тўғри таъсир кўрсатади. Нархнинг катта-кичиклигига ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатади. Ички омилларга корхонанинг максади, маркетинги, маркетинг комплексининг айрим элементларига нисбатан қўлланиладиган стратегия, харажатлар ва бошқалар киради.

Нарх белгилашда қўйидагилар ҳисобга олинади:

- Нарх фирмага фойда олиш имконини бериши зарур;
- Фирма товарини савдо ташкилотлари сотганда, улар ҳам харажатларини қоплаб фойда олиш керак бўлади;
- Давлат нархларини чегаралаб қўйиши мумкин, фирма нархи шу чегарадан чиқа олмайди;
- Бозорда рақобатчилар нархини назарда тутишига тўғри келади. Айтилганлар билан фирма нархи бозор шароитига мослаштириши керак.

Нарх белгилашда фирма бошқача йўл тутиши ҳам мумкин. У дастлабки нархни паст белгилаб, харидорни ўргатиб олади, сўнг нарх оширилади.

Бозорнинг холатига асосланган ҳолда фирма нарх диверсификациясини ўtkазади, яъни муайян товар нархини ҳар ерда, ҳар хил истемолчи учун турлича белгилайди. Нарх диверсификацияси 3 турда ўtkазилади:

1. Нархни харидорнинг қурбига қараб фарқлантириш. Масалан, ресторанга кундузи оддий хўранда тушлик қилгани келди, унинг пули кўп эмас, буни олиш учун ресторон бир кишилик овқат нархини 18 600 сўм қилиб белгилайди. Худди шу овқат нархи кечкурун 25 000 сўм бўлади, чунки ресторанга пулдор хўранда келиб дам олиб кетади.

2. Нархни товарнинг сотилиш ҳажмига қараб табақалаштириш. Бунда товар оз олинса, нархи юқори, кўп олинса, у паст қилиб белгиланади.

3. Нархни мавсумга қараб табақалаштириш. Бунда нарх талабнинг мавсумий ўзгаришини ҳисобга олади. Масалан, ёз кезларида авиакомпаниялар самолёт чиптаси нархини оширадилар. Аксинча, қиши пайтларида учиш кам бўлганидан самолиётларни тўлдириш учун чипталар арzonлаштирилади.

Нарх белгилашда инфляция ҳам ҳисобга олинади, чунки ресурслар нархи ошганда харажатлар күпайиб кетади, уларни қоплаш учун нархни юқори белгилашга тұғри келади. Нарх белгилашда уни майдалаб күрсатиш йўли қўлланилади. Масалан, чангюткич нархи 99,9 доллар қилиб белгиланади. Буни 100 доллар қылса ҳам бўлади, лекин майдалаб белгиланган нархни харидор адолатли деб билади. Нарх белгилаш нархлар диопазонини кенгайтиришга қаратиласди. Диопазон нархларини бир-бирига яқин ёки узок туриши бўлади. Диапазонни бир хил, ўхшаш, ўринбосар, бир-бирини тўлдирувчи товарлар нархи ҳосил этади. Диапазон қанчалик кенг бўлса, шунчалик харид кўпаяди. Аммо бу оммавий товарлар бозорида иш беради. Масалан, номдор Супермаркет 30 хил чой ва 50 хил ширинликларнинг ҳар бирига хар хил нарх белгилаб, улар диапазонини ҳосил этади. Диапазон доирасида нархлар паритети ёки нисбати ҳосил бўлади. Паритет бир товар нархи бошқаси нархининг қандай қисмига тўғри келишини билдиради.

Элитар, яъни бойларга мўлжалланган товарларга нарх белгиланганда нархлар диапазони кичик бўлиши кўзда тутилади. Чунки оригинал буюртмага тайёрланган ва кам нушали товарлар нархининг ўзи чегараланган. Масалан, усти олтин билан қопланган ва ягона нушадаги автомобил нархи 120 млн доллар қилиб белгиланган ва сотилган. Бу ерда диапазон умуман бўлмаган. Пулдорлар бозорининг маҳсус шаҳобчаси бўлган бутиклар ва элитар савдо салонларида ҳам нарх диапазонига эътибор берилмайди, чунки бу ерда харидор пулни бетига қарамай сарфлайди, чунки қимматбаҳо товарни эгаси бўлиш мартаба ҳисобланади.

Нарх белгилашда имиджи паст фирмалар харидорни чалғитишига ҳам борадилар. Бунда нарх расман ўзгармайди, лекин амалда яширин оширилади. Бу қуйидагича юз беради:

1) Товарнинг сифати киши билмас пасайтирилади. Масалан, сариф таркибида маргарин ёки соя ёги кўпайтирилиб, қаймоқ ёги камайтирилади.

2) Эскирган товарлар янги товарлар деб кўрсатиласди. Масалан, консервани сакланиш вақти ўтиб бўлган, лекин бу вақт бор деб қалбакилаштирилади.

3) товарларни ўрни алмаштирилиб алдамчиликка йўл берилади. Масалан, оддий ичимлик суви, булок суви деб сотилади, ёки газлаштирилиб минерал сув сифатида таклиф этилади.

4) Товарнинг микдори камайтирилади. Бу қадоқланган товарларга қўлланилади. Бир пакети 1 литр бўладиган сут ўрнига 0,950 литр куйилади, пакети 1 кг шакар ёки гуруч ўрнига 950 гр солинади. Айтилган усуллар қўлланилганда нарх ошган бўлади, лекин кишилар буни билмаслиги мумкин, чунки ёзувдаги нарх ўзгармаган бўлади. Бундай усулларни ҳақиқий маркетинг рад этади. Имиджи бор фирмалар бунга асло йўл бермайди, чунки улар ўзининг обрўсини қадрлайди.

Товарлар фирма мўлжаллаган нархда сотилиши учун бозордаги харидорлар ундан хабар топишлари зарур, айниқса, бу товарлар бозорга дастлаб чиқарилган пайтда фоят мухим бўлади, чунки одамлар товар билан таниш бўлмайди. Шундай пайтда товар ҳақида биринчи тасаввур берилиб, унга дастлабки талаб чақирилади. Товарнинг зарурлигини харидорга етказища реклама – чақириш, жар солиш) асосий восита ҳисобланади. Реклама харидорлар оммасига муайян товарнинг ҳақиқий сифати ва афзаллигини тақдим этувчи одилона ахборотдир.

Рекламанинг мақсади харидорларга товарни сотиб олишга истак ўйғотишдир. Рекламага кўйилган асосий талаб унинг ҳалол бўлиши, унда ғирромлик қилиб харидорни алдашга йўл бермаслиқдир. Бу реклама ҳақидаги қонунларда қайд этилади ва фирмалар бунга риоя этишади. Реклама қанчалик кучли бўлса, шунчалик товар кўп сотилиб, реклама ўзини оқлади.

Реклама ишининг самарадорлигини билиш учун рекламага кетған харажатлар товарлар сотишнинг қанчалик кўпайтиргани билан таққосланади. Агар реклама ҳаражатлари 10 % ошгани ҳолда товар сотиш 15 % ошса реклама самарадор иш бўлади. Бизнесни бошқаришда ўз ишига бренд ҳосил этиш мухимдир. Бренд фирманинг обрў-эътиборли бўлиши, унга ишонч ҳосил бўлишидир. Бренд фирманинг товар белгисида акс эттирилади. Бренд шон-шуҳрат белгиси сифатида баҳоланади. Бренд фирманинг номдорлиги бўлиб ўз-ўзидан таъсиричан реклама ҳисобланади. Бренд ҳосил этиш фирмани бошқариш самараси ҳам ҳисобланади.

VI БОБ. РАҚОБАТ ҚОНУНИ

6.1. Рақобат ва унинг усуллари

Рақобат – бозор иқтисодиёти иштирокчиларининг ўз манфаатларини юзага чиқариш учун бир-бiri билан кураши, уларниң ўзаро беллашувидир.

Бозор иштирокчилари ғоят кўп фирмалар, хонадонлар, турли ташкилотлардан иборат, улардан ҳар бирининг иқтисодий манфаатлари мавжуд.

Иқтисодиёт иштирокчиларининг хусусий мулк соҳиби бўлиши уларни алоҳидалаштиради, уларнинг манфаатларини фарқлантириш масдан қолмайди. Манфаатлар индивидуал, корпоратив ва миллийдир.

Индивидуал манфаат – бу айрим шахснинг ёки хонадоннинг манфаати бўлса, корпоратив манфаат гуруҳий бўлиб, жамоанинг умумий манфаатини билдиради. Манфаатлар аниқ иқтисодий мақсадга айланади, унинг учун кураш кетади. Рақобат манфаатлар тўқнашган жойда юз беради, манфаатлар уйғунлашган жойда эса партнёрлик келиб чиқади. «**Рақобат – бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки, унинг қонунидир**».

Рақобат қонуни – шундай иқтисодий қонунидирки, унга кўра иқтисодиёт иштирокчиларининг ўз мақсадлари йўлидаги ўзаро кураши муқаррар бўлади. Бу кураш бозорга хос усулларда олиб борилади ва иштирокчиларни иқтисодий жиҳатдан сайланиб олинишини юзага келтиради. Рақобатнинг объективлиги шундаки, буни иқтисодий мухитнинг ўзи, кишиларнинг хоҳиш-иродасидан қатъи назар тақозо этади. Бу мухит чекланган иқтисодий ресурсларни мулк сифатида бўлиб олинганилиги ва уларни қайта тақсимлаш асосида улардан энг самарали фойдаланувчиларга йўл берилишини тақозо этади. Бинобарин, рақобат чекланган ресурслардан самарали фойдаланиш заруратидан келиб чиқади.

Рақобатлашув усуллари

Рақобат ҳалол ва ғирром бўлади. Ҳалол рақобат юз берганда, унинг рухсат этилган маъкулланган усуллари кўлланилади. Булар жумласига нарх, сифат, сервис билан ва ниҳоят реклама воситасида рақобатлашув киради.

Нарх билан рақобатлашув – нархни ўзгартириш орқали харидорни ўзига ром қилиб олиш ва рақибини шундай йўл билан бозордан сикиб чиқаришни билдиради. Нархни ўзгартириш иккى йўл билан боради:



1. Нархни тушириш. Бунда товарлар бошқаларницидан арzonрок нархда сотилади. Бирок нархни чексиз тушириб бўлмайди, шу сабабли ишлаб чиқаришдаги ва савдо-сотикдаги харажатлар қисқартирилган шароитда нархлар арzonлаштирилади. Нархни тушириш усули қўпроқ оммавий истеъмол товарлари бозорида кўлланилади, чунки бу ерда пулнинг миқдори чекланган харидорлар қатнашади, улар юқори нархни маъқул кўрмайди.

2. Нархни ошириш усули пулдорлар қатнашадиган бозорда кўлланилади. Пулдорлар пулнинг бетига қарамай керакли товарни харид этадилар, айниқса бу престижли (обрўталаб) товарларга хос бўлади. Пулдорларга товарларни нархидан кўра унинг эгаси бўлиш муҳим хисобланади. Престижли товарлар бозорида нархнинг ортиши товар сифатининг юқорилиги, деб қабул қилинади. Шу боис, рақобатда нархни оширишга қўл урилади. Бу усул ноёб ресурслар бозорида ҳам кўлланилади. Ноёб ресурсларга, масалан, олмосга эга бўлиш учун харидор фирмалар юқори нархларга ҳам рози бўлишади.

Сифат билан рақобатлашув. Бу усул бозорга сифати юқори, бинобарин харидор учун нафлилиги катта товарларни чиқаришни билдиради, шундай йўл билан рақибга қарши турилади. Бу усул сифатли товарлар бозорида кўлланилади, бундай бозор бой мамлакатларга хос бўлади. Чунки бу ерда аҳолини қиммат бўлсада, сифатли товарлар харид килишга пули етади. Сифат билан рақобатлашувни йирик компаниялар, масалан автомобиль компаниялари кўллайди, чунки уларни товар сифатини ошириш билан боғлиқ ишларга пули етарли бўлади. Кичик фирмалар бунинг уддасидан чиқа олмаганидан нарх билан рақобатлашувдан қаноат ҳосил қиласидилар.

Кўшимча сервис (хизмат) кўрсатиш билан рақобатлашув. Бу усул кўлланилганда харидорга у сотиб олган товар юзасидан бепул ёки имтиёзли хизмат кўрсатилади. Бу усул одатда узок муддат хизмат килувчи товарлар бозорида кўлланилади. Фирмалар товарни харидор уйига бепул етказиб берадилар, товарларни созлаб берадилар, уларни хатто суғурталаб берадилар. Фирмалар бошқа хизматларни ҳам кўрсатадилар. Масалан, супермаркетга келган харидор самолётга билет буюриши мумкин.

Реклама воситасида рақобатлашув. Фирмалар ўз товарларига харидор эътиборини жалб этиш учун уларни реклама воситасида кўз-кўз қиласидилар, ўз товарининг афзалликларини харидорга етказадилар. Улар реклама учун пулни аямайдилар. Чунки бу рақобатда енгиги чиқиш имконини беради. Реклама ғоят қиммат бўлганидан ундан рақобат курашида йирик фирмалар самарали фойдалана оладилар.

Рақобатнинг айтилган усулларидан ташқари гирром усуллари ҳам кўлланиб турилади. Бу усулларга: жосуслик, яъни рақибининг молия

режалари, янгилик – «ноу-хау» лари ва бошқа сирларини ўғирлаш; ракибини хомашё базаларидан, транспортдан маҳрум қилиш; ракиб корхонасида диверсиялар(кўпорувчилик) уюшириш, оммавий ахборот воситаларидан рақиб обрўсини тушириш рекетни ишга солиш ва хатто қотиллик киради.

Халкаро ракобатда иқтисодий санкция (жазолаш) деган ғирром усул бор. Бунда давлат хорижий рақиб фирмаларга қарши, экспорт-импортни маън этиши ёки чеклаш, кредит бермаслиқ, технология сотмаслик каби чораларни киритади. Булар эркин бозор талабига зид келади.

6.2. Муқаммал рақобат.

Бозор иқтисодиётида муқаммал ва номуқаммал рақобат бор.

МУҚАММАЛ РАҚОБАТ	КАГТА БОЗОР
	ЯГОНА БОЗОР
	БОЗОРГА КИРИЛ ЁКИ УНДАН ЧИКИШ ЭРКИНИЛИГИ
	ХУКУМАТЛАР ТОМОНИДАН КАМ ЧЕКЛОВЛАР ВА МАЖБУРИЯТЛАР
	МАЪЛУМОТЛАРИНИГ МУҚАММАЛ МАВЖУДЛИГИ
	АРЗОН ВА САМАРАЛИ ТРАНСПОРТ

6.1-Расм. Муқаммал рақобатнинг белгиллари.

Муқаммал рақобат – бу эркин бозордаги иштирокчилар ҳар бири чекланмаган ҳолда бозор конун-коидаларига биноан ва ҳар хил усул билан олиб борадиган рақобатидир. Муқаммал рақобат – бу фирма ёки сотувчилар ўртасида бевосита рақобат мавжуд бўлмаган назарий бозор тузилмаси хисобланиб, бозорда кўплаб сотувчилар ва харидорлардан ташқил топган бўлиб, уларнинг барчаси бир вактнинг ўзида бир хил маҳсулотни бозор нархида сотадилар ва сотиб оладилар. Бу рақобатда ҳар бир сотувчи бозорда жуда кичик улушга эга бўлади. Муқаммал рақобат мавжуд ресурсларни самарали тарзда тақсимлаганлиги учун ҳам табиатан соғ рақобат деб ҳам юритилади. **Унинг 6 та асосий белгиси бор**³⁹.

Катта бозор (Large Market) – Бозорда бир хил ёки ўхшаш товарлар билан шугулланадиган чексиз миқдордаги сотувчилар ва харидорлар мавжуд бўлган ва айни пайтда унинг баҳосига таъсир қила

³⁹ <https://www.wallstreetmojo.com/perfect-competition>.

олмайдиган бозор. Масалан, мол-буюм бозорида харидорлар ҳам, сотувчилар ҳам кўп, улар бир-бирини эркин танлайди.

Ягона бозор (Homogeneous Market) – Рақобатлашувчилар бир турдаги товарни бозорга таклиф этадилар, шу боис улар харидор учун курашадилар. Масалан, нон бозорида сотувчилар фақат нонни таклиф этадилар, уларнинг харидори ҳам бир хил, шу сабабли нонни тури харидорга кўпроқ сотиши учун курашадилар.

Бозорга кириш ёки уйдан чиқиш эркинлиги (Freedom to Enter or Exit the Market) – Рақобатда қатнашиш ихтиёрий, чунки бозорга ўз товари билан хохлаган вактда қириб келиш ва чиқиб кетиш мумкин. Масалан, дўкон очиб, бошига дўкондорлар билан рақобат қилиш учун давлатдан рухсат олинса бас, чунки бошқа ҳеч ким унга тўсқинлик қилмайди. Айни пайтда дўконни ёпиб бозордан чиқиб кетиш ва бошқа иш билан шугулланиш ҳам мумкин. Бозорга бир хил товар таклиф этилганидан товар сифатини фарқлантириб, реклама ўтказиб, сотишдаги имтиёзларни кўллаб, нархни ўзгартирганинг ҳолдаги рақобат йўлидан бориб бўлмайди. Бу ерда нарх билан рақобатлашув устивор бўлади. Мукаммал рақобатли бозорда сотувчилардан ҳар бирининг бозорга чиқсан товардаги улуши кам бўлгани учун, улар бозор нархини ўз билганича ўрната олмайдилар. Харидорлар ҳам кўп бўлганидан улардан ҳар бирининг хариди сотилаётган товарлар суммасининг ғоят оз қисмини ташкил этади, шу боис алоҳида олинган харидор бозор нархига таъсири эта олмайди, балки амалда талаб-таклиф таъсирида шаклланган нарх билан харид этади. Масалан, сут бозорига қишлоқдан 150 та сутчи келди. Ҳар бирининг кўлида ўртacha 12 литр сути бор, холос. Демак, ҳар бир сутчининг сут таклифидағи хиссаси атиги 0,7 %. Бозорга 1000 та харидор келса, ҳар бирининг ўртacha хариди 1,8 литр ёки жами талабнинг фақат 0,01 %ини ташкил этади. Шундай шароитда сотувчилар бир литр сутни 2800 сўмдан сотишни мўлжаллаган бўлсалар, харидорлар уни 2500 сўмдан олмоқчи бўладилар. Амалда сут 2400 сўмдан сотилади. Натижада сотувчининг ҳам, харидорнинг ҳам айтгани бўлмайди.

Хукуматлар томонидан кам чекловлар ва мажбуриятлар (Lower Restrictions and Obligations from Governments) – Сотувчилар ва харидорлар учун давлат тўсиклари мавжуд эмас. Сотувчиларга ўз маҳсулотларини бозорда эркин сотишга рухсат берилади. Ҳудди шундай, харидор ҳам сотувчилар томонидан таклиф қилинадиган товарлар ва хизматларни сотиб олишда эркин ҳаракат қиласидилар. Нархлар тартибга солинмайди, аммо талаб ва таклиф занжирига қараб ўзгаради.

Маълумотларнинг мукаммал мавжудлиги (Perfect Information Availability) – Сотувчилар бозор талабларига мувофиқ талаб қилинадиган харажатлар, технологик талаблар, маркетинг тактикаси ва

этказиб бериш даражаси каби түлиқ маълумотга эга бўлиб, харидорга маҳсулотнинг мавжудлиги, унинг хусусиятлари, сифати ва нархлари тўғрисида түлиқ маълумот берилади. Демак, ҳар икки томон бозорни бошқариш имкониятига эга бўлалолмайдилар.

Арzon ва самарали транспорт (Cheap and Efficient Transportation) – Транспорт ҳар бир бизнеснинг жуда муҳим қисмидир ва мукаммал рақобат шароитида сотувчи учун транспорт харажатлари паст бўлади ва шу билан маҳсулот нархи пасаяди.

6.3. Номукаммал рақобат.

Номукаммал рақобат – бу мононоллашган бозорда озчиликдан иборат сотувчилар ва харидорларнинг чекланган тарзда ва хилма-хил усуслар билан юз берадиган рақобатидир. Монополиялар бозори эркин эмас, чунки бу ерда озчилик йирик фирмалар товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг асосий қисмини ўз кўлида тўплаб олиб бозорда хукмронлик қиласидилар. Уларнинг рақобати номукаммал хисобланадичунки у чеклангандир. Номукаммал рақобат монополистик рақобат, олигополия, соф монополия ва монопсония шароитидаги рақобатларга бўлинади.

Монополистик рақобатда унча кўп сонли бўлмаган, лекин йирик, айнан бир хил бўлмаса-да, ўхаш товарларни харидорларга таклиф қиласидиган фирмалар қатнашади. Улардан ҳар бири бозорнинг маълум бир қисмини назорат қилгани учун унинг бозор нархига таъсири чекланган бўлади. Фирмалар таклиф этган товарлари ўзининг сифати, сотилиши юзасидан кўрсатиладиган хизматлар, сотиш шарт-шароитлари жиҳатидан фарқланади. Харидор шу сабабли сотувчини танлаш имконига эга, бу эса фирмаларни харидор пулини олиш учун курашига олиб келади. Нарх билан бир қаторда товар сифати, реклама ва сервисдан фойдаланилган ҳолда рақобат қилинади.

Монополистик рақобатли бозор очик бўлади, унга бошқаларнинг кириб бориши мумкин. Бунинг учун маблағ етарли бўлса бас, чунки бошка тўсиклар бўлмайди. Унга кириб ва ундан чиқиб туриш осонлиги уни эркин бозорга яқин қиласиди. Бирок бу ерда нархни озчилик фирмалар ўрнатиши буни монополияга яқин қўяди. Монопол рақобатли бозор очик бўлганидан, бу ерга янги фирмалар, бинобарин янги товарлар кириб келади, бу билан рақобат кенгаяди. Монопол рақобатда янги сифатлироқ товарни бозорга чиқариш курашнинг асосий усули хисобланади.

Олигополия рақобатида озчилик, лекин ғоят йирик монополистик фирмалар қатнашади. Улар бозорга биринчидан стандартлашган, яъни муайян бир турдаги маҳсулотни асосан ресурсларни, иккинчидан эса табақалашган маҳсулотни яъни узок вақт ишлатиладиган истеъмол буюмларини бозорга чиқариб у ерда рақобатлашадилар. Бу ердаги рақобат сифат ва хизмат кўрсатишни сервисни яхшилаш воситасида боради.



Allais Moris Alle (1911-2010), француз иқтисодчиси, иқтисодий назариянинг неолиберал йўналиш вакили, «ракобатли режалаштириш» фоюси асосчилардан бири бўлиб хисобланади. Alle давлатнинг иқтисодиётга ҳаддан ортиқ аралашувига қарши чиқади. Бу ҳол, унинг фикрича, ижтимоий воситаларни бехуда сарфлаш, эркинликларни чеклаш ва бошқа салбий оқибатларга олиб келишини айтиб ўтади. Иккинчи томондан, у чекланмаган рақобат эркинлиги тамойилини амалга оширишга ҳам қарши чиқади, чунки бу тамойил монополияларнинг пайдо бўлиши, сўнгра уларнинг ҳукмронлигига олиб келишини таъкидлайди. Аксарият замондош иқтисодчиларнинг қарашларига қарши чиқиб, Alle таалуб ва таклиф механизмлари ҳаттоқи давлат монополиясида максимал самарадорликка олиб келиши мумкинлигини кўрсатди. Чунки агар монополист рақобат бозорига нисбатан нархларни кўтариш ёки тушириш имконига эга бўлса-да, монополия бундан фойда кўролмайди. Нархларни кўтартган тақдирда таалуб камаяди, оқибатда сотини ҳажми етарли бўлмайди, паст нарх ўрнатганда эса монополист пул йўқотади. Демак, ҳукумат бошқарув механизмлари ихтиёрий нархларни ўрнатса, бунда бутун бир иқтисодиёт зарар кўради.

Олигополия шароитида зўрлар зўрлар билан рақобатлашади, чунки бу ерга бегоналарнинг кириб келиши ғоят мушкул. Олигополия бозорига кириб бориш йўлида З та жиддий тўсиқ бўлади:

+ Бу ерга кириб ўрнашиб олиш учун ғоят катта капитал керак, бу эса кўпчиликда бўлмайди;

+ Табиий ресурслар айrim компаниялар қўлида мулк сифатида тўпланиб қолганидан, улар ўзгаларга насиб этмайди;

+ Илмий-техникавий янгиликлар айrim компаниялар монополиясига айланиб қолади, шу сабабли улардан бошқаларнинг баҳраманд бўлиши қийин. Масалан, автомобиль компаниялари ўз техник янгиликларини сир тутиб бошқаларга бермайди.

Олигополия бозорига йирик фирмалар кира олганидан рақобатчилар кўпайиб кетиши мумкин. Бироқ улар ўзаро келишиб олиб рақобатта бормаслиги ҳам мумкин. Соф монополия шароитидаги рақобат жуда чекланади.

Соф монополия дегани ишлаб чиқариш ва товарлар таклифини ягона, яъни ҳеч бир ракиби йўқ компания қўлида бўлишини билдиради. Бу ерда ишлаб чиқариш тармоғи битта компаниядан иборат бўлади. Соф монополия ўзи чиқарадиган товар бозорида рақобатта йўл берилмайди. Бироқ у ресурслар бозорида харидор



сифатида бошқалар билан рақобатлашади. Рақобат қайси бозорда бўлмасин барибир ютиш ва ютқазиш бўлади. Ютғанлар ғолиб, ютқазганлар мағлуб бўлади. Ўзаро курашда рақобатбардош фирмалар қўли баланд келади. **Рақобатбардошлиқ** – бу рақобатга чидамли бўлиш, унда ғолиб келиш қобилиятига эга бўлишдир.

Бу уч нарса билан белгиланади:

- Муайян товарнинг рақобатбардошлиги;
 - Фирманинг рақобатбардошлиги;
 - Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги.

Рақобатбардош товар – бу ўз сифати, нархи ва сотилиш шарт-шароитига биноан харидорларга маъқул бўлганидан бозор кўтагардиган товардир.

Рақобатбардош фирма – бу бозорда ўз мавқенини сақлаб қолувчи
ва мустахкамловчи, барқарор ривожланиб боруви фирма
хисобланади. Фирманинг куч-кудрати миллий иқтисодиётнинг жаҳон
бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлайди. Рақобат қаерда ва
қандай усулда олиб борилмасин, у охир-оқибатда фирмаларни танлаб
олиниши юз беради ғолиблар бозорда қолади. Мағлублар ундан чиқиб
кетади.

VII БОБ. МИЛЛИЙ ИҚТІСОДИЁТНИҢ ҮСИШИ. ЦІКЛЛІ РІВОЖЛАНИШ ҚОНУНИ

7.1. Миллий иқтисодиёт түшунчаси.

Айрим фирмалар, хонадон хұжалиғи, бозорларда юз берадиган иқтисодий ҳодиса ва жараёнлар макроіқтисодиёт деб юритилади. Бутун жамият даражасындағы иқтисодий фаолият макроіқтисодиёттің ташкил этади.



Макроіқтисодиёт амалда миллий иқтисодиёт дегани бўлади.

Миллий иқтисодиёт – ижтимоий иқтисодиёттинг мавжудлик шакли; мамлакат, давлат ҳудудида яшовчи милллат (халқлар)нинг тарихан шаклланган ёки тубдан янгиланаётган, ўзгараётган ва ривожлананаётган мулкий ва бошқа ижтимоий-иқтисодий муносабатлари, улар билан шартланган, маҳаллий хусусиятларга ҳам эга бўлган иқтисодий фаолият соҳалари, тармоқлари, ташкилотлари, корхоналари, ҳудудлари ва минтақалари системасидир.

Миллий иқтисодиёт капитализмнинг вужудга келиши ва қарор топиши билан боғлиқ бўлиб, энг аввало, Англияда шаклланган.

Миллий иқтисодиёт муайян мамлакат мустақиллигининг таянчи хисобланади. Мустақилликка эришиш миллий иқтисодиётни яратиш ва ривожлантиришни билдиради. Миллий иқтисодиётни бир қатор белгилари бор:

❖ Миллий иқтисодиёт миллий мулкчиликка асосланади, яъни барча ресурслар, яратилган товарлар ва хизматлар, нихоят, тўпланган бойлик муайян мамлакат ҳалқига тегишли бўлади.

❖ Миллий иқтисодиёт миллий манфатларга хизмат қиласи, яъни мамлакаттинг иқтисодий кудратини ошириш, унинг моддий-маънавий бойлигини кўпайтириш ва нихоят, миллаттинг-халқнинг фаровон яшашига қаратилади.

❖ Миллий иқтисодиёт очиқ бўлади, ўз қобигига ўралиб, яккаланиб қолмайди, аксинча, кенг қўламда ташки иқтисодий алоқаларга, яъни бошқалар билан алоқа қилишга асосланади.

❖ Миллий иқтисодиёт ўзининг салоҳияти (қанча ишлаб чиқара олиши), таркибий тузилиши (қандай соҳа ва тармоқлардан иборат бўлиши) га, халқнинг турмуш тарзига қараб бошқалардан ажралиб туради.

❖ Миллий иқтисодиёт, миллий ресурслар, иқтисодий анъаналар, иқтисодий одатлар ва кўнимкамаларни ўзига сингдиради.

❖ Миллий иқтисодиёттни ўз чегараси бўлади.

Дунёда қанча мамлакатлар бўлса, шунча миллий иқтисодиёт бор, уларнинг яхлитлиги жаҳон иқтисодиётини юзага келтиради.

Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, 2018 йилда дунё ялпи ички маҳсулоти 84.835.46 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2019 йилда 88.081.13 миллиард долларга ўсиши куттилмоқда. 2018 йилда дунё ЯИМнинг ўсиши суръати 3.6 фоизни ташкил этган⁴⁰.

Хозирги пайтда миллий иқтисодиётнинг капиталистик, социалистик, поссоциалистик ва кам ривожланган мамлакатлардаги капиталистик йўналишни каби турлари мавлум. Шу билан бирга ҳар бир муайян турдаги иқтисодиётининг ўз миллий моделлари ва шакллари бор.

Масалан, капиталистик миллий иқтисодиётнинг америкача, европача ва японча турлари, миллий моделлари ва уларнинг «аралаш иқтисодиёт» деб аталаётган замонавий шакллари бор. Ривожланган мамлакатлардаги «аралаш иқтисодиёт» хусусий ва давлат капиталларига асосланган ҳамда бозор ва давлат томонидан тартибланадиган, бошқариладиган, умумдемократик тамойиллар ҳам карор топа бораётган капиталистик миллий иқтисодиётдир.

Замонавий социалистик Миллий иқтисодиёт Хитой, Ветнам ва Кубада мавжуд бўлиб, унга энг муҳим тармоқларда социалистик давлат мулкини ва корхоналарини сақлаб қолган ҳолда, хусусий мулкчиликка, товарли-пулли хўжаликларга ва бозор муносабатларига кенг йўл очилмоқда.

7.2. Миллий иқтисодиётнинг ўсиши.



Миллий, яъни макроиктисодий ўсиш – бу иқтисодиётнинг ривожланиши бўлиб, яратилган маҳсулот ва хизматларнинг кўпайиб боришини билдиради. Миллий иқтисодиётнинг ўсиши ялпи ички маҳсулотнинг ЯИМ (GDP-Cross Domestic Product) кўпайиб боришида ифода этилади.

ЯИМ – бу маълум бир даврда, масалан, бир йилда миллий иқтисодиётнинг барча субъектлари томонидан яратган маҳсулот ва хизматларнинг бозор қийматининг пўл ўлчовидир⁴¹.

Уилям Петти Голландия ва Инглизлар ўртасида 1654 ва 1676 йиллардаги уруш пайтида уй эгаларига адолализ солиқ солишга қарши курашиш максадида ЯИМнинг асосий тушунчасини ишлаб чиқан⁴². ЯИМнинг замонавий концепциясини биринчи бўлиб Саймон Кузнец 1934 йилда АҚШ Конгресси ҳисоботида ишлаб чиқкан. Ушбу ҳисоботда, Кузнец ЯИМни мамлакатнинг фаровонлигини аниqlаш

⁴⁰ <http://worldpopulationreview.com/countries/countries-by-gdp>

⁴¹ "Finance & Development". Finance & Development | F&D. Retrieved 2019-02-23.

⁴² "Petty impressive". The Economist. 2013-12-21. Retrieved August 1, 2015.

сифатида фойдаланишни таклиф қилган. 1944 йилда Бреттон-Вудс конференциясидан сүнг **ЯИМ** мамлакат иктисолиётини ўлчаш учун асосий восита сифатида фойдаланиш йўлга қўйилди⁴³.



Семён Абрамович Кузнец (Америкада Саймон Смит Кузнец сифатида танилган) (1901-1985), Саймон Кузнец номи умумқабул қилинган “ялпидикчи маҳсулот” (ЯИМ) тушунчасини ишлаб чиққанидан кейин кенг омма орасида машҳур бўлди. Саймон мамлакатнинг иктисолий-ижтимоий тузилиши ва ривожланиш жараёнини янги ва чукур тушунишга олиб келадиган иктисолий ўсишининг эмпирик жиҳатдан асослаб талқин қылгани учун 1971 йилда нобел мукофоти билан тақдирланади. Саймон Кузнец Уильям Петти 300 йил олдин бошлаган статистик таҳлилини ривожлантиради. Ўз даврида Петти иктисолиётда факат ишбий тақослаши, аргументларни оғзаки изоҳлашдан “аник сон, оғирлик ва ўлчовлар” таҳлилига ўтишини тавсия этган эди. Саймон Кузнецнинг энг мухим асари 1961 йилда чоп этилган “Америка иктисолиётидаги капитал. Унинг шакланиши ва молиялаштирилиши” имлый тадқикотидир.

Саймон АҚШда шахсий даромадлар тақсимотини тадқик этди. Олимпининг 1950 йиллардаги тадқиқотларига кўра, АҚШда дастлаб даромадларнинг кескин дифференциацияси (табакаланиси) рўй берган бўлса, кейинчалик даромадларнинг (бойлик ва камбагалик) муайян меъерида ўртача бўлиш холати кузатилади. Бу фикр янги индустрисал мамлакат бўлган Тайвань мисолида ҳам ўз тасдигини тогди. “Кузнец конуни” деб ном олган таҳмин бўйича интенсив ривожланиш йўлига ўтган давлатларда биринчи ўн йилликда даромадлар ва бойликларнинг нотекис (кутбий) тақсимланиши хос бўлади, ундан кейин эса даромадларнинг муайян меъёр атрофида бўлиши кузатилади.

Саймоннинг аксарияти тадқикотлари янги, њеч кимнинг хаёлига келмаган мавзуларда эди. Масалан, у биринчи бор инсон омилини иктисолий ўсишининг таркибий кисми сифатида кўриб чиқади. У мамлакатнинг энг катта сармояси – бу унинг инсонлари, уларнинг кобилияти ва маҳорати, тажрибаси ва фойдали иктисолий фаолиятга бўлгаган иштиёқи эканини таъкидлади.

ЯИМ миқдори, биринчидан, яратилган товар ва хизматлар миқдорига ва улар бирлигининг нархига боғлиқ бўлади. Айтайлик 500 млн дона товар яратилган ва 100 млн хил хизмат яратилган бўлиб, бир товарнинг ўртача нархи 120 доллар, хизмат нархи 80 доллар бўлса, бунда:

$$\text{ЯИМ} = 500 \times 120 + 100 \times 80 = 60000 + 8000 = 68 \text{ млрд. АҚШ доллар}$$

Махсулот ва хизматлар миқдори ўзгармаган ва, хатто, пасайган тақдирда нарх ошса **ЯИМ** суммаси ҳам кўп бўлади. Аксинча, товар ва хизматлар миқдори ўсган ҳолда нарх ундан кўпроқ пасайиб кеца, **ЯИМ** ҳажми камаяди. Асосий махсулоти нефть ва газ бўлган мамлакатларда буларнинг нархининг ошиши **ЯИМ**ни кўпайтиради, булар нархи пасайганда акси юз беради. Иктисолий ўсишини хақиқатдан реал **ЯИМ** кўпайиши кўрсатади. **Номинал ЯИМ** ҳам борки бу амалдаги жорий

⁴³ Dickinson, Elizabeth. "GDP: a brief history". ForeignPolicy.com. Retrieved 25 April 2012.

нархларда хисобланган махсулот ва хизматлардир. Унинг ўсиши инфляция шароитида нархнинг ортиши хисобидан бўлгани учун махсулот ва хизматларни жорий нарҳда эмас, балки ўзгармайдиган таққосий нархларда хисоблаш керак бўлади. Ўзгармас, яъни маълум йилнинг нархида, яъни базовий нархларда хисобланган товар ва хизматларнинг қиймати реал ЯИМ деб юритилади. Халқаро амалиётда реал ЯИМ АҚШ долларида хисобланади. Бу яратилган товар ва хизматларнинг бозор қиймати хисобланади (7.1-жадвал).

7.1-жадвал

Дунё ялпи ички маҳсулоти динамикаси⁴⁴

(млрд. АҚШ долларида)

ЯИМ	2017	2018	2019
Бутун дунё бўйича	80,683,79	85,085,189	87,751,541
АҚШ	19,485,39	20,580,223	21,427,700
Хитой	12,143,49	13,608,152	14,342,903
Япония	4,859,95	4,971,323	5,081,770
Германия	3665,8	3,949,549	3,845,630
Хиндиштон	2652,55	2,779,351	2,875,142
Буюк Британия	2666,23	2,855,297	2,827,113
Франция	2595,15	2,778,892	2,715,518
Италия	1961,8	2,084,882	2,001,244
Бразилия	2053,60	1,868,613	1,839,758
Канада	1649,88	1,712,562	1,736,426

7.2.-жадвал

Марказий осиёй ялпи ички маҳсулоти динамикаси⁴⁵

(млрд. АҚШ долларида)

ЯИМ	2017	2018	2019
Ўзбекистон	59,16	50,500	57,921
Қозоқистон	162,89	179,340	180,162
Туркманистон	37,93	40,749	40,761
Тоҷикистон	7,16	7,523	8,117
Киргизистон	7,70	8,093	8,455

⁴⁴ <https://tradingeconomics.com>, "United Nations Statistics Division - National Accounts". unstats.un.org., "GDP (current US\$)". World Development Indicators. World Bank. Retrieved 2 July 2020., асосида муаллифлар тамонидан таҳлили килинди.

⁴⁵ <https://tradingeconomics.com>, "United Nations Statistics Division - National Accounts". unstats.un.org., "GDP (current US\$)". World Development Indicators. World Bank. Retrieved 2 July 2020., асосида муаллифлар тамонидан таҳлили килинди.

Жаҳонда йирик, ўрга, кичик ва ўта кичик мамлакатлар мавжуд. Уларнинг ЯИМ ва ахолиси бир хил эмас. Хитой билан Қозоқистонни, Ўзбекистон билан АҚШни, Туркманистон билан Германияни ЯИМ ҳажми жихатидан солиштириб бўлмайди, чунки бу мамлакатларнинг иқтисодий қудрати турлича. Бир мамлакатда ЯИМ ҳажми бошқа мамлакатга нисбатан ортиқ бўлган ҳолда, ахолининг кўплиги туфайли жон бошига хисобланган ЯИМкўрсаткичи кам бўлиши мумкин. Хуллас, миллий иқтисодиёт даражасини ЯИМ умумий ҳажми эмас, балки жон бошига хисобланган миқдори белгилайди.

Иқтисодий ўсишнинг нисбий ва мутлақ кўрсаткичлари бор. Нисбий кўрсаткич ЯИМнинг ўсиш ёки пасайиш суръатлари бўлиб, фоизларда ифодаланади. Мутлақ кўрсаткич ЯИМ неча фоизга эмас, балки қандай миқдорда ўзгарганини кўрсатади. Масалан, “А” мамлакатда реал ЯИМ 120 млрд доллардан 160 млрд долларга етган. Бунда мутлақ ўсиш 40 млрд га тенг ($160 - 120 = 40$), нисбий ўсиш эса 25,0 % ($40 * 100 : 160 = 25\%$).

Иқтисодиёт учун ЯИМнинг мутлақ ўсиши, яъни қандай миқдорда ўсгани муҳимроқ, чунки бу ишлаб чиқаришнинг кўламини билдиради. Масалан, З мамлақатнинг ҳар бирида ЯИМ 10 фоиз ўди, лекин уларда бир фоизнинг реал миқдори ҳар хил, шу боис 10 фоизнинг ахамияти бир хил бўлмайди. 10 фоиз ўсиш “А” мамлакатда ЯИМнинг 15 милиард долларга, “Б” мамлакатда 12 милиард долларга, “С” мамлакатда эса 18 милиард долларга кўпайганини билдиради. Демак 1 % ўсишнинг вазни ҳар хил: 1,5, 1,2, ва 1,8 милиард долларга тенг. Хуллас, иқтисодий ўсишга баҳо бергандা, унинг фоиз кўрсаткичлари билан чегараланиш кифоя қилмайди. Бунинг учун унинг амалдаги мутлақ ҳажми қанча эканлигини билиш ҳам муҳимdir.

Жамият яшар экан, узлюксиз тарзда турли неъматлар ишлаб чиқаради. Уни узок муддатли давр нуқтайи назаридан карасак яратилган неъматларнинг ҳажми тобора ортиб боради. Демак жорий даврда аввалгига нисбатан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарамиз. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш динамикаси айнан иқтисодиётдаги муҳим ходиса – иқтисодий ўсишни характерлаб беради.

7.3. Иқтисодий ўсиш ва унинг турлари

Иқтисодий ўсиш маълум бир вакт (йил) мобайнида ялпи ички маҳсулот (ёки ЯИМ) нинг, ҳажмини ўзгаришини ифодалайди.

Иқтисодий ўсиш ўзаро боғлиқ икки кўрсаткич: а) маълум бир вакт, йил мобайнида яратилган ялпи ички маҳсулот абсолют миқдори, ёки б) ахоли жон бошига ўсиши тарзида хисобланади.

Агарда диккат марказида иқтисодий-сиёсий потенсиал турса, биринчи, ялпи ички маҳсулотни (реал ялпи ички маҳсулотни) абсолют

миқдори кўрсаткичидан, агарда аҳолининг турмуш даражасини таққослаш зарурияти бўлса, иккинчи аҳоли жон бошига яратилган ялпи ички маҳсулот кўрсаткичидан фойдаланади. Масалан, Бразилияниг ялпи ички маҳсулоти Швейцарияникига қараганда 2.8 марта кўп. Швейцарияниг ялпи ички маҳсулоти Хиндистонда яратилган ялпи ички маҳсулотининг деярли 88% ини ташкил этади. Лекин аҳоли жон бошига хисобласак, Швейцарияниг ЯИМ Бразилиядан 110 марта кўп яратилгани маълум бўлади.

Яратилган ялпи ички маҳсулот мутлоқ **миқдорининг ўсиши иқтисодий ўсишнинг кўламини кўрсатади**. У жорий йилдаги яратилган ялпи ички маҳсулот билан аввалги йил кўрсаткичини таққослаш оркали ҳисобланади.

Иқтисодий ўсиш = M₂ – M₁

Айтайлик, жорий йилда яратилган ялпи ички маҳсулот 150 млрд. долл. ўтган йилда эса 145 млрд. долл. бўлган. У ҳолда ўсишнинг абсолют миқдори (150-145) 15 млрд. долларни ташкил этади. У турли мамлакатларда турлича бўлиб, ўсиш кўламининг хар хиллиги мамлакатларнинг иқтисодий қувватига боғлиқ. **Мутлоқ иқтисодий ўсиш иқтисодий салоҳиятнинг катта ёки кичиклигини билдиради**. Мамлакатнинг мутлоқ ўсиш ҳажми катта бўлса, демак, мамлакат иқтисодий кудратли, деб ҳисобланади ёки аксинча.

Нисбий иқтисодий ўсиш унинг жадаллик суръатини билдиради ва фоизда ифода этилади. Ўсиш суръати жорий йилдаги ялпи ички маҳсулотни ўтган йилга нисбати тарзида ҳисобланади. Бунда:

Иқтисодий ўсиш = (M₂ – M₁) / (M₁) *100%

Юқоридаги мисолимиз бўйича ўсиш суръати (150-145) /145*100%=3,4%ни ташкил этади. Иқтисодчилар ўсиш суръатидаги озгинагина ўзгаришга ҳам катта аҳамият беришади. Ҳақиқатан ҳам 1-2% иқтисодий ўсиш ҳам катта аҳамиятга эга. Сабаби баъзи мамлакатлар учун 1% ўсиш катта миқдор, яъни млрдлаб долларни ташкил этади. Масалан, Японияниг ялпи ички маҳсулотининг 1% Чехияниг йиллик ялпи ички маҳсулотидан кўп. Қашшоқ мамлакатлар учун унча кўп бўлмаган ўшишни тушиб кетиши мамлакатнинг аҳолисини тўйиб овқат емаслиқдан очарчиликка ўтишини ифодалайди.

Ундан ташқари, қатор йилларда ўсишнинг унча катта бўлмаган фарқи ҳал қилувчи аҳамиятта эга бўлиши мумкин. Масалан, иккى мамлакатнинг бирида ўсиш суръати 2,5%, иккинчисида 5% бўлса, ялпи миллий маҳсулотни икки баравар қўпайиши учун бирига 70:2,5=28 йил, иккинчисига 70:5=14 йил кетади (Иқтисодий ўсишини хисоблашда иқтисодиётда 70 коидаси мавжуд бўлиб, у ЯММ ни 2 баробар ўсишини аниқлаш учун қанча муддат кераклигини топишда фойдаланилади. Бу коида қанча вақт кераклигини тезда ҳисоблаш имконини беради.

Бунинг учун 70 ни йиллик (оилик) ўсиш даражасига нисбати ҳисобланади. Юқоридаги мисолимиз бўйича йиллик ўртача ўсиш суръати 3,4% бўлса, ЯИМни 2 баробар ўсиши учун тахминан $70:3,4=20,6$ йил муддат керак экан).



Роберт Мертон Солоу (1924 й.), “иктисодий ўсиш назариясига кўшган катта хиссаси учун” 1987 йилги Нобель мукофоти билан тақдирланади. Иктисодий ўсиш назариялари ривожланишида неокейнсилик, неоклассик ва институционализм йўналишларини алоҳида кўрсатиб ўтиш мухим. Ушбу йўналишлар донрасида иктисодий ўсишнинг турли моделлари яратилди. Америкалик иктисодчи олим Роберт Солоунинг иктисодий ўсиш назарий модели замонавий макроиктисодий назарияни ишлаб чиқишида асос килиб олинган ва иктисодий таҳлилда кенг кўлланилиб келинмоқда. Солоу моделига кўра, доимий техник тараққиёт ва ресурслардан самарали фойдаланиш иктисодий ўсишнинг белгиловчи омиллари ҳисобланади. Роберт Солоу ғоялари янги кейночиллик таълимотини танқид қилиш асосида юзага келади.

Иктисодий ўсиш моделини Солоу биринчи бор 1956 йилда “Иктисодий ўсиш назариясига хисса” (“A Contribution to the Theory of Economic Growth”) деб номланган маколада таърифлайди. Бу математик модель бўлиб, дифференциал тенгламалар тизими шаклида акс эттирилган эди. Америкалик мутахассисларнинг фикрича, хеч бир иктисодчи олим ўсиш назариясида “мехнатни капитал билан алмаштириш” тушунчасини бу қадар оддий ва тушунарли қилиб ишлатмаган.

Иктисодий ўсиш муаммолари ҳозирги пайтда иктисодий мунозараларда, турли сиёsatдонлар, ҳукумат аъзолари, турли миллат вакиллари мулоқотларида марказий ўрин тутади. Чунки реал ишлаб чиқаришни ўсиши ҳар қандай хўжалик тизимига хос чекланган ресурслар шароитида чексиз эҳтиёжларни қондириш муаммосини маълум даражада ҳал қилиш имконини беради. Иктисодий ўсиш суръати ва кўламига қараб, жамиятнинг иктисодий аҳволига баҳо бериш мумкин.

ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб миллий иктисодий ўсиш билан боғлиқ уч мухим муаммога эътибор бериладиган бўлди.

Биринчи муаммо. Иктисодий ўсищдан қўзланган мақсад нима?

Неоклассиклар фикрича микроиктисодий миқёсда тадбиркорлар ўз олдиларига иктисодий ўсиш орқали максимал даражада фойда олишни кўядилар.

Макромиқёсда-чи? Агарда макромиқёс даражасида ҳам шу мақсад кўйилса, унда маълум катлам бошқалар ҳисобига бойийди. Аҳолининг табақаланиши ҳаддан зиёд кучайиб кетади. Натижада норозиликлар, зиддиятлар, конфликтлар кучаяди. Унинг оқибати мамлакат учун ачинарли тугаши мумкин. Демак, макромиқёсда иктисодий ўсишга эришишнинг оптимал мақсади барча аҳолини ҳёт кечиришини яхшилаш, турмуш даражасини кўтаришдир. Бошкacha айтганда барча аҳоли даромадини ўстиришдир. Ўсиб борувчи иктисодиёт миллий

иктисодиётда, янги вужудга келаётган, юксалиб бораётган эхтиёжларни қондириш, шу билан бирга халқаро даражада социал-иктисодий муаммоларни ечиш имконини беради. Реал иш ҳақининг ўсиши оиласдаги эхтиёжларни чекламай, тўлароқ қондиришга олиб келади.

Иктиносидий ўсиш ресурсларни чекланганлиги муаммосини ечишни енгиллаштиради. Инвестицияни кенгайтириш имконини беради. Хуллас иктиносидий ўсиш жамиятнинг ўз олдига кўйган кенг миқсади дастурини амалга ошириш имконини беради. Жамият кўзлаган мақсади қай даражада амалга ошаётганини акс эттирадиган кўрсаткич бу ахоли жон бошига яратилган миллий даромад бўлиб, у кўп жихатдан ўсиш суръатига боғлик.

Иккинчи муаммо. Иктиносидий ўсиш суръати қандай бўлиши керак?

Бу муаммога назариётчилар ҳам, амалиётчилар ҳам бирдек диккатларини қаратишади. Узок муддат юқори суръатни сақлаб бўлмайди. Бунинг учун катта ресурслар талаб этилади. Хар қандай мамлакат ҳам буни уддасидан чиқолмайди. Ундан ташқари ҳаддан зиёд юқори ўсиш суръати ички иктиносидий мувозанатни бузади. Чunksи ҳамма тармоқлар шундай юқори суръатда ривожлана олмайди. Миллий хўжаликнинг барча бўғинлари, тармоқлари ўргасидаги нормал алокалар бузилади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: жамият учун муҳими етарли даражада барқарор иктиносидий ўсишга эришиш. Бу мақсаддага қандай омиллар эвазига эришилади, билиш керак.

Учинчи муаммо. Қандай омиллар эвазига иктиносидий ўсишин таъминлашнинг оптимал вариантини тониш муаммосидир?

Иктиносидчиларнинг фикрига кўра ҳар қандай мамлакатнинг иктиносидий ўсишини таъминлайдиган омиллар, куйидагилар:

ТАБИЙ РЕСУРСЛАР МИҚДОРИ ВА СИФАТИ

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ МИҚДОРИ ВА СИФАТИ

АСОСИЙ КАПИТАЛ ҲАЖМИ

ТЕХНИК ТАРАҚКИЁТ ВА ТЕХНОЛОГИЯ

ИНВЕСТИЦИЯНИНГ ЎСИШИ

МАМЛАКАТНИНГ ТАЪЛИМ ДАРАЖАСИ

ИКТИНОСИДИЙ ЭРКИНЛИК ДАРАЖАСИ

ИКТИНОСИДИЁТНИНГ ОЧИҚЛIGИ

ХАЛҚАРО БОЗОРДАГИ ҲОЛАТ

МАМЛАКАТНИНГ ДЕМОГРАФИК ВАЗИЯТИ

7.1-расм. Иктиносидий ўсишга таъсир қилувчи омиллар.

Буларни ҳаммасини таклиф омили деб аташ мумкин. Айнан улар ишлаб чиқаришни ўсишини таъминлайди. Шу билан бирга талаб омиллари ҳам катта рол ўйнайди. Иктисодиётни ўсишини таъминлаш учун ишлаб чиқарилган маҳсулотни тўла истеъмол килиш керак. Бунинг учун ялпи харажатларни кўпайтириш лозим. Иктисодий ўсишга тақсимлаш омиллари ҳам катта таъсир кўрсатади. Айниқса, миллӣ даромад ва унинг тақсимланиши, миллӣ даромадда жамғаришнинг ҳиссаси қандай бўлиши ниҳоятда муҳим рол ўйнайди.

Бунда ресурслар шундай тақсимланиши керакки, улардан фойдаланиб - максимал даражада наф келтирадиган маҳсулот ишлаб чиқилсин. Ресурсларни тақсимлаш муаммоси қай тарзда ҳал қилиниши ва қандай қарор қабул қилинишига қараб, айтгайлик кўпроқ инвестицион товарлар ишлаб чиқарамизми ёки истеъмол молларини кўйилган мақсадга кўра маълум натижага эришилади. Ана шу омилларнинг таъсири туфайли ишлаб чиқариш имконияти кенгаяди.

Бу имкониятдан самарали фойдаланиш натижасида иктисодий ўсиш юз беради. Иктисодий ўсишнинг барча омиллари бир-бири билан боғлиқ. Бирининг ўзгариши иккинчисининг ҳам ўзгаришига олиб келади. Farb иктисадчилари иктисодий ўсишда қайси омил маҳсулот ортишига қай даражада таъсир кўрсатишини ва даромад ўсишида омилларнинг ҳиссасини аниқлашга ҳаракат қилишади. Бу муаммони ҳал этилиши омилларни оптимал нисбатда бирлашувини таъминлайди.

Уни топиш учун ишлаб чиқариш функциясидан фойдаланилади. Ишлаб чиқариш функцияси маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсишига икки омил: меҳнат ва капитал таъсир қиласи деб, уларнинг ҳар бирини ҳиссасини аниқлашга қаратилган. XX асрнинг 20 - йилларида американлик олим Р. Дуглас статистик маълумотлар асосида буғдор ишлаб чиқаришни таҳлил қиласи. Унинг ҳисобича 1% меҳнатнинг ўсиши 1% капитал ўсишига қараганда ишлаб чиқаришнинг 3 марта кўп ортишига олиб келар экан. Бу эмпирик тадқиқот тадбиркорга қўшимча капитални кўпайтиргунча, қўшимча меҳнат жалб қилган маъкуллигини кўрсатади. Шундан кейин бозор иктисодиёти ривожланган мамлакатларда меҳнат омиллига аҳамият бера бошладилар. Меҳнат омилидан самарали фойдаланиш, бунинг учун инсоний омилга инвестицияни кўпайтириш, яъни ишчиларни малакаси билимини оширишга дикқат-эътибор берила бошланди.

50-йилларда американлик олим Р. Солоу фан-техника тараққиётига алоҳида аҳамият бериб, уни етакчи омил деб кўрсатади. У АҚШ иктисодиётининг ривожланишини таҳтил қилиб, 1909-1949 йилларда меҳнат улушининг 80% дан ошик ўсиши фан-техника тараққиёти эвазига эканлигини аниқлади. Унинг издоши Э. Денисон 1929-1982 йилларда фан-техника тараққиётининг алоҳида компонентлари бўйича иктисодий ўсиши борасида уларнинг ҳиссасини аниқлади.

Эдвард Денисон ўзининг 1967 йили босмадан чиққан, 1971 йили рус тилига таржима қилинган “*Иктиносидий ўсиши суръатларидағи фарқи тадқиқ қилиши*”⁴⁶ асарида ҳар бир омилнинг хиссасини аниклашга уринган.

Катта статистик маълумотлар асосида ҳар бир омилни ўзини янада майдалаштириб, алоҳида омиллар тарзида, айтайлиқ, меҳнат омилини, ишловчилар сони (иш вақти), меҳнатнинг давом этиши муддати, меҳнат қилувчиларнинг жинси, ёши, маълумоти ва хоказо тарзида таҳлил қилган. Бир мамлакат учун иктиносидий ўсишда ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши катта рол ўйнаган бўлса, бошқа мамлакат иктиносидиётида техник тараққиёт мухим рол ўйнайди. Умуман олганда мамлакат иктиносидиётида у ёки бу омилни кўрсатиш қийин. Денисон ана шу омилларнинг иктиносидий ўсишга таъсири сабабли АҚШ билан мавжуд катта фарқ борган сари қискариб боришини кўрсатади.

Умуман олганда барча омиллар бир-бири билан боғлиқ. Иктиносидий ўсишга таъсири этадиган омиллар орасида меҳнат омили алоҳида ўрин тутади. Меҳнат сарфи даражасига жуда кўп омиллар таъсири кўрсатади. Иш кучининг миқдори билан биргаликда сифат даражаси ҳам мухим рол ўйнайди. Жамият миқёсида сарфланган меҳнат ҳажмига мамлакатдаги аҳоли сони, ишловчилар сони, иш вақти таъсири қиласа, меҳнат унумдорлигига техника тараққиёти, инвестиция, ишловчиларнинг билим даражаси, малакаси, ишлаб чиқаришини ташкил этиши ва бошқалар таъсири этади.


Иктиносидий ўсишнинг яна бир мухим омили **капитал** ҳаражатлари.

У асбоб-ускуна, бино-иншоотлар, ҳамда товар захираларини ўз ичига олади. Асосий капитал уй-жой фондини ҳам ўз чичига олади, чунки уй эгалари кўрсатиладиган хизматдан манфаат кўришади. Капитал ҳаражатларига жамғариш нормаси, асосий капитал ҳажми, капитал билан қуролланиш даражаси ва бошқалар таъсири кўрсатади. Иктиносидий ўсишни таъминлашда ер табиий ресурсларнинг миқдори ва сифати ҳам катта рол ўйнайди. Шу билан бирга шуни эслатиш керакки, табиий ресурсларни мавжудлиги иктиносидий ўсиш учун етарли эмас, мухими улардан самарали фойдаланишни йўлга кўйиш. Фан-техника тараққиётининг нақадар мухимлигини эслатишнинг зарурияти ҳам йўқ, чунки у иктиносидий ўсишнинг двигатели ҳисобланади.

Дунё тажрибаси ва амалисти шуни кўрсатмоқдаки, инсон капиталига йўналтирилган маблағлар бошқа омилларга нисбатан ўзини оқлайди. Ҳозирги кунда ҳар қандай мамлақатнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлиги нафакат табиий ресурсларнинг

⁴⁶ Denison E. “Исследование различий в темпах экономического роста”. М., 1971 у., 550-552-бетлар

мавжудлигига, балки биринчи навбатда, замонавий мунтазам янгиланиб турадиган технологияларни яратиш ва ўзлаштиришга қодир бўлган сифатли инсон капиталига боғлиқ бўлмоқда. Бундай сифатли инсон капиталисиз мамлакатда илм фанга асосланган ишлаб чиқаришларни ташкил этиб бўлмайди. Инсон капитали тушунчаси бўйича хорижлик ва маҳаллий олимлар ҳам кўплаб тадқиқотлар, изланишлар олиб боришиган.



Хусусан, Гэри Стэнли Беккер (1930й.) инсон капитали назарияси асосчиларидан бири бўлиб, унга 1992 йилги Нобель мукофоти “*нобозор ҳолатларни инобатга олган ҳолда инсон хулқ-автори ва ўзаро муносабатларининг кенг қамровли муаммоларига микроиктисодий таҳлилнинг қўлланилиш соҳасини кенгайтирганилиги учун*” берилган.

Беккер 1960 йилларда Т.Шульц ва Ж.Минкер каби олимлар билан бир вақтда инсон капитали муаммосини кўтаради. Инсон омилига капитал кўйилмаларни киритиш назариясини ишлаб чиқиши давомида олим материалларни тизимлаштиради ва микроиктисодий жиҳатдан таҳлил қиласди. Унинг бу мавзуга доир биринчи мақоласи “Инсон капиталига сармоялар: назарий таҳлил” (“Investment in Human Capital: A Theoretical Analysis”, 1962) деб номланади. Икки йилдан сўнг “Инсон капитали: назарий ва эмпирик таҳлил” (“Human Capital: A Theoretical and Empirical Analysis”, 1964) монографиясини эълон қиласди ва бу илмий иши унга Нобель мукофоти берилган пайтда Швеция Қироллик академияси томонидан “замонавий иқтисодиётга қўшган энг катта ҳиссаси” сифатида эътироф этилади.

1967 йилда олим айнан шу мавзуга багишлаб яна бир асарни чоп этади. Бу китоб “Инсон капитали ва даромаднинг шахсий тақсимоти: таҳлилга уриниш” (“Human Capital and the Personal Distribution of Income: An Analytical Approach”) деб номланади.

Гэри Беккернинг инсон капитали соҳасига оид ёзган асарлари Америкада иқтисодиёт фанидан олиб борилаётган тадқиқотларда назарий ва эмпирик маълумотларнинг оптимал уйғунлашувини интенсив тарзда излаш даврига тўғри келади. “Инсон капитали” асарида илгари сурилган ғоянинг мазмуни шундан иборат эдики, инсон омилига киритилган ҳар қандай сармоя – хусусий ёки давлат миқёсида бўлсин, – иқтисодий жиҳатдан ўзини оклади. Беккер мисоллар ёрдамида таълимга ва бўлажак мутахассисларни тайёрлашга сарф этиладиган йирик харажатлар янги техника ва усукуналарни сотиб олиш билан баробарлигини ва келажакда нафақат корхона ҳамда

фирманинг ўзига, балки бутун жамиятга катта наф келтиришини исботлаб беради.

У корхонадаги инсон капиталини кўникмалар, билим ва маҳоратнинг жамланмаси деб белгилайди. Бунда олим ходимларни маҳсус ўқитиш, уларда маҳсус билим ва кўникмалар ҳосил қилишга алоҳида аҳамият беради. Беккернинг таъкидлашича, ходимларнинг маҳсус тайёргарлиги фирманинг ракобат устуворлигини шаклантиради. Бу бозорларда маҳсулотларнинг маълум ва машҳур бўлиши, пировард натижада фирманинг нуфузи, ноу-хауси ва савдо белгисида ўз ифодасини топади. Ходимларни маҳсус тайёрлашдан, энг аввало, фирма ва компанияларнинг ўзлари манфаатдор, шунинг учун улар буни ўзлари молиялаштиришлари керак, деб ҳисоблади.

Бундан ташқари, Беккер олий таълимдан олинадиган қўшимча даромадни қўйидаги тарзда белгилайди: коллежни тугаллаганлар ишлаб топган даромаддан ўрта маълумотга эга ходимларники айрилади. Таълимга чиқимлар ҳам таълим олиш учун бевосита харажатлар, ҳам муқобил чиқимлар – ўқиш даврида бой берилган даромадлардир. Унинг ҳисоблаб чиқишича, таълимга инвестициялар йилига тахминан 12–14 фоиз миқдорида фойда келтиради.

Олим инсон капиталига инвестициялар рентабеллигининг миқдорини аниқлайди ва уни АҚШдаги кўпгина фирмаларнинг рентабеллиги билан таққослайди. Хусусий таълим муассасалари сонининг кўпайиши, қисқа муддатли семинарлар ва маҳсус курслар ташкил этадиган консалтинг фирмалари фаолиятининг кенгайиши натижасида таълим фаолиятининг хусусий сектордаги рентабеллик даражаси тижорат фаолиятининг бошқа турлари рентабеллиги даражасидан 10–15 фоиз ортиқ эканлигини кўрсатади.

Гэри Стэнли Беккер томонидан чукур ўрганилиб таҳдил этилган инсон капитали концепцияси бугунги кунда мустаҳкам илмий анъанага таянади ва таълим тизими, фан, соглиқни сақлаш, миграцион оқимларни тақсимлаш ва хоказоларнинг келгусидаги ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш учун назарий асос ҳисобланади.

Иқтисодиётга математикадаги мураккаб тизимлар назариясидан ўтган **мураккаблик** концепциясини қўллаган ҳолда, **Рикардо Хаусманн** (Гарвард университети) ва **Сезар Идалго** (МИТ) иқтисодиётнинг ривожланиши муаммоларига оригинал ёндашувларни таклиф қиласди, у ҳам бўлса, **иқтисодий мураккаблик назарияси**дир.

Математикада туб тизимлар ҳаракатини олдиндан билиш мумкин бўлган ҳолда, тизимнинг ҳаракатланишини олдиндан билиб бўлмайдиган бўлса, у мураккаб тизим деб номланади. Бу тўлиқ таъриф бўлмаса-да, мураккаб тизимнинг бизга керакли мөҳиятини тушуниб олиш учун етарлидир. “**Иқтисодий мураккаблик индекси**”ни ҳисоблаб чиқишида тадқиқотчилар қўйидаги ғояга таянган:

мамлакатлар бойлиги ва салоҳияти самарадор билимдан қелиб чиқади. Мамлакатлар у ёки бу товар ва хизматларни қандай ишлаб чиқариш ҳақидаги билимлар асосида равнақ топади.

Мамлакат иқтисодиётiga жорий этилган билимларнинг умумий қиймати «**иқтисодий мураккаблик**» (*economіc complexity*) деб аталувчи омил билан ўлчанади. Тадқиқотчилар мамлакатлардаги жамоавий билимни уларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турлари атамаларида ўлчаб кўриши. Факат бир нечта мамлакат тайёрлай оладиган маҳсулотлар (масалан, юксак технологик тиббий жиҳозлар, реактив двигателлар) ишлаб чиқарадиган мамлакатлар нисбатан соддароқ (пахта, нефт каби) товарлар ишлаб чиқарувчи мамлақатларга қараганда каттгароқ жамоавий самарадор билимга эга бўлади. **Иқтисодий бутглик индекси** ва мамлакат ЯИМнинг амалдаги салмоқли ва барқарор корреляцияси самарадор билим тўпланиши жараёни билан изоҳланади. Факат ўта илғор технологияларга ихтисослашувгина барқарор, юқори даражадаги фаровонликка эришиш имконини бериши мумкин. Ишлаб чиқариш жараёнлари ҳақида аҳоли билим захиралари қанчалик кўп бўлса (**инсон капитали**), мамлакат шунчалик кўп маҳсулот яратади ва маҳсулот шунчалик мураккаброқ бўлади.

Иқтисодий ўсишни кўшимча ресурсларсиз амалга ошириб бўлмайди. Кўшимча ресурслар инвестицион ресурслар деб аталади. **Инвестиция** борган сари фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишда муҳим рол ўйнайди. **Инвестициялар** қачонки керакли соҳаларга юборилганда гина самарали натижада беради. Инвестициянинг ЯИМдаги ҳиссаси Инвестиция нормаси, деб аталади, Инвестиция нормаси куйидагича аниқланади.

ИН=ИМ/ЯИМ*100%:

ИН – Инвестиция нормаси; ИМ – Инвестиция миқдори.

Инвестиция йўналишига кўра 2 турга бўлинади:

Пул маблаглари шаклидаги Инвестиция номинал Инвестиция, дейилади. Унга қеракли воситаларни алмаштириб, ишлаб чиқаришга кўлланган Инвестиция реал Инвестиция, дейилади. Иқтисодчилар миллий даромаднинг қандай нисбатларда истеъмол ва инвестицияларга бўлиннишига эътибор қаратадилар. Истеъмол ҳажми динамикаси иқтисодиётнинг провард мақсадини ва яшаш даражаси ошишини билдируса, инвестициялар ҳажмининг ўзгариши ресурс имкониятларининг ўсиши ва техник янгиликларнинг моддийлашишини англатади. Истеъмол ва инвестиция ўртасида етарлича мукобиллик мавжуд, чунки, жорий истеъмол миқдорининг ошиши инвестицияларнинг даромаддаги улушини пасайтириш иқтисодий ўсиш имкониятларини кисқартиради.

Иқтисодий эркинлик даражаси. Иқтисодий эркинлик ҳар бир инсоннинг ўз меҳнати ва мол-мулкини бошқариши учун асосий хукуқидир. Иқтисодий эркин жамиятда одамлар ўзлари хоҳлаган тарзда ишлаши, ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ва инвестиция килишга эркин бўладилар. Иқтисодий жиҳатдан эркин жамиятларда меҳнат, капитал ва товарларни эркин ҳаракат қилинишига, хукукларнинг ҳимоя қилиниши ва конун устуворлигини таъминланиши хукумат тамонидан таъминлаб берилади. **Иқтисодий эркинлик индекси** 1995 йилдан бўён «Wall Street Journal» ва «Heritage Foundation» тадқиқот маркази томонидан зълон қилиб келинади. «Heritage Foundation» эксперталари иқтисодий эркинликни «хукуматнинг товар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тарқатиш ҳамда истеъмол қилиш ишларига аралашмаслиги ёки тўсқинлик қиласлиги, фукаролар муҳофазаси ва эркинлигини таъминлаш бундан мустасно» дея таърифлашади. Марказий Осиёнинг посцовет республикалари 1998 йилдан бери ушбу рейтингга киритиладиган бўлди.

«Иқтисодий эркинлик индекси» да мамлакатларнинг мулк хукуқидан молиявий эркинликка қадар 12 та эркинлик кўрсаткичлар ҳар йили баҳоланиб боради. Иқтисодий эркинликни тўртга тоифага ёки устунларга бўлинадиган 12 та миқдорий ва сифат омиллари асосида ўлчанади:

- ❖ Конун устуворлиги (мулкий хукуклар, давлатнинг яхлитлиги, суд самарадорлиги)
- ❖ Хукумат хажми (давлат харажатлари, солиқ юки, молиявий барқарорлик)
- ❖ Тартибга солиш самарадорлиги (бизнес эркинлиги, меҳнат эркинлиги, пул эркинлиги)
- ❖ Очик бозор (савдо эркинлиги, сармоялар эркинлиги, молиявий эркинлик)

Ушбу индекс бўйича мамлакатлар қуидаги гурухларга бўлинади: эркин — 80–100 балл, асосан эркин — 70–79,9 балл, ўртача эркин — 60–69,9 балл, асосан эркин бўлмаган — 50–59,9 балл ва босим остидаги иқтисодиёт — 0–49,9 балл. Бир мамлакатнинг умумий баллари ушбу ўн иккита иқтисодий эркинликни ўртача хисоблаб, ҳар бирига тенг оғирлик берилади.

Иқтисодий эркинлик индексида ҳар бир компонент иқтисодий эркинликнинг ижобий устунликларига эришишда тенг даражада мухимдир. Ҳар бир эркинлик мамлакат миқёсини белгилашда бир хил даражада баҳоланади. Иқтисодий ислоҳотларни ҳисобга оладиган мамлакатлар иқтисодий кўрсаткичларни энг паст даражага туширадиган омилларни яхшилаш учун мухим имкониятларга эга бўлиши мумкин. Бу омиллар иқтисодий ўсиш ва фаровонлик учун мухим мажбурий чекловларни кўрсатиши мумкин.

Индекс дунё бўйлаб 186 та мамлакат иқтисодиётини таҳлил қилишнинг мукаммал объектив воситасидир ва ҳар бир мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий ривожланишини чуқур таҳлил қилиш учун манба ҳисобланади. Иқтисодий ўсиш ва фаровонлик асосларини тушуммоқчи бўлганлар учун 12 та иқтисодий эркинлик ва унга қўшилган тарихий маълумотлар ҳам кенг қамровли тамойиллар ва далилларни тақдим этади.

Иқтисодий эркинлик индекси бўйича 10 талиқда: Гонконг рейтингнинг биринчи погонасидан қаторасига 24-марта жой олиб келмоқда, Сингапур, Янги Зelandия, Швейцария, Австралия, Ирландия, Бирлашган Қироллик, Канада, Бирлашган Араб Амирликлари ва Тайван каби юқори рейтинг кўрсаткичларга эришган мамлакатлар ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг иқтисодий эркинлик рейтинги 53,3 ни ташкил этиб, 2019-йилги кўрсаткичда иқтисодиёти 140-чи ўринда туради. Унинг умумий натижаси 1,8 балл ортиб, молиявий эркинлик, меҳнат эркинлиги ва ишбилармонлик эркинлиги учун мустаҳкам равишда юқори баҳоланди. Ўзбекистон Осиё-Тинч океани минтақасидаги 43 мамлакат орасида 36-ўринни эгаллаб турибди ва унинг умумий рейтинги минтақавий ва жаҳон ўртача кўрсаткичларидан наст (7.1-расм)⁴⁷.

Uzbekistan

◀ Previous: #139 Burma

Next: #141 Maldives ▶

OVERALL SCORE **53.3**

WORLD RANK **140**

RULE OF LAW

Property Rights	49.8	Government Spending	67.4
Government Integrity	25.2	Tax Burden	91.3
Judicial Effectiveness	34.3	Fiscal Health	98.7

REGULATORY EFFICIENCY

Business Freedom	72.5	Trade Freedom	62.6
Labor Freedom	58.7	Investment Freedom	10.0
Monetary Freedom	58.9	Financial Freedom	10.0

OPEN MARKETS

7.2-расм. Ўзбекистон иқтисодиётининг эркинлик даражаси

Рейтинг тузувчилар маълумотига кўра, «иқтисодий эркинлик индекси» да мамлакатларнинг юқори балл ололмаслигининг асосий

⁴⁷ <https://www.heritage.org/index/>

сабаблардан бири мамлакатда кўп соҳаларда завонавий диверсификациялашган иқтисоднинг ривожланишига йўл бермайдиган давлат назорати сақланиб қолганилиги, коррупция авж олганилиги, мулкга эгалик хукуқининг ҳимоя қилинмаслиги, ҳамда шартномавий мажбуриятларнинг ижро этилмаслиги ёки бўзилиш ҳолатларнинг мавжудлиги, суд ҳокимияти мустақил эмаслиги, суд процедуранари халқаро стандартларга мос келмаслиги, нуфузли шахсларларнинг худди хукумат каби ҳеч қандай оқибатларсиз ўзгаларнинг бизнесига дахл қилишлиги, хукумат нефть маҳсулотлари, табиий газ, коммунал хизматларга, нон каби кўплаб товарларга нархлар устидан назорат ўрнатганилиги, марказий банк мустақил эмаслиги, банк соҳасида рақобат ва шаффоффлик етишмаслиги, давлат банкларининг улуши юқорилиги ва молиявий тизим хукумат тамонидан назорати қилинишлиги, хусусий секторнинг кредитлар олишда молиявий тўсиқларга дуч келинаётганилиги иқтисодий эркинлик даражасиниг сустлигидан далолат берилади.

Иқтисодиётнинг очиқлиги. Бу мамлакатга ташқаридан ресурсларнинг эркин кириб келиши, экспорт ва импортнинг кенгайиб боришидир. Очиқ иқтисодиётда ташқи савдонинг афзаллигидан фойдаланишига шароит яратилади. Четдан кириб келган капитални энг керакли соҳаларга йўналтирилиб, уларни ривожлантириш жадаллаштирилади. Лекин очиқ сиёсатни олиб бориш учун мамлакатнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари ва шароитлари кулагай бўлсагина иқтисодий ўсишга ҳисса қўша олади.

Халқаро бозордаги ҳолат. Бу экспорт қилувчи мамлакатларнинг иқтисодий ўсишига жаҳон бозорида нархларнинг ошиши ёки пасайишнинг таъсири. Экспорт товарлар нархи ошса, мамлакатнинг ЯИМ ҳажми ортади, пасайса, ЯИМ ҳажми ҳам қискаради.

Мамлакатнинг демографик вазияти. Бу иқтисодий ўсишнинг аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯИМнинг кўпайишини билдиради. Лекин бу аҳоли сонининг кўп ёки камлигига ҳам боғлиқ бўлади. Аҳоли сонининг ўзиши иқтисодий ўсишга салбий таъсир кўрсатади. Иқтисодий ўсишга эришиш учун ишлаб чиқариш аҳоли сонига нисбатан тезрок ўсиб бориши зарур бўлади.

Иқтисодий ўсишга қандай омиллар орқали, қандай сарф-харажатлар эвазига эришилганлигига қараб иқтисодий ўсиш иккита типга ажратилади: экстенсив ва интенсив.

Иқтисодий ўсишнинг экстенсив усулида иқтисодий ўсишга кўшимча ишлаб чиқариш ресурсларини жалб қилиш эвазига эришилади. Бунда ишлаб чиқаришнинг техник асослари эскича қолади. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ишчилар сонининг ортиши, ускуна, энергия, хомашё ва бошқаларни кўпайиши ҳисобига ортади.

Шунинг учун ҳар бир ишловчига тўғри келадиган маҳсулот микдори, яъни меҳнат унумдорлиги аввалигича қолади. Экстенсив иқтисодий ўсиш кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришнинг тарихан дастлабки энг оддий йўлидир.

Экстенсив ўсишнинг афзаллиги шундаки, у иқтисодий ўсишни таъминлашнинг энг осон йўли. Бунда табиий ресурсларни тезда ўзлаштириш ҳамда нисбатан тез фурсатда ишлизикни қисқартириш мумкин.

Шу билан бирга у қатор камчиликларга ҳам эга. У техника турғунлигига олиб келади. Ишлаб чиқаришни ўсиши харажатларни кўпайтириш туфайли юз беради. Сарфланган харажатлар энг яхши ишлатилганда ҳам маҳсулот ўсиши харажатлар ўсишига пропорционал бўлади. Масалан, кунига 500 кг дан макарон маҳсулотлари ишлаб чиқардиган сех мавжуд. Агарда макарон ишлаб чиқаришни 2 баробар кўпайтиришни мақсад килиб кўйсак экстенсив усул кўлланадиган бўлса, яна битта худди шундай цех қурилади. Собиқ Иттифоқда 1971—1975 йилларда миллий даромадни 1% га ўстириш учун асосий ишлаб чиқариш фондлари (ишлаб чиқаришга кўйилган асосий капитал) 1,7% га, материал харажатлари 1,2% га кўпайтирилган. Ишчилар сони 1/5 га кўпайиб, меҳнат унумдорлиги 4/5 ўсган холос.

Ресурслар чекланган, эҳтиёжлар эса тобора юксалиб бораётган шароитда экстенсив ўсишнинг истиқболи йўқ. Ресурслар тобора ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун етишмайди. Бир томондан хомашё, энергия манбаларини ўзлаштириш учун тобора кўпроқ меҳнат ва ишлаб чиқариш воситалари сарфланади. Иккинчи томондан борган сари табиий ресурслар захираси камайиб боради. У табиатни асрар, авайлаш, ундан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш талабларига жавоб бермайди.

Шунинг учун иқтисодий ўсишнинг интенсив йўлига ўтилади. Иқтисодий ўсишнинг интенсив усули нисбатан мураккаб бўлиб, ўсиш ресурсларни тежаб-тергаб ишлатиш ҳисобига, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига таъминланади. Бунда ресурслар бирлигига тўғри келадиган маҳсулот микдори ўсади. У ФТТ (фан-техника технология) ютуқларидан ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиши, банд бўлганларни малака ва маҳоратини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сифатини яхшилаш, ассортиментини янгилаш ҳисобига эришилади.

Натижада меҳнат унумдорлиги ўсади, асосийси ресурслар тежалади. Интенсив усулнинг қўйидаги шакллари мавжуд: **меҳнатни тежовчи, капитал тежовчи, универсал**.

Иқтисодий ўсишнинг меҳнатни тежовчи шакли ишлаб чиқаришга янги техника технологияни жорий қилиш билан боғлик. Бу даврда

ишлиб чиқариш воситалари, ишлиб чиқариш илдам ривожланади. Капитални тежовчи шақлида нисбатан самарали машина-ускуналарни құллаш, хомашё, материалларни тежаш, мемненет ташкил этишни такомиллаштириш әвазига эришилади. Капиталнинг техник түзилиши, капитал (фонд) билан куролланиш даражаси ўзгармайды ёки ўсиш суръати пасаяди. Бу жараён, айниқса маҳсулотни арzonлаштирадиган, юқори унумли автоматик ускуналар, полимерлар химияси ютуқларига ва бошқа ишлиб чиқаришнинг юқори самарали хомашё материалларни ишлиб чиқаришга жорий қилишда ўз ифодасини топади.

Интегрив тарзда иқтисодий ўсишнинг универсал шақлида ресурсларни тежашнинг барча усууллари құлланилади. Натижада иқтисодий ўсишнинг янги сифат даражасига эришилади. Бунда ишлиб чиқаришнинг тежамкорлығи юқори, техника даражаси ўсади ва маҳсулотнинг сифати яхшиланади, фан сиқими юқори бұлған маҳсулотлар ишлиб чиқариш күпаяди, пировард маҳсулот күпаяди, истемолнинг улушки ўсади.

Умуман олганда иқтисодий ўсиш соғ интегрив ёки экстенсив тарзда юз бермайди. Иқтисодий ўсишга эришишда омилларнинг хиссасига күра устун даражада экстенсив ёки устун даражада интегрив ўсиш бўлиши мумкин. 70-йилларда илгари сурилган гоялардан бири нол даражадаги иқтисодий ўсиш концепциясидир. У ўсиш оқибатлари билан боғлик муаммоларга бағищланади. Бу муаммо энг аввало борган сари хомашё ресурсларини қўплаб ишлатиш билан боғлик. Борган сари хомашё ва ёнилғи ресурслари камайиб, ахолининг эҳтиёжлари эса ўсиб бормоқда. Ана шу муаммони ҳал қилиш мақсадида АҚШ даги Массачусец технология институтининг профессори Денис ва Донелла Медоуз раҳбарлигига бир гурух иқтисодчилар “умуминсоний фалокат ҳавфи тўқрисида пародоксал ҳулоса” чиқаришади. Уларнинг фикрича яқин 100 йил давомида ресурслар камайиб, тугаб боради. Бу ўз навбатида иқтисодий ўсишни ҳам камайиб, турғунликка тушишига олиб келади. Ер юзида инсонлар сони ўсишининг ҳозирги тенденцияси маълум бир чегарага олиб келадики, у ҳам, ресурсларни аёвсиз ишлатиш, табиий қатаклизмга олиб келади.

Техник тараққиёт эса атроф-мухитни ифлослантиришга, шовқин-суронни кучайишига, хайвонлар, балиқларнинг кескин камайиб кетишига, тоза ичимлик суви манбаларини қуришига олиб келади. Ундан ташқари саноат ва машиий чиқиндилар муаммоси ҳам тўла ҳал этилмаган. Товар ва хизматлар ишлиб чиқаришнинг ўсиши ахоли турмуш кечириш сифатини пасайишига олиб келади.

Уларнинг асосий камчилиги иқтисодий ўсиш келтириб чиқарадиган асосий салбий оқибатларни кўрсатиш билан чекланиш, уларни чеклаш, камайтириш учун аниқ таклифлар ва тавсияномаларни

йўклигидир. Энг асосий муаммо бу ана шу хавфни бартараф этиш йўлларини топишдир.

Уларнинг оппонентлари бўлган мутахассислар бу муаммоларни ҳал қилиш ҳар бир мамлакатда, регионларда ўзига хос ёндошишнинг талаб қилишини эътироф қилишади. Шу билан бирга умумий услублар мавжудлиги ҳам эслатилади. Бу табиий ресурсларни ишлатиш ва атроф-мухитни булғашни чеклайдиган қонунлар қабул қилишдир. Ҳозирги замон технологияси ютуқларидан фойдаланиб, табиий ресурсларни қазиб олиш, қайта ишлашдаги йўқотишларни иложи борича энг паст даражага келтириш вақти келганини таъкидлашади.

Ноъ даражадаги иқтисодий ўсиш концепцияси тарафдорлари билан мутахассислар ва тадқиқотчилар иқтисодий ўсиш тўғрисида мунозараға киришиб, иқтисодий ўсиш тенденциясини ўзгартириш керак деган хulosага келишади. Улар иқтисодий ўсишга юксалаётган эҳтиёжлар билан чекланган ресурслар ўргасидаги қарама-каршиликларни юмшатиш шарти тарзида қараган маъқул деган фикрни илгари суринади. Маълумки, социал ривожланишнинг энг кескин долзарб муаммоларини товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатишнинг кенгайтирмай ҳал этиб бўлмайди. Харажатларга ҳам бошқача ёндошиш талаб этилади. Харажатлар таркиби аввалгидан ўзгарди. Илгари “пропорсионал” бевосита ишлаб чиқариш харажатлари асосий рол ўйнаса, ҳозирги пайтда “кўшимча харажатлар”, яъни инфратузилма, фан, маориф, соғлиқни сақлаш харажатлари ўсиб бораяпти. Бу харажатларга табиий ресурслар сарфлари, меҳнат унуми потенциалини ўстириш, меҳнаткашларни соғлиги ва фаоллигини таъминловчи омили сифагида киритилади. Атроф-мухитни ифлосланишига сабаб иқтисодий ўсиш эмас, балки нархлардир, дея таъкидлашади улар.

Жамиятнинг ишлаб чиқара билиш қобилияти иқтисодий потенциал, деб аталади. Бу қобилият ишлаб чиқариш ресурслари миқдори ва сифати билан белгиланади, яратилган маҳсулотлар ва хизматлар миқдори билан ифода этилади. Иқтисодий потенциал жамият аъзоларининг эҳтиёжини кондириш учун ишлатилади. Агар эҳтиёжлар тўлароқ кондирилса, иқтисодий потенциал самарали ишлатилган бўлади. Потенциални ташкил этувчи ресурслар экстенсив ва интенсив ишлатилади. Улардан интенсив фойдалангандагина потенциал унсурлари бир-бирига мувофиқ бўлишлари керак.

Иқтисодий потенциалининг тўрт хили мавжуд:

Меҳнат потенциали – жамиядаги меҳнатта лаёқатли, билим ва малакага, ишлаб чиқара олиш қобилиятига эга бўлган кишилар. Меҳнат потенциалининг миқдорий ўлчами ишга яроқли кишилар сони бўлиб, унинг ўсиб бориши аҳолининг кўпайишидан келиб чиқади.

Сифат жиҳатдан меҳнат потенциали мазкур аҳолининг билим савияси, касбий малакаси ва тажрибасини билдиради.


Илм-маърифат потенциали – илм-маърифатга хизмат килувчи моддий ва инсоний ресурслар, фан эришган даражаси. Унинг уч асосий унсури мавжуд: жамланган илмий маълумотлар, илм-маърифат ахли, илм-маърифатнинг моддий базаси. Биринчи унсур илмий кашфиётлар, янги кашфиёт учун хизмат килувчи билимлар мажмуасидан иборат. Иккинчи унсур илмий-педагогик ходимлар ва уларнинг касбий маҳорати ва билимдонлигини қамрайди. Учинчи унсур илм-маърифат ихтиёридаги моддий ресурслар (бино, илмий ускуна, жиҳозлар, илмий асарлар, дарслеклар, ҳар хил тадқиқот асбоблари кабиллар)дан ташкил топади. Илм-маърифат потенциалини унга сарфланган маблағлар (жумладан, Инвестиция ҳам) ва илмий педагогик кадрлар сони ва малакаси белгилайди. Унинг самарали ишлатилиши ишлаб чиқариш натижасига қараб аниқланади.

Техника-технология потенциали – жамиятдаги машина-механизмлар микдори, уларнинг таркиби, техникавий даражаси ва ниҳоят, технологик тизимлар мажмууни ўз ичига олади. Бу потенциал фан ютуклари нақадар янги техника ва технологияда моддийлашгандигини билдиради. Техника-технология даражаси фан тараққиётига монанд тушиши шарт, аммо бунинг учун фан ютукларини амалийтга жорий этишин таъминловчи иқтисодий воситалар амал қилиши талаб қилинади. Агар бундай восита бўлмаса, фан ва техника потенциали бир-бирини таъминламай кўяди.

Табиий потенциал – табиий ресурслар микдори ва сифати, ишлаб чиқаришнинг об-ҳаво шароити. Табиий потенциал чекланган ва нотекис жойлашган бўлади. Табиий потенциални ер, жумладан, ярокли ер майдони, сув захиралари, ўрмон ва ер ости бойликлари, сув бойликлари, иклим қулайликлари ташкил этади. Улар иқтисодиётта кўмаклашуви ёки унга қўйинчилик туғдириши мумкин. Аммо табиий ресурслар яратган тўсикларни илмий ва техникавий потенциал бартараф этиши мумкин. Иқтисодий потенциал унсурлари биргаликда амал қилиб, бир-бираидаги этишмовчиликни тўлдиради.

7.4. Циклли иқтисодий ўсиш қонуни. Цикл турлари

Иқтисодиёт умуман илгарилаб борса-да, унинг ўсиши бир меъёрда ва равон кечмайди. Чунки иқтисодиётда циклли ривожланиш қонуни амал киласи ва бунга кўра иқтисодиёт ҳар доим бир текисда ривожланмайди, у муқаррар равишда ўсиш ва пасайишдан иборат цикллар шаклида юз беради. Бу қонунга биноан иқтисодиёт тўлқинсимон тус



олади. Тұлқин кутарилиб ва пасайиб турған каби, иқтисодиётта ўсиш билан биргалиқда унинг пасайиб кетиши хам юз беради. Бундай холат үрин алмашиб туради. Иқтисодиёттің тұлқинсимон ўсишини қуидаги чизмада күрсатылған (7.2-расм). Чизмада иқтисодиёт А1A2A3A4 нұкталарда юкорига күтарылғанлыгини, В1B2B3B4 нұкталарда унинг пасайланығын күрамиз. Иқтисодиёт бир маромда факат күтарылиб борғанда зди, унинг ҳаракати ОС биссектриса чизиги шаклида бўлар зди. Аммо амалда бундай бўлмайди. Иқтисодиётта күтарылиш ва пасайиш узлуксиз үрин алмашиб туради.

Иқтисодиёттің юксалиб ва пасайиб туриши, ўз ичиға оловчи давр иқтисодий цикл деб аталади.

Цикли ўсиш даврий ўсишни билдиради. Хўш, нима учун ўсиш шундай бўлади? Бунинг сабаблари кўп, лекин асосийси жами талаб (ТВ) ва таклиф (TF) ўртасидаги мувозанатнинг бузилишидир.

Жами талаб – бу барча субъектларнинг (хонадон, фирмалар, давлат ва жамоат ташкилотларининг) йигма талаби хисобланади. **Жами таклиф** барча ишлаб чиқарувчиларни ҳамма бозор (ресурс бозори, истемол товарлари бозори) га чиқарган вактда таклиф этилган товар ва хизматларнинг суммасидир. Иқтисодиёт бир маромда бориши учун TV=TF бўлиши зарур. Иқтисодиётта ноаниклик бўлганидан, бу мувозанат бузилиб TV> TF ёки TV <TF юзага келади. Одатда, TV <TF бўлганда ёки таклиф ортиб қолганда, бозор касод бўлади, товарлар яхши фойда берадиган нархда сотилмай қолади, чунки буни бозор күтармайди, ишлаб чиқариш қискаради, натижада унинг пасайиши юз беради. Айтилган номувофилик бутун миллий бозорда юз берганда иқтисодиёт қискаришга мойил бўлади. Иқтисодиёт тебраниб турар экан, унинг тұлқинсимон ривожланиши катта, ўрга ва кичик цикллар – даврлар мобайнида юз беради:

- ❖ Катта цикл 50-60 йил давом этади.
- ❖ Ўрта цикл 8-12 йил бўлади.
- ❖ Кичик цикллар 3-4 йил бўлади, “кўза ичиди кўзача” деганидек, цикл ичиди цикл бўлади.

Катта цикллар – бу иқтисодий ўсищдаги улкан бурилиш бўлиб, унинг ривожида янги давр очади. Бу фан –техникада улкан кашфиётлар қилиниши ва буни ишлаб чиқаришга жорий этилиши билан узвий боғлиқ. Масалан, ҳозирги катта цикл XX асрнинг 50-чи йилларида бошланиб, ҳозирда никоялаб қолган. У ядро энергияси, EXM, робототехника ва янги материаллар, космик техника, биотехнологиянинг ривожланиши билан боғлиқ. Булар мутглақо янги ишлаб чиқаришни яратиб, иқтисодиётті мисли кўрилмаган босқичга чиқарди.

Ўрта цикллар – бу катта цикл ичидаги 8-12 йиллик давр бўлиб, техникани шу давр мобайнида оммавий тусда янгиланиши билан

боглиқ. Ишлаб чиқариш қуввати техникавий жихатдан эскириб қолғанда уни янгилаш учун инвестиция юборилади. Бу ишлаб чиқаришни кенгайтириб, товар таклифларни оширади. Аммо таклиф хаддан зиёд ортиб кетиб, талаб орқада қолади, натижада ишлаб чиқариш пасаяди. Бундай холатдан чикиш учун яна техника янтиланади, янги товарлар ишлаб чиқарилади, эски товарлар такомиллашади, бозор кенгайиб, иқтисодиёт яна ўса боплади.

Кичик ёки конъюнктура цикллари – бу бозордаги талаб ва таклиф нисбатининг қисқа вақтда ўзгариши билан боғлиқ. Бозордаги талаб ўзгариб қетганда, таклиф унга жавоб бермай куяди, нарх пасайиб, эски товарларни чиқариш кулай бўлмай қолади. Янги товарлар чиқарилгач, уларга талаб ҳосил бўлади, ишлаб чиқариш кенгаяди. **Циклда 2 фаза ёки босқич бўлади:**

1) Рецессия (лотин. ресессус – чекиниш, кайтиш) ўз ичига кризис (ингл. кризис – танглик) ва депрессия (лотин. депрессио – пасайиш), яъни турғунликни олади. Кризис ҳолатида ишлаб чиқариш пасаяди, корхоналар ёпила бошлади, ишсизлик кўпаяди, чунки товарларга талаб пасаяди. Депрессия чогида пасайган ишлаб чиқариш шу холатда қалқиб туради, у ошмайди ҳам, қамаймайди ҳам. Бундай холат абдий эмас, факат вақти-вакти билан бўлиб туради, аммо ундан чиқиб кетиш ҳам мумкин.

2) Юксалиш рещессиядан сўнг келади, унда жонланиш ва бум (ингл. boom – тез кўтарилиш) ҳос бўлади. Турғунликдан чиқиши учун ишлаб чиқариш бозордаги талабга мослашади, қарз олиб бўлсада, инвестиция қилинади, бозорбоп товарлар ўзлаштирилади, талаб ортиб, ишлаб чиқаришга туртки беради, иқтисодиётга жон кириб, у гимирлаб қолади. Жонланиш пайтида ишлаб чиқаришдаги бандликни ва секин бўлса-да, унумдорлик ошади, даромад кўпайиб, жами талаб ортади. Натижада ишлаб чиқаришнинг тез кўтарилишига рағбат берилади. Инвестициялар янада ошиб, янги товарлар кўпаяди, улар тўхтовсиз сотилади. Мана шу бум дегани бўлади, ишлаб чиқариш чўққисига чиқиб, тангликдан олдинги даражадан ортиб кетади.

7.5. Иқтисодий бекарорлик ва хавсизлик.

Иқтисодий ўсиш, иқтисодий барқарорликни, тушкунлик эса бекарорликни алматидир. Буларни ўрин алмашиб туришини иқтисодий ўсишнинг цикли бўлиши, иқтисодий рискларнинг мавжудлиги юзага келтиради. Бекарорлик вақти-вақти билан бўлиб турадиган ҳодисадир. Бозор иқтисодиётини бозордан келган сигналларга мослашувчи иқтисодиётдир. Мослашув бўлганда иқтисодиёт бир маромда ўсади, у бўлмаганда иқтисодиёт издан чиқади, чунки бозор мувозанати бузилган бўлади. Буни бекарорлик тавсифлайдики, унинг бир қатор белгилари бор:

- Ишлаб чиқариш пасайиб кетади ёки у ланж аҳволга тушиб турғунлик пайдо бўлади.
- Товарларни сотилиши аввал сустланади, сўнгра пасайиб кетади.
- Экспорт ҳам қисқаради.
- Инвестиция фаоллиги пасайишга мойл бўлади.
- Бандлик ва аҳоли даромади қисқаради.
- Инфляция кучайиб кетади.
- Давлат ўз харажатларини қоплашига пул етишмай қолади.

Бекарорликни такрорланиб туриши иқтисодга хавф-хатар борлигидан дарак беради. Уни олдини олиб унга йўл бермаслик, у пайдо бўлганда ундан тезда чиқиб кетиши зарурати иқтисодий хавфсизликни таъминлашни талаб қиласди. Тангликдан фирмалар бозор шароитига мослашиб бориш воситасида чиқадилар. Тангликнинг узун ёки қисқа бўлиши, иқтисодиётнинг шу ҳолатдан барвақт ёки кечроқ чиқиб кетиши давлатнинг фаоллигига хам боғлиқ. Иқтисодни ўз холига ташлаб кўйилса, унинг дарди чўзилиб, соғайиши кечикиши мумкин. Бундан бутун жамият азиат чекади. Шу сабабли давлат иқтисодни даволаща қатнашади. Давлат фирмаларга соликлардан енгиллик беради, экспортдаги чеклашларни қисқартиради, фирмаларга ёрдам пули (субсидия) беради, фоиз пулини қисқартиради, булар билан инвестицияларни рағбатлантиради. Қаерда давлат фаоллик кўрсаца, шу ерда тездан бекарорликдан иқтисодий ўсиш босқичига чиқиб олинади. Аммо, бекарорликни такрорланиб туриши иқтисодиёт хавф-хатарга, яъни турли таҳдидларга дуч бўлиб туришини билдиради. Бунинг сабаби, биринчидан бозор иқтисодиётининг табиатдан рискли бўлиши, иккинчидан иқтисодий сиёсатда хато ва камчиликларга йўл қўйилишидир. Бундан ташқари, уларнинг табиий ва технологик оғатлар, аҳолининг гоят тез ўсиши, ресурслар камёблигининг кучайиши, ижтимойи-сиёсий бекарорлик, уруш ҳолатлари хам келтириб чиқади. Хавф-хатар ички ва ташки бўлади, уларнинг борлиги хавфсизликни таъминлашни талаб қиласди.

Иқтисодий хавфсизлик – бу миллий иқтисодиётнинг ички ва ташки хавф-хатардан химояланishiдир. Хавфсизликнинг асосий турлари: ишлаб чиқариш, молиявий, энергетика, озиқ-овқат ва ташки алоқалар хавфсизлигидир. Булар 2 йўл билан таъминланади:

1) Иқтисодий эркинликни кенгайтириб бозордаги рағбатни кучайтириш бозор кучларига йўл бериш орқали миллий иқтисодиётни барқарор ўстириши.

2) Давлатнинг хавфсизликка оид чора-тадбирларни амалга ошириш, ташки хавфсизликка эришиш учун давлатлараро ўзаро манфаатли ва мунтазам алоқалар ўрнатиши. Иқтисодиётни ички ва ташки таҳдидлардан химояланиш унинг истиқболига йўл очади.

7.6. Яширин иқтисодиёт.



Дунёнинг ҳар қандай давлатида, унинг сиёсий қурилиши, фуқароларининг турмуш даражаси ва бошқа ижтимоий-иқтисодий омиллардан қатъи назар, яширин иқтисодиёт мавжуд. Жаҳон банки маълумотларига кўра, яширин иқтисодиётнинг умумдунё даражаси ялпи ички маҳсулотнинг 17,2 фоизини ташкил этади ва бу кўрсаткич турли мамлакатларда турлича.

Масалан, бу борадаги энг паст кўрсаткич Швейцарияда аниқланган

бўлиб, у ЯИМнинг 8,6 фоизига teng. Хитойда 12,9 фоиз, Россияда 43,6 фоиз. Яширин иқтисодиётнинг энг юқори даражаси Боливияда кузатилиб, унинг ҳажми ЯИМнинг 66,4 фоизидан иборат. Мутахассисларнинг таъкидлашича, яширин иқтисодиёт кўламини қисқартириш бутун дунё бўйича долзарб масалалар қаторидан ўрин олган.

7.3-жадвал⁴⁸.

Айрим мамлакатларда “яширин иқтисодиёт”нинг прогноз кўрсаткичлари (ЯИМга % нисбатида)

Мамлакатлар	2016 й.	2017 й.	Прогноз		2011-2015 йй. ўртacha
			2020 й.	2025 й.	
Дунё бўйича	22,6	22,5	22,11	21,39	22,35
АҚШ	7,78	7,69	7,42	6,94	7,59
Япония	10,08	9,89	9,42	7,86	9,5
Хитой	10,15	10,17	10,05	9,9	10,12
Россия	39,07	39,29	39,37	39,3	39,19

Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт ҳажми ЯИМнинг 50%дан кўпроқни ташкил этган (12.01.2018 йил). Ўзбекистонда яширин иқтисодиёт ҳажми ЯИМнинг 48%-ни (245 трлн. сўм ёки 24 млрд. АҚШ доллари) ташкил этмоқда (09.11.2020 йил). Ўзбекистон яширин иқтисодиёт ЯИМ ҳажми 1999-2000 й., 34,1%, 2001-2002 й. 35,7%, 2002-2003 й. 37,2% ни ташкил қилган⁴⁹.

⁴⁸ <https://www.accaglobal.com/in/en/professional-insights/global-economics/Emerging-from-the-shadows.html>

⁴⁹ <https://tashkenttimes.uz/economy/5678-uzbekistan-s-shadow-economy-at-48-gdp>

Яширин иқтисодиёт нафақат мураккаб ижтимоий-иктисодий вокелик, балки давлат ҳисоби ҳамда назоратидан ташқарида ривожланадиган ва шу сабабдан ҳам расмий статистикада экс этмайдиган хўжалик фаолиятидир. Яширин иқтисодиётга берилган бундай таърифнинг ўзиёқ унинг мамлакат тараққиётига тўсқинлик, бюджет даромадларига эса салбий таъсир қилишини, шу боис, унга қарши курашиш ўта долзарблигини кўрсатмоқда.

Таъкидлаш жоизки, **коррупция** “яширин иқтисодиёт” ни авж олдирувчи энг йирик омилилардан саналади. БМТнинг маълумотларига кўра, ҳар йили дунё иқтисодиёти коррупциядан 2,6 трлн. доллар зарар кўрмоқда. Бу жаҳон ялпи маҳсулотининг 5 фоизини ташкил этиб, дунё бўйича берилаётган гуманитар ёрдамдан 25 баравар зиёддир.

Жаҳоннинг деярли барча давлатларида яширин иқтисодиёт мавжуд. Ҳозиргacha ҳали ҳеч бир мамлакатда уни буткул йўқ қилишга эришилмаган. Лекин ривожланган давлатларда бундай иқтисодиётнинг улуши ва таъсири минимал даражада камайтирилган. Шу ўринда таъкидлаш керакки, яширин иқтисодиётда валюта қора бозорининг ўрни жуда катта ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳалигача ҳам энг йирик нақд пул айланмалари АҚШ долларида амалга оширилмоқда. Ноқонуний йирик битимлар, яъни уй-жой, автомобиль ва бошқа кўплаб товарлар олди-сотдилари АҚШ долларида амалга оширилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Банқдан ташқари айланадиган бундай хорижий валютанинг бевосита миллий валютамизга етказаётган зарари охир-оқибат сўмнинг қадрсизланишига олиб келади. Аксарият маҳсулотларнинг четдан нақд пулга сотиб олиб келтирилиши ёки хуфиёна битимлар туфайли маҳсулотларнинг мамлакатимизга олиб кириб сотилиши, соликдан қочиб фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг мавжудлиги айrim кўштириноқ ичидаги ҳомийларга кўл келмоқда. Энг ёмони, ўз тадбиркорлик фаолиятини ҳалол йўлга кўйган ва ишлаб чиқараётган маҳсулотини қонуний сатаётган субъектларга жиддий зиён етказяпти. Умуман, яширин иқтисодиёт кўламининг кенгайиб бориши, ўз навбатида, мамлакатда яратилган миллий бойликнинг тақсимланиши ва қайта тақсимланишида тенгсизликни келтириб чиқаради.

Аҳоли даромадларининг тўғри тақсимланмаслиги эса жамиятда ижтимоий мухитнинг ёмонлашуви, давлатнинг иқтисодиётни бошқариш механизmlарининг кучсизланишига олиб келади. Боз устига, жиноий фаолиятнинг ҳамда уюшган жиноятчиликнинг авж олишига шароит яратиб, инвестицион мухитта салбий таъсир кўрсатади, аҳолининг давлат томонидан ўтказилаётган ислоҳотларга

бўлган ишончини йўқотади. Одатда яширин иқтисодиётнинг ривожланишига солик юки ва бож тўловларининг юқорилиги, турли лицензия, сертификат ва рухсатномалар олинишида қўзда тутилмаган харажатларнинг мавжудлиги, контрабанда йўли билан олиб кирилган маҳсулотлар, хомашёлар етказиб берилишида тегишли ҳужоатларни расмийлаштиришдаги бюрократик тўсиқлар сабаб бўлади. Яширин иқтисодиёт дунё миқёсида мавжуд бўлиб, унинг улуши турли мамлакатларда турличадир. Бир қатор халқаро молия ташкилотлари томонидан яширин иқтисодиётнинг таъсирини ўрганиш юзасидан таҳлиллар ўтказилган. Тадқиқотлардан келиб чиқиб муайян хулоса чиқариш мумкин. Яъни яширин иқтисодиётни аниқлашнинг стандарт ва универсал ёндашувлари бўлмаса ҳам бугунги кунга келиб бир нечта усуслари шакланган ва уларнинг қўлланилиши аниқ шароитлар, баҳоланадиган масалаларнинг ўзига хослиги ҳамда соҳалари ва бошқа кўплаб омилларга боғлиқ. Улар жумласидан Халқаро валюта жамгармаси, Жаҳон банки методологияларини чуқур ўрганган ҳолда амалиётда қўллаш мақсадга мувофиқдир. Мутахассислар фикрича, солик ва ижтимоий тўловларнинг ЯИМга бўлган нисбати 33 фоиз бўлса, бу яширин иқтисодиёт кўпайишнинг кескин нуқтаси хисобланади.

Жаҳон амалиётида яширин иқтисодиётни монетар усуlda баҳолашнинг уч тури мавжуд. Гутман усулида расмий ялпи ички маҳсулот, иқтисодиётнинг яширин секторида яратиладиган ялпи маҳсулот, нақд пул айланмаси, талаб қилиб олингунича сақланадиган маблағ-депозит, нақд пул ҳажмининг ушбу депозитга нисбати ҳисобланади. Танзи усулида нақд пулнинг жами пул массасига нисбати, ўртача солик ставкаси, тез муддатли депозитларнинг фоиз даражаси, ахоли жон бошига даромад ҳамда иш ҳақининг миллий даромадга нисбати эътиборга олинади. Фейге эса транзакцион усул дейилади. Бундан ташқари, бугунги кунда қатор давлатларда кўп индикаторли мултиплектив сабаблар ва таъсирлар модели (MIMIC)ни қўллаш кенг тарқалганки, унинг ёрдамида яширин иқтисодиётнинг мавжудлиги ва ўсишининг бир нечта сабаблари, шунингдек, унинг муайян бир давр мобайнида иқтисодиётга кўрсатган самараси ўрганилади.

Яширин иқтисодиёт ҳажмини монетар усул билан баҳолаш чоғида маълум бўлишича, бундай иқтисодиётнинг фаолият юритишидаги молиявий омиллар қаторидан нақд пул муомаласи даражасининг юқорилиги, молиявий секторнинг ривожланмагани, банкларга ишончнинг камлиги, валюта операциялари бўйича чекловларнинг мавжудлиги ўрин олган.

VIII БОБ. МОЛИЯ. КРЕДИТ ВА КРЕДИТЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ.

8.1. Молия тушунчаси ва турлари

Молия - бу пулни, инвестицияларни ва бошқа молиявий воситаларни ўрганиш тизимини тавсифловчи атама.



Молия - пул маблағларининг ҳаракати, яъни уларнинг шаклланиши, тақсимланиши ва фойдаланилиши билан боғлиқ бўлган муносабатлардир. Баъзи иқтисодчилар молияни 4 тоифага ажратишни маъкул кўрадилар: давлат **молияси**, корпоратив **молия**, ва **шахсий молия**. Яқинда пайдо бўлган **молиявий хулиқ-атвор** соҳаси ҳам мавжуд. **Молиявий хулиқ-атвор** молиявий қарорлар натижасида билим (масалан, ҳиссий, ижтимоий ва психологик) сабабларини аниқлашга каратилган⁵⁰.

Давлат молияси солиқ тизимларини, давлат ҳаражатларини, бюджет жараёнларини, барқарорлаштириш сиёсати ва воситаларини, қарз масалаларини ва бошқа ҳукумат муаммоларини ўз ичига олади. **Корхона молияси** бизнес учун активларни, мажбуриятларни, даромадларни ва қарзларни бошқаришни ўз ичига олади. **Шахс молияси** бюджет, сугўрта, ипотека режалаштириш, жамғарма ва нафақа режалаштиришни ўз ичига олган шахсий ёки уй хўжаликларининг барча молиявий қарорлар ва фаолиятларини белгилайди.

Давлат молияси

Давлат молияси - ҳукуматнинг иқтисодиётдаги ролини ўрганишдир⁵¹. Бу давлатнинг даромадларини ва давлат муассасалари томонидан давлат маблағларини сарфлайдиган ва керакли натижаларга эришиш ва эришмайдиганларини олдини олиш учун бир ёки бир нечта тузатишни ҳисоблайдиган иқтисодиётнинг сектори⁵².

Давлат молияси учта ҳолатга эътиборини қаратди:

- (1) ҳукумат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаш;
- (2) даромадларни адолатли тақсимлаш;
- (3) макроиқтисодий барқарорликка эришиш.

Давлат молияси давлат ресурсларни, даромадларни тақсимлашни ва иқтисодиётни барқарорлаштиришни назорат қилиб, бозордаги муваффақиятизлика барҳам беришга ёрдам беради. Ушбу

⁵⁰ <https://www.investopedia.com>

⁵¹ Gruber, Jonathan (2005). Public Finance and Public Policy. New York: Worth Publications.
Page 2

⁵² Jain, P S (1974). Economics of public finance.

дастурларни мунтазам равишида молиялаштириш, асосан, солиқса тортиш йўли билан таъминланади. Банклар, суғўрта компаниялари ва бошқа хукуматларнинг қарзларини тўлаш ва компаниядан дивидендлар олиш федерал хукуматни молиялаштиришга ёрдам беради. Давлат ва маҳаллий хукуматлар ҳам федерал хукумат томонидан грантлар ва ёрдам олишади. Давлат молиясининг бошқа манбалари портлар, аэропорт хизматлари ва бошқа обьектлардан фойдаланиш учун тўловларни ўз ичига олади, қонунларнинг бузилиши оқибатида жарималар, лицензиядан ва ҳайдовчиликдан олинадиган даромадлардан, давлат қимматли қоғозлари ва облигацияларни сотишдан тушган маблағлар эвазига шаклланади.

Иккисодиётдан етарли даражада ресурсларни тўплаш ва ушбу ресурсларни самарали ишлатиш билан биргалиқда яхши молиявий бошқарувни ташкил этиш керак. Ресурсларни яратиш, ресурсларни тақсимлаш ва харажатларни бошқариш (ресурслардан фойдаланиш) давлат молиявий бошқарув тизимининг муҳим қисмидир. Куйидагилар давлат молиясининг предмети бўлиб ҳисобланади:

- давлат харажатлари;
- давлат даромади;
- давлат қарзлари;
- молиявий бошқарув;
- федерал молия;

Корпоратив молия

Корпоратив молия – бу манбаларни молиялаштириш ва корпорацияларнинг сармоявий тузилмалари билан шуғулланадиган, раҳбарларнинг фирма қийматини акциядорларга ошириш ва молиявий ресурсларни ажратиш учун қўлланиладиган воситалар ва таҳлиллар мажмуудир⁵³.

Гарчи бу корпорацияларнинг ўзи эмас, балки барча фирмаларнинг молиявий бошқарувини ўрганадиган бошқарув молиясидан фарқли бўлсада, корпоратив молияни ўрганишдаги асосий тушунчалар ҳар қандай фирманинг молиявий муаммоларига нисбатан қўлланилади. Корхона молияси, одатда, корхона активларини максимал даражада оширишни, пул оқимининг аниқ оқими ва ҳисса нархини максимал даражада оширишга интилиб, рискларни ва рентабелликни баланслашни ўз ичига олади ва умуман сармояларни тақсимлашнинг учта асосий йўналишини қамраб олади.

Биринчидан, «капиталини бюджетлаштириш» га раҳбарлик қайси «лойиҳалар» ни (агар мавжуд бўлса) танлаши керак. Сармояларни бюджетлаштириш тартиби одатдаги бизнесни баҳолаш

⁵³ Corporate Finance: First Principles, Aswat Damodaran, Stern School of Business, University of New York

методларини қўллаши ёки ҳатто реал варианtlарни баҳолашга ҳам татбиқ этилиши мумкин.

Иккинчидан, «капитал манбаларини шакиллантириш» ушбу инвестициялар қандай молиялаштирилиши кераклиги билан боғлик бўлиб, инвестиция маблағлари акциядорлар томонидан, масалан, акциядорлар томонидан (хусусий ёки оммавий равишда таклиф қилиши), кредиторлар облигациялар шаклида ва фирма операциялари (пул оқими) турли манбалар орқали берилиши мумкин. Қисқа



Гарри Марковиши (1927й.), 1990 йилдаги Нобель мукофоти Гарри Марковишига “молиявий бозор иктисодиёти назариясига оид биринчи ишлари учун” берилди. Бу олимнинг бир қанча тадқиқотлари молия назариясига бағишлиланган бўлиб, фирмани бошқариш билан боғлик. Унинг исемини, асосан, “портфель танлаш назарияси” билан боглашади ва 1952 йилда чоп этилган “Портфель танлаш” мақоласини ёдга олишади. Мазкур мақолада илгари сурълган фикр ва foялар хозирги замон молия фанига асос бўлган. Ушбу тадқиқотда корхона молияси (портфель)да умумий диверсификация амалиёти кўриб чиқилади ва инвестор акция танлашда таваккалчилликда хатони қандай камайтириши мумкинлиги баён этилади. Олим бу ишни фаолияти давомида тақомиллаштириб боради. Гарри Марковишининг тамойиллари асосида таваккалчиллик ҳамда даромад ўртасидаги боғликлек ва капиталнинг оптимал тузилмасини шакиллантириш масалалари ўрганилди. Унинг портфель танлаш назариясидаги илмий ишлари молиявий микроиктисодий таҳлилнинг яратилишига ҳамда молияда ва иктиносий таҳлилда янги ихтийорлар килинишига сабаб бўлди.

муддатли молиялаштириш ёки айланма маблағларни асосан банклар томонидан кредит линияси тақдим этилади. Ушбу элементлар ўртасидаги мувозанат компаниянинг капитал тузилишини шакиллантиради.

Учинчидан, «дивиденд сиёсати» менежментдан келадиган келгусида инвестицион операцион талаблар учун ёки низо эгаларига тақсимланадиган ҳар қандай ноқонуний фойда (ортиқча накд) сақланиши кераклигини аниқлаш учун раҳбариятни талаб килади. Қисқа муддатли молиявий бошқариш кўпинчча «айланма маблағларни бошқариш» деб номланади ва пул, инвентаризация ва қарздорларни бошқариш билан боғлик.

Корхона молияси, шунингдек, бизнесни баҳолаш, акциядорликни инвестициялаш ёки инвестицион бошқарувни ҳам ўз ичига олади. Инвестиция - бу даромадни тўлашда катта даромадлиликни таъминлашга умид қиласиган вакт ичida унинг қийматини сақлаб қолиш ёки оширишга умид қилиб, активни сотиб олиш.

Инвестицияларни бошқаришда - портфелни танлашда - молиявий таҳлилдан қандай, қанча ва қачон инвестиция қилишни аниқлаш керак.

Бунинг учун компания қуйидагиларни бажариши керак:

- Тегишли мақсадлар ва чекловларни аниқлаш: институт ёки шахсий мақсадлар, вакт уғұллари, хавфдан қочиш ва солиқ қараашлари;

- Тегишли стратегияни аниқлаш: фаол ва нисбатан пассив ҳимоя стратегиясі;

- Портфел иш фаолиятини ўлчаш.

Молиявий таваккалчиликни бошқариш, корпоратив молиялаштиришнинг элементи бўлиб, хавф-хатарни бошқариш учун молиявий воситалар, хусусан, кредит хавфи ва бозор хавфини бошқариш воситасида фирманинг иқтисодий қийматини яратиш ва ҳимоя қилиш амалиётидир. Молиявий воситалар қачон ва қандай заарнинг олдини олишга қаратилган. Бу маънода у молиявий муҳандислик билан бир хилдир. Умумий таваккалчилик бошқарувига ўхшаб, молиявий рискларни бошқариш, ресурсларни идентификациялаш, уни ўлчашни талаб қиласи ва уларни ҳал этиш режаларини ишлаб чиқиши ва сифатли ва миқдорий бўлиши мумкин. Дунё бўйлаб банк секторида Базел келишувлари одатда ҳалқаро фаол банклар томонидан операцион, кредит ва бозор хавфларини кузатиш, ҳисобот бериш ва очиш учун қабул қилинади.

Шахс молияси

Шахс молияси - бу турли хил молиявий рискларни ва келажақдаги ҳаёт воқеаларини инобатта олган ҳолда, шахсий ёки оила бирлигининг бюджетни молиялаштириш, маблағларни тежаш ва пул маблагларини вакт ичida сарфлашни амалга оширадиган молиявий бошқарувидир⁵⁴.

Шахс молияси режалаштираёттанды, шахс бир қатор банк маҳсулотлари (назорат, жамғарма ҳисоблари, кредит карталари ва истеммол кредитлари) ёки инвестицияларнинг хусусий капитали (фонд бозори, облигациялар, инвестиция фондлари) ва сугўрта (ҳаётни сугўрталаш, соғлиқ сугўртаси, ногиронлик сугўртаси) маҳсулотларини ёки иш берувчилар ҳомийлигига пенсия режаларини, ижтимоий таъминот имтиёзларини ва даромад солигини бошқаришни назорат қилиш ва қатнашишни англатади.

Шахс молиясига оид энг қадимги тадқиқот 1920-йилда Чикаго университетида **Хазел Кийирк** томонидан амалга оширилган. Унинг диссертацияси истеммол ва оила иқтисодига бағищланган⁵⁵. 1947 йилда, Нобел мүкофоти совриндори **Герберт А. Симон**, қарор қабул

⁵⁴ "Personal Finance". Investopedia. Retrieved 7 April 2012.

⁵⁵ Tahira, K. Hira (December 1, 2009). "Person Finance: Past, Present and Future". Social Research Research Network. University of Iowa - Department of Human Development and Family Studies: pp. 4-16.

қилаётган шахс чекланган пул ресурслари ва шахсий мойиллуклари туфайли ҳар доим хам энг яхши молиявий қарор қабул қилмаслигини айтган. 2009 йилда Дан Ариелли 2008 йилги молиявий инқизор одамларнинг доимо оқилона молиявий қарорлар қабул қилмаслигини ва бозор иқтисодиётнинг ҳар қандай номутаносиблигини ўз-ўзидан тартибга солувчи ва тузатувчи эмаслигини асослаб берди⁵⁶.

Хулқ-автор молияси⁵⁷

Хулқ-автор молияси инвесторларнинг доимо оқилона эмаслиги, ўзларини назорат қилишлари чекланганлиги ва ўзларининг нотўғри қарашлари таъсириига қаратилади.

Хулқ-автор молиясини тушуниш учун, аввало аньанавий молиявий назария билан фарқлаш керак.

Аньанавий молия қуйидаги эътиқодга асосланади:

- Бозор ва инвесторлар жуда ақилли
- Инвесторлар аслида факат фойда олиш хусусиятларига эгалик қиласидилар
- Инвесторлар мукаммал ўз-ўзини назорат қила оладилар
- Инвесторлар когнитив хатолар ёки ахборотни қайта ишлаш хатолари билан аралашиб кетмайди.

Хулқ-автор молиясининг хусусиятларии:

- Инвесторлар ўзларини «оддий» тутишади «ақилли» эмас
- Инвесторларда аслида, ўзларини назорат қилишлари учун чекловлар мавжуд
- Инвесторлар ўзларининг хулқ-авторидан таъсириланади
- Инвесторлар нотўғри қарорларга олиб келиши мумкин бўлган когнитив хатолар қилишади

Хулоса қиласиган бўлсақ, хулқ-автор молияси психология ва молиянинг қоришмасидир. У инвесторларнинг қандай қилиб молиявий қарорларни қабул қилиши ва бу қарорлар жамиятга таъсириини, шунингдек одамлар нега қимматбаҳо қофозларни сотиб олишини ўрганади.

Молия ва унинг функциялари.

Бозор иқтисодиёти товар ва пул ҳаракатига асосланади шу боис миллий иқтисодиёт икки соҳага ажралади.

Реал-сектор. Бу товар ва хизматларнинг ишлаб чиқаришдан истеъмолгача бўлган ҳаракатини англатади.

Пул-сектори. Бу иқтисоддаги товар ва хизматлар ҳаракатига қарама-қарши борадиган пул ҳаракатини билдиради.

⁵⁶ Ariely, Dan (July 2009). "The end of a smart economy." Harvard Business Review. September 28, 2015.

⁵⁷ <https://www.investopedia.com>

Миллий иқтисодиётдаги товар, хизматлар ва пул оқими қуидаги кўринишда бўлади (8.1-расм).

Чизмага назар ташласак, фирмалар, хонадонлар ва давлат идоралари бир-бирига бозор орқали товар ва хизматлар етказиб берадилар ҳамда бир-биридан пул оладилар. Товарни сотган томон олган пули унинг даромадини (тушумини) ҳосил этади, худди шу пул товарни олган учун харажат бўлади. Натижада иқтисодиётда даромад ва харажатдан иборат пул оқими пайдо бўлади ва бу молияни юзага келтиради.



8.1. Расм. Макроиктисодий оборот

Жамиятнинг даромади – бу пулда ҳисобланган ялпи ички маҳсулотнинг бозор қийматидир. Масалан, 2018 йил Ўзбекистонда ЯИМ 407,5 трлн сўмни ташкил этди, у тақсимланиб пул ресурслари, яъни фондлари (жамғарма-лари)ни ҳосил этади, хонадон, фирмалар (корхоналар)нинг, нодавлат ташкилотларнинг ва давлатнинг даромадлари юзага келди. Бу билан молия муносабати пайдо бўлди. Молия деганда, пул ресурслари (жамғармалари)ни ҳосил этиш, уларни тақсимлаш ва маълум мақсад йўлида ишлатиш тушунилади. Молия дастлаб фирмаларда пайдо бўлади. Бу ерда олинган пул тушумидаромад бўлиб, бу амортизация, иш ҳақи тўлаш, мукофот бериш, солик ва банкдан олган қарзни тўлаш, хайрия ишлари ва инвестициялар учун ажратилади.

Хонадонлар ўз даромадидан товарлар олиш, ҳар хил солик ва қарзларини тўлаш ва жамғариш учун пул ажратади. Фирма ва хонадон давлатга берган соликлар ва бошқа тўловлар унинг даромадини ҳосил этади ва бу маълум мақсад йўлида яъни ижтимоий таъминот, соғлиқни сақлаш, маориф, маданият, спорт ва давлат инвестициялари учун ишлатилиади.

Молия умуман пулнинг кўлдан кўлга ўтиши эмас, балки уни маҳсус мақсадда ишлатиш учун фонд ҳосил этиши бўлади. Масалан,

ўкувчи уйдан ўқишига бориб келиш учун 5000 сўм олди, буни автобус ва овқатланиш учун сарфлади. Бу ерда шунчаки пулни харид учун сарфланиши юз берди, шу сабабли молия келиб чиқмади. Агар ўқувчи келажакда велосипед олиш учун ишлаб пул топса ва уни жамғарип борса, молия юзага келади, чунки у мақсадли фонд ҳосил этади. Албатта бу шунчаки бир мисол. Амалда молия ғоят мураккаб пул билан боғлиқ алоқаларни билдиради.

Бозор иқтисоди пул билан тирик эканидан унинг учун молия катта аҳамиятга эга ва бу унинг функцияларида ифода этилади:

1) Молия пул даромадларини иқтисодиётнинг субъектлари бўлмиш фирмалар, хонадон хўжаликлари ва давлат ўргасида тақсимлайди;

2) Соликлардан сийлов бериш, давлат ҳисобидан пул билан кўмак бериш орқали фирмалар ва ташкилотларнинг яхши ишлашини молия рағбатлантиради. Фирма молияси ишловчиларга мукофот бериш, шерикларга девидент ажратиш пул мажбуриятларини вақтида тўлаш орқали ўз иши ва ўзгалар фаолиятини рағбатлантиради;

3) Молия иқтисодиётини бошқариш ишини ахборот билан таъминлайди, чунки молиявий кўрсаткичлар (фойда миқдори, рентабеллик, зарар миқдори, қарздорлик, ликвидлик кабилар) менежментда кўл келади;

4) Молия ижтимоий соҳаларни (маориф, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт)ни пул билан таъминлайди, аҳолининг ночор қатламларига нафақалар берилади.

Молиялаштириш усуслари.

Молия бор экан молиялаштириш ҳам бўлади. Молиялаштириш муйайян даврда маълум ишларни пул билан таъминлашдир. Молиялаштиришнинг 4 та усули бор:

1. **Ўзини ўзи молиялаштириш.** Бу усул коммерция яъни пул топар-пул учун ишлайдиган фирма ва ташкилотлар ва хонадонларга хос, булар ўз харажатини ўз пули билан қоплади. Масалан, фирма харажатини товар ва хизматлар сотишдан келган пули ва қарз кўтарган пули билан қоплади.

2. **Бюджетдан молиялаштириш.** Бунда харажатлар учун зарур пул бюджетдан берилади. Шу усулда пул билан таъминланувчи ташкилотлар бюджет ташкилотлари деб юритилади. Булар жумласига мактаблар, лицейлар, институтлар, университетлар, поликлиника ва касалхоналар давлатни бошқарув идора ва ташкилотлари киради.

3. **Ҳомийлар томонидан молиялаштириш.** Бунда харажатлар ҳомийлар хайру эҳсон қоидалари асосида ажратган пул билан қопланади. Ҳомийликни давлат, фирмалар, банклар ва айрим пулдор шахслар амалга оширадилар.

4. Аралаш усул. Бунда молиялаштириш кўп манбали бўлади, яъни зарур пул ўзиники, бюджетники ва ҳомийларники бўлиши мумкин. Масалан, университет бюджетидан пул олади, ўзи пул олиб ўқитади, чет элдан грант олади. Ҳозир Ўзбекистон олий ўкув юртлари харажатини 60 % бюджет, 40 % ни уларни ўзи топган пул(контракт) таъминлайди. Молиялаштириш турли манбалардан бўлсада бозор қоидаларига кўра ўзини ўзи молиялаштириш устиворлик қилиши керак.

8.2. Молия бозори.

Молия бозори орқали пул таҳсиланиб керакли соҳаларга юборилади. Хўш молия бозори нима?

Молия бозори молия активлари (пул, акция, облигация, сертификатлар) олди сотди қилинадиган бозор. Бу миллий бозорнинг бир қисми, яъни сегментидирки, унда фирмалар, хонадонлар ва давлат идора ташкилотлари қатнашади. Булар молия бозорининг субъекти бўлса молиявий активлар унинг обьекти ҳисобланади. Молия бозори икки қисмдан иборат:

❖ Фонд (қимматли қоғозлар) бозори

❖ Пул бозори, яъни қарз пули ва валюта бозори. Фонд бозоридаги сотувчилар қимматли қоғозлар эгаси бўлса, харидорлар эса инвесторлар(пул тикувчи) дан иборат бўлади. Харидорлар ва сотувчилар ўртасидаги воситачилар борки булар фонд биржалари, брокерлар идораси ва айрим чайковчилардан иборат бўлади. Фонд бозорига қуйидаги молия активлари таклиф этилади.

1. Акция – девидент шаклида даромад келтирувчи қимматли қоғоз бўлиб, уни ўз номидан чиқарувчи фирмалар копманиялар эмитент деб юритилади. Акция берадиган девидент унинг ортида турган копитал ишлаб чиқаришда яратган фойда ҳисобланади. Фойданинг ўзгариб туриши девидентни ҳам ўзгарувчан қиласи. Бир йили акцияга 8 % девидент тегса кейин 6 % ва хатто 3 % тегиши мумкин.

2. Облигация – бу фоиз шаклида қатий белгиланган даромад келтирувчи қимматли қоғоздир. У икки хил бўлади:

– Давлат облигациялари

– Корпоратив яъни фирма ва компаниялар облигацияси.

Облигация акциядан фарқлироқ қатий даромад келтиради, лекин бу акция девидентидан оз ёки кўп бўлиши мумкин. Облигацияларни хукуматдан ташқари йирик обрўли, бренди юқори корпорациялар чиқаради, чунки уларни фоиз тўлашга кучи етади.



3. Деривотивлар – булар акцияларни сотиб олиш хусусида тузилган битимлар бўлиб, булар ҳам сотовуга кўйилади. Акциялар билан чайқовчилик қилиш мақсадида улар бозорга бир неча бор чиқарилади.

4. Сертификатлар – бу банклар номидан чиқарилган қоғоз бўлиб, банк капиталидаги улушни билдиради. Уни сотиб олганлар шу улушнинг эгасига айланади ва унинг катта-кичиклигига ва банкнинг рентабеллигига караб унинг фойдасини бир кисмими олишга хақли бўлади. Айтилган қоғозлар билан фонд бозорида чайқовчилик қилинади, яъни арzon олиниб қимматига сотилади. Қоғозларнинг арzon ёки қимматлигини унинг нархи белгилайди.



Уильям Шарп (1934 й.), 1990 йилда нобел мукофоти сохиби, инвестицион фаолиятни фонд бозори орқали молиялаштириш механизмига алоҳида зътибор қаратади.

Унинг фикрича, қимматли қоғозларнинг даромадлилиги ва рисклилиги ўртасидаги тўғридан-тўғри алоқага эга бўлган оқилона инвестицион стратегия инвестицион фаолиятни молиялаштиришининг асоси ҳисобланади.

Молиявий воситачилар (тижорат банклари, жамғарма ва кредит уюшмалари, кредит итифоклари, сувурта компаниялари, ўзаро ёрдам фонdlари, пенсия фонdlари) эса корпорацияларнинг фонд бозоридан кўшимча маблаглар жалб килип имкониятини билвосята тъммилайди.

1964 йилда чоп этилган “Акция капитали нархлари – риск шаронтида бозор мувозанати назарияси” (“Capital Asset Prices - A Theory of Market Equilibrium Under Conditions of Risk”) деб номланган мақолосида баён қиласди. Ушбу мақолосида Шарп ҳозирги замон молия фанининг энг муҳим ғояларидан бири бўлган акция капиталининг нархлар модели асослари ҳакида баён қиласди. Бу модель кутилаётган даромадлилик ва таваккалчilik даражасига боғлик равишда молия активлари нархларнинг шаклланishiни изоҳлайди. Шарп томондан ишланган модельнинг асосида кўйидаги фикр турар эди: инвестор, яъни акция эгаси карз олишида капитални комбинациялаш ва рисклилиги қимматбаҳо қоғозлар оптимал портфелини тегишли равишда танлаш орқали рискнинг олдини олиши мумкин.

Бозорга энг кўп таклиф этиладиган қоғоз акция курси бўлиб, унинг нархи акция курси деб аталади. Фонд бозорида талаб-таклиф таъсири остида акция нархларини ўрнатилиши акция курсининг биржадаги котировкаси дейилади. Биржа котировкаси бир неча марта юз беради, чунки акция курси тез ўзгариб туради. Акция курсига унинг даромадлилиги, ишончли бўлиши, уни чиқарган элементнинг имиджи ва хатто сиёсий вазияти ҳам таъсир этади.

Фонд бозорида ҳам мукобил танлов қоидаси амал қиласди. Бу ерда харидор танловида уч нарса ҳисобга олинади:

а) Акциянинг даромадлилиги

б) Унинг ликвидлилиги

в) Унинг рисклилиги

Даромадлилик бу акция ўз эгасига қанча даромад келтира олиши. Акция даромади жорий даромад ва провард даромадлиликдан иборат. Жорий даромад акцияга ҳар йили тегадиган девидент микдори қайси акцияга девиданд кўп тегса шу харид қилинади.

Провард даромад – бу акциянинг қайта сотилиши келтирадиган даромад, буни курс даромади дейишади. Курс даромади Ак акциянинг сотиб олиш ва қайта сотиш чоғидаги курсининг фарқидан иборат бу. Аммо бу фарқ факат мусбат яъни ижобий бўлганидагина даромад олинади. Масалан 100 долларлик акция биржадан 110 долларга олинниб кейинчалик у 120 долларга сотилса курс даромади 10 доллар ($120-110=10$) бўлади. Акция эгаси оладиган умумий даромад жорий ва курсе даромадига боғлиқ бўлади. Акциянинг умумий даромадлилиги жорий даромадлар (девидент) ва курсе даромадини акциянинг дастлабки нархига нисбатлаш орқали аниқланади. Бунда Айтайлик 200 долларга олинган акция 10 доллар девидент ва 10 доллар курсе даромадини берди. Бунда умумий даромадлилик куйидагича бўлади

Акция даромади ликвидлилик билан ҳам солиштирилади. Ликвидлилик бу акциянинг қайтадан нақадар тез сотилишидир, яъни пулланишидир. Одатда бренди юқори корпорациялар акцияси ликвидлиги юқори бўлади, чунки уларнинг молиявий бақувватлилигига ишонч бўлади. Юқори ликвидлик курс даромадини кафолатлади. Шу боис девиденти оз бўлсада ликвидлиги юқори акциялар танланниб олинади, чунки бу ерда риск кичик бўлади. Риск-бу акциянинг пул керак бўлганда сотилмай қолишидир. Демак фонд бозори акцияни олиш ёки олмаслик, кўп ёки оз олиш айтилган Зомилга боғлиқ бўлади.

Фонд бозори иқтисодиётда муҳим функцияларни бажаради:

1. Кичик пулларни бирлаштириб катта пулга бинобарин капиталга айлантиради. Бўш турган пуллар оборотга киритилади.

2. Капитал соҳиблари қатори кенгаяди. Пули озлар ҳам акция ва облигацияларни олиб капитал соҳибига айланнишидир.

3. Халқ фаровонлигига хизмат қиласи. Акция ва облигация эгалари ундан мулк даромадини олиб ўз фаровонлигини оширадилар.

4. Иқтисодиётни тартиблашда иштирок этади. Бу ерда турли фирмалар акциясини сотилиши капитални тақсимланиши ҳисобланади. Кимни акцияси кўп сотилса капитал-пул унга тегади. Акцияси сотилмаганларга капитал тегмайди. Шу йўсинда капитал кераксиз соҳалардан кетиб керакли соҳаларга ўтади, бу билан ишлаб чиқариш тартибга туширилади.

8.3. Кредит тушунчаси, тамойиллари ва турлари.

Молия бозорининг таркибидағи пул бозори бўлиб бу кредит ва валюта бозоридан иборат. Кредит бозори-бу қарз пулининг бозоридир. Пул бор жойда қарз олиш ва қарз бериш юзага келади. Пулнинг ўз эгаси қўлига келиб тушиши ва ишлатилиши бир вақтда юз бермайди, натижада пул вақтинча бўш қолади, айни пайтда бошқа ерда пул етишмай қолади.



Кредит – жисмоний ва юридик шахсларнинг вакътичалик бўш маблағларини муайян тамойиллар асосида, яъни маълум муддатга ҳақ тўлаши ва қайтариш шарти билан бошқаларга фойдаланишига бериши жараённада вузудга келган иқтисодий муносабатлар мажмуи.

Кредит (лат. “*creditum*” – қарз) – пул маблағлари ёки товарни қарзга бериш. Фирма, компания, фермер, ишчи-хизматчилар, нафақаҳўрлар, давлат идоралари, мулк сохибларига теккан пулининг бир қисми сарфланса, иккинчи қисми йигилиб жамгарилади. Жамланган пул иштирокида кредит ресурсларини ҳосил этади. Аммо кредитга талаб ошганда кредит эмисияси амалга оширилади, яъни кредит учун кўшимча пул чиқарилади ва бу кредит ресурсларига келиб қўшилади. Бу ресурсни кредит ташкилотлари мухтоҷларга қарз қилиб беради. Қарзни ким беришига қараб кредит фарқланади.

Кредитга бўлган талаб қайси усулда ва муддатда, ким томондан қондирилишига ва қарз олувчиларга таклиф қилинишига қараб, кредит бир неча тур ва шаклларга бўлинади. Узоқ давлардан бўён кредитнинг куйидаги турлари кўлланилиб келинмоқда:

- **Қисқа муддатли кредитлаш;**
- **Узоқ муддатли кредитлаш.**

Қисқа муддатли кредитлашда кредитлар бир неча ойлардан бир йилгача бўлган муддатга берилади. Бу турдаги кредитлар ишлаб чиқариш айланма фондлари ва муомала фондларининг доиравий айланишининг узлуксизлигини таъминлайди. Бизга маълумки, айланма фондларнинг доиравий айланиши деярли барча ишлаб чиқариш соҳаларида бир йил ва ундан камроқ вақт давом қиласи. Бир йил фондлар айланишининг табиий ўлчови сифатида хизмат қиласи. Шунинг учун ҳам, бир йил қисқа ва узоқ муддатли кредитлашнинг чегараси бўлиб хизмат қиласи. Қисқа муддатли кредитлар ўз табиатига қараб куйидаги турларга бўлинади:

1. Кредитлаш обьектларининг иқтисодий моҳиятига қараб:

- товар моддий бойликлари учун бериладиган кредитлар;
- ишлаб чиқариш харажатлари (маҳсулотнинг янги турини ўзлаштириш, мавсумий харажатларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни) учун бериладиган кредитлар;

– ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун бериладиган кредит-лар (аккредитив очилганда, тайёр маҳсулотни жўнатганда ва бошқа ҳолларда).

2. Тўлаш муддатига қараб:

– муддатли, муддати кечикирилган ва муддати ўтиб кетган кредитлар.

3. Кредитни тўлаш майбаларига қараб:

- қарз олувчининг ўз маблағлари ҳисобидан;
- грант маблағлар ҳисобидан;
- янги кредитлар жалб қилиш ҳисобидан.

4. Таъминланганлик тамойилининг амал қилишига қараб:

– тўғридан-тўғри таъминланганликка эга бўлган кредитлар;

– эгри (бирор корхона ва ташкилот воситасида)

таъминланганликка эга бўлган кредитлар;

– таъминланмаган кредитлар.

5. Тўланадиган фоиз даражасига қараб:

- ўртача (нормал) фоиз ставкали;
- юқори фоизли;
- паст фоиз ставкали;
- фоизсиз кредитларга бўлинади.

Узоқ муддатли кредитлашда, кредитлар бир йилдан ортиқ муддатга берилади. Узоқ муддатли кредитлар асосан, асосий фондларни тақорор ишлаб чиқариш ва улар билан боғлик соҳаларни таъминлашда ишлатилади. Ҳозирги даврда узоқ муддатли кредитлар банклар томонидан жуда кам миқдорда берилсада, улар капитал қўйилмаларини, лойихаларни молиялаштиришнинг асосий манбай сифатида давлатимиз иқтисодини ривожлантиришда катта аҳамият касб этмоқда. Узоқ муддатли кредитлар хўжалик ташкилотлари томонидан қўйидаги обьектлар учун жалб қилиниши мумкин:

– қайта тиклашга капитал харажатларни амалга ошириш учун;

– харакатдаги асосий фондларни кенгайтириш ва модернизация килиш билан боғлик харажатлар учун;

– янги курилиш ва кўшимча юқори самарали тадбирлар бўйича харажатларни амалга ошириш учун;

– янги фан, илмий техника соҳасида тадқиқотлар олиб бориш ва ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш учун ва бошқалар.

Кредит муносабатларининг субъектлари ва обьектига, фоиз ставкасига ва кредитнинг ҳаракат доирасига қараб, кредитнинг қўйидаги мустақил шакллари амалиётда кўлланилиши мумкин. Булар банк кредити, тижорат кредити, истеъмол кредити, давлат кредити, халқаро кредит. Амалиётда кредитнинг ҳар бир шакли ҳам ўзига хос хусусиятларига кўра бир неча бўлакларга бўлиниши мумкин.

Банк кредити. Иқтисодиётда кенг тарқалған кредит муносабатларининг шаклларидан биридир. Унинг обьекти пул маблагларини бевосита ссудага бериш жараёни ҳисобланади. Банк кредитини берувчи кредит муассасалари кредитлаш жараёнини амалга ошириш учун Марказий банкдан маҳсус лицензия (рухсатнома) олган бўлишлари зарур. Қарз олувчи сифатида юридик шахслар, аҳоли, давлат, хорижий давлат мижозлари иштирок килишлари мумкин. Кредит муносабатларининг воситаси бўлиб, кредит шартнома ёки кредит келишуви ҳисобланади. Бу кредит тури бўйича олинадиган даромад ёки ставка томонлар билан келишилади ва банк фоизи ёки ссуда фоизи кўринишида бўлади.

Жаҳон амалиётида банк кредитидан фойдаланишда унинг турли хил ҳусусиятлари ҳисобга олинади. Қисқа муддатли банк кредитлари қарз олувчи корхонанинг хўжалик фаолиятида айланма маблаглар етишмовчилигини тўлдириш учун кўлланилади. Бозор иқтисодиёти тамойилларига мос келувчи бундай жараённинг бўлиши ссуда капитали бозорида мустақил сегмент пул бозорининг юзага келишига олиб келади. Қисқа муддатли кредитлар фонд бозорида, савдо ва хизматлар кўрсатишда, банклараро кредитлаш режимида кўпроқ кўлланилади.

Хозирги шароитда қисқа муддатли кредитлар куйидаги кўрсаткичлар билан характерланади:

- кредитларнинг жуда қисқа муддатларга (баъзида бир ойгача муддатга) берилishi;
- кредитнинг муддати ва фоиз ставкасининг бир-бирига тескари пропорционал (кредитнинг муддати жуда қисқа бўлсада, фоиз ставкаси жуда юқори) бўлиши;
- ишлаб чиқариш соҳасидан кўпроқ муомала соҳасига хизмат кўрсатиш.

Хозирги вактда бир йил муддатга бериладиган кредитлардан тижорат характеристидаги фаолиятни амалга ошириш, аграр секторда ва инвестицияларни талаб килувчи инновацион жараёнларни кредитлашда кенг фойдаланилмоқда.

Узок муддатли кредитлар асосий фондлар характеристини таъминлайди ва улар кредит ресурсларнинг катта ҳажми билан ажralиб туради. Узок муддатли кредитлар 1 йилдан ортиқ муддатга, давлат томонидан тегишли молиявий кафолатларни олган ҳолда, кредитнинг муддати 10 йил ва ундан ортиқ муддатга узайтирилиши мумкин.

Қарзни тўлаш усули. Қарздор томонидан тўлик суммада тўланадиган кредитлар. Бу усул қисқа муддатли кредитларни қайтаришнинг анъанавий усули ҳисобланаб, хуқукий жиҳатдан расмийлаштирилиши жуда содда механизмга эга бўлади, чунки бу

усулда табақалаштирилган фоиз ставкасини ҳисоблаш механизмини күллаш талаб қилинмайды. Кредитни тұлашда кредит шартномасыда күрсатылған муддат давомида бўлиб тұланадиган кредитлар бўлиши мумкин. Қарзни тұлашнинг бу усулида кредитни қайтаришнинг аник шартлари кредит шартномада көлтирилған бўлади. Кредитни бўлиб - бўлиб тұлаш усули кўпинча узок муддатли кредитларни тұлашда ишлатилади.

Кредит бўйича фоизни ундириб олиш усули амалиётда олинган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини тұлашнинг бир неча хил усуллари мавжуд:

- Кредитни тұлаш муддати келганды, фоиз ставкасини ҳам қўшиб тұлаш усули. Бу усул бозор иқтисодиёти яхши тарақкий қылған мамлакатларнинг хўжалик ташкілотлари фаолиятида кенг кўлланиладиган анъанавий усул бўлиб, у хисоб-китоб характери жиҳатидан оддий бўлади. Бу усул кўпроқ қисқа муддатли ссудаларни тұлашда кўлланилади.

- Кредит шартномасыда күрсатылған муддат давомида бир текисда қарз олувчи томонидан тұланадиган кредит бўйича фоизни ундириб олиш усули. Амалиётда бу усул узок муддатли кредитларни тұлашда кўлланиладиган анъанавий усуллар ва томонлар келишган холда кредит бўйича фоизларни тұлашга ҳар хил ёндашишлари мумкин. Масалан, кредит узок муддатга берилган бўлса, кредит бўйича фоиз ставкасини тұлашни кредитдан фойдаланиб бошлиганидан бир ёки икки йил ўтгандан кейин белгилаб бериш мумкин.

- Қарз олувчига кредит берилаёттан вактда кредит учун тұланадиган фоиз бевосита банк томонидан ушлаб қолинадиган кредитлар. Кредит учун фоиз ставкасини бу усуlda тұлаш ривожланған бозор иқтисодиёти шароитига мос келмайди ва у учун характерли эмас. Бу усул факат судхўрлик капиталыда ишлатилади. Мамлакатда иқтисодий ҳолат нобарқарор бўлганида банклар қисқа муддатли кредитлашни ва кредитлар бўйича фоизлар тұлашни шу усулда олиб борганлари улар учун қулай ҳисобланади ва амалиётда шу усулдан кенг фойдаланадилар.

Таъминланганинг мавжудлиги. Йиғончли кредитлар ва уларнинг қайтарилишини таъминловчи бирдан-бир гаров шакли бевосита кредит шартномаси ҳисобланади. Кредит шартномаси шартларининг бажарилишини кредит таъминланганинг шарти сифатида қабул қилиш, хорижий банклар томонидан чекланған ҳажмда, ишончга сазовор бўлған доимий мижозларни қисқа муддатли кредитлаш жараёнида қўлланилади. Узок муддатли кредитлашда ҳам берилған кредитларни сугурта қилиш шарти билан истисно тарикасида қўлланилиши мумкин. Одатда, сугурта қилиш, қарз олувчи ҳисобидан

амалга оширилади. Бизнинг амалиётимизда бу байзи ҳолларда тижорат банклари томонидан ўз шўъбаларини ва муассасаларини кредитлашда кўлланилиши мумкин.

Яхши таъминланган кредитлар. Бундай кредитлар замонавий банк кредитининг асосий тури сифатида таъминланган ссудалар ҳисобланади. Таъминланганлик сифатида қарз олувчининг ҳар хил шаклдаги мулки, кўпроқ - кўчмас мулки ва унинг ихтиёридаги кимматли қоғозлар, бошқа мулк шакллари бўлиши мумкин. Қарз олувчи ўз мажбуриятларини бажара олмаган ҳолларда таъминланганлик асоси бўлган мулк банк ихтиёрига ўтади ва банк уни сотиб етказилиган заарларни қоплаш хукуқига эга бўлади. Банк томонидан берилаётган кредит микдори таклиф этилаётган таъминланганликниң ўртacha бозор нархидан паст бўлади ва мулк баҳоси томонларнинг келишуви натижасида аниқланади.

Кредитнинг таъминланганлиги учун қабул қилинадиган мулк тез сотиладиган, олдин бирор мажбурият бўйича гаровга кўйилмаган, корхонага тегишли бўлган мулк бўлиши керак. Учинчи шахснинг молиявий кафолати ёки кафиллиги билан бериладиган ссудалар.

Кредит бошқа бир ташкилотнинг кафолати асосида берилади. Кафолат берувчи корхона ёки муассаса, агар қарз олувчи кредит шартномасида кўрсатилган шартларни вақтида бажармаса, шу тифайли банк кўрган заарларни қоплашга кафиллик беради ва фаолият давомида ҳакикатда шундай ахвол рўй берса ўз маблағлари ҳисобидан зарарни қоплаб беради. Молиявий кафиллик берувчи томон сифатида юридик шахслар, шунингдек турли даражадаги давлат ҳокимияти органлари иштирок қилишлари мумкин.

Банк кредитининг мақсадлилиги. Жаҳон амалиётида умумий бирор эҳтиёжни қоплаш учун ишлатиладиган кредитлар мавжуд. Бунда банк томонидан бериладиган кредитлар қарз олувчининг молиявий ресурсларга бўлган турли эҳтиёжларини қондириш учун ўз ихтиёри бўйича ишлатилади. Ҳозирги шароитда улар қиска муддатли кредитлаш соҳасида чекланган тарзда қўлланилади, ўрта ва узок муддатли кредитлашда умуман қўлланилмайди. Бизнинг амалиётимизда банклар томонидан бирор мақсадни амалга ошириш учунгина кредитлар берилади. Кредитнинг қайси мақсад учун берилаётганлиги кредит шартномасида кўрсатилади ва банк томонидан берилган ресурслар қарз олувчи томонидан фақатгина шартномада кўрсатилган масалани ҳал этиш учун ишлатилади. (масалан, олинаётган товарлар бўйича ҳисоблашиш, иш ҳаки тўлаш ва ҳ.к. учун) Қарз олувчи томонидан кўрсатилган мажбуриятларнинг бузилишида битимда кўрсатилган жарималар қўлланилади.

Тижорат кредити. Иқтисодиётда кредит муносабатларининг вужудга келишининг биринчи шаклларидан бўлиб, вексель

муомаласини вужудга келтирган ва нақд пулсиз ҳисоб китобларнинг ривожланишига ёрдам берган.

Тижорат кредитининг субъектлари сифатида юридик шахслар: мол етказиб берувчи ва мол сотиб олувчи корхоналар, кредитнинг обьекти сифатида сотилаётган товар иштирок қиласи. Тижорат кредити ўзининг амалий кўринишини ҳукукий шахслар ўртасида товар ва хизматларнинг тўлов муддатини чўзиш орқали сотиш шаклидаги молия хўжалик муносабатларида топади. Бу кредит шаклининг асосий мақсади товарларни сотишни тезлаштириш ва шу орқали фойда олишдан иборат. Тижорат кредитнинг анъанавий воситаси бўлиб, қарз олувчининг карз берувчига нисбатан молиявий мажбуриятларини акс эттирувчи вексель ҳисобланади. вексель бу қарз мажбурияти бўлиб, қарз олувчи ўз зиммасига қарзни кўрсатилган суммада, кўрсатилган жойда, белгиланган муддатда тўлаш мажбуриятини олади. Амалиётда векселнинг икки тури кўлланилади. Оддий ва ўтказма вексел. Оддий векселни қарз олувчи корхона қарз берувчи корхонага беради ва товарлар ҳамда кўрсатилган хизматлар учун унга тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Ўтказма векселда кредитор томонидан белгиланган товар ва хизматлар суммаси унинг топшириғига асосан учинчи шахсга ёки векселни кўрсатувчига ўтказилиши зарур. Кредиторнинг векселда кўрсатилган суммани учинчи шахсга тўлаш тўғрисидаги буйругини ифодаловчи хужжат амалиётда тратта деб ҳам юритилади. Тижорат кредити банк кредитидан кўйидаги хусусиятлари билан фарқ қиласи:

- Кредитор (қарз берувчи) ролида маҳсус кредит-молия ташкилотлари эмас, балки товар ва хизматларни ишлаб чиқариш ҳамда сотиш билан шуғулланувчи турли юридик шахслар иштирок қиласи.

- Тижорат кредити фақатгина товар шаклида берилади.

- Тижорат кредитида ссуда капитали, саноат ва савдо капитали билан интеграциялашган ҳолда ҳаракат қиласи. Бу бозор иқтисодиёти шароитда турли ихтисосдаги ва фаолият йўналишдаги корхоналарни ўз ичига олувчи холдинг, молиявий компанияларнинг вужудга келишида ўз аксини топади.

- Берилган вақт оралиғида тижорат кредитининг ўртача қиймати доимо банк фоизининг ўртача ставкасидан кичик бўлади.

- Қарз берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги шартнома ҳукукий расмийлаштирилганда тижорат кредити бўйича тўлов (фоиз ставкаси) алоҳида аниқланмайди. Фоиз тўлови товар баҳосига кўшилган ҳолда расмийлаштирилади.

Ҳозирги шароитда жаҳон амалиётида тижорат кредитнинг, асосан З тури кўлланилади:

- қайд қилинган тўлов муддати бўйича кредит;

- товарларни сотгандан кейингина қарзни тұлаш бүйіча кредит;
- очық хисобварақ бүйіча кредитлаш.

Бунда тијорат кредити шартлари бүйіча, кейинги товар партиясынің жүннатыш, олдинги жүннатылған товарлар бүйіча қарзларның тұлаш муддатигача амалға оширилиши зарур.

Корхоналар томонидан тијорат кредитидан фойдаланиш улар томонидан банк кредитидан фойдаланишни инкор қилмайды. Тијорат кредити банк кредитидан фарқ қылсада, уларнинг ҳаракати бир-бири билан чамбарчас болғылған бўлиши мумкин. Корхоналар тијорат кредитидан фойдаланганда, банк кредити корхона фаолиятига тўғридан-тўғри таъсир киладиган кредит сифатида намоён бўла олмайды. Тијорат кредитидан корхоналарнинг хисоб ракамларида маблағлари бўлмаган шароитда корхоналар товарларни кредитга сотиб оладилар. Шунинг учун истеъмолчи корхоналар банк кредитига эҳтиёж сезмаслиги мумкин. Айни вақтда мол сотувчи корхона фаолиятида товарларини кредитта сотганилиги учун маблағта муҳтоjлик сезилиши мумкин. Мана шу шароитда мол етказиб берувчи корхона пул маблағларга бўлган эҳтиёжини қоплаш мақсадида кредит олиш учун банкга мурожаат килиши мумкин.

Юқорида кўрсатилған камчиликларни хисобга олмаган ҳолда тијорат кредити товарлар сотиш жараёнини тезлаштиришда ва корхоналарнинг айланма маблағларини хўжалиқ фаолиятидан тезроқ бўашини таъминлашда катта аҳамиятга эга.

Истеъмол кредити. Истеъмол кредити ўзининг мақсади билан кредиттинг бошқа шаклларидан фарқ қиласди. Унинг фарқли белгиси жисмоний шахсларни кредитлаш хисобланади. Кредиттинг бу шаклида кредит берувчи сифатида маҳсус кредит муассасалари билан бирга товар ва хизматларни сотишни амалға оширадиган жисмоний шахслар ҳам бўлиши мумкин. Истеъмол кредити икки шаклида: пул шаклида ёки товар шаклида берилиши мумкин. Жисмоний шахсларга кўчмас мулкка эгалик қилиш учун, қиммат бўлган даволанишни тұлаш, ҳар хил товарлар ва уй жиҳозлари сотиб олиш ва бошқа эҳтиёжларни қондириш учун истеъмол кредитлари берилиши мумкин. Пул шаклида истеъмол кредити банклар томонидан, товар шаклида эса товарлар чакана савдоси жараённанда тўлов муддатини чўзиш орқали амалға оширилади.

Давлат кредити. Кредиттинг бу шаклининг асосий хусусияти кредит муносабатларида давлаттинг қатнашувидир. Давлат кредитидан давлат бир томондан қарз берувчи ва иккинчи томондан қарз олувчи сифатида иштирок қилиши мумкин. Қарз берувчи вазифасини бажара туриб, давлат, давлат кредит институтлари, жумладан, Марказий банк орқали иктисадиёттинг ҳар хил соҳаларини кредитлашни ўз зиммасига олади. Давлат томонидан:

- иқтисодиётнинг устувор тармоқларини кредитлаш;
- молиявий ресурсларга эҳтиёж сезаётган давлат аҳамиятига эга бўлган аниқ тармок ёки минтақаларга, агар бюджетдан молиялаштириш имконияти тугаган бўлса, вактинча фойдаланишга маблағ ажратилиши мумкин.

Ундан ташқари, тижорат банкларига банклараро кредитлар бозорида кредит ресурсларни ким ошди савдоси йўли билан ёки тўғридан-тўғри сотиш жараённада давлат томонидан маблағлар вактинча фойдаланишга берилиши мумкин.

Давлатнинг қарзлари кўпайган холларда давлат бюджети камомадини молиялаштириш мақсадида, давлат қарз олувчи сифатида, давлат қарзларини жойлаштириш жараённини амалга оширади. Давлат кредитининг характерли хусусияти шундаки, давлат томонидан олинган қарз маблағлар ишлаб чиқариш фондлари айланишида ёки моддий бойликлар яратишида иштирок қилмайди.

Бу маблағлар давлат қарзларини қоплаш учун ишлатилади. Давлат хазина мажбуриятларини чиқариш, молия бозорларида давлат кимматли қофозларини жойлаштириш, давлат заёмларини чиқариш ва сотиш йўли билан банклар аҳолининг ва бошқа молия - кредит институтларининг пул маблағларини йигади ва уларни давлат қарзи ва бюджет камомадини қоплашга (молиялаштиришга) сарфлайди. Шуни таъкидлаш зарурки, давлат кредити факатгина молиявий ресурсларни жалб қилиш манбаи сифатида эмас, балки иқтисодиётни марказлашган кредит тизими орқали тартибга солишнинг самарали воситаси сифатида ишлатилиши керак.

Кредит экспанцияси – кредитни (қарзни) экспанция қилиш, кенгайтириш, ёйиш, тарқатиш – иқтисодий тушкунлик даврида “арzon пул” сиёсатини ўтказиш ёки берилётган қарзлар учун олинадиган устамалар миқдорини камайтирган йўли билан мамлакат иқтисодий кувватини ошириш мақсадида амалга ошириладиган тадбир. Бунинг оқибатида капитал сарфлар миқдори ортади; ишсизлар сони камаяди; мамлакат ахолисининг иш фаоллиги ошади.

Халқаро кредит. Кредит муносабатларининг халқаро миқёсда (давлатлар ўртасида) амалга оширилиши халқаро кредитнинг юзага келишига олиб келади. Халқаро кредитга халқаро миқёсда харакат килувчи кредит муносабатлари тўплаши сифатида қараш зарур.

Кредитнинг бу шаклини бевосита иштирокчилари миглатлараро молия-кредит институтлари, тегишли давлат ҳокимияти, кредит ташкилотлари ва алохида юридик шахслар бўлиши мумкин. Халқаро кредит бир давлат, шу давлат банки, юридик шахси томонидан иккинчи бир давлатга, унинг банкларига, бошқа юридик шахсларига муддатлилик ва тўловлилик асосида бериладиган кредит ҳисобланади. Халқаро кредит давлат ва халқаро институтлар иштирок этган

муносабатларда пул (валюта) шаклида, ташки савдо фаолиятида эса товар шаклида бўлиши мумкин.

Халқаро кредит қуийдаги хусусиятлари билан характеристланади:

– қарз олувчи ва қарз берувчи сифатида давлат ташкилоти ва муассасалари, банклар, компаниялар, халқаро валюта-кредит ташкилотлари қатнашадилар;

– қарзга олинган маблағлар қарз олувчи мамлакат томонидан даромад келтирувчи капитал сифатида ишлатилади;

– қарз берувчи мамлакатга тўланадиган ссуда фоизининг манбаси қарз олувчи мамлакат ахолиси томонидан яратилган мисллий даромад хисобланади.

Халқаро кредит маҳаллий кредит билан бир каторда фондлар айланишининг барча босқичларида қатнашади.

Халқаро кредит халқаро иктисадий муносабатлар доирасида қуийдаги функцияларни бажаради:

– мамлакатлар ўртасида капиталнинг қайта тақсимланишини таъминлайди;

– капиталнинг концентрациялашувига ва марказлашувига шароит яратади ва бу жараённи тезлаштиради;

– ҳар хил валюталарда халқаро хисоб-китобларни олиб борища мумомала харажатларини кисқартиради.

Халқаро кредитлар характеристи бўйича:

– давлатларо, хусусий, фирма кредитларига;

– шакли бўйича – давлат, банк, тижорат;

– ташки савдо тизимида тутган ўрни бўйича – экспортни кредитлаш, импортни кредитлашга;

– муддати бўйича – қиска муддатли-1 йилгача, узок муддатли -5 йилдан ортиқ муддатга;

– обьекти бўйича – товар ва валюта;

– таъминланганлиги бўйича – товар-моддий бойликлар билан ёки хужожатлар билан таъминланган кредитларга бўлинади.

Товар шаклида бериладиган халқаро кредит ёки фирма кредитлари тижорат кредитининг халқаро иктисадий муносабатлар соҳасида кўлланилиши хисобланади ва бир мамлакат фирмасининг товари искинчи мамлакат фирмасига кредитта - тўлов муддати кесчикирилиб сотилади. Бу жараён, одатда, тратта (ўтказма вексель) билан расмийлаштирилади. Экспортни кредитлашда давлат томонидан субсидия ажратилганлиги учун фирма кредитлари бўйича фоиз ставкалари, одатда, фоиз ставкаларининг бозор баҳосидан паст бўлади.

Халқаро банк кредитларининг банк экспорт кредитлари (хорижий импорт қилувчиларга хусусий тижорат банклари, маҳсус ташки савдо

банклари томонидан бериладиган кредит), еврокредит (йирик тижорат банклари томонидан европалота бозори ресурслари хисобидан европалютада, 2 йилдан 10 йилгача бўлган муддатга, ўзгарувчан фоиз ставкада кредитлар бериш) каби турлари мавжуд. Халқаро давлат кредити икки томонлама келишув асосида ривожланган мамлакатлар томонидан ривожланётган мамлакатларга товар ёки валюта шаклида, фоиз тўлаш ёки фоиз тўламаслик шарти билан, узоқ ёки киска муддатга берилади.

Халқаро валюта - кредит ташкилотларининг кредитлари киска муддатли – 1 йилгача (халқаро валюта фондининг кредитлари), ўрта муддатли – 5 йилгача (Жаҳон тикланиш ва тараққиёт банки) ва узоқ муддатли – 20 йилгача (Евropa тикланиш ва тараққиёт банки ва бошиқалар) кредитлар бериши мумкин. Халқаро валюта-кредит ташкилотларидан олинган кредитлар хусусий тижорат банкларидан олинган кредитлардан (бу кредитлар бўйича ўртacha фоиз ставкаси йилига 7-9% ни ташкил қиласди) арzonга тушади.

8.4. Банклар

Банк нима? деган савол олдиндан каралганда оддий ҳисобланади, бирок у оддий тушунчадан иборат эмас. Халқ орасида банк бу - пул омбори деган тушунча билан юради. Ҳақиқатда эса банкни бу тушунча билан моҳиятини очиб бўлмайди ва банкнинг халқ хўжалигидаги тўлиқ ўрнини курсатиш мумкин эмас.



Баъзи адабиётларда «банк - бу корхона», деб хам изоҳ берилади. Мальумки, банк яхлит олинган корхона сифатида ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширмайди. Тижорат банкларининг фаолиятини корхона фаолиятига шу жихатдан ўхшатиш мумкини, тижорат банклари хам корхоналар сингари ўз фаолиятини, ўз даромадини кўпайтиришга ва шу асосда биринчидан, ўз асосчилари акциядорларининг манфаатларини, иккинчидан, ўз мижозларининг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат.

Банк ишининг асосий йўналишлари депозит (омонат) қабул қилиш, кредитлар бериш ва мижозларга кредит-хисоб хизмати кўрсатишни амалга ошириш ҳисобланади. Банк қимматбаҳо қоғозларни сақлаш, сақлашга ўтказилган қимматбаҳо қоғозларни жорий бошқариш, биржа топшириқларини бажариш, сейфларни ижарага бериш каби пулли хизматлар хам кўрсатади.

Банк сўзи – италиянча банка сўзидан олинган бўлиб, пуллик стол, сарроф курсиси деган маънони билдиради. Италиян тилида

пул турган стол «Банка» сўзини англатарди. Агарда саррофларни пули тугаб қолса яъни инқирозга учраса уларни столини синдириб юборишган ва бу эса италиян тилида банкрот деб аталган. Банк ишининг дастлабки белгилари қулдорлик жамиятида пайдо бўлган. Улар асосан, савдогарларнинг пул билан боғлиқ ҳисоб-китоб ишларини бажарган жоробанклар шаклида вужудга келди. Яъни саррофлар ўзларининг жиро банкларини очишган, яъни тўлиқ операциясиз банкларини. Шундан сўнг улар нафакат савдогарлар пулини алмаштириб беришган балки уларга кредитлар беришни хам бошлашган. Шу билан бир каторда маҳсус саррофхоналарда саррофлар пул алмаштириш ва йирик пулларни майдасига алмаштириб бериш ишлари билан шуғулланган.

Банкнинг тарихан аниқ пайдо бўлган санаси йўқ. Тарихий маълумотларда биринчи банклар XVI асрда Италияда, сўнгра Голландия ва Германиянинг савдо марказларида пайдо бўлган. Капитализмнинг вужудга келиши ва ривожланиши билан банкларнинг ахамияти ортиб кетди. Банк ишининг ҳозирги тамойиллари биринчи бўлиб XVII асрдан бошлаб Англияда, сўнгра бошқа мамлакатларда юзага кела бошлади. Шу даврдан бошлаб банклар капитал ва тадбиркорликни ишга солишининг маҳсус бир соҳасига айланди. Банкларнинг кўпайиши билан ссуда капитали капиталнинг асосий шаклларидан бири бўлиб қолди. Аста-секин банклар йириклиши, улар бажарадиган операциялар доираси кенгайиб борди.

Банклар муомалага хусусий векселлар ўрнида ишлатиладиган кредит пуллари – **banknotlar** (**банк билетлари**) чиқара бошлади. Кўпгина мамлакатларда чеклар билан амалга ошириладиган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар пайдо бўлди. Капитализмнинг ривожланиши билан кредит ва тўловларда воситачилик вазифасини бажарадиган муассасаларга талаб ортиб борди. Аста-секин банклар ўргасида энг йириклари пайдо бўлди.

Айниска, XIX аср охирига келиб банклар ишлаб чиқаришнинг концентрацияланиши оқибатида банкларнинг йириклишуви банклар сонини қисқаришига ва банк монополияларининг вужудга келишига, улар ўргасида ўзоро рақобат курашининг кучайишига сабаб бўлди. Банклар тўлов ва кредит операцияларда воситачилик қилиш билан кифояланмай, саноат корхоналари акцияларини сотиб ола бошлади, уларнинг хўжаликлари ёки муассисларидан бирига айланди, янги корхоналар таъсис этишида ҳамкорлик қилди. Йирик банклар ва саноат капиталининг бирга кўшилиб кетиши натаижасида молия капитали ва молия олигархияси вужудга келди, бу олигархия мамалакатларнинг иктисадий ва сиёсий ҳаётида катта мавқени эгаллади.

Ҳозирги даврда кўпгина мамлакатларда кўплаб банклар бўлишига қарамай, улардан 3 – 4 тасигина етакчи ўринда туради. Турли

мамлакатлардаги йирик банклар ниҳоятда сертармоқ бўлиб, ўз мамлакат доирасидагина эмас, шу билан бирга жаҳоннинг жуда кўб мамлакатларида бўлим ва филиалларига эга.

Ривожланган мамлакатларда банклар иқтисодиётни бошқариш ва рағбатлантириш муассасаси вазифаларини бажаради. Банклар пул капиталини иқтисодиётнинг соҳалари ва тармоқлари бўйича тақсимланишида қатнашиб, фойда нормасининг тенглашувини таъминлайди.

Банк пул юзасидан бўлган алоқаларга хизмат қилувчи молия институти, яъни муассасадир. Банк иқтисодиётда қуйидаги молиявий ишларни бажаради:

- пул ва қимматбаҳо буюмларни омонатга олиб, саклаб беради;
- пул билан бўладиган ҳисоб-китоб операцияларини, хусусан, пул тўлаш ишларини бажаради;
- чет эл валютасини сотади ва сотиб олади;
- ўз қўлидаги пулни қарзга беради, яъни кредит билан шугуулланади;
- ўз пулига акция сотиб олиб, ундан даромад топади;
- бизнес юзасидан маслаҳат беради.

Банқдан ўтадиган пул оқими нақд пуллар ва нақд бўлмаган пуллар ҳаракатидан иборат. Нақд пул-бу банклардаги, фирма ва ташкилотлар кассасидаги ва аҳоли қўлидаги қофоз ва танга пўллардир.

Нақд бўлмаган пуллар банк депозити шаклига эга, уни банқдаги депозит ҳисоб варагида саклайдилар. Депозит икки хил бўлади:

1. Жорий депозитдаги пул эгасининг талабига биноан дархол қайтариб берилади. Бу пул эгасининг банқдаги муҳлатиз ҳисоб варагида туради.

2. Муҳлатли депозиттага қўйилган пул унинг эгасига маълум вақтдан масалан, бир йилдан сўнг қайтарилади.

Депозитдаги пулни нақд пулга айлантириб олиш мумкин, лекин бунга ҳар доим ҳам зарурат бўлавермайди, чунки уни чек ёзиб бериш орқали қайтариш мумкин. Чек нақд пулнинг ўринbosari, у тўлов воситаси сифатида кабул қилинади. Бундан ташқари, депозитдаги пулни бир ҳисоб варагидан бошқасига ўтказиб қўйиш билан ҳам тўлов оператияси бажарилади. Масалан, бир фирма бошқасидан металл сотиб олади. Бунда харидор фирманинг бир банқдаги пули сотувчи фирмасининг бошқа банқдаги ҳисоб варагига ўтказиб қўйилади. Бу билан ора очиқ бўлади.

Хозига келиб дунёда ҳеч қандай мамлакат ўз пулини олтин ёки бирорта қимматли нарса билан таъминламай қўйган. Шунинг учун мамлакатдаги пул массасини назорат қилиш учун **марказий банклар** ташкил этилган. Хуллас, XX асрнинг охирги чорагига келиб бутун

дунё коғоз пул асосида савдо-сотиқ қила бошлади. **Марказий банклар** мамлакатнинг пулини босиб чиқаради ва назорат қилади. Шунингдек, мамлакатнинг жами кредит тизимини назорат қилади, давлат пул-кредит сиёсатини амалга оширади, мамлакатнинг олтин-валюта захираларини сақлайди, давлат ва тижорат банкларига кредитлар беради.

Пулни олтин билан таъминлаш йўқолганидан кейин банкларнинг иши янада осонлашиб кетди. Энди улар мижозлар хисоб очиб жамғарма пулларини банкларга топширишига қараб қолмаганлар. Марказий банк пул ишлаб чиқаради ва тижорат банкларга фоизли қарз беради. Тижорат банклар эса ўз навбатида бу пулларни мижозларига фоизли қарз бериш учун ишлатадилар. Албаттага қарзга олинган пулларнинг асосий қисми уй-жой ва енгил автомобиль сотиб олиш учун ишлатилади. Шундай экан, сўнги йилларда айниқса ривожланган давлатларда снгил автомобильларнинг кескин кўпайиб кетишида ва шаҳарларнинг кенгайиб кетишида банкларнинг ўрни бекиёс. Ривожланган мамлакатларда битта оиласа ўртacha 2-3 та автомобиль тўғри келади.

Дунёнинг кўплаб давлатларида тижорат банклар тарафидан қарзга (кердитга) берилаштган пулларнинг жуда катта қисми уй-жой сотиб олишга сарфланади. Берилган қарзни тўлаб беришга гаров сифатида сотиб олинаётган уйнинг ўзи ишлатилади. Буни банк тилида «**ИПОТЕКА**» деб номланади. Иқтисод яхши ривожланиб турган пайтда бу жуда яхши иш. Кўпчилик уй сотиб олмоқчи бўлганлиги туфайли уларнинг нархлари йилдан-йилга кўтарилиб боради. Буни иқтисодчилар тилида «**уй бозоридаги пуфак**» дейилади. Одамлар бир нечта уй сотиб олиб, уларнинг кўпини изжарага бошқа одамларга берадилар. Хеч бўлмагандан шу тўловлар банклар тараба қилган тўловларни қоплаб туради. Лескин бу давом этаверадиган бўлса, уй изжарасининг нархи тобора пасайиб бораверади. Бир неча марта ойлик тўловларни тўлай олмаган одамларнинг уйларини тижорат банклар мусодора қилиб, ким-ошди савдоларида сотиб юборадилар. Бу ҳолат уй бозоридаги нархларни яна ҳам пасайтириб юборади. Қарабисизки, миллионлаб ўз ўйини ипотекага олган одамлар уйнинг нархидан кўра кўпроқ пулни банкларга қайтарадиган бўлиб қоладилар. Улар ўйини соча ҳам қарзини узолмайдиган ҳолатга келиб қоладилар. Шунда миллионлаб одамлар ўзларини банкрот деб эълон қила бошлайдилар. Буни иқтисодчилар тилида «**уй бозоридаги пуфакнинг тешилиши**» дейилади.

Аввалги асрларда Англияда ва Американинг яқин тарихида ҳам банкрот бўлган одамларни саввалашган ва қамоқ жазосига маҳкум қилишган. Ҳозирда эса ривожланган давлатларда банкротликка юз тутган одамлар бир неча йилга «кора рўйхат» та қиритилади, яъни бир

неча йил умуман тијорий банклардан қарз ололмайды ёки факат юқори фоизли кредитлар олиши мүмкін.

Тијорат банклар ўзларидаги пулнинг мүмкін қадар кўп қисмини қарзга одамларга ва корхоналарга ўтказишга ҳаракат қилишади. Чунки қарзга бериilmаган пуллар турган сари **инфляция**⁵⁸ натижасида ўз қадрини йўқотади. Олтин эса турган сари қадри ошаверадиган нарса, чунки йил сайин бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқариш технологияси яхшиланиб бораверади ва бу билан уларнинг олтинга нисбатан нархи янада тушиб бораверади. Олтинни қазиб чиқариш эса жуда машакқатли иш. Йилдан-йилга яна ҳам чуқурроқ қазиш керак. Шунинг учун ҳам олтин ва кумуш пул сифатида ишлатилиб келинган асрларда инфляция эмас, «дефляция»⁵⁹ содир бўлган. Яъни турган пулнинг сотиб олиш қобилияти йилдан-йилга ортиб бораверган. Шундай экан қарзга олган одам қарзини тўла адо этиши билан қарз берувчига яхшилик қилган. Чунки «дефляция» эвазига камроқ пул қайтарса ҳам тўғри бўлар эди. Ҳозирги тијорат банклар олаётган фоизларнинг аксарияти инфляциядан кўрилган зарарни қоплашга ва банкнинг умумий харажатларини қоплашга сарф қилинади.

Банк бажарадиган иш банк операцияси деб юритилади. Банк операцияси 2 турга бўлинади:

1. **Пассив операция** – бу банкка пул маблағларини жалб этишdir. Бунинг пассив деб аталишига сабаб, бу банкка даромад келтирмайди, балки ундан харажат талаб қиласи. Пассив операциялар депозитларга пул қабул қилиш, ташқаридан қарз олиш, ўз акцияларини сотиш киради.

⁵⁸Инфляция (лат. Инфлатио – шишиш, кўпчиш, кўтарилиш), пулнинг кадрсизланиши – муомалада хўжалик обороти эҳтиёжларидан ортиқ даражада қофоз пуллар миқдорининг кўпайиб кетиши, пул массасининг товарлар массасидан устунлиги натижасида Товар билан таъминланмаган пулларнинг пайдо бўлиши. Ортиқча миқдорда пул бирликларини муомалага чиқариш, Товар ишлаб чиқаришнинг тўлов қобилиятига эга талаб ўсишидан орқада қолиши, бозорда талабга жавоб бермайдиган товарларнинг кўпайиб кетиши ва бошқа омиллар инфляцияни юзага келтиради. Бундан ташқари нарх белгилашнинг мононуллашуви, кредитнинг ҳаддан ташқари ривожланиб кетиши, давлатнинг улкан ноишлаб чиқариш харажатлари, куролланишга зўр бериши, давлат бюджети тақчилиги инфляциянинг асосий сабаблари хисобланади. Жаҳондаги барча мамлакатларга хос ва халқаро тус олган.

⁵⁹Дефляция (лат. дефлатио – пуфламоқ) – инфляция даврида чиқарилган муомаладаги ортиқча қофоз пулни камайтириш, давлат томонидан пул миқдорини камайтиришга каратилган молия ва пул-кредит тадбирлари: соликларни ошириш, киммат баҳо қозозлар сотини, товар нархлари даражасини пасайтириш, ташки савдони жонлантириш, омонатлар ўсишини рағбатлантириш ва бошқалар кўлланилади. Статистик жиҳатдан дефляция муомаладаги пул массаси умумий ҳажмининг ялши маҳсулот, Товар муомаласи ва пулни хизматлар қийматлар йигиндинсига нисбати билан ифодаланади.

2. Актив операциялар – бу банк капиталини ишлатиб даромад топиш. Бу фойда келтирганидан актив иш деб юритилади. Бунга кредит (қарз) бериш, қимматли қоғозларни сотиб олиб дивидентта эга бўлиш, валюта олди-соттисини уюштириб, ундан пул топиш, мижозлар пулинни ишлатишда воситачилик қилиб даромад кўриш кабилалар киради. Актив операцияларнинг асосий тури кредит беришдир.

Банклар бажарадиган ишининг мазмунига қараб 2 гурухга бўлинади: марказий банклар, тижорат банклари.

Марказий банклар – банклар банки бўлиб, факат давлатга қарашли бўлади. Бу банк ягона бўлиб унинг асосий функциялари куйидагича:

1. Муомалага пул чиқариш, яъни эмиссия (лот. Эмиссо-чиқариш) маркази бўлиш;

2. Давлат хазинасини олтин валютага бойлигини сақлаш, яъни давлатнинг хазинабони бўлиш;

3. давлат пул-кредит сиёсатини амалга ошириш;

4. Банк иши умуман кредитта оид қоида тартибларни белгилаб, уларнинг бажарилишини назорат қилиш.

Булар орасида пул муомаласини тартиблаб туриш бирламчи бўлади, чунки соғлом (қадри барқарор) пул соғлом иқтисодиёт демакдир.

Тижорат банклари гоят кўп, улар турли хил операцияларни амалга оширувчи ва кредит ишларини бажарувчи банклардир. Улар акциядорлар жамияти шаклида тузилади.

Уларнинг ихтиёридаги капитал икки манбадан шаклланади.

1. Мижозларнинг банк депозитларидағи пули, яъни ўзгалар пули;

2. Банкларнинг ўз пули, яъни банк таъсисчилари қўйган пул бўлиб, топилган фойда ҳисобидан ўсиб боради.

Тижорат банклари ишининг 3 та асосий тамойили мавжул:

а) рентабел ишлаш – яъни фойда олиш;

б) ликвидликка эга бўлиш – ўз маблагини нақд пулга айлантириш имкони бўлиши;

в) мижозлар манфаатига устуворлик бериш – уларнинг ҳожатини чиқариш бирламчи бўлиши.

Бу тамойилларга амал қилиш банкларни иқтисодиётдаги ролини мустахкамлайди. Бирок, банклар ва бошқа молия институтлари ва давлат молияси ишининг издан чиқиши ҳам юз бериб туради.

8.5. Исломий молиялар ва банк тизими

Исломий бизнес фаолиятида тадбиркорлик субъекти ўзгача, исломий тамойилларга мувофиқ тузилади, исломий бизнес фалсафасининг асоси исломнинг тоза ва мутлақ манбаси – Куръонда

баён этилган тамойиллардан ташкил топади. Ягона мақсади фойда олишни күзлаган анъанавий банклардан фарқли равища исломий банклар иккита мухим омилга, яъни дин ва фойдага таянган ҳолда фаолият юритади.

Мисол: Икки турдаги банк (яъни ислом банки ва анъанавий банк) тизими мавжуд бўлган бир давлатда бир корхона анъанавий тижкорат банкидан кредит олади, ярим ишлдан сўнг эса ушибу корхона ислом банки билан “муробаха” битими имзолайди. Аввалига хаммаси яхши кетаётгандек эди...

Аммо...корхонанинг фаолияти яхши юрмай қолди. Анъанавий банк кредити бўйича хам, муробаха битими бўйича хам тўлов муддатлари етиб келди, корхона эса уларни тўлолмади. Бу ҳолат корхонани бошка бир компания сотиб олмагунча (*таҳминан* бир ишлдан ортиқ вакт) давом этди. Мана энди воқеанинг энг «қизик» жойига келдик: анъанавий банк, олинган кредит миқдоридан ҳам катта бўлган жарима ва пеняларни қўшиб ҳисоблади (бунда кредит қайтарилмаган ҳар бир кун учун ҳисобланган пеня, кредит учун белгиланган фоиздан анча юқори бўлди).

Муробаха битими бўйича эса корхона банк билан тузган олди-сотди шартномасига асосан, аввал бошдан келишилган маълум бир миқдордаги тўлаши керак бўлди ҳолос. Бунда, ислом банки бир иш кечиккан тўловлар учун ҳам ҳеч қандай жарима ёзмади ва тўлов миқдори исломда рибо тақиқланганлиги туфайли ўзгармас бўлиб қолаверди. Корхона раҳбарияти анъанавий тижкорат банки тарафидан қўйилган жарималардан караҳт бўлган бўлса, муробаха битими бўйича тўлаши керак маблагнинг хаттоси 1\$га ҳам кўпаймаганидан ҳайрон бўлди. Табиийки, улар ислом банкининг бундай муносабатига қош қолишиди ва миннатдорчилик сифатида муробаха битими бўйича қарзни биринчи бўлиб ёпишиди. Анаънавий банк билан эса қўйилган жарима ва пенялар сабабли ҳосил бўлган улкан қарз масаласида судлашишини бошлишди.

Агар жарима ва пенялар, ҳам кредит, ҳам муробаха битими бўйича қўлланилганда корхона катта эҳтимол билан умуман йўқ бўлиб кетарди ва ўнлаб одамлар ишсиз, қоларди....лекин бу воқеанинг якуни хайрли бўлиб чиқди.

Ислом муайян ахлоқий ва ижтимоий чегараларни адолат билан ўрнатиб, моддий бойликлардан фойдаланишда адолатсизликни олдини оладиган иқтисодий-молиявий тамойилларни белгилаб беради. Ахлоқий жиҳатлар иймон ва бизнес юритишнинг исломий тамойиллари асосида вужудга келади. Ўзининг ахлоқий меъёrlарига қарамай, исломий банклар ҳам ўз фаолиятидан даромад олишни кўзлайди.

Ислом иқтисодиёти шахсий эркинлик, хусусий мулк, табдиркорлик рұхы, молиявий фойда олиш важи ва қилинадиган саъй-харакаттар ва мукофот ўртасидаги тұғридан-тұғри боғлиқликни кафорлатлады.

Исломий банкларни анъанавий банклардан ажратиб туралған қүйидаги хусусиятларини курсатиб утиш мүмкін:

– исломий молия муассасалари фаолияти ақида талабларига мувофиқ келиши ҳамда улар рибо ва ислом томонидан ман этилған башқа битимларда иштирок этмаспилкәр лозим;

– исломий молия муассасалари мижозлар молиявий жиҳатдан қийинчиликка дуч келған холларда чуқур тушуниш ва ғамхүрлик күрсатышлари лозим;

– фойданинг энг юқори даражасига зришиш исломий банк муассасасининг мақсади бўлмаслиги лозим - уларнинг мақсади ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ва қашшоқликни тутатишидир;

– исломий банклар фаолияти ойнадай шаффоф булиши керак. Кандай қилиб, омонатчилар ўз маблағлари кандай фойдаланилаётгани ва кандай тарзда фойда келтираётгани түгрисида боҳабар этиб турилади. Шаффофликка риоя этилиши молиялаштириш жараённанда мижозларга уз манфаатлари йулида фойдаланишдан қочишга имкон беради;

– исломий молия муассасалари анъанавий банклардан омонат ва молиялаштириш амалиёти туфайли фарқ қиласади;

– исломий молия муассасалари мижозларнинг тури ва ижтимоий мақеидан катын назар, ахолининг барча қатламига хизмат күрсатади;

– исломий молия муассасалари узлари томонидат хақиқатда амалга оширилган ҳаражатлар ва хизматлардан келиб чиқиб тўловларни ундиришлари шарт.

Одатда, оддий банк иккита асосий вазифани бажаради: жамғарма омонатларини қабўл қиласади ва қарз беради. Мижозлар қоидага кўра, тўрт тоифага бўлинади: жисмоний шахслар, хўжалик юритувчи субъектлар (компаниялар), давлат сектори ва бошқалар. Пул қўйиш учун анъанавий банклар одатда жамғарма ҳисоб варагини, жорий ҳисоб варагини, муддатли ҳисоб варагларини ва муомалада эркин бўлган депозит сертификатларини таклиф қиласади. Хизматлар тури мижознинг шаклига боғлиқ равишда ўзгариши мүмкін.

Анъанавий тижорат банклари жисмоний шахсларга, бизнесга, давлат муассасаларига кредитлар таклиф этади. Мижозларга овердрафт, аккредитив, кафорлат хатлари ва бошқалар тақдим этилади. Кўшимча хизмат сифатида пул ўтказмалари, валюта алмаштириш ва маслаҳат хизматлари күрсатилади. Тижорат банклари бажарадиган вазифа вазиятдан келиб чиқиб ва вақт омилини ҳисобга олган ҳолда

ўзгариб туриши мумкин. Исломий банклар ҳам омонатлар қабул қиласи ва молиялаштириш механизмларини таклиф этади. Худди тижорат банклари сингари исломий банкларда ҳам жамғарма, жорий ва муддатли омонат ҳисоб вараклари мавжуд. Бошқа хизматлар сирасига пул ўтказмалари, валюта алмаштириш ва маслаҳат хизматлари киришини ҳам айтиб ўтиш мумкин. Лекин, барча амалиёт рибо ёки фоиз унсурларидан «тозалаб» ташланган.

Исломий банк тизимидағи шариат тамойилларини 5 тоифага ажратиш мумкин:

Биринчи тоифа – фойда ва зарарни тақсимлаш тамойили;

Иккинчиси – олди-сотди тамойили;

Учинчиси – ўз ичига йиғим ва комиссияларни олади;

Тўртинчиси – бепул хизмат тамойиллари;

Бешинчиси эса – ёрдамчи тамойилларни баён этиб беради.

Юқоридаги тамойиллар аксарият исломий банклар томонидан кўп ҳолларда амалиётда қўйидаги шаклларда ишлатилади: мушорака, музораба, мудораба, муробаха, ижара, ижара ва иқтино, муажжал бай, истисно, карзи ҳасан, вадиа, ран.

Мушорака – шерикчилик асосида, яъни банк ва тадбиркор томонидан лойиҳани биргалиқда амалга ошириш. Ислом банкларида амалга ошириладиган банк операцияларининг мушорака турида банк молиялаштиришдан қўзлаган мақсад муайян фоиз олиш эмас, балки олиниши керак бўлган фойдада интирок этишdir. Мушоракада олинган фойда қўйидагича тақсимланади:

– фойданинг бир кисми иш ҳаки, бошқарув ёки лойиҳани амалга оширишдаги бошқа интироки учун шерикка ажратилади;

– фойданинг қолган кисми эса шериклар, яъни банк ва тадбиркор ўртасида лойиҳага тикилган маблағнинг нисбатига қўра пропорционал равища тақсимланади.

Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, иш натижаси зарар билан якунланса, у ҳам шериклар ўртасида молиялаштиришдаги интирокига қўра пропорционал равища тақсимланади. Тадбиркор лойиҳа ташаббускори бўлгани боис, менежментни ўз кўлига олади. Банк эса шартномага қатъий риоя қилган ҳолда лойиҳанинг бажарилишини назорат қилиб боради. Бу билан у ўзи ва шериги томонидан иш учун тикилган капитални химоя қиласи.

Мушорака бўйича капитал, албатта, икки томондан қўйилмоғи лозим. Лекин, шуни таъкидлаш жоизки, томонлар капиталининг тенг бўлиши шарт эмас. У турли нисбатда қўйилиши мумкин. Инвестиция қилинаётган маблағ эркин айланадиган бўлиши ва энг мухими, унинг манбаи маълум бўлмоғи лозим. Мушорака шартномаси щерикларнинг бир-бирига бўлган тўлиқ ишончига асосланади. Ширкат маблағини бегона - учинчи шахс манфаатига ишлатиш ёки пул маблағларини

бошқаришни учинчи шахсга, топшириш, шунингдек, компания маблағларини ўзининг шахсий маблағлари билан аралаштириб юбориш, умумий маблағни қарзга бериш ёки кафолат сифатида кўйиш мумкин эмас. Банк талабгор тадбиркорлар ичидан шерик танлашда унинг нафақат профессионал маҳорати, балки унинг ахлокий жиҳатларини ҳам инобатга олади.

Мудораба – ишонч асосида молиялаштириш. Ушбу банк операцияси турининг моҳияти шундаки, бунга кўра томонларнинг бири сармоя қўювчи ва иккинчи тараф иш юритувчи сифатида фаолият юритади. Демак, банк лойихани тўлиқ молиялаштирувчи бўлса, тадбиркор лойихани бевосита амалга оширувчи хисобланади. Ислом банкларида амалга ошириладиган операцияларнинг мудораба тури мусулмон аҳоли ўртасида кенг тарқалган асосий хўжалик юритиш тамойилини ўзида акс эттиради. Муомаладан холи ёки бўш сармояга эга бўлган шахс уни ўзи хоҳлаган соҳага ёки бир пайтнинг ўзида турли соҳаларга йўналтириши мумкин. Бунда иккинчи тараф сармояни тасарруф этувчи, яъни лойихани амалга ошириш билан боғлиқ бўлган барча ташкилий ва бошқарув ишларига мутасадди шахс сифатида муомалага киришади.

Мудораба шартномасига кўра фойда тарафлар ўртасида олдиндан келишилган нисбатда тақсимланади. Шариат нуқтаи назаридан мудораба молиявий воситаларни ишлаб чиқариш омилларига айлантиришнинг ҳалол ва қонуний йўли хисобланади. Бунда турли имкониятга эга бўлган хўжалик субъектлари бирикib, ижтимоий фойда келтирувчи хайрли амал билан шугулланадилар. Мудорабада З та иқтисодий категория амал қилади: капитал, меҳнат, фойда. Бунда капитал туленийнган вактда капиталнинг ҳажми ва манбаи маълум бўлиши, шунингдек, у бошқа банк операцияларига жалб этилмаслиги лозим.

Лойихани амалга ошириш учун сарфланган меҳнатта ҳақ фойда хисобидан тўланади. Меҳнатта ҳақ тўлаб бўлингандан сўнг колган маблағ соф фойда бўлиб, у шериклар ўртасида шартномада келишилган нисбатда бўлинади. Худди мушорака сингари мудораба шартномасида ҳам лойиха банк томонидан синчковлик билан босқичма — босқич ўрганилади. Ушбу шартнома турида ҳам талабгорнинг нафақат молиявий аҳволи, балки унинг ахлокий жиҳатларига ҳам асосий эътибор қаратилади. Банк томонидан лойиханинг бажарилиши устидан доимий ва қаттиқ назорат ўрнатилади. Агар лойихани амалга оширувчи томонидан йўл кўйилган хато ёки эътиборсизлик оқибитида зарар кўриладиган бўлса сўзсиз, ушбу зарарни қоплаш иш юритувчи зиммасига юклатилади. Ана шундай вазиятларни назарда тутган ҳолда ислом банклари

талаабордан маълум қийматга эга бўлган мулкни гаров сифатида кўйишни талааб қилиши мумкин.

Муробаҳа – тижорат операцияларини молиялаштириш. Ислом банклари опрецияларининг ушбу турида банк муайян тижорат операциясини молиялаштиради ва шартномада кўрсатилган фойдага эга бўлади. Бунда мижоз буортмасига кўра товар банк томонидан харид килинади. Сўнгра банк ушбу товарни шартномада кўрсатилган устама нарх билан мижозга сотади. Ушбу устама нарх банкнинг фойдаси ҳисобланади.

Ижор – Ижара операцияси. Банк операциясининг ижор турига асосан тадбиркор кўчмас мулк ёки ишлаб чиқариш воситасини банкдан ижарага олади. Ислом банкларининг ушбу операцияси бугунги кундаги анъанавий банкларнинг лизинг операцияларига ўхшаш бўлиб, у банк ва тадбиркор ўртасида тузилган шартномага асосан амалга оширилади.

Ижор ва иктиро – сотиб олиш ҳуқуки бўлган ижара. Банк ва мижоз ўтрасида тузилган ушбу шартномага кўра, банк томонидан ижарага берилган кўчмас мулк ёки ишлаб чиқариш воситаси ижара муддати тугагач мижознинг мулкига айланади. Албатта, бунга қадар ижара объектининг келишилган нархи белгиланган муддат ичида тўлаб бўлинган бўлиши керак. Анъанавий банклар ҳам лизинг операцияларини амалга оширища мижозга ижара муддати тугагач, сотиб олиш ҳукукини беради.

Ал-Қард ал-Ҳасан— фоизсиз қарз.

Ислом банклари жисмоний ва юридик шахсларга маълум муддатга фоизсиз қарз бериши мумкин. Ушбу қарз асосан ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун (масалан, завод, фабрика, йўл ва кўприклар куриш) учун ажратилади. Айрим ҳолларда, маълум объектив сабабларга кўра қарздор шахс ёки ташкилот олинган маблагни қайтара олмаса, банк уни закот фонди ҳисобидан қоплаб бериши мүкин.

Шундай қилиб ислом банклари ўз мижозларига юқоридаги операцияларни амалга ошириш учун уч хил фоизсиз ҳисоб (счёти)ни таклиф қиласди:

Жорий ҳисоб. Бу фоиз ставкаси қўйилмайдиган чек ва жамгарма ҳисоби бўлиб, бунда банк мижозлардан қўйилма ва депозитлар бўйича хизмат кўрсатгани учун муайян тўлов олишга ҳақлидир. Агар мамлакатда инфляция жараёни кузатилаётган бўлса, ҳисоб ракамидаги пул маблағларига индексация асосида муайян микдордаги пул компенсация сифатида тўланади.

Инвестицион ҳисоб. Ушбу ҳисоб тури бўйича мижозлар турли операциялар воситасида ўз маблағларини истиқболли лойиҳаларга инвестиция қилишлари мумкин. Албатта, бунда фойда ва зарар,

юқорида айтиб ўтилгандек, банк ва мижоз ўртасида шартномага кўра тақсимланади.

Кредит хисоби. Ислом банклари мазкур ҳисоб орқали талабгор тадбиркорларга ҳамда аҳолининг муҳтож қатламларига фоизсиз қисқа муддатли ёки узок муддатли қарз (кредит) беради.

Бунда давлатманд мусулмонлар ўз эҳтиёжларидан ҳоли бўлган бўш маблағларини банкнинг кредит ҳисобига қисқа ёки узоқ муддатли депозит сифатида кўядилар. Банк ушбу маблағларни келишилган муддатда тўлигича қайтаришни кафолатлади.

Исломий банк томонидан тақдим этиладиган хизматлар уч гурухга бўлинади: омонатларни қабўл қилиш, молиялаштириш ва бошка хизматлар. Исломий банклар бошқа хизматларни ҳам тақлиф этиши мумкин. Доимий мижозлар эҳтиёжига хизмат кўрсатишга кўшимча тарзда, вактинчалик мижозлар эҳтиёжи учун ҳам банк хизматлари тақдим этилиши мумкин. Вактинчалик мижозлар – бўлар факат маълум бир ҳаракат учун маълум бир даврда банк хизматига эҳтиёж сезувчилардир. Бундай хизматлар аккредитивлар, кафолат хатлари, пул ўтказмалари, валюта айирбошлиш, чеклар ва векселларни чиқариш, маслаҳат ва бошқа хизматларни ўз ичига олади. Конун Марказий банкка мамлакат молия тизимини назорат қилиш ва тартибга солиш ваколатини беради. Исломий банклар ҳам, молия тизимининг бир қисми сифатида, Марказий банк томонидан назорат килинади ва тартибга солинади. Ҳақиқатда ҳам, исломий банк тизимида Марказий банк анъанавий банк тизимидағи каби вазифаларни бажаради. Мазкур вазифалар шариат ҳуқуқига ҳам мувоғик келади, чунки исломий банклар ҳам мамлакат молия сиёсати учун жавоб берадиган ташкилот олдида масъулиятли ҳисобланади. Исломий банклар ташкил этилишининг дастлабки босқичларида улар тақдим этадиган хизматлар рибодан ҳоли бўлган молиялаштириш хизмати омонатлар томон етаклаган.

IX БОБ. ДАВЛАТНИНГ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ

Давлат иқтисоднинг тўғри ривожланиши учун катта ҳисса қўша оладиган кучдир.

Давлат бюджети мувозанатланган бўлиши керак (баланс), хазина тўлдирилиб турилиши керак ва давлатнинг қарзи камайтирилиши керак.

Сицерон, милоддан аввалги 63 йил.

Давлатнинг иқтисодий йўналишда учта асосий вазифаси бор:

- ❖ иқтисодий барқарорликни таъминлаш;
- ❖ ҳалқаро иқтисодий сиёсат олиб бориш;
- ❖ иқтисоднинг ўсишини таъминлаш (инқирозлардан сақлаш)⁶⁰.

9.1. Иқтисодий барқарорлик

«Сиёсат – жуда нозик ва мураккаб масала. Унинг оддий кўз илгамайдиган ёки ақл бовар қилмайдиган томонлари жуда кўп. Сиёсатда «коса тагида – ним коса», «қизим сизга айтаман, келиним сен эшиг» каби ҳолатлар кўп учрайди. Шунинг учун уни тўғри тушунишга ҳамма ҳам ҳар доим етарли даражада тайёр бўлавермайди. Шундай экан, унга нисбатан муносабат билдираётганда жуда эҳтиёт бўлмоқ лозим»⁶¹.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш – бозорни шакллантириш йўлидаги қонуниятли ва муқаррар жараён ҳисобланади. Бу нарса иқтисодиётни жонлантириш ва унинг таркибини янгилаш, инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, иш жойлари сонини ошириш, рақобатбардош ишлаб чиқаришни кучайтириш, ахолининг реал даромадларини ошириш учун тегишили шарт - шароитларини яратишининг қонуний зарур асоси сифатида мухимdir.

Барқарорлаштириш сиёсати энг аввало, бу макроиктисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл қўймаслиқдир. Шунинг учун пул қадрсизланишининг, пул эмиссиясининг бошқарилишини таъминлаш, тўлов балансини бир меъёрда сақлаш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган сиёсатdir.

Ўзбекистон иқтисодиётини барқарорлаштириш энг аввало, ишлаб чиқаришни ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, иқтисодиётда номутаносибликларга барҳам бериш, иқтисодиётни

⁶⁰ Rahimov M. "Suratli iqtisod", Tamaddun nashriyoti. Toshkent. 2013-yil, 65b.

⁶¹ T.S.Malikov, P.T.Jalilov. "Byudjet-soliq siyosati". "Akademnashr" nashriyoti, 2011 yil, 5b.

таркибий ўзгартериш, бир меъёрда қаттиқ пул-кредит сиёсатини амалга ошириш орқали амалга оширилиб борилди. Макроиктисодий баарорлаштириш жараёнида энг аввало устувор, катта истиқболга эга бўлган тармоқлар, яни нефт мустақиллиги, энергетика мустақиллиги, ғалла мустақиллигини таъминлаш, пахтани қайта ишлаш саноатини ва шу асосда иқтисодиётнинг таркибини ўзгартериш кабилар долзарб вазифа ҳисобланди.

Давлат ана шу мақсадларга эришиш борасидаги куч гайратида иккита «восита» ёки стратегик ёндашувдан: **Фискал** (бюджет-солик) ва **монетар** (пул-кредит) сиёсатдан фойдаланади. Фискал сиёсат амалий фаоллик даражасини тартибга солиш учун давлатнинг солик солиш ва маблағларни сарфлаш имкониятларидан фойдаланишини назарда тутади. Монетар сиёсат давлатнинг пул муомаласини назорат қилиш ва унинг ёрдамида мамлакатдаги амалий фаоллик даражасига таъсири этиш хукуқидан фойдаланишини назарда тутади.

9.2. Фискал сиёсат.



Давлатнинг харажатларига мувофиқ солиқлар ставкасини ўзгартериш фискал сиёсатнинг асосий дастаги ҳисобланади. Соддароқ қилиб айтганда, фискал сиёсат, бир томондан, бюджет даромадларини (окилона) шакллантириш, иккинчи томондан,

бюджет харажатларини (самарали) сарфлаш билан боғлиқ.

Фискал сиёсатни олиб бориш Президент ва Олий мажлиснинг алоҳида хукуқи доирасига киради. Негаки, айнан улар солик солишни ва тушган маблағлар сарфланишини назорат қиладилар. Масалан, иқтисодиёт таназзул давридан ўтди ва инкироз ҳолатига кирмоқда деб фараз қилайлик. Сизга маълумки, таназзул ялпи ички маҳсулот қисқариши ва ишсизлик ўсиши билан бир вактда кечади. Шундай экан, агар давлат аҳоли жон бошига ҳақиқий ЯИМ ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун бирон-бир чора кўра олганида эди, иқтисодий таназзул тўхтаган бўлар эди.

Иқтисодий адабиётларда **ЯИМ** – *истеъмолчиларнинг харажатлари, ишлаб чиқариш инвестицияларига, давлат дастурларига қилинган харажатлар ва ижобий тўлов баланси (соғ экспорт)* жамламасига **YAIM=C+I+G+XN** тенг. Демак, қўшилувчилардан лоақал биттасининг ошиб бориши, ҳатто қолганлари ўзгартмаган тақдирда ҳам, ЯИМнинг кўпайишига олиб келади. Иқтисодиёт барча кўрсаткичлар бўйича танназзул даврига кираётганига доир мисолимизга яна қайтамиз.

Президент ва Олий Мажлис вазиятни ўзгартириш учун фискал усуллардан фойдаланишига қарор қылдилар деб фараз қилайлик. Буни икки йўл билан амалга ошириш мумкин. Солиқларни камайтириш, харажатларни эса аввалги даражасида қолдириш ёхуд солиқларни аввалги даражасида қолдириб, харажатларни кўпайтириш мумкин. Солиқлар камайганда, айрим одамлар ва умуман бизнес кўпроқ пулга эга бўлади. Улар бу пулни ўз ихтиёrlариша сарфлашлари мумкин. Одамлар ва фирмаларнинг харажатлари (демак, ЯИМ ҳам) кўпая бошлиши сабабли иқтисодиёт, юқорида баён қилинганидек, юксалиш босқичига киради.

Шунингдек, агар Президент ва Олий Мажлис давлат харажатларини (G) ошира борса, бу ЯИМнинг кўпайшига олиб келиши ва ишлаб чиқаришнинг қисқаришини тўхтатиши мумкин. Фискал воситалардан иқтисодий суратларни секинлаштириш учун ҳам фойдаланиши мумкин. Масалан, иқтисодий туркираш пайтида нархлар таҳликали тарзда кўтарила бошланди деб фараз қилайлик. Эҳтимол куттилган инфляциядан хавотирланиб, Президент ва Олий Мажлис ўз фискал сиёсатини ўзгартиришга қарор қиласди. Бундай шароитда улар одатда ё солиқларни кўпайтириш, ё давлат харажатларини камайтириш йўлни танлайдилар. Ёхуд унисини ҳам, бунисини ҳам қиласдилар. Агар давлат солиқларни кўпайтираса, истеъмолчилар ва бизнес, умуман олганда, (С ва I) ўз харажатларини камайтирадилар. Бу ҳол товарларга бўлган умумий талабнинг пасайшига олиб келади. Бу эса инфляцияни камайтириши лозим.

Кўпчилик иқтисодчиларнинг фикрича, фискал дастаклардан тўғри фойдаланилса, улар инқироз ва инфляцияга қарши курашда яхши восита бўлиб хизмат қилиши мумкин. Жумладан, Англиялик таникли иқтисодчи олим **Джон Мейнард Кейнс** бозор иқтисодиёти фаолиятига давлат томонидан аралашувини билвосита дастакини ишлаб чиқди. Ушбу дастак ёрдамида давлат томонидан фаол фискал сиёсати олиб бориш, талабни рағбатлантириш ва оммавий ишсизликни пасайтиришни амалга ошириши имкониятига эга бўлади. Кейнс томонидан ишлаб чиқилган иқтисодий механизм қўйидаги асосий низомлардан иборат:

- мамлакат аҳолисининг иш билан таъминланганлиги даражаси ишлаб чиқариш хажми билан аниқланади;
- умумий талаб таклифга тўғри келмайди, чунки маълум пул маблағлари жамғаришга сарфланади;
- ишлаб чиқаришнинг хажми оқилона талаб даражасидаги тадбиркорликка асосан аниқланади;
- инвестициялар ва жамғармалар баробарлиги ҳолатидаги инвестиция ҳамда жамғарма актлари мустақил фаолият кўрсатади.



Дж. Кейнснинг асосий фикри қуйидаги-лардан иборат: қўшимча пул эмиссияси ахолининг тўловга қобилиятлилик талабини оширади. Бунинг натижасида товарлар ва хизматларни кўпайиши учун асос юзага келади. Ишлаб чиқарувчилар томонидан харидорларнинг пулларини олиш мақсадида ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтирадилар ва муомаладаги ортиқча пул эмиссияси массасини маҳсулотлар ва хизматлар билан тўлдирадилар.

Монетар сиёсат. Монетар сиёсат иқтисодиётни барқарорлаштириш усули сифатида муомаладаги пул миқдорини тартибга солишга асосланади. Монетар сиёсатни ўтказиш Марказий банкнинг вазифасидир. Муомаладаги пул миқдори ва иқтисодий фаоллик даражаси ўргасида бевосита алоқадорлик мавжуд бўлиб, пулларни таклиф қилиш кўпайса, шу билан биргаликда истеъмолчиларнинг харажатлари ва ишлаб чиқариш харажатлари ошиб боради (C+I).

Ўтган асрнинг 60 йилларида пул-кредит назариясининг янги мактабига асос солинди. Ушбу мактабга АҚШлик машхур иқтисодчи, Нобель мукофотининг лауреати, «Чикаго иқтисодий мактаби»нинг бошлиғи **Милтон Фридмен** асос солди. Халқаро амалиётда ушбу мактаб «монетаризм» деб номланади.

Иқтисодиётга таъсир кўрсатувчи турли дастаклар ичидаги пул дастаклари устун қўйилади. Айнан улар (маъмурий, баҳолар дастаклари эмас, солиқ тизими эмас) иқтисодиётни аъло даражада барқарорлаштиришга қодир. Агар Ж.М. Кейнс бюджет сиёсатини анча аник, тезкор ва натижасини олдиндан билиш мумкин бўлган дастаклар сифатида баҳолаган бўлса, М. Фридмен ундан фарқли равишда, пул-кредит сиёсатини ана шундай тавсифлайди. Унинг фикрича, (Кейнсга қараганда), пул-кредит сиёсати иқтисодий фаолликни анча кучайтиради. Ў пулни ишлаб чиқаришга, иш билан бандлик ва баҳоларни аниқлашда ягона бош омил сифатида қарайди. Пулнинг асосий хусусияти унинг ликвидлигиди. Пулни хоҳлаган пайтда алмаштириш, унга ҳар қандай товарни сотиб олиш мумкин. М. Фридмен, пул ҳаракати (пул массасининг ўсиш суръати) ва ялпи ички маҳсулот ўргасида ўзаро чамбарчас боғлиқлик амал қилишини асослаб беради. Пул массасининг ўсиш суръатининг тезлашуви ёки секинлашуви фаол иш юритишда, ишлаб чиқаришнинг цикли тебранишида акс этилишини таъкидлаб ўтади.

Марказий банк пул таклифини қай тарзда тартибга солади? Марказий банк пуллар таклиф қилишни тартибга солиш учун фойдаланиши мумкин бўлган бутун бир воситаларга эга. Улардан энг муҳимлари қўйида санаб ўтилади:

Очиқ бозордаги операциялар. Мамлакатдаги пул массасини ўзгариши устидан, яъни пул таклифи устидан назоратнинг куролидир.

Очиқ бозордаги операциялар моҳияти асосан – мамлакатдаги молия бозорига таъсир кўрсатиш мақсадида қимматли қофозларни Марказий банк томонидан сотиб олиш ва сотишдан иборатdir. Марказий банкнинг очиқ бозордаги операциялари дастлаб XIX асрнинг 30-йилларида Англияда мамлакатдаги ссуда капиталлари бозорида ортиқча маблағларни йўқотиш учун фойдаланилган. Марказий банкнинг очиқ бозордаги операцияларидан асосий мақсад қимматли қофозларга бўлган талаб ва таклифни тартибга солиб, бунда тижорат банкларининг қизиқишлигини уйғотишдан иборатdir. Кейинчалик, Англиядаги мавжуд депрессиянинг олдини олиш мақсадида машхур иқтисодчи Жон Мейнард Кейнс тавсияси билан Марказий банкнинг очиқ бозордаги операцияларидан давлат бюджети тақчиллигини ноинфляцион йўл билан қисқартиришда кенг фойдаланила бошланган.

Очиқ бозордаги операцияларнинг моҳияти Марказий банк томонидан давлат қимматли қофозлари, тижорат банклари акцептлари ва бошқа кредит мажбуриятномаларини бозор курси бўйича сотиб олиш ва сотишдан иборатdir. Булас сотиб олинган вақтда, Марказий банкка тегишли суммаларни ўтказиб, уларнинг захира ҳисоб рақамларидаги қолдикни кўпайтиради. Тижорат банклари ўзларининг ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари кўпайганинг ҳисобига мижозларига кредитлар бериш ҳажмини кўпайтириш имкониятига эга бўладилар. Банклар томонидан берилган кредитлар ҳажмининг ошиши натижасида кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг пасайиши юзага чиқади. Паст фоиз ставкалари бўйича кредитларнинг берилиши эса, ўз навбатида, кредитлар ҳажмининг ошишига олиб келади. Бундан ташкири, мамлакатда тижорат банклари томонидан берилган кредитлар ҳажмининг кўпайшишига, бу эса, тегишли равишда пул массаси ҳажмининг кўпайшишига имкон беради. Мазкур жараён тегишли равишда пул муомаласининг ҳолатига ўз таъсирини кўрсатади. Бундай ҳолатда Марказий банк мамлакатда рестрикцион пул сиёсатини (яъни, у муомаладаги пул массасига қаратилган сиёсат) кўллаган ҳолда тижорат банкларига давлат қимматли қофозларини сотади. Тижорат банклари давлат қимматли қофозларини сотиб олишлари учун эса Марказий банк давлат қимматли қофозлари бўйича тижорат банклари учун манбаатли бўлган фоиз ставкалари (ёки фоизсиз давлат қимматли қофозлар бўйича катта миқдордаги дисконт)ни таклиф этиши керак. Агарда Марказий банк тижорат банкларига давлат қимматли қофозларини сотса, уларда хўжалик субъектлари ва аҳолига кредитлар бериш учун пул маблағлари кам

қолади. Бу мос равища пул муомаласининг ҳолатига ижобий таъсир этиб, мамлакатда пул массаси кисқаради.

Марказий банкнинг очик бозордаги операциялари миллий банк тизими захира мавқеи ҳолатига таъсир этади ва у тартибга солиш усули сифатида фойдаланилади. XX асрнинг 40-йилларида давлат облигациялари бозорининг ниҳоятда кўпайиши ва уларнинг Марказий банк томонидан фаол сотиб олинишига ўтиш очик бозордаги операцияларни пул-кредит сиёсатининг бош усулига айланishi учун қулаи шарт-шароит яратиб берди. Бундай операциялар АҚШ, Англия, Канада, Германия ва Нидерландияда кенг кўлланилмоқда.

Очиқ бозордаги операциялар муомаладаги пул массасини бошқариш, банк тизими ликвидлитини тартибга солиш ва фоиз ставкалари барқарорлигини таъминловчи асосий инструментлардан бири сифатида Марказий банк томонидан мунтазам равища кенг кўлланилиб келинмоқда.

Ҳисоб ставкасини ўзгартириш. Тадбиркорлик фирмалари қарзга муҳтоҷ бўлиб қолганида банкларга мурожаат этгани каби банкларнинг ўзи ҳам маблағ зарур бўлиб қолган тақдирда, ўз Марказий Банкига мурожаат этади. Бошка қарз берувчилар сингари банклар ҳам қарз бўйича Марказий Банкка фоизлар тулайди. Ҳисобга олиш ставкаси марказий банк қарзлар бўйича банклар ва бошқа молия муассасаларидан ундирадиган фоиздир. Бошқарувчилар кенгаши ҳисобга олиш ставкасини кўпайтиrsa, банклар ўз мижозларидан ундириладиган фоизни оширади. Шу сингари ҳисобга олиш ставкаси камайтирилганда кредитлар учун банк фоизи кисқаради. Фоизнинг паст бўлиши қарз олишни рагбатлантиради, фоизнинг баланд бўлиши эса тескари таъсир қиласи. Қарзлар кўпайган сайин пулни таклиф қилиш кенгаяди. Қарзлар кисқарган сайин пулни таклиф қилиш доираси тораяди.

Резервлар нормасини ўзгартириш. Банклар ўз депозитларининг муайян фоизини (резервлар нормаси сифатида маълум бўлганини) резерв тартиқасида марказий банкда сақлауб туришлари талаб қилинади. Қолган маблағларни банклар ўз мижозларига қарз тартиқасида беришлари мумкин. Бошқарувчилар кенгаши резервлар нормасини ошириб, шу аснода банкларнинг кредитга пул бериш имкониятларини камайтиради.

Резервлар нормаси пасайтирилганда тижорат банклари ўз омонатларининг катта кисмидан эркинрок фойдаланишлари мумкин бўлиб, бу ўз навбатида, пул таклифини оширади.

Марказий Банк иктисадий вазиятга қараб “арzon пуллар” (юмшок) пул сиёсати ёки “киммат” (катгик) пул сиёсати юритади.

“Арzon пуллар” сиёсати биринчи бўлиб Ж.М.Кейнс томонидан таклиф этилган. Бунда Ж.Кейнс Марказий банкнинг ҳисоб ставкасини

пасайтириш йўли билан тижорат банклари кредитларининг фоиз ставкаларини пасайтиришга эришишни таклиф қилган. Бунинг натижасида компанияларнинг банк кредитларидан фойдаланиш даражаси ошиши ва шунинг асосида уларнинг инвестицион харажатларини молиялаштириш хажмининг ошишига эришиш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш хажмининг ошишига ва янги иш ўринларининг яратилишига олиб келиши мумкин.

“Киммат” пул сиёсати. Агарда мамлакатда инфляция юз берадиган бўлса, “киммат” пул сиёсати юритилишига тўгри келади. Бу сиёсат кредитни киммат қилиб, олишни қийинлаштиради. Пул таклифини кисқартириш чора-тадбирлари кўрилади:

- очик бозорларда давлат қимматбаҳо қозозлар сотилади;
- захира (резерв) нормалари оширилади;
- ҳисоб ставкаси кўтарилади.

Пул таклифи қисқариши натижасида процент ставкаси кўтарилади. Бу ўз навбатида инвестицияни кисқаришига инфляцияни чеклашга олиб келади. Шундай қилиб Марказий Банк мамлакатнинг банк-молия сферасига, унинг ҳолатига бевоста таъсир қилиб, бутун иқтисодиётга таъсир кўрсатади. Хуллас, кўпчилик иқтисодчилар пул-кредит сиёсатини миллий барқарорлаштириш сиёсатининг ажралмас қисми деб ҳисоблашади.

Унинг афзаллиги шундаки, фискал сиёсатга нисбатан мослашувчанлиги ва тез орада таъсир кўрсатиши, сиёсий босим кўрсатиш фискал сиёсатга нисбатан қийинроқлиги билан ҳам ажралиб туради. Ундан ташқари қатор иқтисодчилар пул таклифини ўзгаришини иқтисодий фаоллик даражасини белгилайдиган ҳал қилувчи омил деб ҳисоблашади. Аммо уни камчиликлари ҳам бор. “Киммат” пул сиёсати куттилган натижани бериши мумкин, лекин “арzon” пул сиёсати куттилган натижани бермаслиги ҳам мумкин, яъни таклиф қилган пул мижозлар томонидан процент нормасини паст бўлишига қарамай кредит олмаслиги мумкин. Бу камчиликларга қарамай, пул-кредит сиёсати ва унинг кредит тизими орқали амалга оширилиши мамлакат иқтисодий ҳаётида муҳим рол ўйнайди.

9.3. Фискал сиёсат: солиқлар ва солиққа тортиш.

Давлатнинг асосий вазифаларидан бири иқтисодиётни барқарорлаштириш ҳисобланади. Бундай барқарорлаштиришга фискал сиёсат орқали эришилади. Фискал сиёсат шунингдек, бюджет-солиқ сиёсати деб ҳам айтилади.

Бюджет-солиқ сиёсати деганда ноинфляцион ЯИМ ишлаб чиқариш шароитида иқтисодиётда тўлиқ бандилийкни, тўлов

балансининг мувозанатини ва иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган давлат харажатлари ва соликларини ўзгартиришни ўз ичига олган чора тадбирлар тушунилади.

Энг умумий ва содда тарзда бюджет-солик сиёсати, бир томондан, бюджет даромадларини (оқилона) шакллантириш ва иккинчи томондан, бюджет харажатларини (самарали) сарфлаш билан боғлиқ. Бюджет даромадларини шакиллантиришда соликлар муҳим рол ўйнайди.

Соликларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши давлат молиясининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида солик тўловчилар мол-мулкининг бир қисмини мажбурий кўринишда давлат ҳазинасига ўзлаштирилиши сифатида ундириш узок даврга бориб тақалади. Соликларнинг қачон пайдо бўлганлиги ҳакида ҳеч қандай аниқ маълумот тарихий китобларда учрамасада, лекин соликларнинг илк кўриниши сифатида қурбонлик қилинган ноз-неъматлар эътироф этилади. Бунинг хусусияти шундан иборатки, у **мажбурий бўлмай ихтиёрий тарзда** амалга оширилгандир.

Қилинган қурбонликлар эса камбагалларга, ноҷорларга, этимларга, муҳтоjlарга улашиб берилган. Кейинчалик жорий этилган соликлар эса, бевосита қабила ҳамда уруглар ўртасида давом этиб турган уруш жанжалларга боғлиқдир. Бундай соликлар натура шаклида бўлиб, бир қабилани босиб олиш ёки ўзини муҳофаза қилиш учун сафарбар этилган. Соликлар тарихда инсон цивилизацияси билан бирга ривожланиб, унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Соликларнинг иқтисодий муносабатларда асосий ўринга чиқишига аввалимбор давлатнинг шаклланиши, жамоаларнинг синфларга бўлинishi, қадимги ижтимоий тузумнинг вужудга келиши, ҳамда уларнинг маълум молиявий манбага эҳтиёж сезишлари сабаб бўлган.

Соликлар пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёнида уларнинг шакллари ҳам ўзгариб келмоқда. Агарда бугунги кунга келиб соликлар асосан пул шаклида ундирилаётган бўлса, улар қадимда бир қанча кўринишларда, жумладан, меҳнат шаклида, натура шаклида ундирилган. Шу билан биргаликда жамият иқтисодий тараққиёти юксалишига мос равишда соликларнинг пулли шаклда ундирилиши ҳам тобора ривожланиб борди. Товар-пул муносабатларининг ривожланиши ва мустаҳкамланиши соликларнинг ҳозиргидек пул кўринишига келишига олиб келди. Олдин соликлар, асосан, чегара ва қўшин эҳтиёжларига, шаҳар атрофини мустаҳкамлашга, йўл ва ибодатхона қурилишларига йиғилган бўлса, вакт ўтиши билан соликлар давлат ҳазинаси даромадининг биринчи галдаги манбаи бўлиб қолди.

Жамиядга молия илмининг ривожланиши билан соликқа тортиш муаммолари ва услубиятларига бағишлиланган янги-янги илмий-назарий қарашлар вужудга келди. Аммо ҳеч қандай иқтисодий мактаб

соликларнинг фискал функциясидан муҳимроқ қарашни илгари сура олмади. XIX асрнинг иккинчи ярмида кўп мамлакатлар янги илмий назарияларни ҳаётга татбиқ этишга уринганлар, лекин факаттинг биринчи жаҳон урушидан сўнг янги илмий қарашларнинг самарааси ўлароқ солик тамойиллари ҳозирги мукаммал кўринишга эга бўлган. Айни шу вақтда замонавий солик тизимининг пойдевори курила бошланди, тўғри соликларнинг аҳамияти илмий жиҳатдан асослаб берилди ҳамда бюджет даромадлари улушининг катта қисмини тўлдирувчи жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган соликларни прогрессив ставкалари жорий этилди. Шу билан бирга тан олиш лозимки, шу вақтгача бирор бир давлатда мукаммал солик тизими амал қўлмайди. Ҳозиргача иқтисодиёт илми соликка оид кўпдан-кўп саволларга жавоб топа олмаяпти. Аммо ривожланган мамлакатларда доимо амалга ошириладиган ислохотлар шундан далолат беради, барча ҳатти-ҳаракатлар соликларнинг адолатли, ёнг тақсимланган ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза килиш каби унсурларнинг ривожланишига катта аҳамият берилган.

Бинобарин, солик категорияси нафакат иқтисодий мулкий муносабатлар, айни пайтда аҳоли манфаатларини химоялашга қаратилган ижтимоий муносабатларга ҳам дахилдордир. Солик конунчилигини аҳоли онгига сингдириб бориш мухим вазифадир. Россиялик иқтисодчи олим М. В. Корасева ёзганидек «Соликка оид конунчилик актларида, соликлар қачон ва қай тартибда тўланиши аниқ ва барча тушуна оладиган тарзда айс этиши керак»⁶², чунки солик тўловчилар айнан шу масалада ўз хукукларини яхши билмаслиги ўз манфаатларини етарли даражада химоя қила олмаслигига ҳам сабаб бўлади.

«Солик тўғрисидаги қонунчилик шундай шакллантирилиши керакки деб ёзади С. Д. Шаталов, - ҳар бир киши, а) қандай соликлар, б) қачон ва в) қай тартибда тўланиши кераклигини яхши билишлари керак. Аммо содда килиб айтганда, бу вазифа бажарилиши мушкул ишдир»⁶³. Шубҳасиз, солик юкининг аниқ миқдорини белгилаш хўжалик субъекти ва жисмоний шахсларни соликка тортиш масаласини анча енгилаштиради. Зоро, «Бугун ҳаётнинг ўзи соликлар адресли бўлишини тақози этмоқда. Солик тўловчи нима учун ва қанча солик тўлаши ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлмоғи даркор»⁶⁴.

Соликларнинг амал килиши бу объективликдир, чунки жамиятни ташкил этувчи индивидларнинг ҳаммаси ҳам реал секторда (ишлаб чиқариш соҳасида) фаолият кўрсатмайди. Жамиядда бошқалар томонидан рад этилган ёки шуғулланиш иқтисодий самараасиз бўлган

⁶² Корасаева М.В. Бюджетное и налоговое право России. Политеческий Аспект, монография Москва,2000г ст 124-137.

⁶³ Шаталов С.Д. Комментарий к Налогому кодексу Российской Федерации. ГОСТ первой. Москва,2000 г. Ст 39.

⁶⁴ Malikov T. Haydarov H. Soliqning turi ko'pmi? Jamiyat va boshqaruv jurnalı 2001yıl 25-26 hetlar.

соҳалар ҳам мавжудки, бўлар солиқларни объектив амал қилишини талаб этади. Аникроқ қилиб айтганда жамиятни норентабел (мудофаа, медицина, фан, маориф, маданият ва бошк.) ва рентабель соҳага ажралиши ҳамда норентабел соҳани молиялаштиришни табий зарурлиги солиқларни объектив амал қилишини зарур қилиб қўяди, ваҳолангки, норентабел соҳанинг ижтимоий хизматлари, асосан давлат томонидан амалга оширилади, уларни молиялаштириш усули сифатида юзага чиқувчи солиқлар ҳам шу туфайли бевосита давлатга тегишли бўлади.

Солиқлар мажбурий тўловни ифода этувчи пул муносабатларини билдиради. Бу муносабатлар солиқ тўловчилар билан солиқни ўз мулкига айлантирувчи давлат ўртасида бўлади. Солиқ муносабати бўлиши учун давлат мамлакатда яратилган ижтимоий маҳсулот қийматини тақсимлаш йўли билан мажбуран давлат бюджетига маблағ тўплаш жараёнини амалга оширади.

Солиқларнинг ўзига хос белгилари мавжуд бўлиб, уларга мажбурийлик, хазинага тушишлик, қатъийлик ва доимийлик, аниқ солиқ тўловчи учун эквивалентсизлик белгилари мавжуддир.

Биринчи белги-мажбурийлик. Солиқлар ва йигимлар мажбурий бўлиб, бунда давлат солиқ тўловчининг бир қисм даромадларини мажбурий бадал сифатида бюджеттга олиб қўяди. Бу мажбурийлик Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг тамоили асосида амалга оширилади. Мажбурийлик белгиси ҳуқукий томондан давлат учун кафолатланган.

Иккинчи белги солиқларнинг давлат мулкига айланнишидир. Солиқлар албатта хахинага-давлат бюджетига ва бошқа давлат пул фонdlарига тушади.

Солиқлар қатъий белгиланган ва доимий ҳаракатда бўлади. Тарихда 50 ва 100 йиллаб ўзгармасдан ҳаракатда бўлган солиқлар мавжуд. Илмий асоси қанча чукур бўлса, солиқлар шунча қатъий ва узоқ йиллар ўзгармасдан ҳаракат киласи ёки жуда кам ўзгарида.

Тўланган солиқлар мамлакат миқёсида ҳаммага бир хил миқдорда қайтиб келади. Лекин, давлатга тўланган солиқ суммаси тўловчининг шахсан ўзига тўлиқ қайтиб келмайди, яъни у эквивалентсиз пул тўловидир. Масалан, солиқ тўловчи бу йили давлатнинг соғлиқни сақлаш ва маориф хизматларидан ҳеч фойдаланмаган бўлиши мумкин. Лекин бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма солиқ тўловчиларнинг тўлаган солиқ ва йигимлари давлатнинг уларга кўрсатган хилма-хил хизматлари (мудофаа, хавфсизликни таъминлаш, тартиб-интизомни ўрнатиш ва бошқа ижтимоий-зарурий хизматлар) орқали ўзларига қайтиб келади.

Шундай қилиб, давлатнинг мавжудлиги солиқлар билан узвий боғлиқ, чунки солиқдан тушадиган тушумлар давлат иқтисодий мустақиллигининг бош манбаидир.

Х БОБ. БАНДЛИК ВА ИШСИЗЛИК

10.1. Мехнат ресурсларининг бандлиги



Маълум худуддаги барча хонадонларда истиқомат қилувчи кишилар аҳолини ташкил этади, бу меҳнат ресурсларининг манбаи ҳисобланади. Бу ресурсларни хонадонлар меҳнат бозори орқали ишлаб чиқаришга етказиб беради. Меҳнат ресурслари деганда аҳолининг меҳнатга лаёкатли қисми тушунилади.

Аҳоли уч гурухга ажралади: 1) Меҳнат ёшига етмаганлар (0-16), яъни бўлгуси меҳнат ресурслари; 2) Меҳнат ёшидагилар (16-59), яъни амалдаги меҳнат ресурслари; 3) Меҳнат ёшидан чиққанлар (60 ва ундан юқори) – пенсионерлар. Булар меҳнат ресурсига кирмайди. Дунёning кўп ерларида 18-64 ёшидагилар меҳнат ресурси ҳисобланади.

Меҳнат ресурсларининг миқдори аҳолининг сонига боғлиқ. Аҳоли қанчалик кўп бўлса, шунчалик меҳнат ресурслари ҳам кўп бўлади. Бу ресурслар миқдорини аҳолинг меҳнат ёшидаги қисмининг ҳиссасига ҳам белгилайди.

Аммо кишиларнинг ёшининг улғайишига қараб улар меҳнат ресурсларига аввал кўшиладилар, сўнгра ундан чиқадилар. Аҳоли таркибида ёшлар қанчалик кўп бўлса, шунчалик меҳнат ресурслари тез ўсади. Ўзбекистон ҳам меҳнат ресурслари тез ўсадиган мамлакатлар сирасига киради.

Ресурслар меҳнат салоҳияти-потенциалини ташкил этадики, бу икки хил бўлади: 1) Реал амалдаги салоҳият. Бу жами банд бўлганларнинг яратувчилик салоҳияти; 2) Резерв, яъни заҳирарадаги салоҳият. Бу банд бўлмаганларнинг товар ва хизматлар яратишга лойиқ қобилияти. Меҳнат ресурслари ишлаб чиқаришга кириб келганда унинг омилига айланади. Бунда иш билан бандлик юзага

келади. Бандлик шароитида яхши ишлаган яхши пул топиб фаровон яшаши мумкин бўлади. Бандлик меҳнат кобилияти бор кишиларни ишга жойлашиб олиб фойдали меҳнат билан шуғулланишлари ва пул топишларини билдиради. Бандлик бўлиши учун иш ўринлари зарур. Иш ўринлари микдори фирмалардаги капитал микдорига боғлиқ, чунки инвестицияланган капитал иш ўрнини яратади, аммо бунинг учун шу ерда яратилган товар ва хизматларга бозор талаби бўлиши шарт. Бандликка иш ўрнининг қиммат ёки арzonлиги таъсир этади. Қиммат иш ўрни серкапитал бўлади, яъни уни техникавий жиҳозлаш, ашё, материал ва энергия билан таъминлаш учун кўп пул сарфлашга тўғри келади. Қиммат иш ўринлари техникавий даражаси юқори соҳаларда (масалан, электроника, авиакосмик ва атом саноатида) яратилади. Арzon иш ўринлари камкапитал ўринлардир. Бу ерда техника даражаси унчалик юқори бўлмайди, арzon материал ва ашёлар ишлатилади. Масалан, текстил саноатининг ашёси пахта ва бўёқ арzon турса, заргарлик саноатининг ашёси олтгин ёки платина, бриллианту дури-гавҳарлар қиммат туради.

Қиммат иш ўринларидағи бандлик юқори меҳнат малакасини талаб килади. Аммо шунга биноан юқори меҳнат унумдорлиги ва катта иш ҳақини таъминлайди. Шундай иш ўринларидағи бандлик рационал-оқилона ҳисобланади. Арzon иш ўринларидағи бандлик кўп пул талаоб килмайди, лекин қиммат иш ўрнига нисбатан унинг унумдорлиги паст бўлади, шунга қараб иш ҳақи ҳам кам бўлади. Бу ердаги бандлик норационал ҳисобланади. Иктисадиёт кучли жойда рационал бандлик, у кучсиз жойда норационал бандлик устивор бўлади. Бироқ ҳамма ерда рационал ва норационал бандлик ёнма-ён туради. Рационал бандлик мураккаб – юқори малакали меҳнатни билдируса, норационал бандлик оддий малакасиз ёки малакаси паст меҳнат билан бандликни билдиради.

Бандлик тўла ва чала бўлади. *Тўла бандлик* иш куни давомида (масалан, 7 соат) банд бўлишцdir. *Чала бандлик* – бу ярим ёки чорак иш кунида бандликдир. Бандлик асосий (бирламчи) ва ёрдамчи (иккиламчи) бандликка ажратилади. Бирламчи бандлик асосий иш ўрнида ишлаб, асосий даромад олинишини билдиради. Ёрдамчи бандлик ўриндошлик асосида ишлаб кўшимча даромад олишини билдиради. Бандлик ўз давомийлигига қараб, доимий ва мавсумий бўлади. Бандлик расмий ва норасмий тусда бўлади.

Расмий бандлик белгиланган тартибда расмийлаштирилган бўлса, норасмий бандлик расмийлаштирилмаган бўлади. Шу жихатдан бандлик даражаси фарқланади. Доимий бандлик асосий иш билан канда қилмай машғул бўлишни ва иш ҳақини узлуксиз олиб туришни билдиради. Мавсумий бандлик маълум мавсумда (масалан, ёзда ёки

қишда) бўладиган иш билан шуғулланишни ва фақат мавсумийгина иш ҳақи олишни билдиради.

10.2. Бандликни таъминлашда меҳнат бозорининг иштироки.

Бандликни таъминлаш усули икки хил бўлади: 1) Меҳнат бозори оркали ишга ёлланиб банд бўлиш. Бунда ишга талабгор ўзганинг (масалан, фирманинг) моддий ресурсларига таяниб, иш билан банд бўлади; 2) Ўз-ўзини иш билан банд қилиш. Бунда ишлашга талабгор ўзига тегишли ресурсларга таяниб ишлайди, бу майда хонаки ишлаб чиқаришда, ғоят кичик корхоналарда, дўконларда, томорқа хўжалиги, хунармандчилик устахоналарида юз беради. Бу ерда капитал эгаси(иш берувчи) ва ишловчи айнан бир шахс бўлади. Унинг ўзи ва оила аъзолари меҳнат бозорини четлаган ҳолда ишга жалб этилади. Бироқ бандликни таъминлашда меҳнат бозори етакчилек қиласи.

Меҳнат бозори – бу меҳнат олди-сотди килинадиган бозордир. Бу бозорда меҳнат аҳли ва унинг меҳнатига талабгорлар чиқади.

Меҳнат иш кучининг сарфланиши, иш кучи эса инсоннинг қобилияти бўлиб, унинг жисмидан ажralмаган ҳолда амал қиласи. Меҳнат ҳам товар бўлади, у бозорга чиқарилади. Бу ерда ишлашни ҳодловчилар ўз меҳнатини таклиф этадилар, ишга олувчилар эса меҳнаттага ўз талабини билдирадилар. Ишга ёлланувчи эркин шахс, ишлаш ёки ишламаслик унинг ихтиёрида. У ўз шахсини эмас, балки ўз меҳнатини сотади, сотганда ҳам маълум вактга ва ўзига маъкул нарх билан сотади. Ишга ёлловчи меҳнатдан наф кутганлиги учун уни сотиб олади. Иш кучи, меҳнат олди-сотдиси бевосита харидор билан сотувчи ўртасида тўғридан тўғри юз бериши мумкин. Бунда ишлайман деган киши ўзи иш топади, фирма эса уни ишга олади. Олди-сотдида воситачилар иштирок этганда улар харидор билан сотувчини бир-бiri билан боғлайди. Бу вазифани меҳнат биржалари ёки иш топиб берувчи фирмалар бажаради. Биржалар фирмаларда бўш иш ўрни борлигини аниклаб, иш қидиргандарни ўша ерга юборадилар. Меҳнат олди-сотдиси меҳнат битими шаклида расмийлаштирилади.

Битимлар асосида ва белгиланган тартибда ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш **уюшган меҳнат бозорига** хос бўлади. Бу бозор меҳнат биржаси шаклига эга. Бу ерда бўш иш ўринлари (ваканциялари) ишлашга талабгорларга таклиф этилади. Амалда **тартибсиз меҳнат бозори** ҳам борки, бу мардикор бозори шаклига эга. Бу ерда ишга ёллаш қисқа муддатли (одатда бир кунга) бўлади ва оғзаки келишув асосида юз беради.

Меҳнат бозорида сотувчи билан уни олувчи ўртасида меҳнатнинг келишилган нархи – бу **иш ҳақидир**.

Иш ҳақи меҳнатнинг пул шаклидаги ҳақи бўлиб, уни ишга ёллаганлар меҳнат қилувчиларга маълум вақт мобайнида, маълум миқдордаги ва муайян сифатли ишни бажарганилиги учун тўладиди.

Иш ҳақи иш натижасига қараб берилади ва у уч қисмдан иборат:

а) асосий иш ҳақи; б) мукофотлар; д) иш вақтидан сўнг (ишдан кейин, дам олиш ва байрам кунлари) бажарилган иш учун бериладиган устама пул тўловлари. Шу уч қисм жами иш ҳақини ташкил этади. Иш ҳақидан соликлар, тўловлар, ҳар хил бадал пуллари чегириб олинади, шундан сўнг, ишловчи кўлига теккан пул **нетто (соғ)** иш ҳақи дейилади.

Иш ҳақи даражаси ҳам бозорга боғлик. Агар фирма яратган товарлар бозори чакқон бўлиб, улар яхши сотилса, тушум кўпайиб, иш ҳақи ошади ёки аксинча. Демак, иш ҳақи меҳнат келтирган нафга боғлик бўлади. Иш ҳақи меҳнатнинг маржинал унумдорлиги билан ҳам белгиланади. Маржинал унумдорлик эса кўшимча жалб этилган ишчилар меҳнатининг келтирган унумдорлигидир. Кўп фойда олиш ишловчилар сони керагидан ортиб кетишига йўл кўймасликни талаб қиласди. Меҳнат бозорида шундай тартиб борки, кўшимча меҳнатни жалб этиши фирмалар ва хўжаликлар учун фойдали бўлгандагина улар янги ишчи – хизматчиларни ишга оладилар. Банд бўлганлар ортиқчалик қилиб фойда камайиб кеца, улар ишдан бўшатиладилар.

Меҳнат талаб ва меҳнат таклифининг бандликка таъсири.

Иш билан бандлик меҳнат бозоридаги талаб ва таклифнинг нисбатига қараб ўзгариб туради. Агар талаб таклифдан ошса, бандлик ортади. Акси юз бериб таклиф талабдан ортиб кеца, бандлик қисқаради. **Меҳнатга талаб** муайян вақтда неча нафар ишловчиларни қанча иш ҳақи тўлаш шарти билан ишга қабул қилиниши мумкинлигини билдиради. Меҳнатга талаб у келтирган фойдага боғлик, фойда эса харажат хисобланган иш ҳақига боғлик. Иш ҳақи юқори бўлса, меҳнатга талаб қисқаради, агар у паст бўлса, аксинча, талаб ортади. Паст иш ҳақи шароитида албатта фойда ортади, чунки харажат қисқаради. Шу боис иш берувчилар иш ҳақини камайтиришга интилса, ишловчилар уни оширишга интилади, чунки ҳар қандай товар эгаси уни кимматроқ пуллашга, харидор эса уни арzonроқ олишга харакат қиласди. Аммо иш ҳақи ортга шароитда ҳам меҳнатга талаб кўпайиши мумкин, чунки иш ҳақига нисбатан меҳнат унумдорлиги тезроқ ортиб бориши юз беради. Меҳнат унумдорлиги унинг нафлилиги бўлиб, у ошган шароитда унинг нархи, иш ҳақи ҳам ортади. Меҳнатнинг харидори унинг нафлилигини унинг нархи билан қўёслаб иш қиласди. Агар кўшимча меҳнатдан кўшимча фойда кўрилса, меҳнат кимматроқ бўлсада ишлаб чиқаришга жалб этилади. Гап шундаки, иш ҳақига кетган кўшимча сарфни меҳнат унумдорлигининг ортиши қоплайди ва ҳатто унинг тежалишига ҳам олиб келади.

Талабга жавобан бозорда меҳнат таклиф этилади. Таклифни ишлаб пул топишга зарурати бор кишилар билдиради. **Меҳнат таклифи** муайян вакт давомида ўз меҳнатини маълум нархда сотишга ҳозир бўлган кишиларнинг сонидир. Иш ҳақи ошса, меҳнат таклифи кўпаяди, у камайса, таклиф қисқаради. Демак, меҳнат таклифи иш ҳақига нисбатан тўғри мутаносибликда бўлади. Аммо меҳнатни тирик одам таклиф этганидан, бу меҳнат аҳлининг нимани афзал кўришига ҳам боғлик. Моддий мухтожлик шароитида кўп ишлаб, кўп пул топишга интилиш устунлик қиласи. Моддий етарлилик бўлса, ишлаб кўшимча пул топишга нисбатан дам олиш афзал кўрилади. Нимани афзал кўришига қараб кўп ишлаш, кам ишлаш ёки бугунлай ишламаслик ўртасида мукобил танлов юз беради. Шунга қараб меҳнат таклифи келиб чиқади. Ишлашга талабгорлар таклифи, шубҳасиз, иш ҳақи миқдорига боғлик бўлади.

10.3. Иш билан бандликнинг инновацион шакллари⁶⁵.

Мамлакатимизда ишсизлик даражаси 9,3 фойзни ташкил этиб турган шароитда нафақат янги, балки янгича – инновацион иш ўринлари яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш масаласига инновацион ёндашиш талаб этилади.

Тараққиётнинг саноатлашгунга қадар, саноатлашган ва юкори даражада саноатлашган босқичларига мос келувчи ижтимоий ишлаб чиқаришнинг уч турини ажратиш мумкин: экстенсив, интенсив ва интеграл (инновацион). Экстенсив иш билан бандлик даставвал бандликнинг интенсив турига ва кейинчалик инновацион турга ўз ўрнини бўшатиб бериши натижасида иш билан бандлик тузилмасида трансформация рўй бериши кузатилади.

Горонто университети профессорлари **Маргарида Даурте ва Диэго Рестуччаларнинг** фикрича⁶⁶, аҳоли фаровонлигини ошириш учун факатгина ишлаб чиқаришнинг ўсиши етарли бўлмайди. Иқтисодиётнинг асосан қишлоқ хўжалигидан урбанизациялашган, интеграциялашган, корхоналарга асосланган иқтисодиётга трансформацияси иқтисодий тараққиётнинг моҳиятини ташкил этади ва иқтисодий фаровонликни яхшилашга хизмат қиласи.

⁶⁵ <http://biznes-daily.uz>. (Суҳроб Махмудов), 30.04.2019 | Сон: №4(136)-2019.

⁶⁶ Margarida Duarte & Diego Restuccia, 2010. "The Role of the Structural Transformation in Aggregate Productivity," The Quarterly Journal of Economics, Oxford University Press, vol. 125(1), pages 129-173.

Принстон университети профессори, Нобель мукофоти совриндори Артур Люиснинг 1950 йилларда амалга оширган тадқиқотидан бошлаб таркибий трансформация иқтисодий тараққиётнинг асосий элементи ҳисоблана бошлади. Люиснинг 1954 йилдаги дастлабки таҳлилидан сўнг, бу ўтиш жараёнининг тараққиёти ишлаб чиқариш ҳажми, унумдорлик ва иш ўринлари нуқтаи назаридан ўлчана бошланди.



Артур Люис (1925-1991). Ривожланаётган мамлакатларнинг ривожланиб борувчи замонавий саноат ва анъанавий аграр секторлардан иборат «иккιёклама иқтисодиёт» моделини («Люис модели») яратган. Люис анъанавий аграр сектордан чекланмаган ресурсларни, ишчи кучини жалб қилиш орқали ишлов берувчи саноат ва саводонинг ривожланишини, олинган фойданинг реинвестиция килиннишини асослаб берган, ривожланаётган мамлакатлардаги ипсизлик моделини таклиф килган. «Ривожланаётган мамлакатларнинг муаммоларини бартараф этиш учун иқтисодий ривожланишининг инновацион тадқиқотлари кўллаганлиги учун» нобель мукофоти совриндори (1979 й.)

Таркибий трансформация иқтисодий тараққиёт жараёни сифатининг кенг кўлланиладиган макроиқтисодий кўрсаткичига айланди. Бу содир бўлиши учун эса икки жараён бир вақтнинг ўзида амал қилиши керак: ЯИМ таркибининг қишлоқ хўжалигидан замонавий саноат ва хизмат кўрсатиш корхоналарига ўзгариши ва бунга жавобан аҳоли иш билан бандлигининг қишлоқ хўжалигидан ноаграп янги корхоналарга кўчиши ва бу, ўз навбатида, албатта миграция ва урбанизацияни ўз ичига олади⁶⁷.

Иш билан бандликнинг инновацион тури меҳнат унумдорлигини оширишда миллий даромадлар ўсишининг катта қисмини таъминловчи инновацион омиллар улушкининг ортиши билан ривожланиб боради. Европа турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилаш жамғармаси (*The European Foundation for the Improvement of Living and Working Conditions*) “Иш билан бандликнинг янги шакллари” номли тадқиқоти натижаларига кўра, келажақда иш билан бандликнинг янги ёки тобора муҳим аҳамият касб этган шакллари рўйхатини тақдим этди. Булар кўйидагилар⁶⁸:

❖ **ходимларни бўлишиш (employee sharing)** – ишчининг тури компанияларнинг инсон ресурсларига бўлган эҳтиёжларини қондириш учун иш берувчилар гурухи томонидан биргалиқда ёлланиши. Бунинг натижасида ходим тўла иш кунида доимий иш билан бандлик таъминланади;

⁶⁷Lewis, W.A. (1954) Economic Development with Unlimited Supply of Labor. Journal of the Manchester School of Economics and Social Studies, 22, 139-191.

⁶⁸<https://www.socialeurope.eu/new-forms-of-employment-offer-both-benefits-and-risks>, <https://www.eurofound.europa.eu/topic/new-forms-of-employment>


❖ **ишни бўлишиш (job sharing)** – маълум ишни бажариш учун тўла бўлмаган иш кунида ишлайдиган икки ёки ундан ортиқ ишчини ёллаш. Бунда бир нечта тўла бўлмаган иш кунларини қўшиш натижасида битта тўла бўлган иш куни ҳосил қилинади.

❖ **муваққат бошқарув (interim management)** – юкори малакали мутахассислар муайян лойиҳани амалга ошириш ёки муайян муаммони ҳал қилиш учун вақтингчалик ёлланади. Бунинг эвазига меҳнатни ташкил қилишда ташки бошқарув имкониятлари бирлаштирилади;

❖ **муваққат иш (casual work)** – иш берувчи ходимни мунтазам равишда иш билан таъминлаши шарт бўлмайди, лекин ҳоҳишига кўра уни чакириб олиш имконияти мавжуд;

❖ **АКТга асосланган мобил иш (ICT-based mobile work)** – ишчилар исталган вақтда ҳар қандай жойдан туриб замонавий технологиялар ёрдамида ўз ишларини бажара олишади;

ваучер асосидаги иш (voucher-based work) – меҳнат муносабатлари ваколатли ташкилотдан сотиб олинган тўлов ва ижтимоий таъминот учун ажратмаларни ўз ичига олган ваучер орқали хизматларга ҳақ тўлаш асосига қурилади;



10.1-расм. Иш билан таъминлашнинг янги шакллари.

❖ **портфель иши (portfolio work)** – ўзини иш билан мустақил таъминлаган шахс кўплаб мижозлар учун ишлайди, уларнинг ҳар бири учун кичик ишларни бажаради;

❖ **омма иши (crowd employment)** – ташкилотлар ёки жисмоний шахсларнинг муайян муаммоларини ҳал қилиш, хизматлар ёки маҳсулотларни сотиш учун бошқа ташкилотлар ёки шахсларнинг

ноаник ва номаълум гурухига кўшилиш имконини берувчи онлайн платформалардан фойдаланади. Бунда вазифалар ауцорсингини бир ходимга эмас, кўплаб онлайн ишчилар учун ташкиллаштириш мақсад қилинади. Онлайн платформада катта вазифалар кичик бўлакларга бўлинади ва ишчиларнинг “виртуал булут”ига таксимланади.

❖ **ҳамкорликдаги бандлик (collaborative employment)** – эркин ходимлар, ўзини иш билан мустақил таъминлайдиган шахс ёки кичик корхоналарнинг ҳажмий ва касбий чекловларни бартараф этиш мақсадида ҳамкорлик килиши.

Ривожланган мамлакатларнинг инсон ресурсларини бошқаришдаги инновацион тажрибаларидан фойдаланиш мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлашдаги мавжуд муаммоларни камайтириш, уларга самарали ечимлар топиш имконини беради.

10.4. Ишсизлик ва унинг турлари.



Дунёда саноатнинг ривожланиши натижасида ишсизлик тушунчаси ҳам сеянлик билан ўз ифодасини топа бошланди. Унгача жамиятда ишсизлик тўғрисида хеч кандай концепциялар мавжуд бўлмаган. Ишсизлик тўғрисида гояларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида Англияда хужжатлаштирилган ёзма манбалар ёркин

мисол бўла олади. Мисол учун, ХВИ асрда ишсизлар ва дайди саёкларга бир хил муносабатда бўлишган, уларни тиланчи деб хисоблашган ва жазолашган ёки шаҳарлардан ҳайдаб юборишган⁶⁹.

“1530-йилларда қашшокларга кўмаклашувчи монастерлар ёпилиши натижасида қашшоқлар сони ортган. Аҳоли сони ҳам астасекинлик билан ортиб бораради. Иш тополмаганлар очликка маҳкум бўлардилар ёки талончилик ва ўғирлик қилишни тантардилар. 1535-йилда ишсизлик муаммолари билан шуғилланувчи жамоат ишлари тизимини яратиш тўғрисида қонун эълон қилинди. Орадан бир йил ўтгач, ишсиз дайдиларни хипчин билан саввалаш ва осишга қонунан рухсат этилди”⁷⁰. “Генрий VIII ҳукимронлик даврида 72000 ортиқ ишсиз дайдилар катл этилган”⁷¹. “1576-йилда қабул қилинган Актга биноан, Англиядаги ҳар бир шаҳарга ишсизларни иш билан таъминлаш талаби кўйилди”⁷².

“1601-йил Киролича Элизабета ҳукимронлиги даврида қабул қилинган Қашшоқлик тўғрисида дунёдаги биринчи ҳукумат тарафидан

⁶⁹ “Healthy strangers.” Probertencyclopaedia.com. Archived from the original on 26.08.2011.

⁷⁰ R. O. Bucholz, Newton Key, Early Modern England, pp. 1485-1714, pp. 176.

⁷¹ “History of the Death Penalty”. Public Information Service (PIS).

⁷² “England: Elizabeth - Poverty”. BBC - History.

молиялаштирилган фаровонлик дастурида меҳнатга лаёқатлизлар ва меҳнатга лаёқатли бўла туриб ишлашдан бош тортганлар ўртасидаги тафоввутлар аниқ белгилаб берилди ва ҳар бирига алоҳида чоратадбирлар ишлаб чиқицди. Ушбу қонунга мувофиқ, Англия, Уелс ва Шотландияяда иш ўйлари ташкил этилди, ўзини моддий тарафлама таъминлаш имконига эга бўлмаган у ерга бориб яшаши ва ишлаши мумкин эди⁷³.

Иш кучи таклифи унга талабдан ошиб кетганда ишсизлик пайдо бўлади ва бу ахолининг меҳнатга қобилиятили қисмига таалукли бўлади. Аммо меҳнатта қобилияти бўла туриб пул топишга зарурат бўлмаганидан ишламай юриш ишсизлик эмас, албатта. Хўш, бўлмаса ишсизлик нима?

Ишсизлик ишлашга бўлган талабнинг қондирилмай қолиши ёки меҳнатга қобил кишиларнинг ишлаб пул топишига зарурат бўлган ҳолда бекор қолишидир.

Келинг, ишсизликнинг асосий сабаблари, оқибатлари ва омилларини кўриб чиқайлик. Ишсизликнинг сабаблари нимада? Ҳозирги давр иктиносидий адабиётларида ишсизликни таснифлашга турлича ёндашувлар кўзга ташланади. Уларнинг умумий мезонлари сифатида кўйидагилар ажратиб кўрсатилади⁷⁴:

- пайдо бўлиш хусусияти (фрикционли, таркибий, даврий);
- намоён бўлиш хусусияти (очик, яширин);
- давомийлиги (қисқа муддатли, узок муддатли);
- инсоннинг меҳнат фаолиятига муносабати (ихтиёрий, мажбурий);
- тарқалиш жойи (минтақавий, миллий).

Кўйида ишсизликнинг асосий сабаблари келтирилган.

1. Технологик ривожланишларнинг кўплиги:

Бугунги кунда биз технология даврида яшаяпмиз, компьютерлар ва бошка турли хил машиналар бир неча дақиқада ҳам энг мураккаб вазифаларни бажаришмоқда. Бугун жаҳон **Тўртинчи саноат** («Индустря 4.0») инкилоби даврига, чукур ва жўшкун технологиявий, иктиносидий ва ижтимоий ўзгаришлар даврига кадам кўймоқда. Шундай қилиб, «Индустря 4.0» бу - «Ашёларнинг интернети» (Internet of things) омилларини ишлаб чиқаришга татбиқ этишdir. Бунинг саноатдаги мисолини кўриш учун шундай ускунани тасаввур қилингки, у иш жараёни учун керак бўлган дастурларни тармоқдан ўзи олади, ўзининг эскиришини таҳлил қиласи, эҳтиёт қисмларни омбордан тезкор буюртма қиласи ва ўз ишини яхшилаш учун мустакил равишда билимини бойитади. Қишлоқ хўжалигига эса, тупроқдаги узаткичлар ерни суғоришни об-ҳаво маълумотига кўра

⁷³ "British Social Policy, 1601-1948, July 24, 2007, archived on WebSite", Robert Gordon University, Aberdeen.

⁷⁴ Макроэкономика: теория и российская практика. - М.: КНОРУС. 2004. - С. 137-139.

автоматик равища назорат қиласы. Бундай мисолларни күп келтиришимиз мүмкін. «Индустрія 4.0» нинг асосий хусусияти - ишлаб чыкарыш жараёнындағы барча таркий қыслар ишида инсон аралашувини борган сари камайтирган ҳолда, мұайян мақсадни амалга ошириш учун бошқа тизим ва одамлар билан ўзаро фаолият юритишдан иборатдир.

Интернет ва симсиз алоқа технологияларининг ривожланиши нағыжасыда «истаган вактдаги коммуникация» га зәға бўлиб бормоқдамиз, смартфонлар ва планшетлар истаган жойдаги коммуникация тамойилини амалга оширишга имкон берсиб бормоқда.

Энди машиналар бошқа машиналарни яратада бошлайдиган, ҳаётимизни тубдан ўзгартирувчи янги инқилоб остонасида турибмиз. Ишлаб чыкарыш батамом ўзгартирилишининг инқилоб деб аталиши сабаби, ўзгаришлар юзаки эмас, балки радикал равища амалга ошмоқда, индустрія бошидан охиригача қайта курилмоқда. Бизнес моделлар ўзгариб бормоқда, янги компаниялар пайдо бўлиб бориябди, янги «инқилобчилар» сафига киришга улгуролмай, кўп йиллик тарихга зәға жаҳонга машхур брендлар касодга учраб, йўқ бўлиб кетмоқда. Бу ишсизликнинг асосий сабабларидан биридир.

2. Ишлар тобора кўпроқ ихтисослашиб бормоқда:

Умуман олганда, ҳар қандай касб эгаси қанчалик саводли, интелектуал ва қобилиятли бўлишидан катын назар барча соҳаларни шу билан бирга амалиётининг ўзига хос хусусиятларини бирдай яхши ўзлаштириши мүмкін эмас. Аңъанавий таълим монодисциплинар характерга зәға бўлиб, одамлар ўқишини давом эттиргани сари ихтисослиги ҳам торайиб бораверади. Натижада улар университет, коллеж ёки таълим дастурлари берган билимга асосан ўзлари қизиқкан тор доирадаги соҳада фаолият юрита бошлади. Тўртингчи саноат инқилоби даврида шундай кадрлар керакки, улар битта йўналишни мукаммал даражада ўзлаштирган ва ўз мутахассислигидан ташкари бошқа йўналишларга ҳам мослаша оладиган малакага зәға бўлиши зарур.

3. Компаниялар кам сонли одамларни ёллашни афзал кўришади:

Авваллари етакчи компаниялар кўплаб ишчиларни ишга ёллаган, шунинг учун барча ишларни белгиланган муддат ичидан тўғри бажарилиши керак бўлган. Бироқ бугунги кунга келиб компаниялар имкон қадар кам одамни иш билан банд қилишни афзал кўришади. Бу уларнинг маошларига ортиқча пул сарфламаслиги ва иккинчидан, уларнинг савдо сирлари чиқмаслигини ҳоҳлашади. Улар факат ўзларига ишонган ва тўлиқ ишонч ҳосил қилган одамларни ёллашга тайёрлар. Кўлчиллик хўжайнитарнинг айтишича, компанияга 5 нафар ваколатли одамни ишга олиш ўртacha 20 кишидан яхшироқдир. Офислар нафакат рокстер ходимларини ёллашади ва улар ҳамма вакт мукаммал ишлай олади.

4. Халқ іхтиёрий равища ишсиз қолишни танлайды:

Күпчілік одамлар иш танлаша жуда инжиқидирлар, улар ўзларининг СВларида көлгусида сўзламоқчи бўлмаган компанияларда ишлашини хоҳламайди. Кўпчилек ишсизлар, тўғри ишни кутиши афзал кўради ва шунинг учун улар ишсиз қолади. Улар ҳам меҳнат қилишини хоҳлашади, лекин улар хар қандай ишни қилишини истамайдилар.

5. Эркаклар ва аёллар ўртасида саводхонликнинг юқори даражаси:

Бир неча йил аввал бутун дунё бўйлаб саводхонлик даражаси жуда юқори эмас эди. Бироқ бугунги кунда ҳам қишлоқ жойларидан кўп одамлар таълим олиш учун келмоқдалар. Бундан ташқари, бу аёлларнинг келажаги порлоқ ва истиқболли бўлиши учун олдинга ва ўрганишга давват этилади. Жуда кўп одамларнинг таълим олишлари туфайли иш ўринлари сони қисқармоқда ва шунинг учун катта шаҳарларда ишсизлик жуда кўп. Одамлар яхши билимга эта бўлгач, уларнинг ақлларига ярамайдиган ишни қабул қилишини хоҳламаслик экстимоли бор.

6. Ишчи кучининг харакақизлиги масаласи:

Баъзи жойларда иш жойлари бошқалардан кўпдир. Баъзи жойлар жуда кўп одамларга иш билан таъминлаш учун етарли даражада ривожланган эмас. Иш ёки иш кучининг харакақизлиги ишсизликнинг асосий сабабларидан бири хисобланади. Турли сабабларга кўра баъзи бир қишилар оддийгина жойдан бошқа жойга кўчиб кетишини хоҳламайдилар. Ҳавотирланишдан кўра, улар уй ва оиласларга яқин бўлишини афзал кўришади.

Ишсизликнинг бошка сабаблари

Ишсизлик сабаблари сифатида асосан куйидаги 7 та ҳолат кўрсатилади. Улардан 4 таси Фрикционал ишсизликни келтириб чиқаради. Икки омил структурал ва сўнги омил эса циклик (давомий) ишсизлик турини келиб чиқишига сабаб бўлади. Фрикционал ва структурал ишсизлик соглом иқтисодий шароитда ҳам юзага келади. Ишсизликнинг табиий даражаси мавжуд бўлиб, бу кўрсаткич 4.7 % дан 5.8%гача бўлиши мумкин.

Фрикционал ишсизлекка олиб борувчи тўрт омил

Фрикционал ишсизликни келтириб чиқарувчи илк сабаби ихтиёрий тарзда юз беради. Баъзан етарли миқдордаги маблагга эга бўлмаса, ишдан бўшайди ва ишсизлар сафига киради. Иккинчи омил ишчи одамларнинг кўчиши билан боғлик бўлиб, улар ишлаб турган жойларидан баъзи сабабларга биноан кўчишига тўғри келади ва янги жойда бирор иш топгунгача бўлган вақт мобайннда ишсиз хисобланади. Учинчи омил бу янги ишчи кучларининг меҳнат бозорига кириб келишидир. Касб-хунар коллеҗи ва олий ўкув юртлари битирувчиларини янги ишчи кучларига мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Улар билим ва малакаларига мос келадиган иш топгунларига

қадар ишсиз ҳисобланади. Айнан мана шу омил ёшлар ўргасидаги ишсизликнинг асосий сабаби ҳамdir.

Фрикционал ишсизлики келтириб чиқарувчи сўнги омил бу меҳнат бозорига қайтадан кириш яъни илгари иш билан банд бўлган, маълум вақт мобайнида ишсиз бўлиб, қайтадан иш қидира бошлаган ишсизлар ҳисобланади. Бунга мисол қилиб, турмуш кураётганлиги, фарзандлар тарбиялаш учун ва қари яқин инсонларига ғамхўрлик қилиш максадида ишдан ватқинча бўшаганларни кўрсатиш мумкин.

Юкоридаги тўрут ҳолатнинг олдини олишининг иложи йўқ чунки бу каби ҳолатлар жамиятда табиий ҳисобланади. Фрикционал ишсизликнинг ижобий жиҳати шундан иборатки, у ихтиёрий ва қисқа муддат давом этади.

Куйидаги икки омил **структурал** ишсизлик турини келтириб чиқаради. Структурал ишсизлик узоқ давом этади.

Технологияларнинг такомиллашиб ривожланиб бориши узоқ давом этувчи структурал ишсизликни келтириб чиқарувчи сабаблардан бири ҳисобланади. Илгари инсон қўли билан бажарилган ишлар ривожланган технологияларда бажирилади ва ишчилар ўрнини роботлар эгаллайди. Ишсиз қолганлар эса янги иш топишларига ва янги ишларида керак бўладиган янги малакаларни эгаллашга узоқ вақт сарфлайди.

Худди шундай кенг кўламдаги ишсизликнинг келиб чиқишига олиб келувчи омиллардан бири компанияларнинг ишлаб чиқариш секторларини бошқа худудга кўчириши сабаб бўлади. Компаниялар ишчи кучи арzon бўлган ва ишлаб чиқаришга қулай шароитлар бўлган мамлакатлар билан шартнома тузиб, завод ва фабрикаларни ўша худудлардан очади. Бунинг оқибатида кўп сонли ишчилар ишдан бўшатилади.

Ишсизликни келтириб чиқарувчи сўнги, еттинчи сабаб бу талабнинг сезиларли тарзда камайиши билан боғлик. Бунда ишчи ўринлари кам бўлади, ишга талабгорлар кўп, шу омил **циклик (даврий)** ишсизликка олиб келади. У иқтисодий циклнинг инқироз даврида кузатилади.

Паст даражадаги талаб даврий ишсизликни келтириб чиқаради. Талаб камайганда компаниялар даромадининг катта қисмини йўқотади. Қисқа муддат ичида даромад даражаси яхшиланмаса, улар ходимларини ишдан бўшатишига тўғри келади ва бунинг оқибатда масив ишсизлик пайдо бўлади.

Юқори даражадаги ишсизлик талабнинг янада тушиб кетишига олиб келади. Шу туфайли ҳам бу ишсизлик тури циклик (айланма, даврий) деб аталади. Оқибатда эса кенг кўламдаги ишсизлик вужудга келади. Бунга мисол қилиб, 2008 йил юз берган молиявий иқтисодий ва 1929 йил содир бўлган Буюк иқтисодий инқирозни келтириш мумкин.

ХІ БОБ. ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР.

11.1. Миллий иқтисодиётларниң гурухланиши.

Миллий иқтисодиётлар очиқ бўлганидан улар ташки иқтисодий алоқаларга таянади. Бу алоқаларни ривожланиши ва мунтазам тус олиши жаҳон хўжалигини юзага келтиради. Жаҳон хўжалиги дунё мамлакатларининг белгиланган қонунқоидаларига биноан ўзаро боғланган миллий хўжаликларнинг мажмуаси, уларнинг яхлитлигидир.

Буни ташкил этувчи мамлакатлар иқтисодиёти ўоят хилма-хилдир. Улар икки мезон асосида гурухларга ажратилади.

Биринчи мезон – бу бозор муносабатларининг нақадар ривожланганилиги. Шу жиҳатдан иқтисодий эркинлиги юксак, иқтисодий эркинлик даражаси ўртача ва ниҳоят иқтисодий эркинлиги ҳали етарли бўлмаган мамлакатларни ажратиш мумкин. Учинчи гуруҳдагиларни бозор иқтисодиёти ривожланиб бораётган мамлакатлар деб аталади, булар жумласига Ўзбекистон ҳам киради.

Иккинчи мезон – бу иқтисодий тараққиёт даражаси, яъни салоҳият бўлиб унга кўра мамлакатлар уч гурухга ажратилади:

1. Иқтисодий ривожланган мамлакатлар. Буларни жонбошига ЯИМ 12 минг доллардан зиёд бўлган мамлакатлар киради. Улар орасида иқтисодиёти энг юксак мамлакатлар бўлиб, у ердаги жонбошига ЯИМ 25 минг доллардан ортиқ бўлади.

2. Иқтисодиёти ўртача ва ундан пастроқ мамлакатлар. Буларни жон бошига ЯИМ 4-5 минг доллардан юқори, лекин 12 минг доллардан кам бўлган мамлакатлар киради. Ўзбекистон иқтисодиёти ўртачадан камроқ мамлакат ҳисобланади.

3. Иқтисодиёти қолоқ мамлакатлар. Буларга жон бошига ЯИМ 1-2 минг доллардан кам бўлган мамлакатлар киради. Уларга иқтисодиёти энг паст мамлакатлар ажратилдики, улар жон бошига ЯИМ минг доллардан кам бўлади. Иккинчи ва учинчи гуруҳ мамлакатлари дунёдаги кўпчилик мамлакатлар ҳисобланади.

Айтилган 3 гуруҳ мамлакатларининг дунё маҳсулотларидағи ҳиссаси жиiddий фарқланади, мамлакатларнинг иқтисодий салоҳияти ҳар хил бўлгани учун улар дунё иқтисодиётида турли мавқега эга ва халқаро иқтисодий алоқаларда турлича иштирок этади. Дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида дунё ахолисининг 16,4 % яшагани ҳолда дунё маҳсулотининг 64,4 % яратилади. Аксинча қолоқ мамлакатларда дунё ахолисининг 11,9 % яшайди, лекин бу ерда дунё маҳсулотининг 0,67 % яратилади. Ер юзининг энг йирик 3 та мамлакатида (Хитой,



Хиндистон ва АҚШ) дунё маҳсулотининг 41,2 % жамланади. Дунё иқтисодиёт таркибининг ҳар хил бўлишидир. Илгор мамлакатлар гоят саноатлашган, айниқса ишлама саноат ривожланган. Дунёда шундай мамлакатлар ҳам борки, улар иқтисодиёти хошашё ва энергия ресурсларини етказиб беришга асосланган. Уларнинг иқтисодиёти саноатлашган мамлакатлар иқтисодиётига боғланиб қолган. Бу ерда иқтисодий ризк ҳам кучли, чунки булар товарининг бозордаги нархини пасайиши катта талофат келтиради. Дунё мамлакатлари технологик устунлик ва қарамлик билан ҳам фарқланади. Дунёнинг энг бой мамлакатларида (масалан, АҚШ, Германия, Япония) илмий техникавий янгиликлар жамланган, уларни жаҳон технологик бозорида монополияси бор. Масалан, дунёдаги технология экспортининг 2/3 қисми АҚШ га тўғри келади. Технологик қарам мамлакатлар иқтисодиёти четдан технология импортига боғланиб қолади.

Хозирги дунё иқтисодиётини даражаси ҳар хил миллий иқтисодиётлар ташкил этади, лекин уларнинг барчасини ташки иқтисодий алоқалари бор, булар савдо-сотик, капитал чиқариш ва капитал киритиш меҳнат миграциясидир.

11.2. Халқаро савдо: Таққосий афзалик қонуни (Мутлоч ва нисбий устунлик)

Халқаро савдонинг ривожланиши узок тарихга эга бўлиб, турли даврларнинг ривожланиш хусусиятига монанд равишда ўзига хос ривожланиш тенденциясига эга бўлган. “Дастлаб ташки савдо кўринишлари мамлакатлар ўртасида эмас, балки кишилар, қабилалар ўртасида амалга оширилган бўлиб, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўзаро айирбошланган ва бу асосан кишилар, оиласлар, қабилалар учун заруриятга эга бўлган”. Илк давлатларнинг пайдо бўлиши том маънодаги халқаро савдонинг шаклланиш ва ривожланиш даврини бошлаб берган. Халқаро савдонинг ривожи асосан мамлакатлар ўртасида ресурсларнинг нотекис жойлашувига боялик бўлиб, унга кўра халқаро савдо тегишли ресурслар олди-сотдиси жараёни асосида амалга оширилган. Миллий ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиб бориши, ишлаб чиқариш имкониятларининг кенгайиши, фан-техника тараққиётининг ишлаб чиқариш соҳаларига жадал кириб бориши ва халқаро меҳнат тақсимотининг чукурлашиши жараёни халқаро савдонинг ривожига сифат жихатдан катта таъсир кўрсатди.

XX асрнинг 90-йилларидан, айниқса, XXI асрдан бошлаб халқаро савдонинг юқори технологияларга асосланган даври бошланди.

Бугунги кунда ҳалқаро савдо конъюнктураси қуидагилар билан тавсифланади: ҳалқаро савдода тайёр маҳсулотлар улушининг ортиб бориши (70 фоиз) ва хом ашё ресурслари ҳиссасининг камайиб бориши; савдо ҳажмлари аксарият қисмининг (70-75 фоиз) саноат жиҳатдан юқори даражада ривожланган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келиши; экспорт таркибининг кучли диверсификацияси ва тайёр маҳсулот экспорти қилувчи мамлакатлар таркибининг кенгайиб бориши ҳамда Осиё мамлакатлари билан бўладидиган ҳалқаро савдо ҳажмларининг юқори ўсиши суръатлари; таклиф ва таълаб тизимиға фантехника тараққиётининг кучли таъсири натижасида экспорт товар таркибида юқори технологияли маҳсулотлар улушининг тезкор суръатлар билан ортиб бориши; хизматлар савдоси ҳажми ва турларининг тезкор ўсиши; ҳалқаро савдода минтақавий ташкилотлар, уюшмаларга аъзо давлатлар ўртасида амалга ошириладиган ташкилот савдо ҳажмларининг ортиб бориши.

Мамлакатлар аро олди-сотдиси азалдан мавжуд, аммо бунда ҳамма мамлакатлар бир хил иштирок этмаган, унинг ҳажми ҳам катта бўлмаган, лекин унинг ўзига хос аҳамияти сакланган. Шу сабабли соҳибкорон Амир Темур эл-юртлараро савдога катта эътибор бериб: “Жаҳон тижорат аҳли бирлан ободдир”, деган эди. У киши карвон йўлларини қароқчилардан ҳимоя этишни, карвон саройлар куришни, ҳатто савдогарларга ҳазинадан ёрдам пули беришни уюштирган. Турли мамлакатлар иқтисодиёти ўсиши ва юқ транспортини ўсиб бориши жараённида савдо-сотиқ кенгайиб борган. Хозир у глобал миқёсга чикқан. Хозир жаҳон бозори дунё миқёсидаги товар хизматларни мунтазам айрибошлишни билдиради. Бу айrim мамлакатларининг миллий бозоридан куидагилар билан фарқланади:

1. Жаҳон бозори мамлакатлараро бозор бўлганидан унинг ҳажми (сотиладиган товар суммаси) айrim миллий бозор ҳажмидан катта бўлади.

2. Жаҳон бозорига турли мамлакатлардан яратилган товар ва хизматларнинг ҳаммаси эмас, факат унинг экспорт қилинадиган қисми чиқарилади.

3. Жаҳон бозорида сотиладиган товарлар ва хизматлар турлари искланган бўлади, чунки у ерда кўпчилик учун зарур товарлар сотилади (буғдой, пахта, металл, газ, нефть ва х.к.).

4. Жаҳон бозоридаги товар айрибошлиш жаҳон нархларига биноан ва дунё валюталарида олиб борилади.

5. Жаҳон бозорида чакана савдо эмас, балки улгуржи савдо юритилади ва бу ишни ҳалқаро биржалар амалга оширадилар. Масалан, Лондон биржасида олтин, платина ва кумуш, Ливерпул биржасида пахта, Чикаго биржасида дон, Нью-Йорк биржасида дон ва кофе сотилади.

Жаҳон бозори товар ва хизматлар, ресурслар, капитал ва меҳнат бозоридан иборат бўлади.

Такқосий афзаллик қонуни (Мутлук ва нисбий устунлик).

Халқаро иқтисодиётда такқосий афзаллик қонуни амал килади. Бу шундай иқтисодий қонунки, унга биноан қаерда муайян товар ёки товарлар гурухини ишлаб чиқариш арzonга тушса улар кўплаб яратилади ва ташқари бозорга чиқарилади, қаерда уларни яратиш кимматга тушса, улар ташқаридан келтирилади. Бу қонун асосида муқобил танлов юзага келади, яъни нимани ишлаб чиқариш самарали бўлса шунга афзаллик берилади.

Ҳозирги вактгача савдо назариясининг икки тури ишлаб чиқилган. Унинг биринчи тури савдонинг табий боришини аниқлаб, давлатлар ўртасида савдо эркин бўлган шароитда савдо тузилиши қандай бўлишини тушинтиради ва ўрганади. Бу турдаги назария хеч қандай тусиқлар бўлмаган шароитда қайси бир давлат билан савдо қилиш керак, қайси турдаги маҳсулотни ва қандай хажмда сотиш керак кааби саволларни кўйган.

Иккинчи турдаги назария савдо хажмини, йўналишини ва бирикмасини (состав) ўзгартириш мақсадида маҳсулот ва хизматларнинг эркин оқимига давлатнинг аралашувини назарда тутади. Меркантилизм назариясига асосан давлатнинг бойлиги унинг ихтиёридаги олтин миқёсидаги киммат баҳолар билан ўлчаниб, ҳар бир давлат импортга қараганда кўпроқ экспорт қилиш керак. Бу холда давлат актив тўлов балансига эга бўлади. Миллий давлатлар вужудга келаётган даврда (1500-1800 йиллар) олтин марказий хокимиятларни мавқеини мустахкамлаш учун хизмат килган⁷⁵.

Нима учун умуман олганда давлатнинг экспорт салаҳиёти импортга нисбатан юқори бўлиши керак? Бунинг учун давлат савдони устидан монополия ўрнатиб, импортнинг кўп қисмига тўсиқ (чегара) ўрнатиши зарур ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўп қисмини экспорт қилиш учун субсидия беришга тўғри келади. Меркантилизм даврида колония бўлган давлатлар хом ашёларни экспорт қилиб, тайёр маҳсулотларни импорт килгандар. Бу назария метрополийларнинг бойишига олиб келган. Натижада колония давлатларнинг норозилиги вужудга келган ва мустакиллик учун кураша бошлаганлар.

Меркантилистик эпоханинг бир қисми ҳозирда ҳам сақланиб колган. Актив тўлов баланси термини ҳозир ҳам ишлатилади. Бунга кўра давлатнинг экспорт миқдори импортдан катта бўлиши керак. Тўлов балансида дифицит (камомад) бўлганини кўрсатувчи термин бу пассив тўлов балансиdir.

⁷⁵ Мировая экономика. Под редакцией А.С.Булгакова М.: Экономистъ, 2005.

Кейинги вақтларда бирон бир социал ёки сиёсий мақсадларни амалга ошириш мақсадида очиқдан очиқ актив түлов балансига эга бўлишга ҳаракат килаётган давлатларга нисбатан неомеркантилизм термини ишлатилмоқда. Маслан, тўла бандликни таъминлаш мақсадида мамлакат ичидаги талабдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариб, ортиқласини экспорт киладилар. Ёки давлат бирон бир худудда сиёсий мавқени саклаб қолиш мақсадида кўпроқ маҳсулот экспорт киласди.

Кўп давлатлар меркантилизм сиёсатига амал килиб, имконият даражасида ишлаб чиқариши ташкил этиб, иқтисодий жихатдан мустакил бўлишга ҳаракат қилганлар. Адам Смит 1776 йилда чоп этган «Ҳалқлар бойтигининг сабаблари ва табиатини тадқиқоти» деган китобида меркатилистлар қарашини танқид қилган. Унинг фикрича давлатнинг хақиқий бойлиги унинг фуқоролари фойдалана оладиган маҳсулот ва хизматлардан иборатдир. Смит мутлоқ устуњлик назариясини ишлаб чиқди. Бу назарияга кўра, айрим мамлакатлар бошқаларига нисбатан товарларни самарали ишлаб чиқаришади.

Шу назарияга асосланиб у қўйдаги саволни кўйди: *нимага фуқоролар маҳаллий товарларни сотиб олишилари керак, агар улар худди шундай товарларни хорижедан анча арzon нархларда сотиб олишилари мумкин бўлса.*

Смитнинг исботлашича, агар савдо чегараланмаса, ҳар бир давлат рақобат устуњлигига эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтиослашади. Ҳар бир мамлакатнинг ресурслари рентабел соҳаларга ўтиб кетади, чунки мамлакат норентабел соҳаларда рақобатлаша олмайди.

Мамлакат бой табиий ресурслар ва қулай об-ҳавога шароитига эга бўлганилиги сабали бирор маҳсулот ишдаб чиқариш бўйича табиий устуњликга эга бўлиши мумкин. Об-ҳаво шароити қандай кишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини самарадорлик билан етиштириш мумкинлигини кўрсатиб беради. Масалан, Шри-Ланка буғдой ва сут маҳсулотларини импорт қиласди, чунки об-ҳаво уларни етиштиришга мос эмас, лекин унинг об-ҳаво шароити чой, каучук, кокос ёнғоқларини етиштириш ҳисобидан кўп фойда олишига имконият беради. Ўзбекистон пахта етиштиришга ажратилган ресурс ҳисобидан чой ҳам етиштириш мумкин эди, лекин иқлим чой етиштиришга мослашмаган. Шунинг учун Ўзбекистон учун пахта етиштириш фойдалари оқидир. Лекин айнан шу назарияга кура Шри-Ланка чой, Ўзбекистон эса пахта маҳсулоти билан ҳалқаро савдода қатнашиб ўз эктиёжларини қондиришлари шарт.

Ўзлаштирилган устуњлик - бу юқори малака ва ривожланган технологиялар билан боғлиқ. Ҳозирги кунда жаҳондаги маҳсулотлар айирабошлиш тайёр маҳсулот ва хизматлардан иборат бўлиб, уларнинг

улуси кишлоқ хұжалик махсулотлари ёки қазилма бойликларга қараганда анча юқори.

Бу махсулотларни ишлаб чиқаришиң жойлаштириш асосан ўзлаштириш устунлиги билан бөліккілдір. Ишлаб чиқариш технологиясы бүйіча устунликка зәғін мұрақкаб ва түрлі махсулотларни ишлаб чиқариш қобиғияттін таъминлады. Масалан, Данияда күмуш конлари бўлмаса ҳам у күмуш махсулотларини бошқаларга нисбатан кўп экспорт қиласди, чунки ишлаб чиқариш технологияси юқори сифатли махсулот ишлаб чиқаришга қаратилган. Япония темир ва кўмирни импорт қилиб, улар асосида юқори сифатли пўлат ишлаб чиқарип, бошқа мамлакатларга экспорт қиласди.

Муайян товарнинг нисбатан арzonга тушиши бир мамлакатта афзalлік берса, бошқа товарнинг арzonлиги бошқа мамлакатларга афзalлік келтиради. Масалан, “А” мамлакат чиқарган “Х” товар 120 долларга тушган, унинг ташки бозордаги нархи 140 доллар, натижада товар экспорт қилинади, чунки бундан 20 долларлик ($140-120=20$) наф кўрилади. “В” мамлакатда “У” товарни ишлаб чиқариш учун 150 доллар талаб қилинади, уни четдан келтириш эса 140 долларга тушади. Ушбу товар импорт қилинади, чунки бундан 10 долларлик ($150-140=10$) наф кўрилади.

1817 йилда Д.Рикардо А.Смит назариясини ривожлантириб агар бирон мамлакат абсолют устунликка зәғін махсулотларни ишлаб чиқарса, нима бўлади деган саволга жавоб беришга харакат қилди.

Д.Рикардо бу муаммони ўрганиб, изланишлар натижасида нисбий устунлик назариясини ишлаб чиқди. Унинг фикрича, агар мамлакат мутлоқ устунликни хисобга олмаган холда бошқа махсулотларга нисбатан самаралирок ишлаб чиқарадиган махсулотларни ишлаб чиқаришга ихтинослашса савдодан фойда (ютиши) куриши аник. Агар мамлакат ўз ресурсларини фақат самарали ишлаб чиқарадиган махсулотга жалб этса, у бундан албатта ютади.

Натижада у мана шу махсулотни ўзида ишлаб чиқаришдан бош тортган давлатлардан хом ашёларни келтириб, уларга эгалик қилиш имкониятига зәғін бўлади. Бу назария нисбий устунлик назарияси деб аталади⁷⁶.

Иккала, яъни абсолют ва нисбий устунлик назариялари меҳнат ресурслардан тўла тўқис фойдаланишини назарда тутади.

Иқтисодий афзalлік яхши фойда келтирганидан товарни ишлаб чиқаришга ундейди. Афзalлікни халқаро меҳнат тақсимоти юзага келтиради. Унга биноан айрим мамлакатлардаги ишлаб чиқаришни ихтинослашуви келиб чиқади, яъни муайян товар ёки товарлар

⁷⁶ Мировая экономика. Под редакцией А.С.Булгакова М.: Экономистъ, 2005.

гурухини ишлаб чиқариш устивор бўлади. Ихтисослашув бир мамлакат товарини бошқаси учун зарур килиб қўяди.


Ихтисослашув меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатини оширади. Масалан, бир мамлакатда бир дона телефон аппарати йиғиш учун 20 минут, бошқасида 30 минут сарфланади. Телевизор йиғиш учун эса бир ерда 5 соат вакт кетса, бошқа ерда 4 соат керак. Аммо гап факат энг кам вакт сарфлашида эмас, ихтисослашган меҳнат товари сифатини кафолатлайди, чунки меҳнат операциялари аниқ бажарилади.

Ҳозирда жаҳон хўжалигига ихтисослашув ғоят ривожланган. Бу тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш доирасидан чиқиб, бутловчи қисмлар ва майда деталларни тайёrlашни ҳам ўз ичига олади. Масалан, техникавий мураккаб маҳсулотни, айтайлик, телевизорни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган бутловчи қисм ва деталларни ўнлаб мамлакатлардаги корхоналар етказиб беради. Ихтисослашув у ёки бу товарни жаҳон бозорига чиқариб, керакли товарни ўша ердан олишини иқтисодий жиҳатдан маъкул килиб қўяди.

11.3. Экспорт ва импорт.

Нисбий афзаллик қонуни асосида халқаро савдода шундай қоида пайдо бўлади: Товарлар экспорти уларни ишлаб чиқаришга нисбатан, товарлар импорти эса уларни истеъмол этишга нисбатан тезроқ ўсиб боради. Жаҳон бозоридаги товар айрибошлиш иккιёклама бўлади, бир товар сотилса, бошқаси сотиб олинади. Шу боис жаҳон бозорида иштирок этиш экспорт-импорт тусини олади. Экспорт товарларни чет элга чиқариш бўлса, импорт уларни чет элдан киритишdir. Ҳар бир мамлакатнинг экспорти ва импорти унинг иқтисодий қувватига ва ихтисослашувига боғлиқ бўлади. Иқтисоди ривожланган мамлакатларнинг экспорти кўп ва у асосан тайёр саноат маҳсулотларидан иборат. Кам ривожланган мамлакатларда экспортнинг ўзи оз, агар катта бўлса ҳам барибир хомашё ва бутловчи қисмлардан иборат бўлади. Улар импортидан тайёр маҳсулот, ҳатто озиқ-овқатнинг хиссаси катта бўлади. Экспорт ва импортнинг миқдорий нисбати ташки савдо баланси деб юритилади.

Бу баланс 2 турда бўлади: актив баланс – бунда экспорт миқдори импорт миқдоридан кўп бўлади. Масалан, Ўзбекистон экспорти 2018 йил 8437.60 млн АҚШ доллар бўлса, импорти 11245.60 млн АҚШ доллар бўлган. Демак, баланс натижаси -2808.00 АҚШ млн доллар бўлади, яъни баланс пассив-манфий бўлган (11.1-расм).



11.1-расм. Ўзбекистонинг ташқи савдо баланси

Пассив баланс – бунда импорт экспортдан кўп бўлади, натижаси манфий чиқади. Баланс актив бўлганда, экспорт мамлакатга қўшимча пул (валюта) келтиради, пассив бўлганда импорт учун валюта ташқарига кўпроқ чиқади.

Бир мамлакат товарини бошқа мамлакат харид этиши учун унинг пулига эга бўлиши керак. Бунга шу пулни сотиб олиш орқали эришилади. Масалан, Япония Бразилиядан кофе сотиб олиши учун ўз пулини унинг пулига алмаштириши зарур бўлади. Бир миллий валютани бошқасига айрибошлиш валюта муносабати дейилади ва бу маълум **валюта курси** асосида амалга оширилади.

Бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигига ифодаланган нархи валюта курси деб юритилади.

Валюта курси айрибошлиш курси деб ҳам аталади. Агар валюта нархи ошса, курси юқорилашган бўлади ёки аксинча. Валюта нархини белгиловчи асос бўлиб валюталар “**харид қобилиятининг паритети**” хизмат қиласди. Буни валюта бирлигининг курси, яъни унинг харид қобилияти белгилайди. Масалан, 100 доллар, 100 евро, 100 иена, 100 рубл, 100 юан, 100 фунт церлинга нима олиш мумкин бўлса, шунга қараб валюта курси шаклланади. Валюта харид курси энг муҳим товарлар нархига қараб аниқланади.

Турли мамлакатларда 1100 дан 3100 тагача товарлар нархига қараб миллий валюта харид қобилияти аниқланади. Нарх нисбати-паритети валюталарни айрибошлиш учун асос бўлади, яъни уларнинг базовий фундаментал нархини белгилайди. Валютанинг амалий нархи шу атрофида ўзгариб туради. Шу сабабли бир евро 1,2-1,3 долларга тенг бўлади, лекин ҳеч қачон бу 20 ёки 30 доллар бўлмайди.

Валюта ҳам товар сифатида талаб-таклиф таъсирига берилади. Шунга қараб у ўзгариб туради. Масалан, нарх паритетига биноан 1 доллар = 130 иена бўлса, долларга талаб ошса, 1 доллар = 118 иена бўлади. Иенага талаб ошса 1 доллар = 118 иена бўлади. Валюта курсига

инфляция ҳам таъсир этади. Масалан, Австралия доллари инфляцияга учрамади, Ҳиндистон рупияси инфляцияга берилса, шунга қараб унинг доллардаги курси пасаяди.

Валюта курсининг ўзгариши экспорт ва импортга ҳар хил таъсир этади. Иқтисодиётда шундай қоида бор: Миллий валютанинг курси ошганда импорт, унинг курси пасайганда эса, экспорт кулай бўлади. Валюта курсининг ошиши четдан товар келтиришини арzonлаштирилади, унинг пасайиши эса четга чиқариладиган товар нархини оширади. Фараз қиласийлик, мамлакатда эркаклар кўйлаги 240 бирлик туради. Бир доллар эса 20 туради. Демак, кўйлак нархи 12 доллар. Доллар курси ошиб, 1 доллар = 21 бўлади. Бунда кўйлак 11,42 доллар туради. Уни мамлакатда 11,42 долларга сотгандан кўра хорижда 12,0 долларга сотган маъкул.

Валюта курси ошганда товарлар импорти арzonлашади. Масалан, 1 доллар = 20 пул бирлиги турганда, 1 кг шакар 1,5 долларга (30 га) келтирилар эди. Миллий пул курси ошиб, доллар курси пасаяди, 1 доллар = 18 бўлиб қолади, лекин шакар 1,5 долларга олинади. Аммо олдин шакар 30 турса ($20 \times 1,5 = 30$), энди у 27 туради ($18 \times 1,5 = 27$), яъни шакар 3 бирликка арzonлашди.

Валюта курсини кескин ўзгариши ташки савдодаги валюта рискини ҳосил этади, бунда бир томон ютса, бошқаси ютказади, савдосотик ўзаро манфаатли бўлмай қолади. Бунга йўл кўймаслик учун келишилган ҳолда валюта каридори ҳосил этилади, бунда валюта курси маълум чегарада ўзгариб катта риск яратмайди. Масалан, каридор чегарасида иенанинг доллардаги курси 3-4 % ортиқ ўзгармайди. Бу мамлакатлар экспорт ва импортни барқарор қиласиди. Аммо ўзаро келишув бўлмаганда валюта урушлари келиб чиқади. Бунда бир томон экспортда устунлик қилиш учун ўз валютаси нархини суний пасайтиради, бу бошқа томон учун маъкул бўлмайди. Шу сабали валюталарни, “сузиб юрувчи” курсига йўл берилади. Бунда валюта курси унга талаб ва таклиф таъсирида шакилланади. Бу ҳақиқий бозор курсидир.

11.4. Интеграция ва глобализация.

Хозирда жаҳон хўжалигидаги иқтисодий алоқаларнинг чукурлашуви ва муентазам тус олиши интеграция жараёнларини юзага келтиради. Интеграция (ингл. integration) иқтисод иштирокчилари фаолиятининг бирлашиб кетишини англатади. Аввал мамлакатлар иқтисоди бир-биридан мустақил ривожланади, бу иқтисодий дифференция (ингл. difference) ҳисобланади, сўнгра иқтисодий зарурат интеграциялашувга олиб келади.

Интеграция икки ва ундан ортиқ чегарадош, тарихан алоқалари бор мамлакатлардан бошланади. Бир худудда жойлашган озчилик мамлакатларнинг интеграцияси миintaқавий интеграция дейилади. Миintaқавий интеграция кенгайиб, унга янги мамлакатлар кўшилиши

билан иқтисодий иттифоклар вужудга келади улар кенгайиб жағон хұжалигидаги интеграция пайдо бўлади.

Халқаро иқтисодий интеграция турли мамлакатлар миллий хұжалигининг ўзаро яқинлашиб ва бирлашиб кетиши натижасида ягона, мамлакатлараро умумий хұжаликнинг ташкил топишидир.

Интеграцион алоқаларнинг чуқурлашиб ва кенгайиб боришига караб интеграция тўрт поғонали бўлади:

1. Эркин савдо зонасидағи интеграция. Бу зонани ташкил этган давлатлар ўртасидағи савдо-сотиқ эркин бўлади, бож пули бекор килинади, экспорт учун квота (меъёр) ўрнатилмайди.

2. Эркин иқтисодий зоналар доирасидағи интеграция. Бу зоналарда нафакат савдо-сотиқ, балки саноат фаолияти, банк, сутурта иши ва технологик соҳада ҳам интеграцион алоқалар ўрнатилади. Бу зоналар очик худудлар деб юритилади. Бу ерадаги иқтисодий фаолият эркин бўлиб, унинг барча иштирокчиларига имтиёзлар берилади. Ўзбекистонда Навоий, Ангрен ва Жиззахда иқтисодий эркин зоналари бор

3. Умумий бозор доирасидағи интеграция. Умумий бозорга бирлашган мамлакатларнинг миллий бозори бир-бири учун очик бўлади. Миллий бозорлар бирлашиб, ҳамма учун ягона бўлган умумий бозор вужудга келади. Бундан бирлашма доирасида товарлар ва хизматлар, иш кучи ва капиталнинг эркин ҳаракати таъминланади.

4. Иқтисодиёт ва валюта иттифоки доирасидағи интеграция. Бу интеграциянинг олий шакли бўлиб, мазкур иттифокка кирган мамлакатлар иқтисодиёт, валюта ва сиёсий соҳада ягона йўл тутадилар. Бунинг мисоли Европа иттифокидир. Бу янги иқтисодий уюшмани ташкил этади. Бу ерда ягона тартибда бюджет, солиқ ва кредит тизими ўрнатилди, ягона пул-“евро” деган валюта киритилди, бу Еврозона номини олди. Албатта бу иқтисодиётни юксак даражада бирлаштиради, аммо айрим мамлакатлар ўзининг иқтисодий мустақиллигидан кисман воз кечишига тўгри келади.

Иқтисодий бирлашувга мос равишда Европа давлатларининг баъзи бир ваколатлари Европа парламенти, Европа миницрлар советига берилади, уларнинг миллий чегаралари бир-бири учун очик бўлади. Халқаро интеграция унда иштирок этувчи ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти учун қулай шароит ҳозирлайди, чунки умумий бозор бўлгани ҳолда ресурсларни мамлакатлараро оқилона тақсимланиши юз беради, ихтисослашув чуқурлашиб ҳамма иттифоқ бозорида иштирок этади. Аммо мустақилликни чегараланиши, иттифоқдан чиқишига-брексидга олиб келади. Буни яққол мисоли Англияни Евро иттифоқидан чикиши бўлди.

Ҳозирги жағон хұжалигига глобализация, яъни глобаллашув ҳам хос.

Глобаллашув – бу иқтисодиётнинг умумбашарий тус олиши, ҳар бир мамлакат миллий хұжалигининг жағон иқтисодиётидаги

ўзгаришлар таъсирига берилшидир. Глобализация интеграция жараёнида ўзаро бирлашмаган мамлакатларда хам юз беради. Бунинг натижасида иш кучи, капитал, инвестиция, янги технология ва ниҳоят янгича иктисодий ғояларнинг дунё бўйича тезда таркалиши, иктисодиёт ривожланиб, фаровонликнинг ошиши, ер юзида камбағаллар сонинг кисқариши юз беради.

Глобаллашув иктисодий, сиёсий ва маданий алмашинувларнинг кўп тармоқларига оид кенг миқёсдаги жараёнлар мажмуи бўлсада, замонавий иктисодий глобаллашув ҳар қандай ишлаб чиқариш фаолиятини ва бозорни шакллантиришдаги ахборотнинг тез ўсиб бораётган аҳамиятини ва илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги технологик ўзгаришлар билан изоҳланади⁷⁷.

Иктисодий глобаллашувнинг ўсиш сабаблари:

1. Миллий иктисодиётлар бир-бири билан янада яқинлашиб бормоқда. Мисол учун, Европа Иттифоқидаги умумий бозорлар, пул-кредит сиёсатини ўйгунаштириш. Бундан ташқари, Америка ва Африкада хам яқин интеграция кузатилмоқда.

2. Жаҳон савдосидаги ўсиц, жаҳон савдосига тарифлар ва бошқа тўсиқларни босқичма-босқич камайтириш жаҳон савдо ҳажмининг ортишига сабаб бўлмоқда.

3. Жаҳон Савдо Ташкилоти янада интеграцияланган ва ўзаро боғлиқ бўлган глобал иктисодиётни жалб қилинча муҳим роль ўйнамоқда.

4. Пул сиёсати бошқа давлатлар иктисодиёти билан боғлиқ бўлиши, агар АҚШ фоиз ставкасини кискартирса, бу бошқа мамлакатларга фоиз ставкасини кискартишига олиб келиши мумкинлиги.

5. Фирманинг даражасида, кўпроқ маҳсулот бозори халқаро таъсирга боғлиқ бўлиб, у қўйидагилардан иборат: Товарларнинг глобаллашуви, масалан, McDonalds. Кўп миллатли компанияларнинг бирлашиш ва ички кенгайиш орқали ўсиши, бу фармацевтика, авиакомпанияларда, нефтни қайта ишлаш жараёнида глобал олигополиялар ўсишига олиб келиши. Одамлар АҚШдан туриб интернетдан Буюк Британиядаги китобларини харид қилишлари мумкинлиги ва ҳакозолар...,

Глобаллашув инвестицияларни энг юкори самара берадиган мамлакатларга кириб боришига олиб келади. Натижада дунёдаги иктисодий ўсиш тезлашади, аммо бу нотекис юз беради. Иктисодиёт тез ўсаётган ерларда иш ўрни кўпайиб, ўша ерга иш кучи кўчиб ўтади. Оқибатда кишиларнинг ўз юртини тарк этиб, бошқа юртларга кўчиб боришига мажбур бўладилар. Буни чесгаралаш учун кам ривожланган мамлакатларга капитал киритиш орқали у ерда янги иш ўринлар яратилади.

⁷⁷ Gao, Shangquan (2000). "Economic Globalization: Trends, Risks and Risk Prevention: 2000" (PDF)

XII БОБ. ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОИЙ ФАРОВОНЛИК

12.1. Инклузив ўсиш тушунчаси ва унинг зарурлиги

Инклузив ўсиш - иқтисодий ўсишни таъминлашда иқтисодий агентлар учун тенг имкониятларни ривожлантирадиган тушунчадир. Ушбу концепция соғликини сақлаш, инсон капитали, атроф-муҳит сифати, ижтимоий ҳимоя ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган анъанавий иқтисодий ўсиш моделлари бўйича кенгайиб боришидир⁷⁸.

Инклузив ўсишнинг таърифи иқтисодиётнинг макроиктисодий ва микроиктисодий детерминантлари ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги бевосита боғлиқликни назарда тутади. Баркарор иқтисодий ўсиш инклузив ўсишни талаб этади. Бунга эришиш баъзан қийин кечади, чунки иқтисодий ўсиш ривожланаётган мамлакатларнинг асосий муаммоларидан бири бўлган коррупциянинг ошиши каби салбий ташқи таъсириларга олиб келиши мумкин.

Инклузив ривожланиш ёндашуви узоқ муддатли истиқболни ўз ичига олади, чунки камбағал гуруҳларнинг даромадларини ошириш ва уларнинг турмуш даражасини яхшилаш воситаси сифатида самарали меҳнатга йўналтиради⁷⁹.

Инклузив ўсиш иқтисодий тараккиётни англатади, бу эса бандлик имкониятларини яратади ва қашшоқликни камайтиришга ёрдам беради. Бу камбағаллар томонидан соғликини саклаш ва таълим соҳасида зарур хизматларга эга бўлишни англатади. Бу имконият тенглигини таъминлаш, таълим ва малака ошириш оркали одамларнинг имкониятларини кенгайтиришни ўз ичига олади. Бундан ташқари, атроф-муҳитни яхшилаш, сифатли бошқарувни мақсад килиб олган ва сезгир жамиятни яратишга ёрдам берадиган ўсиш жараёнини ҳам қамраб олади. Шундай қилиб, иқтисодий ўсишни кенгайтириш, одамлар иштирокини кенгайтириш ва уни инклузив қилиш учун ўсиш жараёнининг афзалликлари билан бўлишиш керак. Қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги фарқни камайтириш, гендер камситиш ва инсон ривожланишининг юқори даражасига эришини ҳам инклузивликка олиб келади.

⁷⁸ Hasmath, Reza, ed. (2015). Policy of inclusive growth, development and prosperity: A critical evaluation. Routledge. Pages 2-3

⁷⁹ Elena Ianchovichina and Susanna Lundstrom. 2009. "Inclusive Growth Analysis: Programs and Applications", Policy Research Working Paper Series 4851, World Bank

12.2. Аҳолининг турмуш даражаси

Аҳолининг турмуш даражаси – бу аҳолининг зарурӣ, моддий ва номоддий неъматлар ҳамда хизматлар билан таъминланганлик даражаси, уларни истеъмол қилиш даражасидир. **Турмуш даражаси** – бу жисмоний, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларнинг ривожланиш даражаси, қондирилганлик миқёси ва уларни қониқтириши учун яратилган имкониятларни акс эттирувчи комплекс ижтимоий-иктисодий категориядир. Аҳолининг турмуш даражасини ифодалаш учун минимал истеъмол бюджети, камбағалчиллик, мутлақ ва нисбий камбағалчиллик кўрсаткичларидан кенг фойдаланилади.

Халқаро Мехнат Ташкилоти ХМТ концепцияларига мувофиқ, ҳар бир инсон ўзи ва оиласининг саломатлиги ва фаровонлигини таъминловчи турмуш даражасига (озик-овқат, кийим-бош, уй-жой, тиббий парвариш, ижтимоий хизматлар), шунингдек, ишсизлик, ногиронлик, бевалик ҳолатларида таъминот олиш ҳуқуқига эга. Мана шу ҳуқуқларнинг барчаси миллий концепциялар асосида амалга оширилади. Турмуш даражаси концепцияси тамоийлар ва кўрсаткичлар тизимиға асосланувчи, аҳолининг турмуш даражасини оширишга қаратилган гояни ифодалайди. Турмуш даражасининг концепцияси кўзда тутилган мақсадларни амалга ошириш стратегияси ва йўналишлари, босқичларини белгилаб беради ва маълум тарихий характерга эга.

“Турмуш даражаси” – мамлакат ахолиси, ижтимоий гурӯҳлар, оиласалар, инсон моддий, маънавий ва ижтимоий эҳтиёжларини қондириш даражаси (меъёри)ни тавсифловчи тушунча. **Турмуш даражаси** кишилар эҳтиёжининг таркиби ва ривожланиши, шу билан бирга, уларни қаноатлантириш учун фойдаланиладиган турмуш неъматлари ва хизматлар миқдори, сифати билан ҳам алоқадор бўлиб, жамиятнинг иктисодий, ижтимоий ва сиёсий тузилиши билан белгиланади.

Турмуш сифати – жамият фаровонлиги даражасини намоён этувчи ва моҳиятига кўра унинг ўлчови хисобланувчи тушунча. **Турмуш сифати** – инсоннинг ижтимоий эркинлиги, ҳар томонлама ривожланиш имконияти, ўз иқтидори ва турмуш режаларини амалга ошириш даражасини ифода этувчи турли ижтимоий тизимлар ва тузилмалардаги мавқеининг мужассам интеграл характеристикаси. Бу инсонга ўз эҳтиёжларини қондириш учун жамият томонидан берилган моддий, ижтимоий, маданий ва маънавий қадриятлар мажмуи ва сифати. “*Турмуш сифати*” тушунчаси турмуш даражаси, турмуш йўсими, турмуш тарзи, хаётий тартиби, ижтимоий меъёрлар ва андозалар тушунчалари билан мукояса қилиб кўлланади ва очилади.

Аҳоли турмуш даражаси кўрсаткичлари⁸⁰

БМТ концепцияси	Швед модели	Француз модели
1. Сиҳат-саломатлик. 2. Озиқ-овқат истеъмоли. 3. Таълим. 4. Иш билан бандлик ва меҳнат шароитлари. 5. Уй-жой шароити. 6. Ижтимоий таъминот. 7. Кийим-кечак. 8. Дам олиш ва бўш вакт. 9. Инсон хукуклари.	1. Мехнат ва меҳнат шароити. 2. Иқтисодий имкониятлар. 3. Сиёсий имкониятлар 4. Мактаб таълими. 5. Соғлиқни сақлаш ва тиббий ёрдамдан фойдаланиш. 6. Ижтимоий имкониятлар. 7. Уй-жой. 8. Истъемол. 9. Бўш вакт ва уни утказиш.	1. Аҳоли сони ва таркиби, меҳнат ресурслари ва меҳнат шароити. 2. Даромадлар таҳсилтаниши ва улардан фойдаланиш. 3. Фаолият кўрсатиши шароитлари. 4. Турмуш даражасининг ижтимоий жиҳатлари.

Турмуш сифати концепцияси инсон жамоаларининг жисмоний, ақлий ва ижтимоий баркамоллигини белгиловчи шартларни шакллантиради. Бу ерда гап фақат турмуш сифати (овқатланиш, уй-жой, иш билан бандлик, таълим даражаси)ни баҳоловчи объектив омиллар ҳакида эмас, балки инсон томонидан ўзининг фаровонлиги, баҳт, қониқиши, роҳат каби тушунчаларни субъектив ҳис этиш тўғрисида ҳам бормоқда. Масалан, соғлиқ даражаси, оиласи муносабатлар, иши, моддий аҳволи, яратувчанлик қобилияти ва ҳоказолардан қониқиши, хаётдан қониқиши ҳосил қилишнинг муҳим компоненти ҳисобланади. Шундай қилиб, турмуш сифати концепцияси инсоннинг атроф-муҳит билан ўзаро муносабатларини ҳам ўзаро ўз ичига олади. Бу муносабатлар эҳтиёжларнинг қондирилганлиги ва мавжуд имкониятларнинг кутилган имкониятларга мослиги даражасини характерлайди.

Турмуш даражаси аҳоли хаёт фаолиятининг маълум бир кирраси тўғрисида тасаввур берадиган кўрсаткичлар тизими билан белгиланади. Турмуш даражаси тўғрисида батафсил маълумот олиш учун аҳоли даромадлари ва эҳтиёжлари, истеъмол даражаси ва таркиби, уй-жой, мол-мулк, маданий-маиший буюмлар ва бошқа имкониятлар билан таъминланганлик даражасини чуқур ўрганиш лозим. Турмуш даражаси концепцияси инсон фаолиятининг алоҳида

⁸⁰ Джуманова Р.Ф. Аҳоли турмуш даражаси: кўрсаткичлари ва уни ошириш йўллари// Иқтисод фанлари номзоди олиш учун дисс. автореферати. –Т. 2008 – 11 б.

кирраларини характерлайди. Таъкидлаш керакки, барча таснифлашлар ўргасида узвий алоқа мавжуд. Улар бир-бирини тўлдиради, аммо мутахассисларнинг фикрича, комплекс баҳолаш учун интеграл кўрсаткичлар тизими зарур бўлади. Ҳозирда асоси турлича бўлган турмуш даражаси концепцияларини ахолининг турмуш даражасини сифатини ҳар томонлама характеристика берадиган ягона кўрсаткичга келтириш бўйича самарали усул мавжуд эмас, бироқ олимлар шундай усусларни ишлаб чиқиш бўйича жиддий ишлар олиб бормоқдалар.

“Ҳақиқий даромадлар” кўрсаткичи пул даромадларидан ташқари натуранл даромадларнинг қиймати, муассасаларнинг ижтимоий соҳа учун моддий харажатлари кўринишидаги даромадлар, ахолининг қимматбаҳо қофозлари, жамғармалари хисобга олинади. Ахолининг ҳақиқий даромадлари индекси жон бошига тўғри келадиган даромадлар динамикасини, моддий неъматлар, хизматлар, тарифлар баҳоларининг, соликлар ва мажбурий ажратмаларнинг ўзгаришини хисобга олган ҳолда ифодалайди. Кейинги йилларда янги – **“Ихтиёрдаги ҳақиқий даромад”** (соликлар ва мажбурий ажратмалар чиқариб ташланиб, инфляция суръатларини хисобга олган ҳолдаги пул даромадлари) ишлатилмокда.

Бу икки кўрсаткичининг фарки ҳақиқий ихтиёрдаги даромад – миқдор кўрсаткичи, жон бошига тўғри келадиган ўртача ҳақиқий даромад эса аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадларнинг ўртача миқдори эканидан ташқари, уларни хисоблаш методикаси ҳам турлича. Ахолининг турмуш даражасини ифодалаш учун жаҳондаги турли мамлакатларда турлича мезонлар кўлланилади. Улар орасида **минимал истеъмол бюджети, камбағалчилик, мутлақ ва нисбий камбағалчилик** кўрсаткичлари кенг фойдаланилади.

Минимал истеъмол бюджети – шахснинг ривожланиши учун зарур бўлган маънавий ва моддий эҳтиёжлар истеъмолининг ижтимоий асосланган минимал даражасини таъминлайдиган истеъмол товарлари ва хизматлари турларининг қиймати.

Камбағаллик кўрсаткичи – ахолининг турмуш даражасини баҳолаш учун фойдаланиладиган мезонлардан биридир. Камбағаллик – турмуш кечириш, меҳнат лаёқатини сақлаб туриш, авлодлар узвийлигини давом эттириш учун зарур бўлган энг кам эҳтиёжларни қондириш имкониятига эга бўлмаган шахс ёки ижтимоий гурухлар иктисодий аҳволининг кўрсаткичидир.

Жаҳон амалиётида камбағаллик даражасини таърифлашга ёндашишда учта асосий концепция: мутлақ, нисбий ва субъектив камбағаллик концепциясидан фойдаланилади. **Мутлақ камбағаллик концепцияси** – шахс ёки оқилона минимал ҳаётий эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган даромадни таърифлашга асосланади. Ўзбекистонда инсоннинг минимал эҳтиёжларини таърифлаш учун

шундай тирикчилик минимуми белгиланганки, уни ҳисоблаб чикишда калориялар, оксиллар, ёғлар ва углеводлар зарурий истеъмолининг физиологик мөъёларидан фойдаланилади.

Нисбий камбағаллик концепцияси – асосий мезон сифатида инсоннинг минимал эҳтиёжларидан эмас, балки унинг фаровонлиги кўрсатқичларининг у ёки бу мамлакатда устунроқ келувчи моддий таъминланганлик даражаси билан бўладиган нисбатидан фойдаланади. Бундай ёндашишда даромадлари мамлакат бўйича ўргача даромаднинг муайян улусидан ошмайдиганлар камбағал ҳисобланади.

Камбағаллиқнинг субъектив концепцияси – ижтимоий мақбул турмуш даражаси учун зарур бўлган ресурсларни субъектив таърифлашга асосланган. Аҳолининг турмуш даражасини куйидаги тўрт кўрсатқич билан ажратиш мумкин:

- ❖ тўқ турмуш даражаси – инсоннинг ҳар томонлама камол топишини таъминлайдиган неъматлардан фойдаланиши;
- ❖ нормал даражаси – инсоннинг жисмоний ва ақлий куч-куватини тўла тиклаш учун қулай шароитларни таъминлайдиган илмий асосланган мөъёлар бўйича оқилона истеъмол қилиш;
- ❖ камбағаллик – меҳнат учун ресурсларни кайта яратишнинг куйи чегараси сифатидаги иш қобилиятини саклаш даражасида неъматларни истеъмол қилиш;
- ❖ қашшоқлик – истеъмол қилиниши инсоннинг яаш қобилиятини саклаш имкониятигини берадиган неъматлар ва хизматларнинг биологик мезонлар бўйича йўл қўйиладиган минимал турларини истеъмол қилиш.

Қашшоқлик ўз навбатида иккига бўлинади:

– **мутлақ қашшоқлик** – даромадларнинг умуман йўқлиги ёки шахснинг (оиланинг) минимал турмуш эҳтиёжларини қондириш учун зарур даромаднинг йўқлигидир. Мутлақ қашшоқлик кўпроқ дайдилар, бошпанасизлар ва шу кабилар орасида учрайди.

– **нисбий қашшоқлик** – мамлакат шароитида яаш минимуми бюджетидан кам бўлган даромадлар миқдори билан аникланади. Жаҳон амалиётида эса бу кўрсатқич мамлакат бўйича ўргача даромадларнинг 40-60 фоизидан кам бўлган даромадларга нисбатан кўлланилади.

Камбағаллик, қашшоқлик тушунчаси маълум мъянода нисбийдир. Айтайлик, водопроводсиз, марказий иситиш тармоғидан ва электрдан бебаҳра кун кечираётган оилани сиз қашшоқ деб ҳисоблаган бўлармидингиз? Ўрта асрларда киролларнинг оилалари шу алфозда яашшган, ўшанда уларни ҳеч ким қашшоқ деб атамаган албатта. Ҳозирги Кўшма Штатларнинг ана шу қулайликлардан маҳрум бўлган ҳар қанақа фуқаросини таърифлаш учун «қашшоқ» дан бошқа сўз

ишлатиб бўлмайди. Гап шундаки, АҚШ – жуда ҳам бой мамлакат, дарҳақиқат, шундай бой, бадавлатки, унинг энг камабагал, қашшоқ одами ҳам касаллик ва ёлчиб овқатланмаслиқдан умри хазон бўлаётган кишилари қашшоқ ҳисобланувчи бошқа мамлакатларнинг аҳолисига нисбатан тўқ, тўқин турмуш кечираётир. Шунга қарамай, америкаликларнинг орасида четдан ёрдам олмаса, ярим оч ҳаёт кечиришга мажбур бўладиганлар ҳам бор. Яшаш шароити мутлақо қанаотлантирумайдиган оилалар ҳам йўқ эмас. Умуман турар жойи, бошпанаси йўқлигидан кўчаларда ётиб кун кечираётганлар учрайди.

Рақамларга назар ташхайдиган бўлсақ, «Амеркаликнинг 7 кишидан 1 таси камбағалчилликда яшайди»⁸¹. «2018 йилда аҳолининг 20 % - ёки 50 миллион аҳолиси камбағалчилликда яшаган»⁸². «2018 йилда эса, 43.1 миллион аҳоли қашшоқликда яшаган. Камбағаллик кўрсаткичи 2018 йил учун 14.5% бўлган. 2018 йилда, 16.5 миллион болалар ёки 21.7% қашшоқ, бу ҳар 5 та болалардан 1 таси қашшоқликда яшаган»⁸³.

Одамни камбағал, қашшоқлар гурухига кўшиш учун унинг оиласи олган даромад миқдори асос бўлади. Ҳукумат оилани асосий озиқовкат маҳсулотлари билан таъминлаш учун қанча пул кераглигини ҳисоблади ва чиққан сонни учга кўпайтиради. Ҳосил бўлган миқдор қашшоқлик чегараси бўлиб, даромади шу чегара даржасига етмайдиган оилалар камбағал, қашшоқ деб ҳисобланади. Қашшоқлик АҚШ ҳукумати томонидан белгиланади ва оила катталиги ва оила аъзоларининг ёшга кўра фарки асос қилиниб олинади. Масалан, «2018 йилда, оиланинг бир аъзоси учун 15,000 доллар бўлса, икки киши учун, ўртача 20,000 доллар бўлган»⁸⁴.

«Жаҳон банкининг қашшоқлик бўйича глобал ахборот бериши бугунги кунда асосий манба ҳисобланади ва Халқаро қашшоқлик чегарасини белгилаб беради. Бу камбағаллик чегараси 2015 йилда кайта кўриб чиқилган бўлиб - бир киши, у кунига камида 1.90 долларга яшаётган бўлса қашшоқликда яшаётган ҳисобланади»⁸⁵.

Қашшоқликни тугатиши учун ҳам бир қанча ечимлар бор:

1. Янги касбларни яратиш.
2. Аёлларни ўқитиш.
3. Иш ҳақини ошириш.
4. Микромолиялаш.
5. Гендер тенгликни таъминлаш.
6. Давлат харажатларини шаффофлигини таъминлаш.

⁸¹ <http://www.ampleharvest.org>

⁸² <http://www.usnews.com>

⁸³ <http://www.povertyusa.org>

⁸⁴ <http://www.povertyusa.org>

⁸⁵ <https://ourworldindata.org>

7. Миллий қарзларни бекор қилиш.
 8. Соғлиқни сақлаш учун имконият яратиш.
 9. Тоза сув ва санитария муаммосини хал қилиш.
 10. Айниқса, чакалоқларнинг озиқланишига эътибор қаратиш.
- Агар бу чоралар кўрилса «1981 йилда дунё ахолисининг 43%, 2000 йилда 29%, 2011 йилда 14% экстремал қашшоқликда яшаган бўлса», «2030 йилга бориб бу кўрсаткич 4.8%»⁸⁶ни ташкил қиласди.

Узоқ йиллар давомида иқтисодий ўсишга эришиш инсон ва бутун жамиятни ривожлантиришга олиб келади, деб хисобланган. Бундай ёндашув асосида ишлаб чиқариш даромадларни кўпайтиради, юкори даромад эса, ўз навбатида, иқтисодий фаровонликни оширади, деган фикр ётарди.

Иқтисодий ўсиш иқтисодий ривожланишнинг синоними эмаслигини англаш жаҳонда иқтисодий-сиёсий бекарорлик ва аҳолининг камбағалиши кўпайиши билан чукурроқ англана бошланди. Айрим ривожланаётган мамлакатларнинг амалиёти ишлаб чиқариш ривожланиб бораётган шароитларда ҳам одамларнинг турмуши оғирлашиши мумкинлигидан далолат берарди. Ушбу мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари юкори бўлишига қарамасдан тенгсизлик, аҳолининг иш билан тўлиқ банд бўлмаслиги ва оммавий қашшоқлик кўзга ташланарди. Ҳолбуки, бошка мамлакатлар миллий даромадлари миқдори нисбатан юкори эмаслигига қарамасдан, турмуш даражасини оширишда қониқарли натижаларга эришардилар.

Иқтисодий ўсиш ўз-ўзидан ресурслар адолатли тақсимланишини таъминланмаслиги тобора ойдинлашарди. Бундай адолат тақсимлашга фуқаролар тенглигини таъминлаётган, шу жумладан таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида мақсадли дастурларни амалга ошираётган давлатларнинг ҳукуматлари муваффак бўлаётган эди. Иқтисодий жиҳатдан бой бўлган, даромад даражаси юкори мамлакатларда эса жиноятчиликнинг ўсиши, атроф мухитнинг ифлосланиши, турли касалликларнинг тарқалиши, аҳоли ижтимоий ҳолатнинг ёмонлашиши каби салбий ходисалар кузатилиарди.

ХХ асрнинг 70 - йилларида ишлаб чиқилган иқтисодий концепцияларда иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг ўзаро боғлиқлиги, даромад ва неъматларни тақсимлаш муаммоларига эътибор кучайди.

Бунинг натижасида “ўсиш хисобига қайта тақсимлаш” номини олган концепция пайдо бўлди. Ушбу концепциянинг мақсади одамлар, биринчи навбатда аҳолининг ночор қатламлари турмуш шароитларини меҳнат сифими юкори бўлган ишлаб чиқаришларни кенгайтириш, яъни

⁸⁶ <https://ourworldindata.org>

бу билан ялпи ички маҳсулот, иш хақи ва аҳоли даромадларини ошириш, давлат томонидан ижтимоий соҳани кенг қўллаб-куватлашни таъминлашга қаратилди.

ХХ асрнинг 80-йиллари бошларига келиб иқтисодий ўсиш қадрият деб эътироф этила олмаслиги тўғрисидаги хуносага келинди. Ушбу даврда кўлгина мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари пасайди ва таркибий инқироз юз берди. Шунинг учун ривожланиш сиёсатида давлат қарзи ва харажатларини қисқартириш, иқтисодий ўсиш суръатлари пасайишига барҳам бериш каби сифат жиҳатдан янги устуворликлар биринчи ўринга кўтарилиди. “Таркибий қайта қуриш” ва иқтисодиётнинг либераллаштирилиши аввалпроқ илгари сурилган инсон капитали назариясига эътиборни қучайтирди. Юқорида қайд қилинганидек, ушбу назарияни асосига таълим, соғликни саклаш, қасбий тайёрғаликка инвестициялар киритишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган, инсонга ишлаб чиқаришнинг энг муҳим омили сифатида қараларди.

Ана шундай сиёсатга жавобан ЮНИСЕФ “Инсонни қайта қуриш” хужжатини эълон қилди. Унинг муаллифлари – Андрей Жованни Корнеа, Френсис Стюарт, Ричард Жолли таркибий иқтисодий ўзгартиришларни инкор этмаган ҳолда Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банкини қашшоқлик муаммолари ва инсоннинг турмуш шароитларини яхшилашга кўпроқ эътибор беришга даъват қилди. Бундай ёндашувнинг асосий принципи ижтимоий ҳимоя чоралари таркибий қайта қуриш стратегиясига қўшимча восита сифатида қаралмаслиги зарурлигига қаратилган эди. Шу билан бирга инсон эҳтиёжларига йўналтирилган, узоқ муддатли истиқболга мўлжаллаб тузилган янги комплекс ривожланиш механизмини ишлаб чиқиши тақлиф этилди.

1987 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Ривожланиши режалаштириш бўйича қўмитаси ўзининг 1988 йилдаги маъруzasida таркибий қайта қуришнинг инсонга чиқимларини қараб чиқиши тўғрисида қарор қабул қилди. Ана шу қарор Махбуб ул-Ҳақ, шунингдек К.Гриффин ва Ж.Найт раҳбарлигига тадқикотлар ўтказиши учун рағбат бўлди.

Бунинг натижасида жаҳондаги турли мамлакатларда турмуш сифатини баҳолаш учун Покистонлик иқтисодчи Махбуб ул-Ҳақ бошчилигидаги БМТ эксперталар грухи томонидан инсон фаровонлиги ва ривожланиш индекси (**Human development index, ИФРИ**) интеграл кўрсаткич ишлаб чиқилди. Мазкур индекснинг концептуал таркиби Амартия Сен изланишлари асосида яратилган.



Амартия Кумар Сен (Amartya Kumar Sen, 1933 йилда туғилған) – хиндистонлик иқтисодчи, “фаровонлик иқтисодий назариясига хиссаси учун” 1998 йилги Нобель мүкофоти лауреати. Асосий асарлари: “Камбағаллік ва очлық” (“Poverty and Famines”, 1981), “Тенгсизлик муаммосига кайтыш” (“Inequality Reexamined”, 1992), “Ривожланиш әркинлик сифатыда” (“Development as Freedom”, 1999).

А.Сен ривожланиш жараёнини фақат моддий ёки иқтисодий фаровонликнинг ортиши нұктай назаридан әмас, балки инсон имкониятларини қенгайтириш жараёни сифатида таҳлил этди. Унинг нұктай назарига күра, жамиятдаги турмуш даражасини даромадларнинг ўргача даражасига қараб әмас, балки одамларнинг ўзлари муносиб деб хисоблаган ҳаёт қечиришлари учун мавжуд имкониятлари бўйича баҳолаш лозим. Хиндистонлик иқтисодчи ижтимоий ривожланишнинг мақсади ишлаб чиқаришни чексиз кўпайтириш әмас, балки одамларнинг кўпроқ иш бажариш, билимларни эгаллаш, узоқ умр кўриш, касалликлардан ҳоли бўлиш ва ҳоказолар учун имкониятлар яратишда деб хисоблади: “Баҳолаши тизимининг энг муҳим вазифаларидан бири – инсон қадриятларини хисобга олишидир. 1980 йилларда ва ундан кейин “инсонни ривожлантириши” вазифасини мазкур муаммони онгли равшида қараб чиқиши ҳамда ҳаётимизда энг қатта аҳамиятга эга бўлган эркинликлар ва имкониятларни қенгайтиришига алоҳида зътибор берииш зарур. Вазият тақозоси билан одамлар имкониятлари чегаралаб кўйилган ҳаётий доираларни қенгайтириши ҳозирги даврда инсонни ривожлантиришининг асосий вазифаси хисобланади”⁸⁷.

А.Сен концепциясида ривожланиш марказида инсон бўлган жараён сифатида қаралади. Кейинчалик бу ва бошқа гоялар Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Ривожланиш дастурининг эксперталар гурухлари томонидан бирлаштирилиб, инсоний ривожланиш концепцияси асосини ташкил этди. Мазкур ёндашув 1990 йилги Инсонни ривожлантириш тўғрисидаги глобал маъruzada ўз ифодасини топди. Унда тараккиёт натижаларининг инсон билан ҳамоҳанг бўлиши кўзда тутилади, моддий бойлик (ялпи миллий маҳсулот) билан бирга соғлом ҳаёт, саводхонлик, демократик институтлар билан биринчи ўринга кўйилади (айрим давлатлар камбағал бўлишига қарамай, бу соҳада юқори натижага эришмокдалар ва аксинча) ҳамда «ижтимоий ривожланиш индекси» (ИРИ) билан ўлчанади.

Инсон фаровонлиги ва ривожланиш индексини хисоблаб чиқишида кўйидаги кўрсаткичлар инобатта олинади:

⁸⁷ Амартия Сен. Развитие как расширение человеческого выбора, 1989.

1) инсон туғилған пайтда кутилаётган ўртача умр кўриш – бу чақалоқ туғилған пайтда аниқ ёш гурухлари учун ўлим кўрсаткичлари унинг бутун хаёти давомида ўзгармай қолиши назарда тутилған умр кўриши давомийлиги;

2) таълим индекси: а) таълим олишнинг ўртача давомийлиги – 26 ва ундан катта ёшдагилар таълим олган ўртача давр. Буни ҳисоблаб чиқиш учун аҳоли саводхонлик даражаси ҳамда таълим ҳар бир даражасининг назарий давомийлиги асос қилиб олинади; б) таълим олишнинг кутилаётган давомийлиги – мактабда ўқиш учун расмий белгиланған ёшга етган боланинг агар аҳолини таълим билан қамраб олиш кўрсаткичлари сакланиб қолган тақдирда таълим олиши мумкин бўлган даврdir;

3) муносиб турмуш даражаси – бу ишлаб чиқариш давомида ва ишлаб чиқариш омилларига эгалик қилинганда иқтисодиётнинг жамланма даромадидан ўзгаларга тегишли ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланганлик учун чиқариб ташланган қисмининг Халқаро долларга конвертация килиниб, мамлакат аҳолисининг ўртача йиллик сонига бўлинган улушкидир. Мазкур кўрсаткич аҳоли жон бошига ялпи миллй даромаднинг (ялпи ички маҳсулотнинг) харид қилиш қобилияти паритети бўйича АҚШ долларида баҳоланади.

12.3. Аҳоли пул даромадлари.

ЯИМнинг пул шаклидаги киймати жамиятнинг даромади сифатида тақсимланганда барча иқтисодиёт иштирокчиларининг даромадлари ҳосил бўлади. Даромад иқтисодиёт иштирокчисининг ЯИМдаги хиссаси бўлиб, бу уларга пул шаклида тегади. ЯИМ тақсимланганда аҳоли даромади, фирма доромади, давлат даромади ҳосил бўлади. Ахолига теккан даромад унинг ихтиёрига келган турли пул тушими(иш ҳақи, фойда, нафака, пенсия, стипендия, ижара пули, дивидент, замъя ва лоторея ютуғи, томорқадан келган пул кабиллар) дан иборат бўлади. Даромадлар тақсимот конунига биноан шакланади.

Бозор иқтисодиётида амал қиласиган тақсимот конунига кўра кишилар жамиятда яратилған маҳсулот ва хизматлардаги улушкини, ўз ресурсларини микдори ва накадар самарали ишлата олишларига караб даромадга эга бўладилар. Тақсимот конунига кўра, ҳар бир кишининг даромади унинг товарлар ва хизматлар яратишга қўшган хиссасига боғлиқ бўлади. Бундай даромад бозор даромади деб юритилади. Аммо, инсонпарварлик тамойилидан келиб чиқадиган нобозор даромади ҳам бўлиб, у ишлаб топилмайди, балки ёрдам шаклида муҳтоjlарга берилади. Бу биринчидан, иқтисодий имкониятларни, иккинчидан ночор аҳолининг муҳтоjлигини ҳисобга олади. Муҳтоjlар ишламаса ёки кам ишласалар-да давлат, жамоат ташкилотлари ва фирмалар томонидан бериладиган нафақага эга бўладилар.

Бозор даромадлари 3 гурӯхга бўлиниди:

- а) меҳнатдан келган даромад;
- б) тадбиркорликдан келган даромад;
- в) мулкдан келган даромад.

Меҳнатдан келган даромад – бу ёлланиб ишловчилар даромади бўлиб, иш ҳаки ва турли фойдадан ажратилиган мукофотлардан иборат бўлади.

Иш ҳакки – бу қўпчилик аҳолининг асосий даромади бўлиб бу тирикчилик ўтказиш ва пул жамғармасини ҳосил этиш учун ишлатилиди. Иш ҳаки 3 қисмдан иборат: асосий иш ҳаки, мукофот тарзидаги (бонус) иш ҳаки ва белгиланган иш вақтидан ортиқча ишлаганлик учун бериладиган пул тўловидан ташкил топади.

Ишловчининг кўлига нима тегишига қараб умумий иш ҳаки ва соғ иш ҳаки бўлади. Умумий иш ҳакини ишловчи ҳисобига ёзилган иш ҳаки деса ҳам бўлади. Соғ иш ҳаки ялини иш ҳакидан ҳар хил тўловлар (соликлар, бадал тулини ва х.к.) чегириб ташлангандан сўнг қоладиган иш ҳаки, яъни ишловчининг кўлига теккан иш ҳакидир.

Иш ҳакининг микдорига 3 омили таъсир этади:

а) Иш кучига талаб ва унинг таклифи. Меҳнатга талаб ошганда иш ҳаки кўпаяди, меҳнат таклифи ошганда эса иш ҳаки камаяди. Меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф тенглашган тақдирда иш ҳаки бир меъёрда сақланади;

б) Меҳнат унумдорлиги. Иш билан бандлик шароитида, иш ҳаки меҳнат унумдорлиги ошса- кўпаяди, у пасайса, аксинча, камаяди.

в) Бозор учун ишлай билиш. Ишҳаки умуман ишлаганлик учун эмас, балки бозор талабига мос равишда бажарилган меҳнат учун берилади. Товарлар бозорбоб бўлиб, яхши сотилса иш ҳаки кўпаяди, улар бозорда ўтмай қолса иш ҳаки камаяди ёки уни тўлаш имкони бўлмайди.

Тадбиркорлик даромади фойда шаклига киради. Тадбиркорларнинг пул сарфлаб бизнесни юритгани учун уларга тегадиган пул даромади фойда ҳисобланади. Аҳоли даромадлари таркибида фойданинг хиссаси катта бўлмайди, чунки тадбиркорлик билан гоят озчилик шутулланади. Кўп ерда унинг даромадлардаги хиссаси 15–20 % ташкил этади.

Фойданинг асосий қисмини тадбиркорлар олади, лекин унинг бир қисмини ишчилар ва хизматчилар мукофот тарзида олади. Мукофотнинг микдори фойданни топнишда ходимларнинг нақадар иштирок этишига боғлиқ бўлади. Топмененжерлар олган гоят катта бонуларни – олтин парашютлар деб юришади.

Мулкдан келадиган даромад дивидент, фоиз ва ижара ҳакидан иборат бўлади. Дивидент фойданинг таҳсимилини натижасида унинг бир қисмини акция эгаларига берилишини билдиради ва улар даромадга

айланади. Дивидентни кичик акциядорлар, яъни оддий ишчи ва хизматчилар ҳам олади. Агар акциядорлар қанчалик кўп бўлса ва акционер корхона қанчалик рентабель бўлса, шунчалик дивидент ҳам кўп бўлади. Акциялар сотилган чоғидаги курс даромади ҳам аҳолига тегади.

Фоиз – пул эгаси ўз пулини ўзгаларга қарзга бергани учун оладиган даромади. Фоиз қарзга берилган пул суммасига нисбатан улуш даражасида белгиланади. Фоизнинг миқдори унинг даражаси ва қарзга берилган пул миқдорига боғлиқ. Фоизнинг даромадлардаги хиссаси ортиб боради, чунки аҳоли пулнинг бир қисми тириклик харажатларидан ортиб колиб, даромад кўриш учун банкга кўйилади. XX аср мобайнинда АҚШда фоизнинг аҳоли ялпи даромадидаги хиссаси 2 марта ошганлиги маълум.

Ижара ҳақи – кўчмас мулк ва ер эгаларининг ўз мулкини муқобил ишлатишдан олган даромади. Ер, иморат, инишот, квартира, уй ва бошқалар сотиш ўрнига ижарага берилиб, ундан даромад кўрилади. Улар муқобил ишлатилганда ортиқча даромад топилади. Масалан, уйни ижарага бериб, ҳар ойда 500 минг сўм даромад кўрилади. Уйга талабдорлар кўпайганда уни янгидан 600 минг сўмга ижарага берилади. Олдинги ва кейинги пул тушими орасидаги 100 минг сўм фарқни мулкини муқобил ишлатиш беради. Кўчмас мулк эгалари кўпайган сари ижара ҳақи суммаси ҳам ортиб боради. Мулкни кредитга олиб ҳам ижарага берилади, чунки ижара ҳақи кредитнинг фоиз тўловидан кўп бўлади.

Ижара ҳақи даромад сифатида 2 қисмдан иборат бўлади. Биринчи қисми мулк эгаси уни сақлаш ва сифатини ошириш учун (масалан, ерга сув чиқариш, унинг захини ючириш, уйни таъмирлаш ва сугурталаш учун) қилинган сарфни коплайди. Колган қисми эса мулк эгасига соғ даромад бўлиб тегади.

Пенсия даромаднинг маҳсус тури бўлиб, у икки хил бўлади:

1) Қариплик, яъни меҳнат пенсияси илгари ишлаб топилган, лекин берилиши кечиктирилган даромадларга киради. Ҳар бир киши ишлаган кезларида топилган пулнинг бир қисмини пенсия жамғармасига ўқказиб боради, бу пул ходим пенсияга чиққач унга маълум меъёрда қайтарилади.

2) Социал (ижтимоий) пенсия ишлаб топилган пул бўлмай, ўзини ўзи бока олмайдиган кишиларни моддий таъминлаб тuriш учун ажратилган пулдир.

Пенсиянинг даромадлардаги салмоғи аҳоли таркибидаги қарияларнинг сонига боғлиқ. Аҳоли таркибида қариялар сони қанчалик кўп бўлса, пенсиянинг даромадлардаги салмоғи шунчалик катта бўлади.

Нафақа даромаднинг маҳсус тури бўлиб, ижтимоий ёрдамга мухтоҷларга, одатда, камбағалларга ва вақтинча ишсиз қолганларга давлат, фирмалар ёки хайрия ташкилотлари берадиган пулдан иборатdir. Нафақанинг микдори молиявий имкониятларга боғлиқ, Жамият қанчалик бой бўлса, шунчалик нафақа пули ҳам кўп бўлади ва аксинча.

Стипендия даромад тури бўлиб, ундан талабалар фойданалади, амалда бу ёрдам пули бўлиб, уларнинг келажакда наф келтириши этиборга олиб берилади. Стипендияни давлат ёки фирмалар, ўкиш учун контракт пулини берганлар тўлайди. Барча даромад турлари ялпи даромадни ҳосил этади. Бу барча хонадонлар даромади хисобланади. Хонадоннинг ялпи даромади унинг мақомига қараб микдоран ва таркибан фарқланади. Бир хонадон даромади катта бўлса, бошқасиники кичик бўлади. Бундан ташқари хонадон қайси даромадининг устиворлиги билан ҳам фарқланади. Бизнесчилар даромадида фойда устивор бўлса, ишчи, хизматчи даромадида иш ҳаки асосий ўрин эгаллайди. Бир даромад шакли устивор бўлган ҳолда бошқа даромадлар у билан ёнма ён туради. Масалан, ишчи ёки тадбиркор хонадонида иш ҳаки ва фойда асосий даромад бўлган ҳолда пенсия ва стипендия каби даромадлар ҳам бўлади.

Пул даромади қандай усулда топилғанлиги ёки бошқалардан олинганингига қараб икки хил бўлади – бу ҳалол ва ҳаром даромадлар. Ҳалол даромад – бу бозор қоидаларига биноан ишлаб топилган ёки ёрдам ва хайрия шаклида ўзгалар ўз розилиги билан берилган пулдир. Ҳаром даромад бозор иқтисоди қоидаларига зид равишда топилган ва ўзгалар ҳақига хиёнат қилиб олинган пулдир. Ҳалол даромад рухсат этилган ва зарурлиги учун ҳақ тўланадиган иш билан шугулланиб топилади. Масалан, тадбиркорлик қилиб, ёлланиб ишлаб ва элга хизмат кўрсатканни учун олинадиган фойда, иш ҳаки, пенсия ҳалол даромад хисобланади. Қаллоблик, ўғрилик, порахўрлик, босқинчилик қилиб бирор ҳақини ўзлаштириб топилган даромад ҳаром хисобланади. Уларнинг якъол намунаси наркобизнес ва одам савдосидан топилган пулдир. Ҳаром даромадлар бозор иқтисодиётидаги таксимлаш конунига хилоф асосида юзага келади.

ХУЛОСА

Бозор иқтисодиётининг қонун қоидалари борки, булар нимани, қанча ва қандай ишлаб чиқариш зарур деган муаммони хал этишини таъминлайди, бунга мұқобил танлов орқали эришилади, яъни чекланган ресурслар шароитида эҳтиёжларни тўлароқ қондириши йўлидан борилади. Конун-қоидалар иқтисодий иштирокчилари учун экстремалий, яъни ташқи куч бўлиб буларни менсимаслик мумкин эмас, уларни хисобга олиб иш юритганлар ютиб чиқса, уларни назар-писанд қилмаган иқтисодий жиҳатдан жазоланади, яъни пул йўқотишга маҳкум этилади.

Аммо бу кишилар иқтисодий қонунлар тақозаси олдида мутлақо ожиз, уларнинг қўлидан хеч нарса келмайди деган гап эмас. Товар ишлаб чиқарувчилар ҳам, истемолчилар ҳам иқтисодиёт илмига таяниб, қонунларни идрок этиш, ўз фаолиятини буларга биноан ташкил этишлари мумкин. Бунинг учун улар иқтисодий ахборотларни атрофлича ўрганиб, иқтисодий вазиятга тўғри баҳо бериб ўз фаолиятини юргизишлари талаб этилади.

Маржинал нафлийлар қонуни товарга талабнинг унинг нафлиигига боғли эканлигиги билдирганидан бозорга доимо харидор учун нафлиилиги юқори яъни сифатли товарни чикриш зарурлигини такозо этади. Шунга биноан бозор тўйилган сари қўшимча чиқариладиган товарлар нафлиги пасайишга мойил бўлишини назарда тутиб товарларни модификациялаш, янги товарларни чиқариб товарлар таркибини диверсификациялаш керак бўлади, акс ҳолда товар сотишни кўпайтириб бўлмайди.

Талаб қонунига биноан товарга талаб унинг нархига тескари мутоносабликда бўлишини этиборга олиб товарларни сотилишини кўпайтириш учун бозорда харидорларга маъкул буладиган нархларни тақдим этишга тўғри келади. Аммо ҳарид қобилиятининг белгиловчи даромад миқдори ҳам борки бу нарх ошган тақтирида ҳам ҳаридни кўпайтириш имконини беради, аммо бунинг учун даромад нархдан жадалроқ ўсиб бориши талаб қилинади. Даромадни нархга таъсири бозорда даромад самарасини ҳосил этади. Шуни хисобга олиб даромади ҳархил ҳаридорларга нархи ҳархил товарларни таклиф этишга тўғри келади, чунки бу билан товарни нархига қараб танланиши пайдо бўлади, натижада товар сотиш кўпаяди.

Бозорнинг таклиф қонунига кўра нархни ўзгариши таклифни оширади ёки қисқартиради. Таклифни қисқартириш хеч гап эмас, аммо уни нархга қараб оширишга дархол эришиб бўлмайди, чунки бунинг учун қўшимча ишлаб чиқариш кувватлари, иш кучи, ошёвий захиралар бўлиши зарур. Бироқ таклиф талабни ўзгаришга қанчалик тез жавоб қайтарса, шунчалик бу маъқулдир. Бозорда талаб ва таклифнинг мувозанати зарур бўладики, бу талаб ва таклифнинг маълум нарх шароитида тенглашуви бўлиб бу ҳаридорлар товарни олиб ўз эҳтиёжларини қондиришни, товар ишлаб чиқарувчилар пул топиб

ишлиб чиқаришни давом этказишларини билдиради. Мувозанат холати бозор учун тенденция, яъни мойиллиқдир.

Бозор иқтисодиёти бизнесга таянади. Бизнес эса пул тикиб фойда олиш, яъни пулдан пул чиқаришни мўлжалланган фаолият хисобланади. Унинг асосий тури тадбиркорлик булиб, бу керак товар ва хизматларни яратиб бозорга тақдим этиш орқали фойда топишни билдиради. Тадбиркорликда фойда олишдек мақсад бор . Коида шундайки, харажатсиз фойда олиб бўлмайди. Фойда рискга бориб бизнесга пул кўйгани ва уни юритгани учун тадбиркорларга тегадиган даромадидир. Унинг миқдори бозор қоидасига кўра товар ва хизматларни сотишдан келган даромад (пул тушимиға) тўғри мутоносабликда ва харажатлар миқдорига тескари мутоносабликда бўлади. Шу боис бозор талаб қилган товарларни кўплаб чиқариб яхши пуллаш ва харажатларни пасайтириб бориш зарур бўлади. Фойда олиб ишлаш – бу рентабел ишлашдир. Рентабеллик фойда нормасини, яъни қандай сарф қилиб қанча фойда кўрилганлигини билдиради. Фойдани максимумлаштириш унинг массасини (миқдорини) ошириш бўлиб, бунга эришиш учун фойда нормаси- рентабелликни ошириш ва капиталини кўпайтириб, ишлиб чиқариш кўламини кентгайтириш зарур. Аммо кўламни ўз чегараси бор, яъни товарларни бозор кўтарадиган миқдордан ошириб бўлмайди. Бизнес рискли иш бўлганидан фойда ўрнига зарап кўриш ҳам бўлиб туради. Товарнинг бозор нархи борадиган тушум харажатларни қоплашга етмай қолганда зарап ҳосил бўлади ва бу банкротликка олиб келади. Аммо банкротлик иқтисодиётни заифлардан тозалайди, бизнесдаги муқобил таъловни таъминлайди.

Бизнес хонодонлар талаб эҳтиёжини қондиради, хонодонлар эса ўз хариди билан бизнес учун бозор яратади. Бироқ бу хонодонларнинг бозор талаби, уларнинг харид қобилияти билан чекланганлигини назарда тутиш керак чунки хонадон пулнинг миқдори ва нархларга қараб, товар танловига боради.

Хонадон бозорга меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларни таклиф этиб ҳам иқтисодиётда ўз ўрнини топади. Унинг жамғариш фаолияти инвестиция ресурсларини яратади. Хонодоннинг жамғаришга мойиллиги қанчалик кучли бўлса, шунчалик инвестиция кўп бўлишига этибор қаратиш талаб қилинади.

Хонадон аҳлининг ишилаб пул топиш имконини яратади, бунга кишиларининг нақадар бандлигига боғли, буни эса меҳнат бозорида ҳам талаб ва таклиф қонуни белгилайди. Талаб ва таклиф тенглашганда тўла бандликка эришилади. Бозор учун рационал бандлик муҳимки, бу тўла бандликни ва унумдорлиги ва иш ҳаки юкори бўлгач иш билан банд бўлишни билдиради. Бироқ меҳнат бозорида меҳнат таклифини талабга нисбатан ортиб кетиши натижасида бандлар сони қисқариб уларни бир қисми ишсиз қолади. Ишсизлик бозор учун меҳнат захирасини ҳосил этади, бандларни яхши

ишлиб ўз бандлигини қадрига етишга ундаиди, аммо бу умумий даромадни ва шунга кўра бозор талабни қисқартиради, кишиларга катта ташвиш келтиради.

Бозор иқтисодиётининг тану-жони пулдир, чунки ҳамманинг хожатини чиқарувчи иқтисодий куролдир. Пул топишга интилишдек иқтисодий стимулни юзага келтиради, аммо бунинг учун унинг қадри-қиймати барқарор бўлиши талаб қилинади, пулни қадри ишлиб чиқарилган товар билан ва мамлакатнинг олтин валюта резервлари билан таъминланади. Пул иқтисодиётта хизмат қилиб туриши учун унинг миқдори етарлича, меёрида бўлиши керакки буни пул муомиласи қонуни белгилайди. Пул керагидан ортиқ бўлганда инфляция юзага келиб, нархлар ошиб кетганидан пул қадрининг пасайиши келиб чиқади. Инфляцияга ҳамма субъектлар дуч келади, аммо бунда уларни адаптация (мослашув) юз беради.

Пул нарх ўлчами. Нарх эса бозорда товарни неча пул туриши бўлиб, кишилар нима қилишини шунга қараб, аниқлаб оладилар. Нарх воситасида сарф-харажат ва эришилган натижа ҳисоб китоб қилинади, нарх билан ишлиб чиқариш рагбатлантиради, нарх билан рақобат қилинади, энг муҳими нарх иқтисодиётни тартиблашга хизмат қилади, нимани қанча ва қандай ишлиб чиқариш бозордан келган нарх сигналига биноан ҳал этилади. Нархларнинг бирламчи асоси харажатдир, нарх харажатдан паст бўлиши мумкин эмас, акс ҳолда зарар кўрилади ва ҳеч ким зарарига ишлашни хоҳламайди. Нарх товарни нафлигига ҳам боғли, аммо нархнинг юқори чегараси ҳам борки, бу харид қобилияти бўлиб, нарх бундан юқори бўлмайди. Шу чегарада талаб ва таклиф тенглашган шароитдаги мувозанотли нархлари амал қиладики, буларни эркин рақобатли бозор шакиллантиради. Бу нархлар ҳаммага маъкул бўлганида уларadolатли ҳисобланади. Бирок бозорда монопол нархлар ҳам борки, булар бозор хокимияти монополиялар зўровонлиги маҳсули бўлиб монопол файда олишга хизмат қилади,adolatsiz ҳисобланади . Нархлар бозор сигнали бўлганидан унга ҳамма мослашиб бориши талаб қилинади.

Рақобат қонуни ҳам борки бу иқтисодиёт субъектлари ни ўз манфати йўлида ўзаро кураши муқарарлигини билдиради. Аммо субъектлар манфати тўқнашмаган аксинча уйғунлашган жойда партнёрлик келиб чиқади. Шу важдан рақобат ҳаммани ҳаммага қарши кураши эмас, балки бирхил, турдош ва ўринбосар товарларни яратувчилар ва шундек хизматларни кўрсатувчиларнинг ўзаро курашувидир. Рақобат майдони бозор бўлиб бу ерда шундай тартиб ўрнатилганик ўзаро кураш бозорда этироф этилган усуллар билан ва ҳалол бўлиши зарур, бунга ҳамма бозор иштирокчилари амал қилишлари талаб қилинади. Аммо бу мукаммал ва номукаммал рақобатда турлича кечади.

Рақобат иқтисодиётни ривожлантирувчи куч ҳисобланади, чунки рақобатга ғолиб келиш учун яхши ишлаш керак бўлади. Рақобат

ишибилармонларни таңлаб олади, укувсизларни суреб чиқаради, бу билан селектив таңлов амалга ошади.

Аммо бунинг учун қулай ракобат мухити талаб этилади ва бу иқтисодиётнинг либераллик даражасини юкори бўлишини билдиради

Иқтисодиёт субъектларнинг биргаликда ва умумий фаолияти миллӣ (макро) иқтисодиётни юзага келтиради. Бу миллӣ ресурсларга таянади, миллӣ манфатларга хизмат килади. Унинг ўсиши реал ЯИМ кўпайиши билдиради. Иқтисодий ўсиш ресурс талаб ва ресурс тежам типларга ажралади. Ресурсталаб ўсиш ЯИМни ресурслар сарфини кўпайиши ҳисобига ўсишини билдиради. Ресурстежам ўсиш эса ресурсларни авайлаб ишлатиш йўли билан ЯИМни кўпайтиришни билдиради. Иқтисодий ўсиш самарадорлиги баҳолангандага ресурслар сарфини ўсиши, ЯИМ ўсиши билан қиёсланади.

Бозор иқтисодиёти рискли иқтисодиёт, у циклли бўлиб, тўлқинсимон ривожланади, бир кўтарилиб бир пасайиб туради. Циклли ўсиш иқтисодиётда рецессия холатини юзага келтиради ва бунинг асл сабаби бозордаги жами талаб ва жами таклиф нисбатининг бузулиши бўлиб, буни бозор конунларини ўзи яратади, лекин ундан чиқиб иқтисодиёт юксалиш босқичига ўта олади.

Рецессия кризис бўлиб иқтисодий тангликини билдиради ва буни тақрорланиб туриши иқтисодий хавфсизликни таъминлашни заруриятта айлантиради ва бу иқтисодиёт ички ва ташқи таҳдидлардан ўзини ҳимоя қилишга қодирлигини билдиради.

Пул иқтисодиётда улкан кучга эга бўлганидан бу ерда пул сектори юзага келадики бу пул оқимлари ҳаракатини-молияни билдиради, бунда фирма, корхона ташкилот, хонадон, давлат ва халқаро ташкилотлар қатнашади. Иқтисодиётни пул билан таъминлашига ўз-ӯзини молиялаштириш, бюджетдан ва хомийлар молиялаштириши каби усуслар билан эришилади. Булар орасида ўззини ўзи молиялаштириш устуворлик қиласи, чунки бу иқтисодий мустақиллик ва эркинлик тамойилига асосланади. Энг катта пул ресурслари давлат молиясида бўлиб, бу бюджет ва бюджетдан ташқари фонdlардан иборат умуммиллий манфатларга хизмат қиласи.

Молия бозори фонд ва пул бозорларидан ташкил топади. Фонд бозори майдага пулларни бирлаштириб улардан капитал ҳосил этиш, капитали демократиялаштириш, пул сохибларига қўшимча даромад келтириш, энг мухими капитални тақсимлаб, уни иқтисодиёт учун керакли соҳаларга жойлаштиришдек вазифаларни бажаради.

Пул бозори – кредит ва валюта бозори бўлиб, иқтисодиётни қўшимча пул билан таъминлайди, у бўш турган пулларни зарур бўлган соҳаларга юборади. Кредитнинг ўз тамойиллари бўлиб, бунга хамма амал қилиши шарт ҳисобланади. Кредит ишлаб чиқариши ва истемол учун берилиб, бу бозордаги талабни ошириб уни кенгайтиради, бу билан иқтисодий ўсишга хизмат қиласи. Кредит хилма хил бўлсада,

бунда банк кредити етакчидир . Банклар – бу пул бизнеси билан шугуналанувчи фирма бўлиб, унинг иши мижозлар манфатини устивор қўйиш, рентабел ишлаш ва ликвидли бўлиш каби тамойилларга эгаки, бунга ҳамма банклар амал қилиши талааб қилинади.

Бозорнинг кучи унинг механизмини нечоғлиқ яхши ишлаб мувозанатларни таъминлаб туришидадир. Шундай бўлганда бозор лаёқатли бўлади. Аммо издан чиқиши, унда носозликлар бўлиши мумкин . Лаёқатли бозор мувозанотларни таъминлашга қодир бўлса, у лаёқатсизликка учраганда мувозанотлар бузулади. Бозор кучлари мувозанотларни бузиш ва кайта тиклашга қодирдир.

Жами талааб ва таклиф мувозаноти у бузулганда бозор механизми уни қайтадан ўрната олади. Бунга бозорга керакли товарлар маъкул нарҳда таклиф этилиб, ўзгарган талаабга таклиф мослашади.

Иқтисодиётни тартибга тушуришни жадаллаштириш учун бунда давлат фаол иштирок этади давлатнинг антициклик тадбирлари билан жами талааб ва таклиф мувозанат ҳолатига келтирилади. Давлатнинг тартиблаш фаолияти бозор лаёқатсиз ҳолатга кирганда анча кучаяди.

Бозор иқтисодиёти очиқ бўлганидан у халқаро иқтисодий алоқаларни заруриятга айлантиради булар эса савдо-сотик, капитал киритиш ва чиқариш, иш кучини халқаро миграцияси шаклига киради. Халқаро савдо-сотикини иқтисодиётдаги нисбий афзаллик қонуни тақоза этади, шароитга қараб экспорт ёки импортнинг афзаллигини билдиради. Халқаро алоқаларнинг ривожланиши интеграция ва глобализация жароёнларини ҳосил этади, миллий иқтисодиётлар бир-бирига боғланиб умуми ҳўжалик ҳосил этади, миллий иқтисодиёт жаҳон иқтисодиётининг кучли таъсирига берилади, унинг ривожланиши жадаллашади.

Иқтисодиётнинг ижтимойлиг кишилар фаровонлигини таъминлаш бўлиб бу вазифани бозор кучлари бажаради. Бироқ бозор кучлари фақат ишлаб бозор даромадини топишга қодир бўлганиларнинг фаровонлигини таъминлаб аҳолининг nochor қатламларини четда қолдиради, улар фаровонлигини имкониятларга қараб давлат ва турли хайри-эҳсон ташкилотлари таъминлайди бу билан фаровонликка оммавий тус беради. Иқтисодий фаровонликнинг хомили миллий фаровонлик фонди бўлиб бу ЯИМнинг асосий қисмидан иборатдир. Унинг таркибида аҳоли реал даромадлари асосий бўлиб индивидуал фаровонликни беради. Фаровонликни истемолни миқдори ва сифати, унинг модернизациялашуви, жамғаришнинг ўсиши ифодалайди. Иқтисодиётнинг ижтимойлигини мутлок ва нисбий даражаси фарқлантирилади. Мутлок даража – бу фаровонлик фондининг жонбошига миқдори бўлса, нисбий даража унинг ЯИМ хиссасидир. Бу хисса қанчалик катта бўлса, шунчалик иқтисодиётнинг ижтимойлиги юқори ҳисобланади, бунга давлатнинг кучли ижтимоий сиёсати воситасида эришилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Stewart James (1770). *An Inquiry into the Principles of Political Economy* p1.
2. Maslow A. H. Motivation and Personality. — New York: Harpaer & Row, 1954.
3. Г.М.Гукасъян. Экономика от “А” до “Я”. Тематический справочник. – М., 2010. –С. 248.
4. Mill, John Stuart. "On the Definition of Political Economy, and on the Method of Investigation Proper to It," London and Westminster Review, October 1836. Essays on Some Unsettled Questions of Political Economy, 2nd ed. London: Longmans, Green, Reader & Dyer, 1874, essay 5, paragraphs 38 and 48.
5. Robbins L. The Subject Matter of Economics. In: L. Robbins. An Essay on the Nature and Significance of Economic Science. Macmillan, 1935, ch.1, p.1–23. (Russ. ed.: Robbins L. Predmet ekonomicheskoi nauki. THESIS, 1993, Vol. 1, no.1. pp. 10-23).
6. Smith, Adam (1761). Theory of Moral Sentiments (2 ed). Strand & Edinburgh: A. Millar; A. Kincaid & J. Bell. Retrieved 26 May 2014.
7. Scott Huettel Professor of Psychology and Neuroscience. Economics: When Psychology and Economics Collide. The great courses Corporate Headquarters 4840 Westfelds Boulevard, Suite 500 Chantilly, Virginia. 2014.
8. Gigerenzer, Gerd; Selten, Reinhard (2002). Bounded Rationality: The Adaptive Toolbox. MIT Press. ISBN 978-0-262-57164-7.
9. Мировая экономическая мысль... Сквозь призму веков/коллектив авторов. Худокормов А.Г. и др. –Мысль, Москва, 2005, 5-том, 1-китоб, 346-бет.
10. Khan, Muhammad Akram. Islamic Economics: The State of the Art. In Readings in the Concept and Methodology of Islamic Economics, edited by Aidit Ghazali and Syed Omar, 49-68. Kuala Lumpur (Malaysia): Pelanduk Publications, 1989.
11. Б. Jo'raev (tarjimon) Islomiy moliyalar va bank tizimi falsafasi, tamoyillari va amaliyoti. Т.: «O'zbekiston» NMIU, 2014 у.
12. Раҳимов М. Суратли иқтисод. //Тамаддун. Тошкент. 2013-йил, 26-27,65- бетлар.
13. Лекция 3. Финансовая система США. Нозима Рахманкулова, CER, Uzbekistan
14. Hanke S., & Kwok, A. (2009) "On the Measurement of Zimbabwe's Hyperinflation", Cato Journal, 29 (2). Дата обращения 11 июля 2015.
15. The Economics book: big ideas simply explained, Niall Kishtainy, Consultant editor (p. 20). New York, first American edition, 2012

16. Toumanoff P.G. Theory of market failure – “Kuklos”, 1984, v.37, №4.
17. Менгер К. Основания политической экономии. Австрийская школа политической экономии. М., 1992. С.79.
18. Коуз Р. Фирма, рынок и право. М., 1993. С.14.
19. Хейне П. Экономический образ мышления. С.325.
20. "Protocol I to the Convention on the Protection of Human Rights and Fundamental Freedoms". Council of Europe. Article 1
21. Schindler, Robert M. (2012). Pricing Strategies: A Marketing Approach. Thousand Oaks, California: SAGE. pp. 1–3. ISBN 978-1-4129-6474-6.
22. Watson, J. B. (1913). "Psychology as the Behaviorist Views it". Psychological Review. 20 (2): 158–177. doi:10.1037/h0074428.
23. Araiba, Sho (June 2019). "Current diversification of behaviorism". Perspectives on Behavior Science. doi:10.1007/s40614-019-00207-0.
24. Kardes, F., Cronley, M. and Cline, T., Consumer Behavior, Mason, OH, South-Western Cengage, 2011 p.7
25. Kardes, F., Cronley, M. and Cline, T., Consumer Behavior, Mason, OH, South-Western Cengage, 2011 p.9; Sassatelli, R., Consumer Culture: History, Theory and Politics, Sage, 2007. p. 10
26. Elizabeth A. Minton; Lynn R. Khale (2014). *Belief Systems, Religion, and Behavioral Economics*. New York: Business Expert Press LLC.
27. Sandhusen, R. L., Marketing, 2000. Cf. S. 218
28. Economics: principles, problems and policies. Stanley L. Brue, Campbell P. McConnell, seventeenth edition, McGraw-Hill/Irwin New York, 2008. 362 бет.
29. Роберт Шер. Сильный средний бизнес: как справиться с семью основными препятствиями роста. // MightyMidsizedCompanies. How Leaders Overcome 7 Silent Growth Killers. - М.: Альпина Паблишер, 2016.- 248 с.
30. S Gulshan. Management Principles and Practices by Lallan Prasad and SS Gulshan. Excel Books India. pp. 6
31. Deslandes G., (2014), “Management in Xenophon’s Philosophy: a Retrospective Analysis”, 38th Annual Research Conference, Philosophy of Management, 2014, July 14–16, Chicago
32. Marketing definition approved in October 2007 by the American Marketing Association.
33. И.К. Беляевский. Маркетинговое исследование, Учебное пособие Руководство по изучению дисциплины, Практикум по курсу Учебная программа, Москва 2004.

34. Жан-жак Ламбен. Профессор Католического университета де Лова (Бельгия), СТРАТЕГИЧЕСКИЙ МАРКЕТИНГ Европейская перспектива, Перевод с французского, Санкт-Петербург "Наука", 1996
35. "Finance & Development". Finance & Development | F&D. Retrieved 2019-02-23.
36. "Petty impressive". The Economist. 2013-12-21. Retrieved August 1, 2015.
37. Dickinson, Elizabeth. "GDP: a brief history". ForeignPolicy.com. Retrieved 25 April 2012.
38. Denison E. "Исследование различий в темпах экономического роста". М., 1971 г., 550-552-betlar
39. Gruber, Jonathan (2005). Public Finance and Public Policy. New York: Worth Publications. Page 2
40. Jain, P S (1974). Economics of public finance.
41. Corporate Finance: First Principles, Aswat Damodaran, Stern School of Business, University of New York
42. "Personal Finance". Investopedia. Retrieved 7 April 2012.
43. Tahira, K. Hira (December 1, 2009). "Person Finance: Past, Present and Future". Social Research Research Network. University of Iowa - Department of Human Development and Family Studies: pp. 4-16.
44. Ariely, Dan (July 2009). "The end of a smart economy." Harvard Business Review. September 28, 2015.
45. <https://www.investopedia.com>
46. T.S.Malikov, P.T.Jalilov. "Byudjet-soliq siyosati". "Akademnashr" nashriyoti, 2011 yil, 5-bet.
47. Корасаева М.В. Бюджетное и налоговое право России. Политеческий Аспект; монография Москва,2000г ст 124-137.
48. Шаталов С.Д. Комментарий к Налогому кодексу Российской Федерации. ГОСТ первой. Москва,2000 г. Ст 39.
49. Malikov T. Haydarov H. Soliqning turi ko'pmi? Jamiyat va boshqaruv jurnali 2001yil 25-26 betlar.
- 50.(Суҳроб Махмудов), 30.04.2019 | Сои: №4(136)-2019.
51. Margarida Duarte & Diego Restuccia, 2010. "The Role of the Structural Transformation in Aggregate Productivity," The Quarterly Journal of Economics, Oxford University Press, vol. 125(1), pages 129-173.
52. Lewis, W.A. (1954) Economic Development with Unlimited Supply of Labor. Journal of the Manchester School of Economics and Social Studies, 22, 139-191.
53. "Healthy strangers." Probertencyclopaedia.com. Archived from the original on August 26, 2011.
54. R. O. Bucholz, Newton Key, Early Modern England, pp. 1485-1714, pp. 176.

55. "History of the Death Penalty". Public Information Service (PBS).
56. "England: Elizabeth - Poverty". BBC - History.
57. "British Social Policy, 1601-1948, July 24, 2007, archived on WebSite", Robert Gordon University, Aberdeen.
58. Макроэкономика: теория и российская практика. - М.: КНОРУС. 2004. - С.137-139.
- Мировая экономика. Под редакции А.С.Булгакова М.: Экономистъ, 2005.
59. Gao, Shangquan (2000). "Economic Globalization: Trends, Risks and Risk Prevention: 2000" (PDF)
60. Hasmath, Reza, ed. (2015). Policy of inclusive growth, development and prosperity: A critical evaluation. Routledge. Pages 2-3
61. Elena Ianchovichina and Susanna Lundstrom, 2009. "Inclusive Growth Analysis: Programs and Applications", Policy Research Working Paper Series 4851, World Bank
62. Джуманова Р.Ф. Аҳоли турмуш даражаси: кўрсаткичлари ва уни ошириш йўллари// Иқтисод фанлари номзоди олиш учун дисс. автореферати. –Т. 2008 – 11 б.
63. Амартия Сен. Развитие как расширение человеческого выбора, 1989.
64. Улмасов А, Вахобов А. Иқтисодиёт назарияси Т. «IQTISOD-MOLIYA» нашриёти, 2014.
- Интернетдан олинган маибалаар:**
65. <http://www.info.islom.uz>
66. <https://www.marketingpower.com/live/mg-dictionary.php>.
67. <https://www.wallstreetmojo.com/perfect-competition>.
68. <http://worldpopulationreview.com/countries/countries-by-gdp>
69. <https://tradingeconomics.com>
70. <https://tradingeconomics.com>
71. <https://www.heritage.org/index/>
72. <https://www.investopedia.com>
73. <http://biznes-daily.uz>.
74. <https://www.socialeurope.eu/>
75. <https://www.eurofound.europa.eu/>
76. <http://www.ampleharvest.org>
77. <http://www.usnews.com>
78. <http://www.povertyusa.org>
79. <http://www.povertyusa.org>
80. <https://ourworldindata.org>
81. <https://ourworldindata.org>

**АХМАД ЎЛМАСОВ
ДУРБЕК АХМЕДОВ
БОБУР ХОНТУРАЕВ**

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМ АСОСЛАРИ

Ўқув қўлланма

«IQTISODIYOT»— 2020

*Муҳаррир:
Камилова Д.Д.*

*Мусаҳдиқ:
Матхўжсаев А.О.*

*Техник муҳаррир:
Матхўжсаева Ш.Б.*

Лицензия А1 № 240 04.07.2017 й. Босишига руҳсат этилди 12.12.2020.
Коғоз бичими 60x84 1/16. “Times” гарнитураси. Офсет босма.
Шартли босма табобиғи 13,5. Адади 50 нусха. Буюртма №246.
Бахоси келишилган нарҳда.

“IQTISODIYOT” нашриёти ДУКниг матбаа бўлимида чоп этилди.
100066. Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 49-үй.

68.9.721

ISBN 978-9943-6365-7-6



9 789943 636576